

АФСУНГАРЛАР ТУҲФАСИ

ХИКОЯЛАР

Ваҳоб РЎЗИМАТОВ таржимаси


Тошкент
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«Ёш гвардия» нашриёти
1984

4703010100—93
P ————— 49—89
356(04)—49

ISBN 5—633—000198—2

© Издательство «Ёш гвардия», 1989

I



КИРЖАЛИ

Киржали асли зоти булғорлардан эди. Киржали турк тилида баходир, довюрак демакдир. Мен унинг ҳақиқий номини билмайман.

Киржали ўзининг талонлари билан бутун Молдавияни даҳшатга солиб қўйган эди. Унинг тўғрисида унча-мунча тушунча бериш учун кўрсатган жасоратларидан бирини ҳикоя қиламан. Бир куни кечаси арновут Михайлаки билан икковлари булғор қишлоғини босдилар. Улар қишлоқнинг икки томонидан ўт қўйиб юбориб, кулбадан кулбага ўта бошладилар. Киржали бўғизлар, Михайлаки ўлжаларни олиб чиқар эди. Икковлари: «Киржали! Киржали!» — деб қичқирдилар. Бутун қишлоқ тумтарақай бўлиб кетди.

Александр Ипсиланти галаён эълон қилиб, ўзига қўшин тўплай бошлаганида, Киржали унга бир неча кадрдон ўртоғини олиб келди. Этериянинг чинакам мақсадидан улар яхши хабардор эмас, аммо уруш уларга турклар ҳисобига, эҳтимолки, молдаванлар ҳисобига ҳам бойиб олиш имкониятини берадигандек — шуниси уларга муайяндек туйилар эди.

Александр Ипсиланти шахсан жасур, аммо ўзини шу қадар қизгинлик ва шу қадар эҳтиётсизлик билан чоғлаган иши учун зарур бўлган хусусиятлардан маҳрум эди, етакчилик қилиши керак бўлган одамларини бийлай олмасди. Улар ҳам унга на ҳурмат кўрсатар, на ишонар эдилар. Юнон ёшларининг гули ҳалок бўлган фалокатли жангдан сўнг, Иордани Олимбиоти унга четланишни маслаҳат бериб, ўрнини ўзи эгаллади. Ипсиланти от қўйганча Австрия чегараларига қараб кетди, у ердан туриб одамларига лаънатлар ёғдирди, уларни саркаш, кўрқоқ, ярамас деб атади. Ана шу кўрқоқ ва ярамас деган одамларнинг қўпчилиги ўзларини ўн баробар кучли душмандан довюрақлик билан ҳимоя қилиб, Секу монастири қўрасида ёки Прут соҳилларида ҳалок бўлди.

Киржали Георгий Кантакузиннинг отрядида эди. Бучинг тўғрисида ҳам Ипсиланти ҳақида айтилган гапларни такрорлаш мумкин. Скуляни бўсағасидаги жанг арафасида Кантакузин рус бошлиқлардан бизнинг карантинимизга ўтишга изн беришларини сўради. Отряд етакчисиз қолди; аммо Киржали, Саьянос, Кантагони ва бошқалар етакчининг ҳеч бир ҳожати йўқлигини кўрдилар.

Скуляни бўсағасидаги жанг чинакам таъсир тафсилотлари билан ҳеч ким томонидан тасвирланмаган шекилли. Ҳарбий санъат ҳақида тасаввурга эга бўлмаган ва ўн беш минг турк суворийлари қаршисида чекинаётган етти юз кишидан иборат арновутлар, албанлар, юнонлар, булғорлар ва ҳар хил қаланғи-қасанғиларни тасаввур қилиб кўринг. Прут соҳилига биқинган бу отряд Яссадаги ҳукмдор саройидан топиб олинган, одатда ақиқа зиёфатлари кезларида ўқ узиладиган иккита мўъжазгина замбаракни қарши кўйган эди. Турклар бажонидил картечь ишлатишлари мумкин эди-ю, русларнинг бошлиқларидан изн олмай туриб журъат эта олмадилар: картечь бизнинг қирғоққа ўтиб кетиши муқаррар эди. Ҳарбийда қирқ йил хизмат қилган карантин бошлиғи (ҳозир ҳаёт эмас) умри бино бўлиб ўқ товушини эшитмаган, энди худо буни унга насиб этган эди. Бир неча ўқ кулоқлари тагидан ғизиллаб ўтди. Чолнинг ғоятда аччиғи чиқиб, бунинг учун карантин ҳузурида турган Охот пиёда полкининг майорини койиб берди. Чорасиз қолган майор нариги бетиде далибошлар от ўйнатиб юрган дарё томон чопиб борди-да, уларга бармоғи билан пўписа қилди. Буни кўрган далибошлар шартта бурилиб жўнаб қолдилар, уларнинг орқасидан туркларнинг бутун дастаси ҳам жўнаб қолди. Бармоғи билан пўписа қилган майорни Харчевский дер эканлар. Унинг кейин нима бўлганини билмайман.

Бирок, эртасига турклар этеристларга бари бир хужум қилдилар. Картечь ҳам, ядро ҳам кўллашга журъат қилолмай, ўз одатларига хилоф ўларок, совук қурол билан иш кўришга қарор бердилар. Қаттол жанг бўлди. Ётагон билан қиришга тушдилар. Турклар томонда шу пайтгача уларда кўзга ташланмаган найзалар кўринди; бу найзалар русларга мансуб: уларнинг сафларида некрасовчилар жанг қилмоқда эдилар. Этеристлар, подшомизининг рухсатига кўра, Прутдан кечиб ўтиб, бизнинг карантинда яширинишлари мумкин эди. Улар кечиб ўта бошладилар. Кантагони ва Сафьянос турклар соҳилида ҳаммадан кейинда қолдилар. Бир кун яраланган Киржали карантинда ётарди. Сафьянос ўлди.

Ғоятда семиз бўлган Кантагони найза билан қорнидан яраланди. Бир қўли билан қиличини кўтариб, иккинчи қўли билан душман найзасига ёпишиб олди, найзани ўзига тортганича ичига чуқурроқ ботирди-да, шу тариқа қотилига қилнч солгач, у билан бирга кулаб тушди.

Ҳамма иш тамом бўлди. Турклар ғолиб чиқдилар. Молдавия халос этилди. Олти юзга яқин арновут Бессарабия бўйлаб таралиб кетди; улар нима қилиб кун кўришни билмасаларда, аммо, ҳар қалай, ҳомийлик кўрсатганлиги учун Россиядан миннатдор эдилар. Улар бекорчиликда ҳаёт кечирсалар ҳам бузуқлик қилмас эдилар. Уларни ҳамиша чала турклашган Бессарабиянинг қаҳвахоналарида узун-узун чубуқ чекаётган, кичкина финжонлардан қуюқ қаҳва хўплаётган ҳолда учратиш мумкин эди. Уларнинг каштали куртқалари ва чўққи тумшукли кизил кавушлари энди эскира бошлаган, аммо чачақдор скуфейкалари ҳамон кўнқайтириб кийилган, сербар белбоғлари остидан ётағон ва тўппончалари ҳамон қаққайиб чиқиб турар эди. Улардан ҳеч ким шикоят қилмасди. Ана шу ювошгина қашшоқ одамлар Молдавиянинг маълум ва машҳур клефтлари, шиддатвор Киржалининг ўртоқлари, унинг ўзи ҳам шуларнинг орасида эканлиги ҳеч кимнинг хаёлига келмас эди.

Яссада маъмурлик қилиб турган подшо бундан хабар топиб, сулҳ шартномаларига биноан русларнинг бошлиқларидан қароқчини топширишни талаб қилди.

Полиция қидиришга киришди. Киржалининг чиндан ҳам Кишинёвда эканлигидан хабар топдилар. Уни кечкурун қочоқ монахнинг уйида еттита ўртоғи билан қоронғида овқатланиб ўлтирганида ушлаб олдилар.

Киржалини қамаб қўйдилар. У ҳақиқатни яширмай, Киржали эканлигини эътироф этди. «Аммо,— дея қўшимча қилди у,— мен Прутнинг бу ёғига ўтганимдан бери бировнинг чўпига ҳам текканим йўқ, энг хароб лўлига ҳам озор бермадим. Турклар, молдаванлар, валахлар учун мен, албатта, қароқчиман, аммо руслар учун меҳмонман. Сафьянос кўлида бор картечни отиб бўлиб, биз турган карантинга келганида ўқ ўрнида отиш учун яраланганлардан тугма, мих, занжир, ётағонларининг сопларини йиғиб олдим-да, ёнимдаги йигирма бешликни бериб, пулсиз қолдим! Худо шоҳид, мен, Киржали садақа билан кун кечириб турган эдим! Энди мени руслар нима учун душманларимга топширмоқчи?» Шундан сўнг Киржали индамай қолди ва қисмати нима бўлишини кута бошлади.

Узоқ кутишига тўғри келмади. Қароқчиларга уларнинг

романтик нуқтаий назарларидан қарашга мажбур бўлмаган ва талабни ҳаққоний деб билган бошлиқлар Киржалини Яссага жўнатишни буюрдилар.

Ўша вақтларда номи чиқмаган бир амалдор, ҳозирги кунда эътиборли лавозимни эгаллаб турган оқил ва мурувватли одам менга унинг қандай жўнаб кетганини мароқ билан ҳикоя қилиб берди.

Қамоқхона дарвозаси олдида почта каруцаси турган экан... Эҳтимолки, сиз каруца нималигини билмассиз. Бу яқингача одатда олтита ёки саккизта дирдов от кўшиб келинган пастаккина, четанли арава. Мўйлабдор ва қўй тери папоқ кийган молдаван отлардан бирини миниб олганча дақиқа сайин кичқириб, қамчисини шарақлатар, отлари анчагина жадал билан йўртиб бораркан. Агар улардан биронтаси имиллаб қолгудек бўлса, бўралаб сўкканча чиқариб оларкан-да, тақдирини хаёлига ҳам келтирмай йўл устига ташлаб кетавераркан. Қайтишида худди ўша жойда, ям-яшил дашт бўйлаб ўтлаб юрган ҳолда топишига қатъий ишонаркан. Кўпинча шундай ҳам бўларканки, бир бекатдан саккиз отда чиққан йўловчи иккинчисига бир жуфт отда етиб келаркан. Ўн беш йил муқаддам шундай эди. Ҳозир руслашган Бессарабияда русча жабдуқ билан рус арава расм бўлган.

Қамоқхона дарвозасида 1821 йил сентябрь ойининг охириги кунларидан бирида ана шундай каруца гуараркан. Каруца атрофини енглари шалвираган, кавушларини судраб босган жухуд хотинлар, жулдур-жулдур ва ямоқ-ясқоқ либосдаги арнаутлар, шахло кўзли гўдақларини кўтариб олган хушқад молдаван аёллар ўраб олишибди. Эркаклар чурк этмас, хотинлар шавқ билан ниманидир кутар эмишлар.

Дарвоза очилиб, бир неча полиция офицери кўчага чиқибди; уларнинг орқасидан икки солдат кишанбанд Киржалини олиб чиқибди.

У ўттиз ёшлардаги кишининг дидини бераркан. Қорача юзининг чизиклари табиий ва шиддатвор. Бўйдор, яғриндор, умуман, вужудида одатдан ташқари жисмоний куч зухур этиб тураркан. Бошида дол қўйилган олачипор салла, хипча белига сербар белбоғ ўралган; либоси қалин кўк мовут долиман, тиззасигача тушган серкат кенг-қўлвор кўйлак ва кўркам кавушдан иборат. Кўриниши мағрур ва осуда экан.

Амалдорлардан бири, учтагина тугма осилиб турган нимдош мундирдаги қизил башара чол бурун ўрнидаги кип-қизил юмалоқ нарсага қалай бандли кўз ойнагини қўн-

дирибди-да, қоғозни ёзиб ушлаган кўйи молдаван тилида мингиллаб ўқий бошлабди. Ахён-ахёнда кишанбанд Киржалига кибр билан назар ташлаб қўяркан. Қоғоз, чамаси, ҳужжат унга дахлдор экан-да. Киржали унга диққат билан кулоқ солиб турибди. Амалдор ҳужжатни ўқиб бўлгач, уни буклабди-да, халойиққа пўписа билан ўшқириб, йўл бўша-тишни, каруцани берирокқа олиб келишни буюрибди. Киржали унга мурожаат қилиб, молдаван тилида бир неча оғиз сўз айтибди, овози қалтираб, юзи буришиб кетибди; йиғлаб юборибди-да, кишанларини шарақлатганича полиция амалдорининг оёғига йиқилибди. Чўчиб кетган полиция амалдори сапчиб тушибди; солдатлари Киржалини турғизиб қўймоқчи бўлган экан, аммо унинг ўзи туриб кишанларини ўнглабди-да, каруцага чиқиб боргач: «Ҳайда!»— деб қичкирибди. Жандарм унинг ёнига ўлтириши билан молдаван қамчисини шарақлатибди-ю, каруца йўлга тушибди.

— Киржали сизга нима деди ўзи?— деб сўрабди ёш амалдор полициячидан.

— У, биласизми, у мендан,— дея кула-кула жавоб берибди полициячи,— Килия яқинидаги болгар қишлоғида яшаётган хотини билан боласига ёрдам қилишимни сўради,— улар, унинг қасри тегиб, жабр чекишларини хоҳламасмиш. Тентак тоифа.

Ёш амалдорнинг ҳикояси менга қаттиқ таъсир қилди. Бечора Киржалига ачиндим. Анча вақтларгача унинг қисматидан мутлақо беҳабар юрдим. Бир неча йил ўтгачгина ўша ёш амалдор билан учрашиб қолдим. Биз ўтган ишлардан гаплаша кетдик.

— Ошнангиз Киржали қалай?— деб сўрадим мен.— Билмайсизми, у нима бўлди экан?

— Нега билмас эканман,— деди у ва менга шуларни гапириб берди:

Киржалини Яссага олиб борганларидан сўнг, подшога тақдим этибдилар, у уни қозикқа ўтқазिशга ҳукм қилибди. Қатли қандайдир байрамгача кечиктирибдилар. Вақтинча турмага қамабдилар.

Бандини етита турк қўриқлар экан (булар ҳам Киржалига ўхшаган қароқчи табиат, соддадил одамлар экан), улар уни ҳурматлар, гаройиб ҳикояларини барча Шарққа муштарак бўлган иштиёқ билан тинглар эканлар.

Сокчилар билан банди ўртасида яқин алоқа юзага келибди. Бир куни Киржали уларга шундай дебди: «Биродарлар! Менинг ўлимим яқин қолди. Ҳеч ким тақдирдан қочиб

кутулолмайди. Тез орада мен сизлар билан видолашаман. Сизларга ўзимдан бирон нарса ёдгор қилиб қолдирсам деган эдим».

Турклар лаққа ишонишибди.

— Биродарлар,— дея давом этибди Қиржали,— уч йил бурун марҳум Михайлаки билан қароқчилик қилиб юрган-нимда Ясса яқинидаги даштда бир қозон гальбина кўмиб қўйган эдик. На чора: ўшани ўзаро бўлишиб ола қолинглар.

Туркларнинг эси чиқиб кетаёзибди. Гап-сўз чуваб, ганимат бойлик кўмилган жойни қандай топишни ўйлаб қолишибди. Ўйлай, ўйлай, бизни Қиржалининг ўзи бошлаб борсин, деган қарорга келишибди.

Кеч кирибди. Турклар бандининг оёғидаги кишанларини олиб, қўлларини арқон билан танғишибди-да, уни олдиларига солганча шаҳардан даштга чиқиб кетишибди.

Қиржали уларни эргаштириб тепадан ўтганча тўппатўғри кетаверибди. Улар узок йўл юришибди. Ниҳоят Қиржали сербар тош олдида тўхтаб, кун юрак томонга қараб ўн икки қадам одимлаб борибди-да, депсиниб: «Шу ерда», дебди.

Турклар ишга тушишибди. Улардан тўрттаси ётагонларини суғуриб, қазишга киришибди. Учтаси пойлоқчилик қилибди. Қиржали тошга ўлтириб, уларнинг ишларини кузата бошлабди.

— Хўш, яқин қолдими?— деб сўрабди у.— Етай дедингларми!

— Йўқ ҳали,— дея жавоб беришибди турклар ва чунон ишга киришиб кетишибдики, қора терга ботишибди.

Қиржалининг сабри чидамай кетибди.

— Булар қандай одамлар ўзи,— дебди у.— Ер қазишни ҳам тузуккина билишмаса. Агар мен қазисам-чи, бу ишни бир зумда бажо келтирган бўлардим. Болақайлар, қўлларимни ечиб, менга ётагон беринглар.

Турклар ўйга чўмиб, маслаҳатлаша бошлабдилар.

— На чора?— деб шундай қарорга келишибди улар.— Қўлларини ечиб, унга ётагон бера қолайлик. Нимасидан кўрқамиз. У ёлғиз, биз еттитамиз.— Шу тариқа турклар унинг қўлини ечиб, ётагон беришибди.

Ниҳоят Қиржали эрки ўзига тегиб, қуролланиб олибди. Ўзини энди қандай тутиши керак эди!.. У чакконлик билан қазий бошлабди, соқчилар унга ёрдам беришибди... Қўққисдан у улардан бирининг кўксига ётагонни санчибди-да, шу кўйи қолдирганча белбоғидаги иккита тўппончасини суғуриб олибди.

Киржалининг икки тўппонча билан қуролланиб олганини кўрган қолмиш олтови тумтарақай қочиб кетибди.

Киржали ҳозир Ясса яқинида қароқчилик қилаётганмиш. Яқинда ҳукмдорга хат ёзиб, ундан беш минг лев талаб қилганмиш, тўлов ўрнида бажо этилмаса, Яссага ўт кўйиб, ҳукмдорга таҳдид солишини айтган экан, беш минг левни дарров етказишибди.

Қалай Киржали?

Лев ТОЛСТОЙ

БАЗМДАН СЎНГ

Мана, сизлар, одам нима яхшию нима ёмонлигини билмайди, ҳамма гап муҳитда, муҳит емиради, дейсизлар. Мен ўйлайманки, бутун гап тасодифда. Мана, мен ўзим тўғримда гапириб берай.

Барчамизнинг ҳурматимизга сазовор Иван Васильевич, шахсий камолатга эришиш учун аввало одамлар яшаб турган шароитни ўзгартириш зарур, деган мавзуда орамизда бўлиб ўтган суҳбатдан сўнг ана шундай гап бошлади. Аслида, ҳеч қайсимиз, нима яхшию нима ёмонлигини одам ўзи билмайди, деганимиз йўқ, аммо Иван Васильевичнинг суҳбат оқибатида туғиладиган фикрларга шу тариқа жавоб бериш ва ана шу фикрлар баҳонасида ўз ҳаётида содир бўлган воқеаларни ҳикоя қилиш одати бор эди. Кўпинча ҳикояга берилиб кетиб, ҳикоя қила бошлашига туртки бўлган сабабни унутиб қўяр, зотан самимият билан ҳаққоний ҳикоя қилар эди.

У ҳозир ҳам шундай қилди.

— Мен ўзим ҳақимда сўзлайман. Бутун ҳаётим, муҳит туфайли эмас, мутлақо бошқа нарса туфайли, ўзгача эмас, худди шундай бир йўсин касб этди.

— Нима сабабдан? — деб сўрадик биз.

— Бу узундан-узун узоқ қисса. Тушуниб олишларингиз учун, жуда кўп нарсани гапириб беришим керак бўлади.

— Бўлмаса гапириб бера қолинг-да.

Иван Васильевич ўйга толиб, бош чайқади.

— Ҳа,— деди у.— Бутун ҳаётим бир кеча, ёки тўғрироғи, бир тонг оқибатида ўзгариб кетди.

— Нима бўлган эди ўзи?

— Гап шуки, мен бировни қаттиқ севиб қолган эдим. Неча марталаб севиб қолганман-у, аммо буниси энг кучли севги эди. Ўтиб кетган гап; унинг қизларигача алақачон

узатилган. Бу Б... эди, ҳа, Варенька Б...— Иван Васильевич унинг фамилиясини айтди.— У эллик ёшида ҳам ғоятда барно эди. Аммо ёшлигида, ўн саккиз яшарлигида латофатли: бўйдор, хушқомат, назокатли, салобатли, айниқса, савлатли эди. Бошини сал орқага ташлаган кўйи, ўзини гўё бошқача кўрсатиши мумкин эмасдек, қоматини ҳамиша одатдан ташқари тик тутар, бу эса озғинлигига, ҳатто суяклари кўриниб туришига карамай, хушқомат, кўркам бу кизга қандайдир шоҳона киёфа бахш этардики, мафтункор шўх кўзлари ҳам, дудоклари ҳам ҳамиша хушчақчақ, ёқимтой жилмайиб турмаса, бутун вужудининг малоҳати бўлмаса, ана шу вазоҳати кишини ҳайқитириши мумкин эди.

— Иван Васильевич таъриф-тавсифини келтиришини қаранглар-а.

— Қанчалик таърифлаб-тавсифлаган билан, сизлар унинг қандай эканлигини тасаввур эта олишларингиз мумкин бўлган даражада тавсифлаб бериш қийин. Аммо гап бунда эмас: мен гапириб бермоқчи бўлган нарса қирқинчи йилларда юз берган эди. Ўша вақтларда мен вилоят университетининг студенти эдим. Билмадим, бу яхшими, ёмонми, ўша вақтларда бизнинг университетда ҳеч қандай тўғарақлар йўқ, ҳеч қандай назариялар бўлмас, биз шунчаки ёш-яланглар эдик, ёшликка хос ҳаёт кечирардик: ўқирдик, хушчақчақлик қилардик. Мен жуда қувноқ, шўх йигит эдим, бадавлат ҳам эдим. Учқур йўрғам бор эди, ойимқизлар билан тепалиқдан яхмалак отардим (ҳали коньки расм бўлмаган эди), ўртоқларим билан айш қилардим (биз у вақтларда шампанскоедан бошқа нарса ичмасдик; пулимиз бўлмаса — ҳеч нарса ичмай қўяқолар, аммо ҳозиргиларга ўхшаб арақ ичмас эдик). Кўнглимни хушлайдиган асосий нарсаларим — кечалар ва баллар эди. Яхшигина рақсга тушардим, киёфам ҳам бадбуруш эмас эди.

— Бе, камтарликни кўйсангиз-чи,— дея унинг гапини бўлди ҳамсуҳбат аёллардан бири.— Ахир биз сизнинг дагерротип¹ портретингизни кўрганмиз-ку. Бадбурушлик у ёқда турсин, сиз кўркам киши бўлгансиз.

— Кўркам бўлсам бўлгандирман, бироқ гап бунда эмас. Гап шундаки, ўша кизни қаттиқ севиб қолган кез-

¹ Дагерротип — кумушланган металл тахтачадаги позитив фото тасвир, ҳозирги фотонинг салафи.

ларим масленицанинг охирги куни, хушфёъл, меҳмоннавоз бадавлат камергер чол, губерния пешвосининг уйида ўтказилган балда бўлган эдим. Меҳмонларни унинг ўзига ўкшаган хушфёъл, сочига брильянт фероньерни қадаган, духоба июс кўйлакли, худди Елизавета Петровнанинг портретларидагидек оппок, лўппи, қаримсиқ елкалари ва кўкси очик хотини қабул қилмоқда эди. Бал жуда-жуда гаройиб: айлана болоҳонали зал ажойиб, музикачилар— ишқибоз помешчикнинг ўша вақтда таърифи кетган крепостнойлари, буфет — жуда соз, шампанское деганингиз дарё бўлиб оқиб турибди. Зотан, шампанскоеге ўч бўлсам ҳам ичмадим, негаки, шаробсиз ҳам ишқдан маст эдим, аммо йиқилиб қолгудек бўлиб рақсга тушдим — кадрилга ҳам, вальсга ҳам, полькага ҳам, албатта, энди барчасига имкони борича Варенъка билан бирга тушдим. У пушти белбоғли оқ кўйлақда, нафис оқ кўн қўлқоп кийган, қўлқопи туртиб чиққан озғин тирсакларига етиб бораёзган, оёқларига оқ салон шиппак кийган эди. Мендан мазуркани илиб кетишди: қилиғи совуқ инженер Анисимов — бу ишини ҳалигача ҳам кечира олмайман, — уни кириб келиши биланок таклиф қилиб қўйган экан, мен эса қўлқопимни олиб чиқиш учун сартарошхонага кириб, кечикиброқ келган эдим. Хуллас, мен мазуркага у билан эмас, илгари унча-мунча мулозамат қилиб юрганим бир немис қиз билан тушдим. Аммо, ўша кеча унга нисбатан анча такаллуфсизлик қилдим, деб кўркаман, у билан гаплашмадим, унга қарамадим, мен пушти белбоғли оқ кўйлақдаги бўйдор, ҳушқомат кимсанинг қадини, унинг нимпушти тус олиб порлаб турган, кулгичли юзи ва ёқимтой, маъсум кўзларинигина кўрардим. Ёлғиз менгина эмас, унга ҳамма ҳам қарар, ҳамма ҳавас билан боқар эди, буларнинг барчасини йўлда қолдириб кетган бўлса-да, эркаклар ҳам, аёллар ҳам унга суқланиб боқар эдилар. Суқланмаслик мумкин эмасди.

Мазуркага, чунончи, расман у билан тушмаган бўлсам-да, аммо аслида доимо қарийб у билан рақсга тушдим. У тортинмасдан бутун зал орқали тўппа-тўғри менга қараб келарди, мен унинг таклиф қилишини кутиб ўлтирмасдан сапчиб ўрнимдан турардим, фаҳмлилигим учун у табассум билан миннатдорчилик билдирарди. Бизларни унинг олдига олиб борганларида у менинг салоҳиятимни идрок этмаса, қўлини бошқага узатиб, озғин елкаларини қисган кўйи ўкинч ва таскинини изҳор этгандек, менга жилмайиб кўярди. Мазурка муқомлари вальс йўсинида ижро эти-

ладиган кезларда мен у билан узоқ вальсга тушардим, у эса ҳансирай-ҳансирай жилмайган кўйи менга: «Епсове»¹ дерди. Мен ҳам қайта-қайта вальсга тушардим, танамнинг вазминлигини ҳам сезмасдим.

— Ия, нега сезмас экансиз, ўйлайманки, белидан кучганингизда ўзингизнинг танангизни эмас, унинг танасини ҳам жуда яхши ҳис қилган бўлишингиз керак.

Иван Васильевич бирдан дув кизариб, жаҳл билан қичкириб юбораёзди:

— Ҳа, сиз, ҳозирги ёшлар шундайсизлар-да. Сизлар танадан бошқа ҳеч нарсани кўрмайсизлар. Бизнинг замонамизда бундай эмасди. Уни нечоғлик каттик севсам, у мен учун шу қадар ҳавойи бўлиб борарди. Ҳозир сизлар оёқ, тўпик ва яна нималарнидир кўрасизлар, севиб қолган аёлларингизни фикран ечинтириб кўрасизлар; мен учун эса, Alphonse Karr² айтганидек,— яхши ёзувчи эди,— маҳбубамнинг узорида ҳамиша тунд либос бўлар эди. Биз, ечинтириш у ёқда турсин, Нухнинг қобил фарзандига ўхшаб, яланғоч танни кўздан яширишга тиришардик. Бе, сиз тушинармидингиз...

— Унинг гапига қулоқ солманг. Шундан кейин нима бўлди?— дедик биримиз.

— Ҳа, Шу тариқа яккаш у билан рақсга тушиб, вақт ўтиб кетганини ҳам пайқамабман. Музикачилар энди, биласизлар, базмнинг охирига борганда шундай бўлади, ҳоргинликка хос аллақандай зўр билан ҳамон ўша мазурка оҳангини давом эттирмакда, меҳмонхоналарда қарта столларида ўлтирган отахонлар ва онахонлар кечки овқатни кутиб ўринларидан турмоқда, малайлар нималардир кўтарган ҳолда ўқтин-ўқтин чопиб ўтмоқда эдилар. Соат иккидан ошган. Ғанимат дақиқалардан фойдаланиб қолиш керак эди. Мен яна танладим-да, биз юзинчи марта зал бўйлаб айлана кетдик.

— Шундай қилиб, овқатдан кейинги кадрий меники-я?— дедим уни жойига кузатиб қўярканман.

— Албатта, агар мени олиб кетиб қолишмаса,— деди у жилмайиб.

— Мен йўл қўймайман,— дедим.

— Елпигичимни беринг,— деди у.

¹ «Яна».

² Альфонс Карр.

— Бергани кўзим киймаётибди, — дедим мен, арзонгина оқ елпигични узатарканман.

— Мана олинг, ачиниб юрмаслигингиз нун, — деди у, елпигичдан патча юлиб олиб менга бераркан.

Мен хурсандгина, мамнунгина эмас, бахтиёр, девонавор, хушўнгил эдим, мен — мен эмас, ёмонликдан беҳабар ва яхшиликкагина қодир аллақандай самовий жон эгаси эдим. Патни қўлқопимга яшириб, ундан узоқлашишга ожиз ҳолда туриб қолдим.

— Қаранг, папамдан рақсга тушишни сўраётибдилар, — деди, остонада мезбон бека ва бошқа хонимлар билан турган бўйдор, хушқомат, кумуш эполетли полковник отасини кўрсатиб.

— Варенька, бу ёққа келинг, — деган баланд овозини эшитдик брильянт ферёньеркали, елизаветавор елкали мезбон беканинг.

Варенька эшик томон борди, орқасидан мен ҳам бордим.

— Отангизни ўзингиз билан бир айланиб келишга кўн-дириг, *matche*¹. Қани, мумкин бўлса, Петр Владиславич.

Вареньканинг отаси жуда кўркам, хушқомат, бўйдор, тароватини йўқотмаган чол эди. Юзи ўта қизғиш, *la Nicolas*² оқиш мўйлаби буралган, бакенбардлари ҳам мўйлабига туташа келган, чакка сочлари олдинга таралган, худди қизига ўхшаб унинг ҳам чакноқ кўзлари ва табларида ўшандай ёқимтой хушчақчақ табассум ўйнаб турар эди. Қадди-қомати хушбичим, ҳарбийчасига қалқиб турган, бир нечагина орден безаган кенг кўкси ўмровдор, яғриндор, оёқлари тик, узун эди. У николайча таомилдаги хизматига ихлосманд эски ҳарбий бошлиқлардан эди.

Биз эшикка яқинлашганимизда, полковник рақс тушиш эсидан чиқиб кетганини айтиб, кўнмадию аммо ҳар қалай, жилмайганча, қўлини чап томонга ёзиб, қиличини портупеясидан чиқарди-да, сертавозе йигитга берди, ўнг қўлига ағдарма қўлқопини кийиб, — «Ҳаммаси қоидага биноан бўлиши керак», — деди жилмайиб, сўнг қизнинг қўлини тутиб, ним бурилганча зарб янграшини кутиб турди.

Мазурка оҳанг бошланган ондаёқ бир оёғи билан шўх депсиниб, иккинчисини кўтарди-да, бўйдор, вазмин гавдаси

¹ Азизим, жоним.

² Николай I нинг мўйлабига ўхшаган.

гоҳ оҳиста ва мулойим, гоҳ сершовкин ва жўшқин тарзда, оёқларини бир-бирига урган, тапир-тупур тепинган ҳолда зал бўйлаб айлана кетди. Қадди жозибали Варенька унинг ёнида сезилар-сезилмас сузиб борар, оқ селон шиппак кийган жажжи оёқлари айни вақтда одимларини узайтирар ёки қисқартирар эди. Бутун зал икковларининг ҳаракатларини кузатарди. Мен уларга ҳавас билан боқибгина қолмасдан, завқ-шавқдан меҳрим товланиб борарди. Менга айниқса отасининг тагидан тасма тортилган этиги, бузоқ терисидан тикилган, янги расм бўлгандек тумшуғи учли эмас, эскича — тумшуғи чорбурчак, пошнасиэ этиги ёқарди. Афтидан, этикни батальон этикдўзи тикиб берган. «Севикли кизини ясантириш ва киборлар оламига олиб киқиш учун у янгича этик сотиб олмай, қўлбола этик кийиб юраркан», деб ўйлардим мен, шу тарика этигининг ўша чорбурчак тумшуклари менга жуда ҳам ёқарди. Унинг бир вақтлар ажойиб тарзда раксга тушганлиги кўриниб турар, аммо энди вазминлашиб қолган оёқлари ижро этишга уринган ўша барча чиройли ва шахдам па¹ларга унча қовушиб кела қолмас эди. Аммо у, ҳар қалай икки карра айланиб келди. Оёқларини чаққонлик билан кериб, яна жуфтлаштиргач, гарчи залворлироқ бўлса-да, тиззаси билан чўккаланганидан сўнг, кизи унга илашиб қолган қўйлагини тузата-тузата жўлмаган кўйи атрофидан хиром билан айланаркан, ҳамма баралла қарсак чалиб юборди. Отаси ўрнидан базўр туриб, кизини меҳрибон, мулойим йўсинда қўллари билан қулоқларидан босиб тутганча пешанасидан ўпди-да, уни мен билан раксга тушаётибди деб ўйлаб, мен томонга етаклаб келди. Унинг кавалери мен эмаслигимни айтдим.

— Бе, бари бир, энди у билан сиз айланиб келинг,— деди отаси мулойимгина жилмайиб, қиличини портупеясига тақаркан.

Одатда шишадан тушган биринчи томчидан сўнг ундаги суюқлик шариллаб қуйилгани каби қалбимдаги Варенькага бўлган севгим дилимдаги сева олишдек пинҳоний салоҳиятимга бус-бутун эрк бахш этди. Мен ўшанда ўз севгим билан бор жаҳонни қучган эдим. Мен елизаветавор қоматли, фероньеркали мезбон бекани ҳам, унинг эрини ҳам, меҳмонларини ҳам, малайларини ҳам, ҳатто менга ўшшайётган инженер Анисимовни ҳам севардим. Хонаки этик кийган, кизига ўхшаб ёқимт¹ли жилмайдиган отасига нисбатан

¹ Па — раксда оёқнинг махсус ҳаракати.

ўшанда кўнглимда қандайдир шавкли, самимий туйғу туйилган эди. Мазурка тугади, мезбонлар меҳмонларни овқатга таклиф қилдилар, аммо полковник Б. кўнмай, эртага барвақт туриш кераклигини айтиб, мезбонлар билан хайрлашди. Мен, қизини олиб кетиб қолса-я, деб кўрққан эдим, аммо у онаси билан қолди.

Овқатдан сўнг мен у билан ваъда қилинган кадрилга тушдим, ўзимни беҳад бахтиёр сезаётгандек бўлишимга қарамай, бахтиёрлигим ошгандан ошиб борарди. Биз севги тўғрисида ҳеч бир гаплашмас эдик. Мен на ундан, ҳатто на ўзимдан у мени севиш-севмаслигини сўрардим. Менга ўни севишимнинг ўзи кифоя эди. Мен бир нарсадангина, нимадир бахтимга рахна солиб қўймасин, деб кўрқардим. Уйга қайтиб келиб, ечингач, ётиб ухлашни ўйларканман, бу нарсанинг мутлақо «нимкони йўқ эканлигини кўрдим. Қўлимда унинг елпигичидан олинган пат ва бутун бошли қўлқопи қолган эди. Бунга у жўнаб кетаётганида, мен аввал онасини, кейин уни каретага чиқариб қўяётганимда берган эди. Мен бу буюмларга қараб, кўзимни юммасданок, унинг икки кавалердан бирини танлаб, менинг салоҳиятимни пайқагач: «Фурур дерсиз-а?»— деган ёқимли овозини эшитган пайтимни ва у қувонч билан менга қўлини узатган онни ёки кечки овқат вақтида шампанское қуйилган қадаҳни лабларига тегизаркан, менга ер остидан эркаловчи назар ташлаган дақиқаларини кўз ўнгимда аён тасаввур этаман. Бирок, ҳаммадан кўпроқ уни отаси билан бирга, унинг атрофида хиром қилиб, ўзидан ҳам, отасидан ҳам фахрланган ва қувонган кўйи, ҳавас билан боқаётган томошабинларга тикилган кезларини тасаввур этаман. Менда беихтиёр равишда отаси ва қизига нисбатан баб-баравар меҳрибон, самимий туйғу пайдо бўлади.

У вақтларда марҳум акам билан ёлғиз турардик. Акам умуман киборлар дунёсини ёқтирмас, балларга бормас, худди шу пайтда эса кандидатлик имтиҳонига тайёрланмоқда, жуда тўғри ҳаёт кечирмоқда эди. У ухлаётган экан. Юзини ёстиққа қўйганча, пахмоқ кўрпадан боши ярим очик ҳолда ётганини кўрарканман, унга меҳрим товланиб ачиндим, мен баҳраманд бўлган улкан бахтдан беҳабарлигидан ва маҳрум қолаётганлигидан ачиндим. Қўлида шам билан кутиб олган крепостной малаймиз мени ечинтириб қўймоқчи эди, унга жавоб бериб юбордим. Тўзғинган пахмоқ сочи билан уйқу босган юзи менга ёқимли таъсир қилди. Шовқини кўтармасликка тиришиб, оёқ учида хонамга ўтиб бордим-да, ўрнимга ўлтирдим. Йўқ, мен беҳад бахтиёр эдим,

ухлай одамас эдим. Қолаверса, ўт ёқилган хоналарда иссиқлаб кетдим, мундиримни ечмай дахлизга ўтиб шинелимни кийдим, ташқари эшикни очдим-да, кўчага чиқдим.

Балдан сўнг тўртлардан ошганда чиққан бўлсам, то уйга етиб келиб ўлтирган кўйим яна икки соат вақт ўтганки, хуллас, ташқарига чиққанимда тонг оқариб қолган эди. Об-ҳаво масленицага жуда боп, туман тушган, йўлларда пилчиллаб қолган қор эримоқда, ҳамма томлардан чакиллаб сув томмоқда эди. Б.— лар ўша кезлари шаҳар ёқасидаги бир томонида — сайргоҳ, иккинчи томонида — қизлар институти жойлашган катта яланглик яқинида яшар эдилар. Мен хувиллаган тор кўчамиздан ўтиб, катта кўчага чиқиб бордим; у ерда пиёда ўткинчилар, ўтин ортилган ченалари кўчанинг тошигача ботиб бораётган киракашлар учрай бошлади. Ялтироқ дўға остида нам бошларини бир маромда чайқаб кетаётган отлар ҳам, чипта ёпинган кўйи ченалари ёнида баҳайбат этиклари билан шалп-шулп одимлаб бораётган киракашлар ҳам, кўча бўйлаб туман кўйида жуда баланд кўринаётган уйлар ҳам — барчаси менга жуда ёқимли ва маънодор туюларди.

Уларнинг уйлари жойлашган ялангликка чиқиб борганимда этакда сайргоҳ томон кетаётган қандайдир каттақон қора шарпани кўрдим ва ўша ёқдан келаётган флейта ҳамда барабан товушларини эшитдим. Қалбим узлуксиз куйлаб турар, аҳён-аҳёнда қулогимга мазурка оҳанги эшитилиб қолар эди. Аммо бу аллақандай ўзгача, қаҳрли, нохуш музика эди.

«Бу нима бўлди экан?»— деб ўйладим ва яланглик ўртасидан тушган сирғанчиқ йўл бўйлаб, товуш келаётган томон қараб кетдим. Юз кадамча юргач, туман оша кўпданкўп одамларнинг қора шарпаларини илғай бошладим. Солдатлар бўлиши керак. «Машқ шекилли», деб ўйладим ва олдимда нимадир кўтариб кетаётган яғир, калта пўстинли, фартукли темирчи билан бирга яқинроқ бордим. Бир-бирларига юзма-юз қатор сафга тизилган қора мундирли солдатлар милтиқларини оёқлари ёнига қўйганча қимирламай турардилар. Уларнинг орқасида турган барабанчи билан флейтачи яккаш ўша ёқимсиз, чинқирик кўйни такрорларди.

— Улар нима қилишяпти?— деб сўрадим темирчидан.

— Қочган татарни тиркиратишяпти,— деди жаҳл билан темирчи, сафнинг этак томонига тикиларкан.

Мен ҳам ўша тарафга қараб, саф ўртасидан мен томонга қараб келаётган қандайдир дахшатли нарсани кўрдим. Мен томонга яқинлашаётган — белигача ~~ялашочланиб~~ икки

солдатнинг милтиғига боғланган ва улар олиб келаётган одам эди. Унинг ёнида келаётган шинель ва фуражка кийган бўйдор ҳарбийнинг қадди-қомати менга танишдек кўринди. Жазоланувчи пилчиллаган қорни шалп-шулп босганча икки томондан тушаётган калтаклар зарбидан бутун танаси силтанган кўйи мен томон келмоқда; гоҳ чалқанчасига кетар — бунда милтиққа боғлаб олиб келаётган унтер-офицерлар уни олға қараб ниқташар, гоҳ мункиб кетар — бунда эса унтер-офицерлар уни йиқилиб тушмаслиги учун орқага силташар эди. Ундан бир қадам ҳам ортда қолмай, солланиб, қатъий одимлаганча бўйдор ҳарбий келмоқда эди. Бу — қизнинг отаси, ўша қизғиш юзли, оқиш мўйлабли ва бакенбардли киши эди.

Ҳар бир калтак тушганда жазоланувчи худди таажжубланаётгандек изтиробдан бужмайган юзини, зарба тушаётган томонган бурар, оппоқ тишлари тиржайганча, яккаш, аллақандай сўзларни такрорлар эди. Мен бу сўзларни у жуда яқинлашиб келганидагина эшитдим. У гапириб эмас, пиқиллаб: «Биродарлар, шафқат қилинглар», дерди. Аммо биродарлари шафқат қилмас эдилар, келаётганлар худди рўпарамга етганда қаршимда турган солдатнинг шахт билан олдинга бир қадам ташлаб, калтакни ғизиллатиб туширганча татарнинг яғринига шалпиллатиб аччиқ ургангани кўрдим. Татар олдинга қараб силтанди, аммо унтер-офицерлар уни тутиб қолдилар, худди шундай зарба яғринига бериги томондан бориб тушди, яна нариги томондан келиб, яна бериги томондан бориб тушди. Полковник унинг ёнгинасида келмоқда, гоҳ оёқлари остига, гоҳ жазоланувчига кўз ташлаб, лунжларини кўпчитганча нафас олар, сўнг дўрдайган лабларидан аста-секин нафасини бўшатар эди. Келаётганлар мен турган жойдан ўтиб кетгач, саф оша жазоланувчининг яғринини кўриб қолдим. Бу шу қадар олачипор, яшиқ, кип-қизил, ғайритабиий нарса эдики, одам боласининг яғрини эканлигига ишонгим келмади.

— Ё, парвардигор,— деб юборди ёнимда турган темирчи.

Сазойи йироқлаша бошлади, қоқилиб-суқилиб, ғужанак бўлиб кетаётган одамга ҳамон ўша-ўша кўйи икки томондан зарба тушар, ҳамон ўша-ўша кўйи барабан дупурлар, флейта чийиллар, ҳамон ўша-ўша кўйи бўйдор, хушқомат полковник жазоланувчининг ёнида кескин одимлаб борар эди. Бирдан полковник тўхтаб, шахт билан солдатлардан бирига яқин келди.

— Мен сенга чалғитишни кўрсатиб кўяман,— деган

қахрли овозини эшитдим унинг.— Яна чалғитасанми? Чалғитасанми?

Мен татарнинг яшиқ ягринига калтакни залворсизроқ туширгани учун у паст бўйли, ирвоққина хуркак солдатни ағдарма қўлқопли бақувват қўли билан урганини кўрдим.

— Янги шпицрутенлардан келтиринглар!— дея қичқирди у аланглаганча ва мени кўриб қолди. Гўё мени танимайдиғандек шиддат ва ғазаб билан шумшайиб, шартта бурилиб олди. Мен шу қадар изза бўлиб кетдимки, худди ғоятда бир уятли қилгулик устида қўлга тушиб қолгандек ерга қараб, уйга жўнашга ошиқдим. Бутун йўл бўйи гоҳ қулоқларим остида барабаннинг дупурлаши ва флейтанинг чийиллаши янгради, гоҳ: «Биродарлар, шафқат қилингла», деган сўзлар эшитилиб турди, гоҳ: «Яна чалғитасанми? Чалғитасанми?»— деб қичқираётган полковникнинг кибрли, қахрли овози келаётгандек бўлди. Бу орада юрагимда қарийб аён-ошкор, ўқчитиб юборгудек ҳасрат пайдо бўлган эдики, кета туриб бир неча марта тўхтаб қолдим, назаримда ана ўша кўрганларим оқибатида кўнглимни чулғаган ўша барча даҳшатни қайтариб ташлай-қайтариб ташлай дегудек бўлмоқда эдим. Уйга қандай етиб бориб, ётиб қолганимни ҳам эслолмайман. Аммо кўзим илиниши билан яна барчаси қулоғимга кириб, кўзимга кўриниб, сапчиганча ўрнимдан туриб кетардим.

«Афтидан, у мен билмайдиган бир нарсани билади шекилли,— деб ўйладим мен полковник тўғрисида.— Агар мен у билган нарсани билганимда, кўрган нарсамни тушунган бўлардим, бу нарса мени қийнамаган бўларди. Аммо нечоғли ўйламай, полковник биладиган нарсани ҳеч тушунолмадим, фақат кечга яқин, шунда ҳам, ошнамникига бориб, у билан ўлардек ичиб маст бўлиб келганимдан кейингина уйқуга кетдим.

Хўш, мени ўшанда кўрганларини ёмон иш деб топган, дерсизлар? Мутлақо ундай эмас. «Модомики, бу иш шу қадар ишонч билан амалга оширилган, уни барча зарур деб билган экан, бинобарин улар мен билмайдиган қандайдир нарсани билганлар», деб ўйлардим мен ва бу нарсани билиб олишга уринардим. Аммо нечоғли уринмай — бу нарса нималигини кейинчалик ҳам билиб ололмадим. Билиб ололмаганимдан кейин илгари орзу қилганим ҳарбий хизматга киролмадим, ҳарбийдагина эмас, ҳеч қаерда хизмат қилмадим, кўриб турганларингиздек, ҳеч қаерга ярамадим.

— Ҳе, сизнинг қай тариқа ҳеч қаерга ярамаганингизни яхши биламиз,— дедик биримиз.— Яхшиси айтинг-чи, агар

сиз бўлмаганингизда қанчадан-қанча одам ҳеч қаерга ярамаган бўларди?

— Бе, буниси энди мутлақо бемаъни гап, — деди самимий ўқинч билан Иван Васильевич.

— Хўш, севгингиз нима бўлди? — деб сўрадик биз.

— Севгимми? Севгим шу кундан эътиборан заволга юз тутди. Кўпинча, қиз одатдагидек ё юзида табассум билан ўйга толгудек бўлса, дарҳол полковникнинг майдонда юрганини эслардим-да, қандайдир ноқулай ва нохуш аҳволга тушардим, шу тариқа у билан кам-кам учрашадиган бўлиб қолдим. Севгим ҳам шу тариқа барҳам топди. Ана, дунёда шундай ишлар бўладики, бунинг оқибатида одамнинг ҳаёти ўзгариб, бошқа йўриққа тушиб кетади. Ҳолбуки, сизлар бўлсаларингиз...! — дея ҳикоясини тугатди у.

Ясная Поляна.

1903 йил, 20 август.

Фёдор ДОСТОЕВСКИЙ

АЛОМАТ ОДАМНИНГ ТУШИ

О, барча нарса худди ўзимиздагидек, аммо ҳамма ерда аллақандай байрам ва ниҳоят эришишга муваффақ бўлинган буюк эзгу, тантана нашъаси барқ уриб турар эди. Латиф зумрад денгиз соҳилга оҳиста талпиниб, уни яққол, аён, қарийб бир онгли меҳр билан ўпарди. Бўйдор, ажиб дарахтлар бор кўркини тўкиб турар, уларнинг сон-саноксиз япроқлари эса, ишонч билан айтаманки, мени маъсум, осойишта шивирлари билан қутлаб, қандайдир муҳаббат сўзларини изҳор этмоқда эдилар. Чамандаги хушбўй гуллар алвон товланмоқда. Осмонда гала-гала бўлиб учиб юрган кушлар мендан ҳайикмай, елкам ва қўлларимга қўнар, ўйноқи, латиф қанотлари билан мени уриб-уриб қўяр эдилар. Ниҳоят, мен бу саодат юртининг одамларини кўриб, улар билан танишдим. Улар хузуримга ўзлари келдилар, атрофимни ўраб олиб, юз-кўзимдан ўпдилар. Қуёш болалари, ўз қуёшининг болалари, — о, улар қандай гўзал эди! Мен ўз еримизда инсон сиймосида бу қадар гўзалликни ҳеч қачон кўрган эмасман. Эҳтимолки, болаларимизнинг, уларнинг сабий гўдаклик йилларида бу гўзалликнинг йироқ, шунда ҳам заиф аксини топсак ажаб эмас. Бу бахтиёр одамларнинг кўзларида нур чақнарди. Уларнинг чехраларида ақл-заковат, аллақандай осудалик чулғаб олган шуур

барк урар, аммо бу чехралар хуррам, бу одамларнинг сўзлари ва овозларида болаларга хос кувонч янграр эди. О, мен уларнинг чехраларига нигоҳ ташлаган илк ондаёқ ҳамма нарсани дарҳол пайкаб олдим! Бу замин гуноҳлардан пок, унда гуноҳ қилмаган одамлар яшар, бутун башариятнинг ривоятига кўра, бизнинг гуноҳ қилган аждодларимиз яшаган жаннатдагидек яшар, тафовути шундагина эдики, бу ернинг замини бир текисда жаннат эди. Хуррам қаққақа отаётган бу одамлар атрофимда парвона бўлиб, мени эркалатардилар, улар мени ўз уйларига олиб кетдилар, ҳар қайсиси ҳам менга таскин бергиси келарди. О, улар мендан ҳеч нарсани суриштирмас, ҳамма нарсадан аллақачон воқифдек эдилар, менга шундай туюлди, улар менинг чехрамдаги изтиробга тезроқ барҳам беришни истар эдилар.

* * *

Биласизми, қайта айтаман: майли бу туш бўлган бўлса бўлақолсин! Аммо бу маъсум ва ажойиб одамларнинг меҳр-муҳаббат туйғуси қалбимда абадий қолди, ҳис қилиб турибманки, уларнинг меҳр-муҳаббати ҳозир ҳам ўша томондан менга ҳамон ёғилмоқда. Мен уларни кўзим билан кўрдим, уларнинг мавжудлигини идрок этиб, қаноат ҳосил қилдим, уларни севиб қолдим, кейинчалик улар учун дард чекдим. О, ҳатто ўша ондаёқ кўп жиҳатлардан уларнинг дилидагини мутлақо пайкаёлмаслигимни дарҳол тушундим; мендек бир замонавий рус тараққийпарвари била туриб, бизнинг фанимиздек фанга эга эмасликларининг сабабини тушунолмади. Аммо тез орада пайқадимки, уларнинг билимлари бизнинг ердагига қараганда бошқачарок, зеҳн-идрокдан озиқланар экан, мадад олар экан, уларнинг ҳавас-иштиёқлари ҳам мутлақо бошқача экан. Улар ҳеч нарса истамас, хотиржам эдилар, улар ҳаётни биз билиб олишга интилганимиздек, идрок этишга интилмас эдилар, чунки уларнинг ҳаёти тўқис эди. Аммо уларнинг билими бизнинг фанимиздан кўра чуқурроқ ва юксакроқ эди; чунки бизнинг фанимиз ҳаётнинг маъносини тушунтириш йўлларини қидиради, бошқаларни яшашга ўргатиш учун уни идрок этишга интилади; улар эса қандай яшашлари кераклигини фансиз ҳам билардилар, мен буни тушундим; аммо билимларини пайкай олмадим. Улар менга дарахтларини кўрсатишди, уларнинг ўз дарахт-

¹ Қискартириб босилмоқда.

ларига нечоғли меҳр билан қарашларини ҳам тушуниб етолмадим: гўё улар ўзларига ўхшаган жон эгалари билан сўзлашаётгандек эдилар. Биласизми, борди-ю, улар ўша дарахтлар билан сўзлашдилар, десам ҳам хато бўлмас! Ҳа, булар улар билан тил топишган, аминманки, дарахтлар ҳам буларни тушуниб турар эди. Улар бутун табиатга — жониворларга ҳам шундай қарар, жониворлар эса улар билан ийиб кетиб, уларга оқибат кўрсатар эдилар. Улар менга юлдузларни кўрсатиб, булар борасида шундай нарсаларни айтдиларки, буни тушуна олмадим аммо аминманки улар фалак юлдузлари билан нималардир орқали мулоқотда бўлар эдилар, ақлим етмайди-ю, аммо қандайдир бир жонли алоқа йўли билан бўлса керак. О, бу одамлар мен уларни тушуниб олишим учун уринмас, улар мени бусиз ҳам севар эдилар, аммо мен эса улар мени ҳеч қачон тушуна олмаслиқларини билардим, шунинг учун ҳам уларга ўзимизнинг ер ҳақида қарийб гапирмасдим. Мен фақат улар яшаётган замин тупроғини ўпардим, сўз билан изҳор қилмай уларнинг ўзларини ардоқлардим, улар буни аён кўриб ўзларини ардоқлашимга йўл қўяр, ардоқлаётганимдан хижил бўлмас, чунки ўзлари ҳам чексиз меҳр билан севар эдилар. Баъзан уларнинг ҳам менга нисбатан қандай меҳр-оқибат кўрсатишларини қалбимда қувонч билан ҳис этганда кўзда ёш билан уларнинг оёқларини ўпарканман, улар мен учун изтироб чекмас эдилар. Гоҳо мен хайрат билан ўзимдан сўраб қолардим: нечук улар мендек одамни шу вақтгача сира ҳам таҳқирламайдилар. мендек бир оламнинг дилида бирон марта ҳам раиқ ва ҳасад уйғотмайдилар! Кўп марта-лаб ўзимдан сўрадимки. мендек бир мақтанчоқ ва ёлғончи уларнинг хаёлларига ҳам келмаган билимлар ҳақида нима учун гапириб бермадим. уларга бўлган меҳр-оқибатим ҳурмати, уларни акалли таажублантиргим келмади? Улар болалардек шўх ва хунчақчақ эдилар. Улар ўзларининг ажойиб ўрмон ва тўқайларида кезиб юрар, ажойиб қўшиқларини куйлар, ўз дарахтларининг мевалари бўлган нознеъматлар билан. ўрмонларининг асаллари ва меҳрибон жониворларининг сути билан озикланар эдилар. Озик-овқат ва кийим-кечак топиш учун улар унча-мунчага машаққатсиз меҳнат қилар эдилар. Уларда ҳам ишқ-муҳаббат бор, фарзанд кўрар эдилар, аммо мен уларда ҳеч қачон ваҳшиёна нафс иштиёқини кўрмадим; бизнинг ерда эса ҳамма ва ҳар бир кимса бунга гирифтор, бу нарса инсониятимизнинг деярли барча гуноҳлари учун бирдан бир манба бўлиб хизмат қилади. Болалар туғилганда, булар ҳузур-ҳаловати-

мизнинг янги иштирокчилари, деб қувонар эдилар. Уларнинг орасида низо ва ғайирликдан асар йўқ, бу нарсаларнинг нималигини ҳатто билмас ҳам эдилар. Уларнинг болалари ҳамманинг боласи, чунки ҳаммалари ягона бир оилани ташкил қилар эдилар. Уларда касал деган нарса мутлақо йўқ, зотан ўлимгина бор; қариялари видолашгани тўпланган одамлар қуршовида, жилмайган чеҳра билан уларга омонлик тилаб, уйқуга кетаётгандек жон берар, тўпланганлар ҳам уларни хушнуд чеҳра билан кузатиб қолар эдилар. Мен бу ҳолларда йиғи-сиғи, алам-ситамни кўрмадим, аксинча, завқ-шавқ, осуда, самимий, яққол завқ-шавқ барқ урган меҳр-муҳаббат ҳукм сурар эди. Марҳум зотлар билан ҳатто уларнинг ўлимларидан кейин ҳам мулоқотда бўлар эканлар, ҳаётликларидаги иноқликларига ўлим ҳам айрилиқ сололмас экан, деб ўйлаш мумкин эди. Улардан мангу ҳаёт ҳақида сўраб қолсам, гапимга тушуниб етмас эдилар, афтидан мангу ҳаётга бўлган эътиқодлари шу қадар қатъий эдики, бу ҳақда уларда савол туғилиши мумкин эмас эди. Уларнинг ибодатхоналари йўқ, аммо уларда Бутун коинот билан аллақандай муҳим, жонли ва узлуксиз мулоқот ҳукм сурарди. Уларда диний эътиқод йўқ, ер юзидаги ҳузур-ҳаловатимиз ердаги табиат имкони доирасидан чекига етса, ҳаётларимиз ҳам, ўлганларимиз ҳам Бутун коинот билан бундан ҳам зўрроқ мулоқотда бўлишга эришамиз, деган қатъий ишончлари бор. Бу дақиқани улар қувонч билан кутар, аммо ошиқмас, муштоқ бўлмас, аксинча, уни дилдан яқин ҳис қилар, бу ҳисларидан бир-бирларини вокиф этар эдилар. Кечқурунлари ётар олдидан улар ялпи ва маҳзун хониш қилишни хуш кўрар эдилар. Бу тароналарда улар интиҳосига етган кун ато этган барча туйғуларни изҳор қилар, бу кунни муборакбод қилиб, у билан видолашар эдилар. Улар табиатни, еру заминни, денгизларни, ўрмонларни кутлар эдилар. Улар бир-бирлари ҳақида кўшиқлар тўқишар, бир-бирларини ёш болалардек мақтар эдилар, бу энг оддий кўшиқлар бўлиб, аммо қалблардан отилиб чиқиб, қалбларга қуйилар эди. Кўшиқлардагина эмас, бутун умрларини бир-бирларига меҳр изҳор қилиб ўтказаётгандек эдилар. Бу барчага хос, умум кўпчиликка хос аллақандай бир-бирини севиш туйғуси эди. Баъзи бир тантанавор ва завқбахш кўшиқларга мен мутлақо тушунмас эдим. Сўзларини тушунсам ҳам ҳеч қачон тўла-тўқис мазмунини идрок этолмасдим. Бунга мутлақо ақлим етмас, аммо қалбимни тобора мислсиз бир йўсинда эгаллаб борар эди. Мен уларга кўпинча шуларнинг ҳаммасини аллақачонлар олдиндан ҳис қилганман, баъзан

чидаб бўлмас даражада гуссага етиб борадиган ҳасрат туғдирувчи бизнинг еримиздалигимиздаёк бу барча кувонч ва шон-шуҳратдан баҳраманд бўлганман, мен сизларнинг барчаларингизни ва донг-шуҳратларингизни қалбимнинг тушларида, шууримнинг орзуларида ҳис қилганман, еримизда мен кўпинча ботаётган қуёшга қараб кўзёшимни тиёлмасдим, дердим... Бизнинг еримизнинг одамларига бўлган нафратимда ҳамиша ҳасрат сезилиб туради: нега мен улардан севмай туриб нафратланолмайман, нега мен уларни кечиролмайман, уларга бўлган меҳр-муҳаббатимга ҳасрат омухта: нега мен уларни нафратланолмай туриб, севолмайман, дердим. Улар менинг сўзларимни тинглардилар, аммо гапирётган нарсаларимни тасаввур қилолмаётганларини кўриб турардим, лекин уларга бу ҳақда гапирганимдан ўкинмасдим: билардимки, тарк этиб келганларим ҳақида қандай дарду ҳасрат чекаётганимни тўла-тўқис пайқаб турибдилар. Ҳа, улар менга меҳр-муҳаббат барқ урган маъсум нигоҳ билан боқарканлар, ўз қалбим ҳам уларнинг қалбларидек маъсум ва ҳаққоний бўлиб бораётганини ҳис этарканман, дилларидагини тушунмаётганимга ўкинмасдим. Завқи-шавқимдан теримга сиғмай, ун чиқармай улар учун илтижо қилардим.

Майли, бу туш бўлсин, буларнинг ҳаммаси содир бўлмаган бўлиши мумкин эмас. Биласизми, мен сизга бир сирни айтаман; эҳтимолки, буларнинг ҳаммаси мутлақо туш эмасдир!

А. П. ЧЕХОВ

ХАМЕЛЕОН

Бозор майдонидан янги шинель кийган, тугунча кўтарган полиция назоратчиси Очумелов ўтиб борарди. Унинг орқасидан мусодара қилинган крижовник тўла ғалвирни кўтарганча малла городовой келмоқда. Теварак-атроф жимжит... Майдонда жон асари кўринмайди... Дўқонлар ва қовоқхоналарнинг ҳувиллаган эшиклари ёруғ дунёга очикқандек оғиз очиб турибди; уларнинг яқинида ҳатто гадойлар ҳам йўқ.

— Сенми ҳали қопадиган лаънати?— деган овозни эшитади дафъатан Очумелов.— Йигитлар, уни қўйиб юборинглар! Ҳозирги кунда қопитиш тақиқланган! Ушла! А... а!

Итнинг вангиллагани эшитилади. Очумелов ўгирилиб

қараса: савдогар Пичугиннинг ўтин омборидан уч оёқлаб ликонглаб чопганча аланглай-аланглай бир ит қочиб чиқаётди. Уни оҳарланган чит кўйлабди, нимчасининг тугмалари солинмаган бир киши қувлаб келмоқда. Гавдаси билан олдинга интилган кўйи чопиб келаётиб ерга йиқиладида, итнинг орқа оёғини тутиб олади. Яна итнинг вангиллагани ва: «Қўйиб юборма!»— деган кичқирик эшитилади. Дўконлардан уйқули башаралар мўралайди, тез орада ўтин омбори олдида бамисоли ердан бодраб чиққандек халойик тўпланиб қолади.

— Тартибсизлик юз берганга ўхшайди, жаноблари!..— дейди городской.

Очумелов чапга бурилиб, тўпланганлар томон қараб юради. Худди омбор дарвозаси олдида у халиги нимчасининг тугмалари солинмаган одамнинг ўнг қўлини юқори кўтарганча қонаган бармоғини халойикқа кўрсатаётганини кўради. Мастроқ башараси: «Сенинг ваҳжиндан шилиб олмасамми, каззоб!» деб тургандек, бармоғининг ўзи ҳам ғалабасидан башорат қилаётгандек. Очумелов бу одамнинг заргар Хрюкин эканлигини билди. Тўпланганларнинг ўртасида аъзойи бадани дир-дир титраган кўйи машмашанинг сабабчиси кифтида сарғиш қашқаси бор, тумшуги чўзинчок оплоқ този кучук олдинги оёқлари тарвақайлаганча чўнкайиб ўтирарди. Ёшланган кўзларида ҳасрат ва даҳшат акс этарди.

— Бу ерда нима сабабдан тўпланиб турибсизлар?— деб сўрайди Очумелов, халойик орасига ёриб кираркан.— Бу ерда нима қилиб турибсизлар! Сен нега бармоғингни кўрсатасан?.. Бақирган ким?

— Ўзим кетаётган эдим, ҳеч кимга тегмай, жаноблари!..— дея гап бошлайди Хрюкин, муштумига йўталайўтала.— Митрий Митричга ўтик ваҳидан учрашгани... Дафъатан мана бу аблах бухудадан-беҳудага бармоғимга ёпишса бўладими... Сиз мени кечирасиз-у, мен бир захматкаш одам бўлсам... Ишим жуда сердиққат. Менга товон тўлашсин, нега десангиз — мен, эҳтимолки, бу бармоғимни бир ҳафтагача қимирлатолмасман... Бу нарса қонунда ҳам йўқ, жаноблари, махлукдан жабр кўриш деган гап... Мабодо кўринганни қопаверадиган бўлса, дунёда яшамай қўяқолган ҳам маъқул...

— Ҳм!.. Дуруст...— дейди Очумелов жиддий, йўталиб ва қошларини учириб.— Дуруст... Кимнинг ити? Мен бун шундайлигича қолдирмайман. Мен сизларга итларни талтайтириб юбориш қанақалигини кўрсатиб қўяман! Қарор-

ларга бўйсунитишни истамайдиган бунингдек жанобларга диққатни қаратишга аллақачон фурсат етган! Ярамасни шартта штрафга тортишса, иту бало-баттар дайди ҳайвонлар нималигини билиб олади! Мен унинг онасини кўрсатиб қўяман!.. Елдинин, — дея городскойга мурожаат қилади назоратчи, — бу кимнинг ити эканлигини бил-да, протокол туз! Итни эса йўқотиш керак. Дарҳол! Кутирган бўлса ҳам ажаб эмас... Бу кимнинг ити, дейман?

— Бу генерал Жигаловнинг ити шекилли! — дейди халойиқ орасидан кимдир.

— Генерал Жигаловнинг итими? Ҳм!.. Пальтомни ечиб ол-чи, Елдинин... Ёмон исиб кетди-я! Ёмғир ёғадиганга ўхшайди-да... Мен фақат бир нарсага тушунолмаётганман: у сени қандай қилиб, қопган бўлиши мумкин? — деб Хрюкинга мурожаат қилди Очумелов. — Наҳотки бармоғингга бўйи етса? У кичкинагина бўлса, давангилигини қара! — Бармоғингни миҳ билан чўқилаб кавлагансан-да, кейин калланга, бир нима шилсам, деган фикр келган. Ахир сен... маълумсанлар-ку! Мен сен иблисларни биламан!

— У эрмак учун итнинг тумшугига чекиб турган тамакисини босди, жаноблари, у ҳам зийрак ҳайвон, ғарчча тишлади... Бу, бемаъни одам, жаноблари!

— Бекор айтибсан, сўқир! Кўрмаганингдан кейин ёлғон гапириб нима қиласан? Жаноблари ақлли зотлардан, ким ёлғон гапираётибдию ким сидкидилдан худолигини айтаётибди — билдилар... Борди-ю, мен ёлғон гапираётган бўлсам мировой ажрим қила қолсин... Унинг қўлидаги қонунда айтилган... Ҳозирги кунда ҳамма теппа-тенг... Менинг акам ҳам жандармда хизмат қилади... агар билмоқчи бўлсаларингиз...

— Гап сотилмасин!

— Йўқ, бу генералнинг ити эмас, — деб ўйчанлик билан қайд этади городской. — Генералникида бунақасидан йўқ. Ундағилар кўпроқ искович итлар...

— Сен буни аниқ биласанми?

— Аниқ биламан, жаноблари...

— Мен ўзим ҳам биламан. Генералнинг итлари қимматбаҳо, зотдор, бу нима ўзи — жин урган. На жуни бору на важоҳати... қабоҳатнинг ўзи халос! Шундай итни боқиб юрадим-я?! Ақл-хушларинг борми ўзи? Мана шундай ит Петербургдами ёки Москвада дуч келиб қолса, биласизларми, нима қилишарди? У ерда қонун деган нарсанга қараб ўтирмай, ўша заҳотиёқ — тил тортиришмасди! Сен, Хрюкин, жабр кўрибсан, бу ишни оқибатсиз ташлаб қўйма...

Таъзирини бериб қўйиш керак! Фурсат етган...

— Генералнинг ити бўлса ҳам ажаб эмас...— дейди баралла городской ўй суриб.— Башарасига ёзиб қўйилмаган бўлса... Куни кеча унинг кўрасида шунақасини кўрган эдим.

— Генералники эканлиги аниқ!— деган овоз эшитилади халойиқ орасидан.

— Ҳм!.. Пальтомни кийдириб қўй-чи, биродар Елдин... Шамол туриб қолди... Этим ивишяпти... Уни генералга олиб бориб топширасан, у ерда сўрайсан. Мени топиб жўнатди, дейсан... Тайинлаб айт, кўчага чиқазишмасин. Бу қимматбаҳо ит бўлса керак, борди-ю, ҳар бир тўнғиз тумшугига тамакисини ишқалайверса нобуд бўлади-кетади. Ит — нозик бир махлук. Сен, галварс, қўлингни пастга тушир. Бемаъни бармоғингни пеш қилаверишининг ҳожати йўқ. Айб ўзингда!..

— Генералнинг ошпази келяпти, ўшандан сўраб қўя қоламиз... Ҳой, Прохор! Бу ёққа кел-чи, азизим! Мана бу итни кўр... Сизларникими?

— Топган гапингни қара-я! Бунақаси бизда сира ҳам бўлган эмас!

— Буни суриштириб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ,— дейди Очумелов.— Бу дайди ит! Гапни чўзиб ўтиришнинг кераги йўқ... Дайди ит, дедимми, дайди ит. Йўқотиш керак, вассалом.

— Бу бизнинг итимиз эмас,— деб сўзида давом этади Прохор.— Бу генералнинг куни кеча келган акасининг ити. Бизнинг хўжайиннинг тозиларга ҳуши йўқ. Акалари ишқибоз...

— Ия, у кишининг акалари келганмилар? Владимир Иванович-а?— деб сўрайди Очумелов, ийиб кетганидан афтига табассум ёйилади.— Ё тавба, буни қаранглар-а! Мен бўлса беҳабар эканман! Меҳмон бўлиб келдиларми?

— Меҳмон бўлиб...

— Ё тавба, буни қаранглар-а! Укаларини соғинганларда... Мен бўлсам беҳабар эканман! Ўша кишининг итлари дегин? Жуда хурсандман... Буни олиб кет... Бинойидеккина кучук экан... Зийраккина экан... мана бунинг бармоғини узиб ол! Ҳа-ҳа-ҳа... Ҳа, нега титрайсан? Ррр... Рр... Аччиғланияпти ҳароми... кучуквачча-ей.

Прохор итни чақириб, уни эргаштирганча ўтин омборидан йироқлашади... Халойиқ Хрюкиндан хохолаб кулади.

— Шошмайтур ҳали сенга кўрсатиб қўяман!— деб унга пўписа қилади Очумелов ва шинелига ўранганича бозор майдони бўйлаб йўлида давом этади.

ҲАЁТНИНГ ХЎЖАЙИНЛАРИ

— Юр мен билан, ҳақиқат манбаларига борамиз!— деди кулиб Иблис ва мени қабристонга бошлаб олиб борди.

Икковимиз қабрлар устига қўйилган кўҳна тошлар ва чўян тахталар орасидаги тор йўлкалардан аста-секин айланиб юрарканмиз, у ўз илми донишини самарасиз тарғиб қилавериш тинкасига теккан кекса профессордек ҳорғин овоз билан гапирарди.

— Оёқларинг остида,— деди у менга,— сени ўз измида сақлаётган қонунларнинг ижодчилари ётибди, ичингдаги ҳайвон учун қафас курган дурадгорлар ва темирчиларнинг ҳокини этигинг билан оёғости қилаётибсан.

— Шундай дер экан одамларга қарши нафратли заҳарханда билан қаттиқ кулиб, қабр ўтлари ва ёдгорликларнинг пўпанакларига совуқ боқаётган ғамгин кўзларидан кўкимтир жило тўкиларди. Ўликлар ерининг куюқ лойи оёқларимга палахса-палахса бўлиб ёпишар, дунёвий ҳикматлар қабрлари устига ўрнатилган ёдгорликлар орасидаги сўқмоқлардан юриш оғирлашар эди.

— Ҳей одам, сен нега руҳингни яратганларнинг ҳокига миннатдорчилик билан таъзим қилмайсан?— дея сўради Иблис кузнинг намхуш эсган шамолига ўхшаш овоз билан, унинг овозидан танамни ва қайғули ҳаяжон билан чулғаган юрагимни титроқ босар эди. Одамларнинг кўҳна қабрлари устидаги дарахтларнинг ғамгин шохлари оҳиста чайқалар, совуқ ва нам япроқлари юзимга тегар эди.

— Сохта пул сўқувчи қаллобларнинг ҳурматини бажо келтир! Майда, хира фикрлар булутларини — ақлингнинг майда чақаларини урчитган мана шулар, одатларинг, таассуфларинг ва ичингда нимаки бўлса ҳамма-ҳаммасини яратган шулар. Уларга ташаккур айт — бу ўликлардан кейин сенга каттакон мерос қолган!

Сариқ япроқлар бошимга оҳиста тўкилар ва оёқ остига тушар эди. Гўристон замини ютоққанча тамшаниб, янги овқатни — куз кунларининг ўлик япроқларини ютар эди.

— Мана бу ерда одамларнинг руҳига инон-эътиқодларнинг оғир, хира жандаларини кийдирган тикувчи ётибди,— уни кўраётибсанми?

Мен индамай бошимни эгдим. Иблис қабрлардан бири устидаги занг босган кўҳна тошни тепди, ва деди:

— Ҳай, китобхон! Тур...

Тош кўтарилди, чириган ҳамён каби саёз қабр безовта қилинган лойнинг товуши билан хўрсиниб очилди. Унинг намхуш зулмати ичидан тажанг овоз эшитилди:

— Ахир ким ўн иккидан кейин ўликларни уйғотади?

— Кўрдингми?— дея заҳарханда билан сўради Иблис,— ҳаёт қонунларининг ижодчилари ҳатто чириб кетганларидан кейин ҳам ўз билганларидан қайтмайдилар.

— Э, сиз экансиз-ку, хўжайин!— деди скелет қабрнинг четига ўтираётиб кейин бўм-бўш калласини Иблисга силкиб кўйди.

— Ҳа, мен,— деб жавоб берди Иблис.— Мана мен хузурига дўстларимдан бирини олиб келдим... У сен ҳикмат ўрганган одамларнинг орасида юриб аҳмоқ бўлиб қолибди, ҳозир мараздан оруланиш учун бу ҳикматнинг бош манбаига келди...

Мен донишмандга камоли эҳтиром билан қараб турардим. Унинг бош суягида этдан асар қолмаган, лекин юзидати худписандлик белгилари ҳали чириб битмаган эди. Ҳар бир суяги ўзининг мутлақо бенуқсон, тенги йўқ суяклар системасига мансуб эканлигини сезиш ҳисси билан хира нурланиб турарди...

— Ер юзида нималар қилган эдинг, бизга гапириб бер!— дея таклиф қилди Иблис.

Ўлик қовурғаларида осилиб турган қўнғир кафан увадалари ва гўшт парчаларини қоксуяк қўллари билан ғурур ва виқор зуҳур этганча ўнглаб кўйди. Кейин ўнг кўлини кифтигача кўтарди-да, бармоғининг яланғоч бўғинини қабристон зулматига нуқиб, шавқсиз ва равон гапира бошлади:

— Мен ўнта катта китоб ёздим, улар одамларга оқ ирқиларнинг ранглилардан афзаллиги ҳақидаги улуғ ғояни уқтирди...

— Буни ҳақиқат тилига таржима қилсак,— деди Иблис,— шу маънони беради: мен, бесамара қари қиз, умрим бўйи ақлимнинг ўтмас игнаси билан тўзиган ғояларнинг путури кетган жун ипларидан каллаларини осойиш ва иссиқда сақлашни хуш кўрадиган аҳмоқлар учун қалпоқлар тўқидим...

— Сиз уни хафа қилиб кўйишдан кўркмайсизми?— дея оҳиста сўрадим Иблисдан.

— О!— деб хитоб қилди у.— Донишмандларнинг ҳаёт чокларида ҳам тўғри гап қулоқларига кирмайди.

— Фақат оқ ирқина,— дея давом этарди донишманд,— шундай мураккаб маданиятни ярата олишга ва хулқ-ахлоқнинг шу қадар жиддий принципларини ишлаб чиқара

олишга қодир эди, бу бунга танасининг ранги, қонининг кимёвий таркиби туфайли эришган, мана мен шуларни исботладим...

— Буни у исботлаган!— дея такрорлади Иблис, таъкидлаб бош силкир экан.— Ўзининг шафқатсиз бўлиб ҳуқуқига ишончи комилликда европаликдан ўтар ваҳший зот йўқ...

— Христианлик ва гуманизм оқлар томонидан яратилган,— деб давом этарди ўлик.

— Фаришталар ирки томонидан, бутун ер юзи шу ирққа қарам бўлиши керак,— деб унинг гапини бўлди Иблис.— Мана шунинг учун ҳам улар уни зўр бериб ўзлари севган рангга — қизил қон рангига бўямоқдалар...

— Улар бой адабиёт, ажойиб техника яратдилар,— дея санарди ўлик, бармоқларининг суякларини қимирлатиб...

— Ўттизга яқин яхши китоб ва одамларни қириш учун ишлатиладиган сон-саноксиз куруллар...— дея изоҳ берди Иблис кулиб.— Турмуш бу ирқдан кўра қайси ирқ орасида кўпроқ пароканда одамнинг кадри оқлар орасидагидан кўра қаерда кўпроқ ерга урилган?

— Балки Иблис ҳаммавақт ҳам ҳақли бўлавермас?— деб сўрадим мен.

— Европаликларнинг санъати кўз илғамас юксакликларга кўтарилди,— дея мингилларди скелет қуруқ ва зериктирарли оҳангда.

— Кошки Иблис янглиша қолса эди!— дея хитоб қилди ҳамроҳим.— Ахир доим ҳақ бўлавериш ҳам зериктириб юборади-да. Лекин одамлар фақат менинг нафратимга дучор бўлиш учун яшайдилар... Разолат ва каззобликнинг уруғлари ерда баракали ҳосил беради. Мана экувчилардан бири қаршингизда турибди. Уларнинг ҳаммаси каби — бу ҳам биронта янги нарса барпо қилган эмас, у атиги кўҳна таассуфларнинг мурдаларини тирилтириб, уларга янги сўзлар либосини кийдирган... Ерда нималар қилинди? Озчилик учун саройлар, кўпчилик учун черковлар ва фабрикалар қурилди. Черковларда руҳларни, фабрикаларда танларни ўлдирадилар, бу ишни саройлар мустаҳкам туриши учун қиладилар. Кўмир ва олтин олиб чиқиш учун одамларни ернинг қаъри-қаърига туширадилар — шу расво меҳнат эвазига кўрғошин ва темир омихта қилинган бир бурда нон берадилар.

— Сиз — социалистмисиз?— деб сўрадим Иблисдан.

— Мен уйғунлик бўлишини истайман!— дея жавоб берди у.— Яратилишидан бор бутун вужуд бўлган одамни

аянчли майда-майда бўлакларга бўлишларини ва бундан иккинчи бировининг очкўз қўллари учун қурол яшашларини ёқтирмайман. Мен қўллар бўлишини истамайман, қўллик менинг руҳимга зид... Шу сабабдан мени осмондан улоқтириб юборишди. Қаердаки нуфуз мавжуд экан, у ерда маънавий қўллик бўлиши муқаррар, у ерда каззобликнинг пўпанаги доимий қўлф уриб гуллайди. Ер — бир бутун бўлиб яшасин! Бутун ер кун-узункун ёнсин, тунга бориб лоақал кули қолса ҳам майли. Ҳамма одамлар бир кун бориб бир-бирларини севишлари шарт... Муҳаббат ажойиб тушга ўхшайди, у тушга бир мартагина киради, лекин бутун борлиқнинг маъноси — мана шунда...

Скелет қора тошга суялиб турар, шамол унинг бўм-бўш қовурға қафасида охиста увулар эди.

— У совқатаётгандир, бундай туриши ноқулайдир, — дедим Иблисга.

— Ортиқча нарсалардан халос бўлган олимни кўздан кечиришни хуш кўраман. Унинг скелети — унинг ғоясининг скелети... У ғоянинг ғаройиб бўлганини кўриб турибман... Унинг ёнида ҳақиқат тарқатувчилардан яна бирининг қолдиқлари ётибди. Уни ҳам уйғотамиз. Уларнинг ҳаммаси тирик вақтларида ором-осойишни хуш кўрадилар ва фикрлар учун, ҳислар учун, ҳаёт учун нормалар яратиш иштиёқида меҳнат қиладилар — янги юзага келган ғояларни сохталаштирадилар ва уларга чингилинг тобутлар ясайдилар. Аммо — ўлар эканлар, уларни унут бўлиб кетмасликларини истайдилар... Компрачикос — тулинг! Мен сизга бир одамни олиб келдим, унинг фикрлари учун тобут керак.

Рўпарамда ер қаъридан чиққан яна бир бўм-бўш ва тақир калла пайдо бўлди. У сариғ, тиши тушган бўлишига карамай худписандликдан ярқираб турар эди. Афтидан, у ерда аллақачонлардан бери ётганга ўхшайди — суяклари этдан холи эди. У қабри устидаги тош ёнида турарди, қовурғалари қора тош узра камергернинг мундиридаги чакма нақшга ўхшаб кўринди.

— У ғояларини қаерда сақлайди? — деб сўрадим.

— Суякларида, дўстим, суякларида! Уларнинг ғоялари — бамисоли бод билан подаградек — қовурғаларининг мағзи-мағзига сингиб кетади.

— Китобим қандай кетаётибди, Хўжайин? — дея гўнгиллаб сўради скелет.

— У ҳали ётибди, профессор! — деб жавоб берди Иблис.

— Хўш, нима одамлар ўқишни унутиб қўйишганми? — деди профессор, ўйлаб тургач.

— Йўк, аҳмоқона гапларни боягисидек ўқиша ётибди — жон-диллари билан... лекин зериктирарли аҳмоқона гаплар — баъзан уларнинг диққатига анчагина махтал бўлиб қолади... Профессор, — деб менга мурожаат қилди Иблис, — хотинлар одам эмас, деб исботлаш учун умри бўйи уларнинг калла суякларини ўлчаган. У юзлаб калла суякларини ўлчаган, тишларни санаган, кулоқларни ўлчаган, ўлик мияларни тортиб кўрган. Ўлик мия билан ишлаш профессорнинг севиқли иши эди, унинг ҳамма китоблари бундан гувоҳлик беради. Сиз уларни ўқиганмисиз?

— Мен ибодатхоналарга қовоқхоналар орқали ўқийман, — дея жавоб бердим мен, — мен одамларни китобларда ўргана олмайман — одамлар уларда ҳамиша касрдек бўлак-бўлак қилиб кўрсатилдилар, мен эса арифметикани яхши билмайман. Лекин ўйлайманки, соқолсиз ва юбка кийган одам — соқол-мўйловли ва шим кийган одамдан яхши ҳам, ёмон ҳам бўлмаса керак...

— Ха, — деди Иблис, — разўлат ҳамда аҳмоқлик мияга, либос ва бошдаги сочларнинг оз-кўплигини суриштирмай кираверади. Лекин хотинлар тўғрисидаги масала қизиқ кўйилган, — Иблис одатига кўра қулиб юборди. У доим кулар — шунинг учун ҳам у билан суҳбатлашиш ёқимли эди. Қабристонда кула биладиган ва кула оладиган кимса, шундай кимса — ишонаверинг! — ҳаётни ҳам, одамларни ҳам севади...

— Хотин киши рафиқа ва чўри сифатида зарур бўлган, бировлар, хотин зоти одам эмас, деб таъкидлайдилар! — дея давом этарди у. — Бошқалари эса ундан хотин сифатида фойдаланишдан воз кечмай, унинг иш кучини кенг эксплуатация қилишни истардилар, булар хотинлар ҳамма ерда эркаклар билан баробар ишлашга, яъни биз учун ишлашга жуда ҳам яроқли, деб таъкидлайдилар. Албатта улари ҳам, булари ҳам қизни зўрлаб қўйганларидан кейин, уни ўз жамоатларига йўлатмайдилар, — эътиқодларига кўра, улар тақилганидан кейин у умрбод жирканч бўлиб қолади... Йўк, хотинлар масаласи жуда қизиқ! Мен одамларнинг соддадиллик билан ёлгон гапиришларини яхши кўраман — шунда улар болаларга ўхшайдилар, умид қиламизки, вақти келиб улар улғаядилар...

Иблиснинг афтидан, келажакдаги одамлар ҳақида яхши гап айтмоқчи эмаслиги сезилиб турарди. Лекин мен ҳозирги одамлар ҳақида хуш келмайдиган анчагина гапларни айтмаслигим мумкин, бу ёқимли ва енгил машгулотда Шайтон

мен билан рақобат қилишидан қочиб — унинг гапини бўлдим:

— Шайтон ўзи боролмаган жойга хотинларни юборади, дейдилар, — шу тўғрими?

У кифтларини учириб жавоб берди:

— Ха, баъзан... Қўл остингда мўлжалга келадиган ақли ва кабиҳ эркак бўлмаган чокларда...

— Нечундир, назаримда ёвузликни хуш кўрмай қолганга ўхшайсиз? — дея сўрадим мен.

— Энди ёвузлик йўқ! — деб жавоб берди у хўрсиниб. — Разблатгина бор холос! Ёвузлик бир вақтлар гўзал куч эди. Ҳозир эса... ҳатто одамларни ўлдираётган бўлсалар ҳам — бу ишни разилона қиладилар — аввал уларнинг қўлларини боғлайдилар. Ёвузлар йўқ — жаллодлар қолган. Жаллод — хамиша қул. Бу — кўркуннинг зўри ҳамда хавотирларнинг турткиси билан ҳаракатга келтириладиган қўлу болта... Кимдан кўрксалар ўшани ўлдирадилар-ку, ахир...

Икки скелет ўз қабрлари устида ёнма-ён турар, уларнинг суякларига куз япроқлари охиста тўкилар эди. Шамол қовурғаларининг торларини маъюс чалар, калла суякларининг бўшлиғида ғувуллар эди. Кўзларининг чуқур косаларидан исли ва намхўш зулмат боқарди. Уларнинг иккаласи ҳам титрарди. Мен уларга ачинардим.

— Жойларига кета қолишсин! — дедим Иблисга.

— Сен ҳатто қабристонда ҳам гуманистлигингни қўймайсан! — деб хитоб қилди у. — Шундай. Гуманизм айни мурдалар орасида маъқул келади, — бу ерда у ҳеч кимни ранжитмайди. Фабрикаларда, шаҳарларнинг майдонлари ва кўчаларида, камокҳона ва шахталарда — тирик одамлар орасида — гуманизм кулгили туюлади ва ҳатто газабни ошириши ҳам мумкин. Лекин бу ерда ундан куладиган зот йўқ — ўликлар доим жиддий. Аминманки, улар гуманизм ҳақида эшитишни ёқтирадилар — ахир бу уларнинг ўлик тутилган фарзанди-ку... Одамларни қийнашнинг машъум даҳшатини, бир гуруҳ зўравонларнинг совуқ шафқатсизлигини умумнинг аҳмоқлиги кучи билан бу чиройли парда орқасига яшириш учун уни ҳаёт саҳнасига олиб чиқмоқчи бўлганларни бефаросат деб бўлмайти ҳар қалай...

Иблис машъум ҳақиқатнинг кескин қаҳқаҳаси билан қулди.

Қоронғи осмонда юлдузлар титрар, мозийнинг қабрлари устидаги қора тошлар ҳаракатсиз турар эди. Лекин унинг бадбўйи ҳиди ер қаъридан сизиб чиқар, шамол ўлик-

лар нафасини тун сукунатига чўмган шаҳарнинг уйкули кўчаларига олиб кетар эди.

— Бу ерда ётган гуманистлар озмунча эмас,— дея давом этди Иблис, кулочини кенг ёйиб атрофидаги қабрларни кўрсатар экан.— Улардан баъзилари ҳатто самимий эдилар... Ҳаётда ғалати англашилмовчиликлар жуда кўп, энг кулгили нарса бу эмасдир балки... Уларга ёнма-ён — ҳаётнинг бошқа йўсиндаги устозлари тотув ва тинч ётишибди.— булар сохталикнинг минглаб ўликларнинг машаққатли меҳнати билан қурилган кўҳна биносига салобатли пойдевор тезлаш учун уринганлар...

‘Аллақайси жойдан кўшиқ садолари эшитилди... Бир-икки хушчакчақ кийкирик титраганча қабристон устидан учиб ўтди. Чамаси биронта парвойи палак саёқ қабрига қайтиб келаётган бўлса керак.

— Мана бу оғир тош остида, бир донишманднинг хоки мағрур чиримокда, у, жамият... маймунгами, чўчкагами,— аниқ эслолмайман,— ўхшаган организмдир, деб таълим берган эди. Бу ўзларини организмнинг мияси деб ҳисоблашни истайдиган одамлар учун яхши. Қарийб ҳамма сиёсатдонлар ва ўғрилар шайқаларининг пешволари — бу назариянинг тарафдорларидирлар. Зеро мен мия эканман, кўлимни истаганимча ишга соламан, шоҳона ҳукмронлигим мушакларининг савки табиий қаршилигини ҳамма вақт даф қила оламан — ҳа, шундай! Бу ерда эса, одамларни ортга, улар тўртоёқлаб юрган ва қурт-кумурска билан кун кўрган замонларга чақирган кишининг ҳоки ётибди. Бу, ҳаётнинг энг бахтли кунлари эди, дея ўлиб-тирилиб исботламоқчи бўлган эди у. Яхши сюртукда, икки оёқлаб юриб, одамларга: янгитдан жун билан қопланинглар, деб кенгаш бериш — ахир бу ноёб эмасми? Шеърлар ўқиш, музыка тинглаш, музейларда бўлиш, бир кун ичида юзларча чақирим жойга бориб олиш ва ҳаммага ўрмондаги оддий, тўрт оёқ устидаги ҳаётни тарғиб қилиш — чиндан ҳам чакки эмас! Мана бу эса — жинойтчилар одам эмас, улар — касал ирода, алоҳида, антисоциал тип — деган даъво билан одамларга таскин берган ва уларнинг ҳаёт йўригини маъқуллаган. Жинойтчилар — туриш-турмушлари билан қонунлар ва ахлоқнинг душманидирлар, демак, улар билан пачакилашиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Жинойтлардан фақат ўлимгина халос этади. Бу — ақлли гап! Ҳамманинг жинойтини бир кишига ортмоқлаш, уни илгарироқдан, қусурлар жойлашган табиий истиқоматгоҳ, ва ёвуз ироданинг жонли тимсоли, деб таниш — ахир бу чаккими? Ҳаёт-

да ҳамиша, ҳаётнинг руҳни бузадиган мажруҳ тузилишини маъқулловчи бирон кимса бўлади. Доноларнинг ҳатто бурун қоқиши ҳам ҳикматдан холи эмас. Ҳа, қабристонлар шаҳарларда яхши ҳаёт қуриш учун керакли ғояларга бой...

Иблис атрофига аланглаб олди. Баҳайбат скелетнинг бармоғи каби оқ черков ўликлар қалашиб ётган даладан қоронғи осмонга, жимжит юдузлар даласига сукут ичида бўй чўзиб турарди. Одамлар оҳу илтижоларининг аччиқ тутунини коинот саҳроларига таратаётган бу мўрини ҳикмат манбаълари устига ўрнатилган, пўпанак жандалар кийган бир талай тошлар қуршаб олган. Чиришнинг бадбўй ҳиди анқиган шамол дарахтларнинг шоҳларини охиста қимирлатиб, ўлган япроқларни узиб кетарди. Япроқлар эса ҳаёт ижодчиларининг истиқоматгоҳларига сассиз тўкилар эди...

— Биз энди ўликларнинг кичикроқ парадени, қиёмат қойимнинг репетициясини ўтказамиз! — деди Иблис, мендан олдинроқда, дўнгликлар ва тошлар орасидаги илонизи сўқмоқдан бораркан. — Ўзинг биласан, қиёмат қойим бўлиши ҳақ! Ер юзида у албатта содир бўлади, қиёмат қойим бўладиган кун — ернинг энг яхши кунидир! У одамлар, инсонни маъносиз эт ҳамда суяк парчаларига пароканда қилиб ташлаган устозлар ва ҳаётнинг қонун таъсисчилари томонидан ўзларига қарши қилинган ҳамма жиноятларни англаган кунда юз беради. Ҳозир одамлар номи остида яшаётганларнинг ҳаммаси — бу парчалар холос, — яхлит одам ҳали бунёд этилган эмас. У дунё кечирган тажрибанинг қулидан юзага келади ва у дунё тажрибасини денгиз қуёш нурини шимиргандек шимириб, ер устида яна қуёшдек порлайди. Мен буни кўраман! Зеро одамни яратадиган мен, уни мен яратаман!

Қария сал мақтанди ва шайтоннинг табиатига хос бўлмаган лиризмга берилиб кетди. Мен унинг бу ишини кечирдим. На чора? Ҳаёт ҳатто иблисни ҳам бузади, унинг зуваласи пишиқ йўғрилган руҳини ўзининг захари билан ачитади. Бунинг устида ҳамманинг ҳам боши юмалоқ, фикрлари эса дўққи, уларнинг ҳар бири ҳам ойнага қараб гўзал киёфани кўради.

Иблис қабрлар оралиғида тўхтаб, ҳукмрон оҳангда қичқирди:

— Бу ерда доно ва инсофли киши ким?

Бир лаҳза жимлик ҳукм сурдию кейин бирдан — оёқларим остидаги ер қалқиди, қабристон дўнгликларини ифлос

қор тепаликлари коплагандек бўлди. Гўё мингларча яшин унинг ичини титкилаб ковлаб ташлагандек ёки унинг бағрида аллақандай гигант махлуқ талваса билан ёнбошига ағдарилгандек бўлди. Чор атроф сарғиш-кир тусга кирди, скелетлар сукунатни суякларнинг ишқаланиш ва бўғинларнинг бир-бирига ҳамда қабр тошларига урилиши туфайли чиққан садолар билан тўлдириб шамолда қолган қуруқ чўплардек чайқалдилар. Скелетлар бир-бирларини итариб тошларга чиқиб олишар, ҳаммаерда момақаймоққа ўхшаган қалла суяклари оқариб кўринар, мени зич қаланган қовурғалар панжараси қуршаб олган, тиззалар мажруҳ тарвақайлаган ёнбош чанокларининг оғирлигидан зўр бериб титрар, чор атрофда жимжит, алғов-далғов қайнар эди.

Иблиснинг совуқ қаҳқаҳаси мубҳам товuşларни босиб кетди.

— Қара — улар ҳаммаси биттаси ҳам қолмасдан чиқди!— деди у.— Уларнинг орасида ҳатто шаҳарнинг жиннлари ҳам бор! Ернинг азбароийн кўнгли айниб кетганидан мана у одамларнинг ўлик ҳикматларини қаъридан қусиб ташлади...

Намхуш сурон суръат билан кучайиб борар — гўё, бировнинг кўринмас кўли, фаррош ҳовли бурчагига супуриб қўйган ҳўл ахлатни очкўзлик билан титаётгандек туюлар эди.

— Ана, ҳаётда инсофли ва доно одамлар шунча кўп бўлган экан!— дея хитоб қилди Иблис, атрофини қуршаб турган мингларча синиқ парчаларнинг устидан қанотини кенг ёйган кўйи.

— Сизлардан ким одамлар учун кўпроқ яхшилик қилган?— дея овози борича ҳайқириб сўради у.

Чор атроф қатта товада қаймоқ мой билан қовурилаётган кўзиқоринга ўхшаб вишиллади.

— Қани мен олдинга ўтай-чи!— дея ҳасратли оҳангда қичқирди кимдир.

— Айтганингиз мен, Хўжайин, мана мен! Якка шахс жамиятнинг йиғиндисида ноль эканлигини исботлаган мен бўламан.

— Мен ундан ҳам ўтиб кетганман!— деб эътироз билдирди кимдир узокроқдан.— Мен, бу жамият — ноғларнинг йиғиндисидан иборат, бинобарин, омма гуруҳларнинг иродасига бўйсунуши керак, деб таълим бердим.

— Гуруҳларнинг тепасида эса якка шахс туради — бу мен бўламан!— дея тантана билан қичқирди аллаким.

— Нега сиз бўлар экансиз? — деган бир канча ҳаяжонли садолар эшитилди.

— Менинг амаким қирол эди!

— Э, ажалидан беш кун бурун қадласи чопилган жанобларининг амакилари эдимми?

— Қироллар бошларидан вақти соатида жудо бўладилар!— дея мағрур жавоб берди бир вақтлар тахтда ўтирган суяклар авлодининг суяклари.

— Ўх-хў!— дея шивирлаган мамнун овоз эшитилди.— Орамизда қирол бор экан. Буни ҳамма қабристонда ҳам учратавермайсан...

Жиддий шивирлашлар ва суякларнинг ишқаланиши бир коптокка йигилиб, борган сари қуюқлашар ва вазминлашар эди.

— Қаранглар-чи, қиролларнинг суяги мовийлиги ростмикан?— дея шоша-пиша сўради умуртқаси қийшиқ кичкина скелет.

— Рухсатингиз билан айтсам...— дея салобат билан гап бошлади ёдгорликка миниб олган аллақайси бир скелет.

— Қадоклар учун энг яхши малҳам — менинг малҳамим!— дея кичқирди унинг орқасида турган биров.

— Мен архитектор бўламан...

Бироқ ягриндор ва пакана скелет суяклари калта қўллари билан ҳаммани нари-бери суриб, кичқирди ва ўлик овозлар ғувурини боса тушди:

— Диндош ёронлар! Сизларнинг маънавий ҳақимларингиз мен эмасмидим, руҳларингизда ҳаётларингиз ҳасратларидан пайдо бўлган қадаҳларни беозор юпанчининг малҳами билан даволаган мен эмасмидим?

— Изтироб деган гап йўк!— деди кимдир гижиниб.— Ҳамма нарса тасаввурдагина мавжуд холос.

— Мен архитектор бўламан, пастак эшиклар ихтиро қилганман...

— Мен эса — пашша қирадиган қоғоз ихтиро қилганман!..

— Мен уйга кирган одамлар унинг эгасига беихтиёр бош эгсин деган ният билан шундай қилдим...— дерди ҳалиги ёпишқоқ овоз.

— Биринчилик менда эмасми, ёронлар? Қайғуларни унутишга муштоқ бўлган руҳларингизни, фоний дунёнинг бебаҳолиги ҳақидаги фикрларимнинг сутлари ва асали билан қондирган мен бўламан!

— Ниманки бор экан — ҳаммаси мангуга жорий этилган!— деб ғунғиллади аллақим хира овоз билан.

Кулранг тошда ўлтирган бир оёкли скелет болдирини кўтариб узатди-да, нима учундир қичкирди:

— Ҳа, албатта, шундай!

Қабристон ҳар ким ўз молини мақтаётган бозорга айланди. Тун сукунатининг қоп-қоронғи бўшлиғига бўғиқ қичқирикларнинг лойқа дарёси, жирканч мақтанчоқлик ва бадбўй манманликнинг оқими келиб қуйилар эди. Чивинлар галаси сассиқ ботқоқлик устида парвоз қилиб ва ҳавони қабрларнинг ҳамма оғулари, ҳамма заҳарлари билан тўлдириб чиқириётгандек, зорланаётгандек, ғўнғиллаётгандек эди. Гўё Иблис эски-туски харид қилувчию — ҳамма ўприлган кўз чаноклари ва гириҳ тишларини унинг юзига тикиб атрофида ўралишарди. Ўлик фикрлар бири кетидан бири тирилиб, кузнинг ҳақиқ япроқларидек ҳавода айланарди.

Иблис қайнаётган бу манзарага яшил кўзлари билан тикилиб турар, унинг назари суяк уюмларига фосфордек милтиллаётган совуқ шуъла тўқар эди.

Унинг оёқлари остида ўтирган скелет қўл суякларини бошидан ошириб ва уларни ҳавода беозор чайқатиб гапирарди:

— Ҳар бир хотин биргина эркакка тегишли бўлиши керак...

Лекин унинг шивирига бошқа товуш чирмашар, унинг сўзлари бошқа сўзлар билан ғалати тарзда қучоқлашиб кетар эди.

— Ҳақиқатан ўликларгина воқиф холос!..

Шу сўзлар ҳам айланиб юрарди:

— Мен, ота бамисоли ўргимчак, деган эдим...

— Бизнинг ер юзидаги ҳаётимиз — сон минг ёзиқлардан ва тамуғ зулматидан иборат!

— Мен уч марта уйландим, учқовида ҳам — қонунан...

— У умр бўйи чарчамай оила омонлигининг тўрини тўқийди...

— Ҳар гал битта хотинга уйландим...

Дафъатан қаёқдандир сариғ ва ғовак суякларини пайваст қисирлатаётган скелет пайдо бўлди. У ўприлиб кетган юзини Иблиснинг кўзлари рўпарасига олиб борди ва деди:

— Мен захмдан ўлганман, ҳа! Лекин ахлоқни ҳарҳолда ҳурмат қилар эдим! Хотиним менга хиёнат қилганидан кейин — унинг қабих қилмишини қонун ва жамият ҳукмига ўзим ҳавола қилдим...

Лекин уни суяқлар билан итариб четга суриб юбордилар, мўри ичида оҳиста увуллаган шамол каби аралаш-қуралаш садолар яна эшитила бошлади.

— Мен электр стул ихтиро қилдим. У одамларни азобламай ўлдирди.

— Мен тобутлар ортидан, одамларга, сизларни абадул-абад роҳат кутади, деб таскин бердим...

— Ота болаларига ҳаёт ва овқат беради... Киши ота бўлгандан кейин шундай бўлади, бунгача у — оиланинг аъзосигина бўлади...

Юзида эт парчалари қолган тухумнусха калла бошқаларнинг бошидан ошириб гапирарди:

— Мен, санъат жамиятнинг фикрлари ва қарашлари, одатлари ва талаблари комплексига бўйсуниб кераклигини исботладим...

Кулаган дарахтни тасвирловчи ёдгорликка миниб олган бошқа бир скелет эътироз билдирарди:

— Озодлик анархия сифатидагина яшай олиши мумкин!

— Санъат бу — ҳаёт ва меҳнатдан чарчаган рух учун ёқимли дору...

— Ҳаёт меҳнатдан иборатдир деб даъво қилган мен бўламан! — деган овоз келди узоқдан.

— Китоб, аптекада ҳафдору солиб бериладиган қутичадек чиройли бўлсин...

— Ҳамма одамлар ишлашлари, баъзилари ишни кузатиб туришлари керак... Унинг самараларидан бунга ўз лаёқатлари ва хизматлари билан муносиб ҳар кимса фойдаланади...

— Санъат чиройли ва одамсевар бўлсин... Чарчаган пайтларимда у менга ором кўшиқларини айтиб беради...

— Мен эса, — деб гап бошлади Иблис, — фақат гўзаллик маъбудагагина хизмат қиладиган эркин санъатни севаман. Мен уни айниқса шу пайтда севаманки, у маъсум йигитдек, ўлмас гўзалликни орзу қилиб, унинг бутун ҳузурини тотиб чанқоғида ҳаёт танидан ранго-ранг либосни тортиб олади... ва у бунинг қаршисида шалвираган терисини ажин ва яралар босган эски фоҳиша қиёфасида намоён бўлади... Беҳад қаҳр, гўзалликни тусаш ва ҳаётнинг турғун ботқоғига қарши нафрат — мен санъатда ана шуларни яхши кўраман... Яхши шоирнинг дўстлари — хотин билан шайтон...

Минорадан миснинг фарёдли ҳайкириғи кўтарилди. У қоронғиликда шаффоф қанотли катта қушдек кўринмай ва майин чайқалиб ўликлар шаҳри устида парвоз қилди... Афтидан мудроқ қоровул мажолсиз қўллари билан қўнғирок арқонини беихтиёр тортиб юборган бўлса керак. Мис садоси ҳавода эриган кўйи ўлиб борарди. Лекин унинг сўнги титроғи ўчмай туриб, уйғонган тун қўнғирогининг

янги кескин садоси янгради. Дим ҳаво оҳиста-оҳиста сайқалиб турар, титроқ мис садосининг гамгин ғувири орасидан суякларнинг қисирлаши, қуруқ овозларнинг шивири эшитилар эди.

Хира аҳмоқликнинг зериктирарли нутқларини, ўлик разолатнинг ёпишқоқ сўзларини, тантана қилган каззобликнинг беҳаё гурунгини, худбинликиннинг бетоқат имкониятини мен яна эшитдим. Шаҳарлардаги одамларнинг ўйларини банд этган фикрларнинг ҳаммасига жон кирди, лекин улар орасида фахр қилса бўладиган фикрлардан биттаси ҳам йўқ эди. Ҳаётнинг руҳини кишанлаган, занг босган занжирларнинг ҳаммаси жаранглар, лекин киши руҳи зулматини мағрур ёритадиган яшинларнинг биттаси ҳам йилт этмади.

— Қаҳрамонлар қани? — деб сўрадим Иблисдан.

— Улар — камтар, уларнинг қабрлари унутилган. Уларни ҳаёт вақтларидаёқ бўғар эдилар, улар қабристонда ҳам суяклар билан бостирилиб юборилган! — дея жавоб берди у, бизни қора булут каби ўраб олган бадбўй чиркин ҳидни тарқатиш учун қанотини силкитар экан. Бу булут ичида ўликларнинг бир оҳангдаги хира овозлари қуртдек ўрмалар эди.

Эдикдўз, авлодларнинг ташаккурини ҳамкасбларим орасида биринчи навбатда мен олишим керак — тумшуғи ингичка этикни мен ихтиро қилганман, дерди. Ўз китобида минглаб ўргимчакларни тасвирлаган олим, мен энг улуғ олимман, деб даъво қиларди. Сунъий сут ихтирочиси, қилган ишининг дунё учун фойдали эканини атрофидагиларга зўр бериб уқтираётган тезотар тўп ихтирочисини ўзидан нари итариб, бетоқат нолирди. Мингларча ингичка ва нам ип мияга илондек чирмашиб уни қисар эди. Ҳамма ўликлар, нима тўғрисида гапирмасинлар, ўз ишига меҳр қўйган ҳаёт қамоқчиларидек, расмана аҳлоқпарастлардек гапирар эдилар.

— Бас! — деди Иблис. — Жонимга тегди... Ўликлар қабристонларидаги ҳамма нарса ҳам, шаҳарларда тириклар учун бўлган қабристонлардаги ҳамма нарса ҳам жонимга тегди... Ҳой ҳақиқат посбонлари! Қабрларингизга киринглар!..

У ҳокимлиги кўнглига теккан ҳукмронга хос темирсифат овоз билан кичқирди.

Шунда бўзранг ва саргиш хоклар йигими гирдибод остида қолган гард-ғуборда бирдан вишиллади, чирпирак бўлди ва қайнади. Ер мингларча ҳалқумини очди ва ўкчиб ташлаган овқатини ҳазм қилишда давом этиш учун тўқ

чўчкадек ялқов тамшаниб уни янгитдан ютди... Ҳамма нарса бирдан гойиб бўлди, тошлар чайқалиб яна ўз жойларини эгаллади. Фақат оғир ва нам қўли билан томоқни бўғайган бадбўй хидгина қолди.

Иблис қабрлардан бирига ўтириб, тирсақларини тиззасига тиради-да, бошини қора қўлларининг узун бармоқлари орасига олди. Кўзлари узоқда, қоронғилик ичида турган орасига олди. Кўзлари узоқда, қоронғилик ичида турган тошлар ва қабрларга ҳаракатсиз тикилиб қолди... Боши устида юлдузлар милтиллар, оқариб қолган осмонда кўнги-роқнинг мис садоси оҳиста парвоз қилар ва тунни уйғотар эди.

— Кўрдингми? — деди у менга. — Мана шу ҳамма аҳмоқона пўпанаклар, содда каззоблик ва илашувчи разолатнинг бепанд, заҳарли, ёпишқоқ замини устига — ҳаёт қонуларининг тор ва қоронғи биноси, ўликлар сизларнинг ҳаммаларингизни қўйдек қамаган қафас қурилган... Ялқовлик ва ўйлашдан кўркиш сизларнинг камоқҳонангизни маҳкам сиқиб чирмаб туради. Ҳаётингизнинг асл хўжайинлари — доимо ўликлар, гарчанд сени тирик одамлар бошқарсалар ҳам, уларга ўликлар илҳом беради. Дунёвий ҳикматларнинг манбалари қабрлардир. Гап шуки, сизларнинг соғлом ақллариңгиз — мурдаларнинг шираларини эмган гулдир. Ўлик ер қаърида дарҳол чирий бошлар экан тирик одамнинг руҳида абадий яшашни истайди. Ўлик фикрларнинг майда ва қуруқ хоки тирикларнинг миясига бемалол кириб олади, сизларнинг ҳикмат тарғиб қилувчилариңгиз шунинг учун ҳам ҳаминша руҳ ўлимнинг тарғибчиларидир!

Иблис бошини кўтарди ва унинг яшил кўзлари юзимга иккита совуқ юлдуздек тикилди.

— Ер юзида нималар кўпроқ жар солиб тарғиб қилинади, унда мустаҳкам ўрнатмоқчи бўлган нарсалари нима? Ҳаётнинг пароканда қилиниши. Одамлар учун мавқеларнинг турли-туманлиги қонуний бўлиши ва улар учун руҳлар бирлигининг зарурлиги. Одамларни ҳаётнинг бир нечта хўжайинлари учун қулай бўлган барча ҳандасини шакллarga, ғиштга ўхшатиб қалагандек қулай жойлаштириш мумкин бўлсин учун, барча руҳларнинг нуқул бир хил квадрат шаклда бўлиши. Мазлумларнинг аччиқ-туйғуларини золимларнинг шафқатсиз ва сохта ақл иродаси билан мураса қилдиришдан иборат бу риёкорона ваъда-насиҳат — норозиликнинг ижодий руҳини ўлдиришдек қабиҳ ниятдан келиб чикқан, бу ваъда-насиҳат — озодликнинг руҳини қамаш ниятида каззоблик тошларидан сағана қуриш учун қаби-

ҳона интилишдир холос...

Тонг отмоқда. Куёшни кутиб оқараётган осмонда юлдузлар сокин милтилларди. Иблиснинг кўзлари эса борган сари чакнаб ёнарди.

— Гўзал ва тўкис ҳаёт учун одамларга нимани тарғиб қилиш керак? Ҳамма одамлар мавқеининг бир хил ва барча руҳларнинг фарқли бўлишини тарғиб қилиш керак. Шунда ҳаёт барчанинг ҳар бир шахс эркинлигини ҳурматлаши илдизи устида бирлашган бир туп гул бўлади, шунда у, ҳамма учун бир бўлган дўстлик ҳисси ҳамда юксалиш учун умумий интилиш заминиде ёнаётган гулхан бўлади... шунда фикрлар курашадия одамлар ўртоқлигича қолаверадилар. Бу юзага чиқиши қийинми? Бу нарса содир бўлиши керак, чунки бу нарса ҳали юз берган эмас!

— Мана кундуз бошланаётибди,— дея гапида давом қилди Иблис шарққа қараб.— Модомики, кишининг худди юрагиде тун ҳукм сураётган экан, куёш кимга ҳам қувонч бағишлай олиши мумкин? Одамларнинг куёшни қутлашга вақтлари йўқ, кўпчилик фақат нон истайди, бировлар уни мумкин қадар камроқ беришни ўйлаш билан банд, яна бировлар ҳаёт гирдобиде якка кезиб, ҳамон озодлик қидирадилар ва нон учун тинимсиз кураш қўйнида унга етишолмайдилар. Бу бахтсизлар изтиробде, ёлғизлик аламидан, бир-бирига зид нарсаларни муроса қилдира бошлайдилар. Шундай қилиб энг яхши одамлар аввал бошде соддаликдан ўз-ўзларига хиёнат қилаётганликларини пайқамай, кейинчалик ўз эътиқодларига, ўз орзуларига онгли равишде хиёнат қилиб, ашаддий каззобликнинг ботқоғига ботадилар...

У ўрнидан турди ва қудратли қанотларини ростлади.

— Мен ҳам иштиёқларимнинг йўлидан ажойиб имкониятларнинг иқболига борай...

У ғарбга учар экан, уни қўнғироқнинг ғамгин садоси,— миснинг ўлаётган товушлари кузатиб қолди...

* * *

Мен бу тушни бошқаларидан кўра одамга ўхшаганроқ бир америкаликка айтиб берганимде, у аввал ўйланди, кейин илжайиб хитоб қилди:

— Э, тушундим. У кремация печлари фирмасини агенти экан. Албатта шундай! Айтган ҳамма гаплари — мурдаларни куйдириш зарур эканлигини тасдиқлайди... Лекин, мен сизга айтсам, ажойиб агент экан! Ўз фирмасига хизмат қилиш учун — одамларнинг ҳатто тушига ҳам кирар экан...

*Нью-Йорк,
1906 йил, май.*

Х О Л

I

Столда куйган ўк-дори ҳиди анқиб турган патрон гильзалари, кўй сўнгаги, дала харитаси, маълумот, от терининг хиди уриб қолган нақшдор юган, бир бўлак нон. Буларнинг ҳаммаси столда, деворнинг захидан моғор босган, чопилган ҳаракда эса елкасини дераза рафига тираганча эскадрон командири Николка Кошевой ўтирибди. Совқотган, карахт бармоқлари қалам тутган, столда ёйилиб ётган аллақачонги плакатлар ёнида — чала тўлдирилган анкета. Дағал қогоз қискагина баён этади: К о ш е в о й Н и к о л а й . Эскадрон командири. РКСМ аъзоси.

«Ёши» деган катакка қалам эран-қаран: «18 да», деб ёзади.

Николка яғриндор, ёшига нисбатан каттароқ кўринади. Атрофида ажинлар таралган кўзлари ва чолларга хос букчайган елкаси уни кексанамо кўрсатади.

— Ёш бола-я, болақай, пишмаган кўғанинг ўзи-ку,— дейишади ҳазиллашиб эскадрондагилар,— аммо деярли талофат кўрмай икки бандани тугатиб, эскадронни ярим йил давомида ҳар қандай кекса командирдан қолишмасдан жангу олишувларга бошлаб бора оладиган бошқа одамни топиб кўр-чи!

Николка ўн саккиз ёшдалигидан ийманади. Ҳамиша «ёши» деган ёқимсиз катақ қаршисиға келганда қаламининг юриши сустлашиб, имиллаб қолади, Николканинг ёноклари ўкинчдан кизғиш тортади. Николканинг отаси казак, отасига кўра у ҳам казак. Беш-олти ёшларида отаси уни ҳарбий отига миндирганини худди алоқ-чалок тушдек эслайди.

— Ёлидан ушла, ўғлим!— деб қичқирарди отаси, онаси эса ошхона эшигидан Николкага жилмайиб турар, отнинг дўнг сиртига қапишган жажжи оёқлариға ва юган тутган отасига тикилар эди.

Бу аллақачонлар бўлган. Николканинг отаси герман урушида, худди сув ютгандек, бедарак кетди. Ном-нишонсиз дом-дараксиз. Николкага отасидан отга ишқибозлик, беҳад довюраклик, чап оёғининг тўпиғидан юқорисида худди отасидагига ўхшаган каптар тухумидек хол мерос қолди. Ўн беш ёшигача хизматкорликда саргардон кезди, кейин

эса узун шинель сўраб олиб, станицадан ўтаётган қизил полк билан бирга Врангелга қарши курашгани жўнади. Шу бу йил ёзда Николка Донда ҳарбий комиссар билан бирга чўмилаётган эди. Комиссар Николканинг букчайган, куёшдан қорайган елкасига қоқа-қоқа, кантузияланган бошини кийшайтирганча дудукланиб шундай деди:

— Сен ҳалиги... ҳалиги... Сен бахт... бахтли экансан! Ҳа, бахтли экансан! Хол — бахтнинг нишонаси эмиш.

Николка садаф тишларини кўрсатиб тиржайди-да, сувга шўнғиди. Сувдан туриб пишқирган кўйи кичқирди:

— Бекор айтибсан, довдир! Гўдакликдан етим, умр бўйи хизматкорликдан қаддимни ростламаган бўлсаму бу киши мени, бахтлисан, деб ўтирса!

Шундай дедию Донни кучиб турган сарғиш қумлок томон сузиб кетди.

2

Николка истикомат килаётган уй Дон устидаги учурум ёқасига жойлашган. Деразаларида ям-яшил, ёйиқ Дон бўйлари, пўлатранг қорамтир сув кўриниб туради. Бўрон эсган кечалари учурум тагида тўлқинлар шалоплайди, дарчалар энтиккандек ҳасрат чекади, Николканинг назарида сув пол тирқишларидан ўгринча сизиб кираётгандек, тўлиқиб, уйни силкитаётгандек туюлади.

У бошқа квартирага кўчмоқчи эди-ю, ниятини амалга оширмай, кузгача шу ерда қоладиган бўлди. Аёзли тонгда мўрт сукунатни нагалбанд этигининг жаранги билан чил-чил синдирганча Николка бўсағага чиқиб келди. Олчазор боғчага тушиди-да, шабнамдан гирёнзада, оқаришқираган ўланга ёстинди. Оғилдан уй бекасининг сизирни тек туришга ундаётгани, йўгон овозли бузоқнинг қистов билан мўнграётгани, тизиллаб тушаётган сутнинг пақир четига жаранглаб урилаётгани эшитиларди.

Ҳовлида ён эшик гижирлади, ит акиллади. Взвод бошлигининг овози эшитилди:

— Командир уйдами?

Николка тирсакларига таянганча қаддини кўтарди.

— Мен бу ёқдаман! Хўш, яна нима бўлди?

— Станицадан чопар келди. Айтишича, Сая округидан банда чиқиб келганмиш. Грушинский совхозини босганмиш.

— Бошлаб кел уни бу ёққа.

Чопар қора терга ботган отини отхонага етаклади. От

ҳовлининг ўртасида олдинги оёқлари билан мункиб тушди, кейин ёнбошига қулади-да, ўқтин-ўқтин, калта-калта хириллаганича, нафаси тикилиб, дарғазаб вовиллаётган занжирбанд итга сўнаётган кўзлари билан тикилган қўйи ўлиб қолди. Шунинг учун ўлиб қолдики, чопар келтирган пакетга учта хоч белгиси қўйилган, чопар уни қирқ чақирим йўлдан унга дам бермай олиб келган эди.

Николка раиснинг ундан, эскадрон билан мадад бергани етиб кел, деб илтимос қилганини ўқигач, меҳмонхонага кириб қиличини тақаркан, тинкаси қуриб ўйлади: «Бирон ёққа ўқишга кетсам бўларди-ю, бу ёқда эса банда... Ҳарбий комиссар изза қилади, биронта сўзни тўғри ёзолмайсан, ахир эскадрон командири бўлсанг, деб... Ахир черков мактабини тамомлаёлмаган бўлсам менда нима айб? Довдир одам... Устига банда босганини айт... Яна қон тўкилади, бунақа турмуш тинка-мадоримни қуритди... Ҳаммаси меъдамга тегди...»

Йўл-йўлакай карабинини ўклаганча бўсағага чикди. Хаёли теп-текис катта кўчага чопиб кетаётган отлардек елар, шуларни ўйлар эди: «Шаҳарга кетсам бўларди... Ўқисам бўларди...»

Ўлиб қолган от ёнидан отхона томон ўтиб бораркан, унинг чанг босган бурун каттакларидан сизиб чиқиб, қора тасмадек чўзилган қонни кўриб, юзини терс ўгирди.

3

Ўнқир-чўнқир ёзлик йўл бўйлаб, шамол ялаган арава излари бўйлаб гажимдор, бўзранг баргизуб, калин, хурпайган шўра ва тахож тарвақайлаб ётибди. Бу — бир вақтлар ғарамлари дашт бағрида қаҳрабо катраларидек сочилиб ётган хирмонжойларга пичан ташилган ёзлик йўл, серкатнов йўл эса телеграф симёғочлари тагидаги дўнгликлар узра ястанган. Симёғочлар сою жарлар оша одимлаб, кузнинг хира тортган оқиш бағри томон интилади, симёғочлар ёнидан ўтган ялтироқ йўл бўйлаб эса атаман совет ҳокимиятидан норози элликтача Дон ва Кубань казакларидан иборат бандасини бошлаб кетмоқда. Улар худди қўй сурувига дориган бўридек уч кеча-кундуздан буён йўл бўйлаб ёки йўлсиз қўриқ оша қочиб бормоқда, орқадан эса уларни қоралаганча Николка Кошевойнинг отряди келмоқда.

Вандадагилар кўпни кўрган, пихини ёрган ҳарбийлар тоифасидан бўлсалар-да, ҳар қалай, атаман оғир ўй суриб кетади, узангига оёқ тираб турганча, даштни кўзлари билан

пайпаслайди. Доннинг нариги томонига чўзилиб кетган ўрмоннинг мовий хошиясигача неча чақиримлигини чамалайди.

Улар шу тариқа бўридек қочадилар, Николка Кошевойнинг эскадрони эса уларнинг изидан кувади.

Ёзнинг очиқ-ёруғ кунлари, шаффоф осмон остидаги Дон даштларида бугдой бошоқлари кумушдек жаранглаб тебранади. Ўрим олдида сархил сара бугдой бошоғининг мурти ўн етти яшар йигитчанинг мўйловидек қора тортган. Жавдар эса юқорига сапчиб, одам бўйидан ошиб кетишга интилган кезларда шундай бўлади.

Серсоқол деҳқонлар тўп-тўп дарахтзорлар яқинидаги кумлоқ тепалардаги кумоқ пайкалларга жавдар экадилар. У яхши битмайди, қадим-қадимдан бир десятинадан ўттиз чоракка етар-етмас ҳосил беради, жавдарни шунинг учун экишадики, ундан қиз боланинг кўз ёшидан тиниқ самогон тортишади: негаки, азрўйи азалдан шу таомил бор, бобою бобоколонлар ҳам ичиб келишган. Дон кўшинлари области казакларининг тўғрисида арақли бочка устида шир яланғоч ўтирган казак тасвири акс этирилганлиги, чамаси, бежиз бўлмаса керак. Хуторлару станицалар куз кунлари қуюқ ва ўткир хамир бўлиб гупиради, қизғиш тол четанлар узра тепаси қизил папоқлар мастона чайқалади.

Ана шунга кўра атаман ҳам бирон кун ҳушёр бўлмайди, шу сабабдан ҳам барча аравакашлару пулемётчилар рессорали тачанкаларда кайфдан қийшайиб ўтирадилар.

Атаман қадрдон кўраларни етти йил мобайнида кўрмади. Герман асирлиги, кейин Врангель, қуёш тиғидан эриб турган Истамбул, тикан симли лагерь, мумланган, шўр қанотли турк фелюгаси, Кубаннинг попилтириқдор камишзорлари ва ниҳоят — банда.

Агар елкаси оша орқасига ўгирилиб қараса — атаманинг кечирган турмуши ана шу. Атаманининг юраги жазирама ёз кунлари даштдаги чалчиқлар бўйида ҳўкизларнинг айри туёқларидан тушган излардек тош қотди. Тушуниб бўлмайдиган ғалати бир алам ичини кемиради, мушакларини ўқчидек тириштиради, атаман пайқаб турадики, уни унутолмайди, бу дардга ҳеч қандай самогон билан бас келолмайди. Шунинг учун ҳушёр тортмай кунига ичаднки, Дон даштларидаги ташна бағри қуёш остида ағдарилиб ётган ғалла хушбўй ва тотли гулламоқда, қорамағиз юзли жалмеркалар хуторлару станицаларда шундай самогон тортмоқдаларки, шарқираб турган чашма сувидан ажратиб бўлмайди.

Тонготарда дастлабки аёз бошланди. Нилуфарнинг сербар япроқларига нукра туклар сочилди, кичкина тегирмон тошида эса эрталаб Лукич сюдага ўхшаган ранг-баранг, юпка-юпка муз парчаларини кўрди.

Эрталабданок Лукичнинг тоби қочиб қолди: бошига санчик кирди, симиллаган оғриқдан оёқлари оғирлашиб, уларни ердан узолмасди. Эти сўнгаларидан ажралиб кетаётгандек бесўнакай гавдасини аранг кўтарганча тегирмон бўйлаб оёқларини сургаб босарди. Тарик жувоздан бир лип этганча бир гала сичқон қочиб чиқди: ёшланган нам кўзлари билан юқорига тикилди: шифт тагидаги қўндоқдан туриб каптар ишчанлик билан жадал бидир-бидирлаганча хониш қилмоқда эди. Бобо бамисоли қумоқ тупроқдан ясалгандек бурун катаклари билан моғор босган талх сув исини, жавдар уни ҳидини димоғига тортди, сувнинг хунук ютоққанча устунларни ялаб-юлкаётганини, шимаётганини тинглаб турди-да, пахмоқ соқолини гижимлаб ўйга толди.

Бобо асалари кувалари турган жойда дам олиш учун ёстанди. Пўстинини устига кийғос ташлаганча уйқига кетди, оғзи нимочиқ, увизидан сизган илиқ, ёпишқоқ сўлаги соқолига илашган. Оқшом коронғиси бобонинг уйини бус-бутун чулғаб олди, тегирмон сутранг туман увадалари орасида қолди...

Уйғонганида — ўрмондан икки отлиқ чиқиб келмәқда эди. Улардан бири асалари кувалари орасида юрган бобога қичқирди:

— Бу ёққа кел, бобо!

Лукич шубҳаланиб қараганча туриб қолди. У нотинч йиллар мобайнида ем билан унни сўрамай-нетмай тортиб оладиган, мана бундай қуролли одамларни жуда кўп учратган, уларнинг ҳаммасини баб-баробар, ёппасига қаттиқ ёмон кўрар эди.

— Тезроқ юрсанг-чи, қоқбош чол!

Лукич ўйма кувалар орасидан ўтиб борди, туси кетган лабларини оҳиста кимираганча сассиз чапиллатди, меҳмонларга қийғоч қараганча берироқда туриб қолди.

— Биз — кизилларданмиз, бобожон... Сен биздан кўркма,— деди хирқираб атаман, беозоргина.— Биз бандани қувиб юрибмиз, ўзимизникилардан орқада қолиб кетдик... Балжи, кўргандирсан, кеча шу ердан отряд ўтган эди?

— Аллақандай одамлар ўтган эди.

— Улар қаёққа қараб кетишди, бобо?

— Ким билсин жин урганларни!
— Тегирмонингда улардан битта-яримтаси қолмаганмиди?

— Йўқ, — деди Лукич қискагина ва орқасига ўгирилди.
— Шошма, қария. — Атаман эгардан сакраб тушди, мастлигидан маймоқ оёқларида туролмай қалкиб кетди, оғзидан самогон хиди буркираганча шундай деди: — Биз коммунистларни йўкотамиз, бобо... Ҳа, шундай!.. Бизнинг кимлигимизнинг сенга ҳеч бир дахли йўқ! — Қоқилиб кетиб, юганини кўлидан тушириб юборди. — Сенга дахлдор жойи шуки, етмиш отга ем тайёрлаб берасан, унингни чиқармайсан... Ҳозирнинг ўзида!.. Тушундингми? Фалланг қаерда?

— Йўқ, — деди Лукич, атрофига аланглаганча.
— Бу омборда нима бор?
— Бало-баттар лаш-луш... Фалла йўқ!
— Қани, юр-чи!

Чолнинг ёқасидан тутди-да, қийшайиб ерга қапишиб ётган омбор томонга тиззаси билан судратганча олиб кетди. Эшикни ланг очди. Халталарда буғдой билан тахожли арпа бор эди.

— Бу фалла бўлмай, нима, қари аблаҳ?
— Фалла, валенеъматим... Булар супиринди... Мен буларни бир йил мобайнида битталаб йиққан бўлсаму... сен отларга едириб увол қилмоқчимисан...

— Нима, бизнинг отларимиз очидан тиришиб ўлсинми? Хўш, бу нима қилганинг — қизилларнинг тарафини олаётибсанми, ўзингга ўлим тилаётибсанми?

— Раҳминг келсин, меҳрибонгинам! Сенга нима гуноҳ қилдим? — Лукич бошидан шапқасини юлқиб олди-да, шартта тиз чўкиб, атамanning сержуи кўлига ёпишганча ўпа бошлади...

— Айт: қизилларни ёқтирасанми?
— Кечир, жафокашгинам!.. Беҳуда гапирган бўлсам, айбимдан ўт. Вой, кечир, қийнама мени, — деб ўқради чол, атамanning оёқларини қучганча.

— Қизилларга тарафдормаслигингга қасам ич... Чўқшима, тупроқ ошала!

Бобо кафтларидаги тупроқни кўзёшлари билан ивитиб, тишсиз оғзида айлантириб кавшайди.

— Хўп, энди йшондим. Ўрнингдан тур, қария!
Атаман оёқлари увишиб қолган чолнинг туролмаётганини кўриб кулади. Етиб келган отлиқлар хомпалардан арпа билан буғдойни ташиб чиқиб, отларнинг оёқлари остига

сепадилар, олтираанг донларни ховли юзига тўкиб-сочадилар.

Туман, намхуш қоронғилик оғушидаги тонг.

Лукич соқчининг олдида ўтиб, йўлдан эмас, ўрмондаги ўзигагина маълум бўлган сўқмоқдан пилдираганча жарликлар оша, тонг олдидаги тетик мудроқликда сергакланган ўрмон оша хутор томон жўнади.

Ел тегирмонга етиб бориб, говли йўлдан тор кўчага бурилмоқчи эди, кўз ўнгида дафъатан отликларнинг гира-шира шарнаси пайдо бўлди.

— Ким у келаётган? — деган ташвишли хитоб эшитилди жимжитлик қўйнидан.

— Менман... — деди Лукич чайналиб, ўзи эса бутунлай бўшашиб аъзойи бадани дағ-дағ титрай бошлади.

— Кимсан ўзинг? Пропусканг борми? Нима қилиб изғиб юрибсан?

— Тегирмончиман... Шу ердаги сув тегирмондан бўлман. Хуторга зарур иш билан кетаётган эдим.

— Қанақа зарур иш экан? Қани, командирнинг олдига юр-чи! Олдинга туш! — деб қичқирди биттаси, оти билан бостириб келаркан.

Отнинг буғли лаблари бўйинга тегаётганини сезган Лукич оқсоқлаганча хутор томон йўргалаб кетди.

Майдондаги черепица ёпилган уй олдида тўхтадилар. Кузатувчи инқиллаганча эгардан тушди-да, қиличини шалоплатган қўйи бўсағага кўтарилди.

— Оркамдан юр!..

Деразалардан чироқ ёруғи тушиб турибди. Кириб боришди.

Лукич тамаки тутунидан аксириб юборди, шоша-пиша шапкасини олди-да, тўрдаги бурчакка қараб чўкинди.

— Мана бу чолни ушлаб келдик. Хуторга кетаётган экан.

Николка пару пат ёпишган пахмоқ бошини столдан кўтариб, уйқусираганча, аммо жиддий сўради:

— Қайққа кетаётган эдинг?

Лукич олдинга бир қадам ташлаб, қувонганлигидан қалқиб кетди.

— Жошгинам, ўзимизникилардан экансанлар, мен бўлсам — яна ўша гаддорлар, деб ўйлабман... Ўтакам ёрилганидан сўрашга ҳам ботинолмабман... Мен тегирмончиман. Митроханинг ўрмонидан ўтаётганларингда меникига тушган эдинглар, мен сенга сут қуйиб берган эдим, кўзигинам... Ё эсингдан чиқдимми?

— Хўш, нима демоқчисан?

— Айтадиган гапим шуки, ўргилай: кеча қоронғи тушиши билан меникига ўша бандадагилар бостириб келишди, бор дон-дунимни отларига пок-покиза едириб юборишди... Мени хўрлашди... Каттаси: жонингдан умидинг бўлса — олдимизда қасам ич, деди, тупроқ ошалагтирди.

— Улар ҳозир қасрда?

— Ўша ерда-да. Бир талай ароқ олиб келишган экан, шимирапти иблислар. Менинг меҳмонхонамда, мен сиз шафқат паноҳимга хабар бергани югуриб келдим, ҳеч бўлмаса сиз уларнинг таъзирини бериб қўясиз.

— Айт, отни эгарлашсин!— дея бобога жилмайганча харрақдан сапчиб турди Николка ва ҳорғинлик билан шинелининг энгини тортди.

5

Тонг отди.

Уйқусиз кечалардан заҳил тортган Николка пулемётли дуколка томон чошиб келди.

— Атакага киришишимиз билан — ўнг қанотига қараб шиғиллат. Биз уларнинг қанотини синдиришимиз керак!

Шундай деди-да, ёйилиб бораётган эскадрон томон от қўйди.

Йўлдаги бир тўп мажмағил дублардан ўтгач отлиқлар кўринди — улар тўртта-тўрттадан саф тортишган, ораликларида тачанкалар кетмоқда эди.

— Елдиришлар!— деб кичкирди Николка ва орқасида туёқларнинг дупури кучаяётганини сезиб, айғирга камчи босди.

Даҳанада жон ҳолатда пулемёт тариллади, бояги йўлдагилар эса худди машқ вақтларидагидек дарҳол халқа бўлиб ёйилдилар.

* * *

Айқаш-уйқаш ёғочлар орасидан тепаликка тўнғизтароқ ёпишган бўри югуриб чикди. Бошини олдинга чўзганча тинчиди. Яқин орада тарс-турс ўқлар отилмоқда, турли оҳангда увиллаган товушлар пайваст тебраниб янграмоқда эди.

Тақ!— этиб қайрағочларга келиб тушарди ўқ товуши, тепаликнинг нарёғидаги қаердадир, шудгордан нарида пайваст бидирлаган акс-садо эшитиларди: тук!

Яна ўқтин-ўқтин: туқ-туқ-туқ!.. Тепалик орқасидан жавоб келарди: туқ-туқ-туқ!

Бўри турди-турди-да, аран-қаран, лапанглаганча жарликдаги сарғайиб қолган, ўриб олинмаган кўгазорга қараб йўналди...

— Бўшашма!.. Тачанкаларни ташламаңлар!.. Чакалакка... Чакалакка, дейман, онангни эмгурлар!— деб кичкирарди атаман, узангига оёқ тираб турганча.

Тачанкалар атрофида эса ҳовлиқиб қолган аравакашлар билан пулемётлар ён қайишларини кесмоқда, пулемётдан узлуксиз ўт очилаётганлиги туфайли узилиб кетган ҳалқадагилар тирақайлаб қоча бошлаган эдилар.

Атаман отини бурди, унга томон қанот ёзгандек, қиличини ўйнатиб бир киши от чоптириб келмоқда эди. Кўкрагидаги чайқалаётган дурбинидан, буржасидан атаман от чоптириб келаётган оддий қизил аскар эмаслигини пайқади-да, тизгинни тортди. Узоқдан ёш йигитнинг ғазабдан буришган мўйлабсиз юзини, шамолдан юмилаёзган кўзларини кўрди. Атаманнинг тагидаги от орқа оёқларига чўккудек бўлиб ўйноқларди, ўзи эса камарига илиниб қолган маузерини юлқилаб тортаркан, шундай деб кичкирди:

— Итвачча гўдак!.. Ўйнатавер, ўйнатавер, ўйнатишни мендан кўрасан ҳали!..

Атама яқинлашиб қолаётган қора буркага қараб ўқ узди. От саккиз сажинча чошиб келиб, қулаб тушди, буркасини иргитиб ташлаган Николка эса ўқ уза-уза югурганча атаман томон тобора яқинлашиб келмоқда эди...

Чакалакнинг орқасида кимдир ваҳшиёна чинқириб юборди-да, овози ўчиб қолди. Қуёш юзини булут босди, даштга, йўлга куз ва шамоллар дастидан яланғочланган ўрмонга сузиб борувчи соялар тўшалди.

«Нодон, гўдак, ҳовлиқма, шунинг учун ҳам бу ерда ажалга дучор бўлади»,— деб ўйларди атаман, шошқинлик билан, ниҳоят йигитнинг обоймасидаги ўқлари тамом бўлгач тизгинни бўшатди-да, калхат бўлиб отилди.

Эгардан оғанча қиличини силтади, зарбидан йигитнинг гавдаси шилқ этиб бўшашганини бир лаҳза хис этди, кейин жасад сирғилганча ерга аста қулаб тушди. Атаман сакраб тушиб марҳумнинг дурбини юлқиб олди, унинг увишиб титраётган оёқларига қаради, атрофига аланглади-да, ўликнинг хром этигини ечиб олиш учун чўнқайиб ўтирди. Қирсиллаётган тиззасига оёғини тираганча этикнинг бир пойини чаққонлик билан дарров ечиб олди. Иккинчисининг ичида пайпоқ йиғилиб қолганми, ечилмасди. Ғазаби ошиб сўкин-

гаңча этикни силтаганча пайпоғи билан кўша суғуриб оларкан оёгининг тўпикдан юқорироғидаги каптар тухумдек келадиган холга кўзи тушди. Йигитни уйғотиб юборишдан кўрқаётгандек унинг совиб келаётган бошини аста-секин юзини юқорига қилганча ўнглаб қўйди, қўли оғзидан лахта-лахта бўлиб чиқаётган қонга беланди, тикилиб қаради-да, шундан кейингина унинг ўхшовсизрок елкаларини ноқулай кучганча, бўғик овоз билан шундай деди:

— Ўғлим!.. Николушка!.. Жоним!.. Жигарбандим!..

Унниқиб бораркан, кичқирди:

— Аққалли бир оғиз сўз айтсанг-чи! Нима бўлди ўзи-я?

Сўнаётган кўзларига тикилганча ўзини ерга ташлади: қон қуйилган қовоқларини очиб кўраркан, ихтиёрсиз, мажолсиз жасадни силкитарди... Николка эса бениҳоя зўр ва муҳим нарсаси ҳақида сўзлаб юборишдан кўрқаётгандек моматалоқ тилининг учини ғарчча тишлаб олган эди.

Атаман ўглининг совуб бораётган қўлларини бағрига босиб ўпди-да, тер инган маузерининг пўлат милини тишлари билан ғарчча тишлаб, оғзига ўк узди...

* * *

Кечкурун чакалакнинг нарёғида отлиқлар кўриниб, шамол гала-ғовур товушларни, отларнинг пишқиришлари ва узаңгиларнинг жаранглашларини олиб келаркан, атаманнинг бошидан ўлимтик жўр калхат истар-истамас учиб кетди. Учиб кетди-да, кузнинг хира, бўзрайган осмонида гойиб бўлди.

Т О Й Ч О Қ

Куннинг қоқ ярмида, зумрад пашшалар қалашиб ётган гўнҗтепа ёнида у бошию жажжи оёқларини олдинга чўзганча онажонгинасининг қорнидан чиқиб келди ва тепагинасида — портлаган шрапнелнинг тариллаб бораётган бир тутамгина нафис, кўкиш ғуборини кўрди, ҳайқириқли гулдирак унинг мурғак ҳўл вужудини онасининг оёқлари остига итқитди. Ер юзида биринчи тотиб кўрган туйғуси дахшат бўлди. Қўланса дўл бўлиб ёғилаётган шўралар отхонанинڭ черепица томини тарақлатиб чалди, ер юзасига унча-мунча сочиларкан тойчокнинг акаси — Трофимнинг жийрон бия-

сини сапчиб туриб, яна қисқагина кишнаганча терчилаган ёнбоши билан жонга оро кирувчи гўнг уюмига ёнбошлашга мажбур этди.

Ана шундан кейин бошланган жазирама сукунатда пашшаларнинг гўнғиллаши янграб эшитилди, тўпбозлик бўлаётгани сабабли четанга учиб чиқишга юраги бетламаган хўроз аллақердаги қарикизларнинг панасида канотларини бир-икки тапиллатди-да, бамайлихотир, аммо бўғиқ қуқ-қуқлаб қўйди? Уйдан ярадор пулемётчининг йиғламсираб инқиллаётгани эшитиларди. Ахён-ахёнда кескин, хирқирок овоз билан чинқириб юборар, кичкириклари дарғазаб сўкишлари билан бўлиниб турар эди. Ангарикдаги кўкнорининг қип-қизил ипак гулларида асаларилар визилларди. Станицанинг нарёғидаги ўтлоқда пулемёт тасмасини отиб тугатмоқда, унинг хушчақчақ тарс-тарс тариллаши эшитилиб тураркан, тўпларнинг биринчи ва иккинчи ўқ узилишлари оралиғида жийрон бия тўнғичини ялаб-яскади, қулун эса онасининг тирсиллаб турган елинига ёпишаркан, илк бор ҳаётнинг бутун лаззатини, она меҳрининг туганмас тотини ҳис этди.

Иккинчи тўп ўқи хирмоннинг нарёғидаги қаергадир гурсиллаб келиб тушгач, эшикни тарақлатиб ёпганча уйдан Трофим чиқиб келди-да, отхонага қараб юрди. Гўнгтепани четлаб ўта туриб кўзларини кафти билан қуёшдан тўсди, мадорсизликдан дир-дир титраётган тойчоқ Трофимнинг жийрон биясини эмаётганини кўраркан гарангсиганча чўнтақларини тимирскилади, қалтираган бармоқлари билан тамаки халтасини пайпаслаб топди-да, ўраган тамакисини хўллай бошлагандагина тили гапга келди:

— Ҳа-а-а... Демак, қулунлабсан-да? Топган вақтинги қара-я, шу ҳам иш бўлдимми?— Унинг охириги иборасида аччиқ ранжигани белги бериб турарди.

Биянинг тери селгиб гўдир бўлиб қолган ёнбошларига бурган чўплари, қурғоқ гўнг ёпишган. У ор келтиргундек ориқ ва ирвоқ кўринар, аммо кўзларида ҳорғинлик аралаш мағрурона қувонч барқ уриб турар, йилтироқ юқори лаби эса табассумдан тикраяр эди. Ҳар қалай, Трофимга шундай туюларди. Отхонага олиб кирилган бия ёмли тўрвасини силкитганча пишқира бошлагач, Трофим кесакига суянди-да, энсаси қотганча тойчоққа қия қараркан, совуққина сўради:

— Топганинг шу бўлдимми?

Жавобни кутиб ўтирмай, яна жаврай кетди:

— Игнатнинг айғирига ўхшаса ҳам майли эди, жин

урсин, кайси бирига ўхшатишга хайронсан. Хўш, мен бу дардисарни қаёққа қўяй?

Отхонанинг нимқоронғи сукунатида ем курсиллайди, эшик тирқишидан қия тушган куёш шуъласи олтин зарралар сочади. Трофимнинг чап бетига ёруғ тушиб турибди, сарғиш мўйлови билан сертук соқоли қизғиш товланади, оғзининг четидаги чизиклар эгик эгатлардек қорайиб кўринарди. Пахмоқ оёқлари ингичкагина тойчоқ худди ўйинчоқ ёғоч отдек турибди.

— Уни ўлдириб қўяқолсаммикан?— Трофимнинг тамакидан кўкариб кетган катта бармоғи тойчоқ томонга қайилади.

Бия қонталаш кўз соққаларини ола-кула қилади-да, мижжа қоқиб, эгасига кулгинамо қараб қўяди.

Эскадрон командири жойлашган кўноқхонада ўша кунни кечқурун шундай гурунғ бўлиб ўтди:

— Қарасам, биям ўзини авайлапти, йўртиб чополмайди, елишга — чоғи келмайди, нафаси тикилиб қолади. Разм солсам, бўғоз экан... Ўзини авайлагани авайлаган, авайлагани авайлаган... Қулунчоғи тўриқнамарок... Шунақа... — деб ҳикоя қиларди Трофим.

Эскадрон командири чой қуйилган мис кружкани кафти билан сиқиб ушлаган, бамисоли атака олдида қилич дастасини тутгандек сиқиб ушлаган, мудроқ кўзлари билан чирокка тикилади. Сарғиш шуъла устида пахмоқ парвоналар ғужғон ўйнамоқда, деразадан ўчиб қирадилар-да, шишага тегиб жизғинак бўлгач, буларни ўрнига бошқалари келади.

— ...Фарқи йўқ. Тўриқми, бурулми — бари бир. Отиб ташлаш керак. Тойчоқ эргаштириб юрсак лўлиларнинг ўзи бўламиз-қўямиз.

— Нима-нима? Мен ҳам, лўли бўламиз-қўямиз, деяпман-ку. Мабодо қўмондон келиб қолса-чи, унда нима бўлади? Полкни кўздан кечиргани келса-да, тойчоғинг сафнинг олдида шўрхок ялаб, думини мана бундай қилиб юрса... А? Бутун Қизил Армия олдида уятга қолиб, шарманда бўламиз-ку. Мен ҳатто хайронман, Трофим, сен бунга қандай қилиб йўл қўйдинг? Гражданлар уруши кизиби турган пайт бўлса-ю, шунақанги бузуқлик юз бериб ўтирса... Бу ҳатто уят. Отбоқарларга қатъий буйруқ: айғирларни алоҳида сақлашсин.

Эрталаб Трофим уйдан милтиқ кўтарганча чиқиб келди. Ҳали куёш чиқмаган эди. Ўтлар узра — нимпушти шабнам. Пиёдаларнинг этиклари тепкилаган, хандаклардан ўйдим-

чукур бўлиб кетган ўтлоқ қайғу-ҳасратдан йиғлай-йиғлай ажин тушган қиз юзини эслатар эди. Дала ошхонаси атрофида ошпазлар куйманишарди. Остонада ич кўйлаги аллақачондан буён терлайвериши туфайли чириб тушаётган эскадрон командири ўтирарди. Тўппончанинг тетиклантирувчи муздеккина дастасини тутишга одатланиб кетган бармоқлари унутилган, кадрдон ишга қовушолмай, иримчик чучвара учун жим-жимадор човли тўқимокда эди. Олдидан ўтиб кетаётган Трофим қизиқиб сўради:

— Човли тўқияпсизми?

Эскадрон командири бандини ингичка хивич билан боғлай туриб, гириҳ тишлари орасидан жавоб берди:

— Мана бу хотин — бекамиз кўймади... Тўқиб бер-чи, тўқиб бер, деб. Бир вақтлар уста эдим, ҳозир бўлса унча... яхши чиқмади.

— Йўқ, бинойидек, — деб мақтади Трофим.

Эскадрон командири тиззасидаги хивич чиқитларини сидириб ташларкан, сўради:

— Тойчокни йўқотгани кетяпсанми?

Трофим индамай қўл силтади-да, отхонага кириб кетди.

Эскадрон командири бошини эгганча ўқ отилишини кутиб турди. Бир минут ўтди, икки минут ўтди — ўқ товушидан дарак бўлмади. Трофим лип этиб отхонанинг муюлишида кўринди, чамаси нимадандир хижил эди.

— Хўш, нима бўлди?

— Муҳраси бузилиб қолган шекилли... Пистонни чақалмаяпти.

— Қани, милтиғингни бер-чи.

Трофим милтиғини истар-истамас узатди. Затворни айлантириб кўраркан, эскадрон командирининг кўзлари сузилди:

— Бунингда патрон йўқ-ку!..

— Мумкин эмас-э!.. — деб юборди Трофим жон ҳолатда.

— Айтаяпман-ку ахир, йўқ, деб.

— Мен уни чиқариб ташлаган эдим-да... отхонанинг орқасида...

Эскадрон командири милтиқни ёнига кўйиб, янгигина човлини қўлларида анчагина айлантириб кўрди. Сарик новда ширадор, ундан хушбўй бол атри келар, димоққа гуллаётган қизил тол ҳиди урилар, ер ҳиди, урушнинг омонсиз алангасида унут бўлган меҳнат ҳиди анқир эди...

Менга қара!.. Жин урсин уни! Онасининг бағрида юрак олсин. Вақтинча, дегандек, чунончи. Уруш тугаса — балки

ҳали у билан... ер ҳайдаса бўлар. Тасодифан қўмондон кўриб қолса, аҳволига тушунар ахир, негаки, ширвоз, она-сини эмиши керак... Қўмондон ҳам эмчак эмган, биз ҳам эмганмиз, башартики, таомил шу эканми, вассалом-да! Милтиғингнинг муҳраси эса туппа-тузук.

* * *

Бир ойчадан кейин Усть-Хоперская станцияси яқинида Трофимнинг эскадрони казаклар станицаси билан жанг қилиб қолди. Отишма қошқораяр олдида бошланди. Атакага отланганларида қоронги тушиб келмоқда эди. Ярим йўлда Трофим ўз взводига етолмай қолиб кетди. Биясини на қамчи, на лунжларини қонатиб юборган сўлиқ елиб чопишга мажбур қила оларди. То тойчоғи думини ҳилпиратганча етиб олмаганига қадар бошини юқорига чўзган кўйи хир-қираб кишна-кишна бир жойда ер тепкилаб тураверди. Трофим эгардан сакраб тушиб, қиличини қинига суқиб қўйди-да, юзи ғазабдан тиришганча елкасидан юлиқиб милтиғини олди. Уларнинг ўнг қаноти оқлар билан аралашиб кетди. Жар яқинида бир тўп одамлар худди шамол чай-қаётгандек у томондан бу томонга бориб келар эдилар. Чурқ этмай чопишар эдилар. Отларнинг туёқлари остида ер бўғиқ гумбурларди. Трофим ўша томонга бир қараб қўйгач, тойчоқнинг жажжигина бошини нишонга олди. Ҳовликқанидан қўли қалтираб кетдими ёки ўқининг хато кетишига яна бирон бошқа нарса сабаб бўлдими, ҳар қалай, ўқ узилган заҳотиёқ тойчоқ тантқиқлик билан шатолоқ отиб нозикқина кишнади-да, туёқлари билан паға-паға оппоқ тўзон кўтарганча айланиб келиб нарироқда туриб қолди. Трофим жийрон шайтончага оддий эмас, қизғиш мис тумшукли зирхтешар ўқлардан бир обоймасини узди, ўқдонда тасодифан қўлига илиниб қолган зирхтешар ўқлар жийрон биянинг зурриётига на шикаст етказганига, на уни ўлдирганига қаноат ҳосил қилгач, лип этиб бияга минди-да, даргазаб сўкина-сўкина, отини лўкиллатганча, қип-қизил башарали пахмоқсоқол эскича эътиқод тарафдорлари учта қизил аскар билан эскадрон командирини жар ёқасига суриб бораётган томонга қараб кетди.

Шу куни кечаси эскадрон юзагина сой яқинидаги даштда тунади. Тамақини камроқ чекдилар. Отларнинг эгарларини олмадилар. Дон ёқасидан қайтиб келган разъезддагилар кечувга душманнинг йирик қучлари суриб келинганини айтдилар.

Яланг оёқларини резина плашчининг бари билан ўраган Трофим мудроқ босганча шу бугунги воқеаларни эслаб ётарди. Кўзлари ўнгидан шулар бирма-бир сузиб ўтарди: жарга сакраётган эскадрон командири, қилич билан сиёсий комиссарни чопаётган кемшик диндор, беомон чопиб ташланган ирвоққина казак йигитча, кимнингдир қора қонга беланган эгари, тойчоқ...

Тонг отмасдан Трофимнинг олдига эскадрон командири келди, қоронғида ёнгинасига ўтирди.

— Ухлаяпсанми, Трофим?

— Мудраяпман.

Ўчиб бораётган юлдузларга қарай-қарай эскадрон командири шундай деди:

— Тойчоғингни йўқот! Жангда саросимага солаётибди... Унга кўзим тушиши билан кўлим қалтираб... Қилич уролмаётибман. Ҳаммасига сабаб шуки, унинг турқи хонакича, урушда бунақаси тўғри келмайди... Тошюрақлар латтага айланиб қолади... Дарвоқе, ярамасни атака вақтида босиб кетишмабди, оёқ остида ўралашиб юрган эди...— Индамай турди-да, ширин хаёл суриб жилмайди, бироқ Трофим унинг жилмаяётганини кўрмади.— Биласанми, Трофим, унинг думи, хўш, чунончи... сағрисига ташлаб, шаталоқ отса-чи, думи худди тулкининг думига ўхшаб кетади... Думи ажойиб!..

Трофим индамади. Бошини шинели билан буркади-да, шудрингнинг салқинидан жунжикиб ҳайратомуз тезлик билан ухлаб қолди.

* * *

Эски монастырь қаршисида тепаликка сиқиб келинган Дон бепарво шиддат билан елиб оқади. Бурилишда сув жингалак-жингалак бўлиб мавжланади, ёлдор яшил тўлқинлар баҳорда нураб сув бўйида сочилиб ётган бўр ғўлаларини ҳамла билан думалатади.

Агар оқим сустроқ, Дон эса кенгроқ ва осойиштароқ жойдаги тирсакни казаклар эгалламаган ва ўша ердан туриб ёнбағирни ўққа тута бошламаган бўлсалар, эскадрон командири ҳеч қачон эскадроннинг монастырь қаршисидан сузиб ўтишига журъат қилмаган бўларди.

Тушда кечув бошланди. Чоғроққина қайиққа пулемётли тачанка билан ўқчиларию учта от жойланди. Доннинг ўртасига етгач қайиқ оқимга қарши терс бурилиб бир ёнбошига оғиброқ қийшайганда чапдаги сув кўрмаган от

хуркиб кетди. Эскадрондагилар отларидан тушиб, эгарларни олаётган тепалик тагида унинг ташвишли пишқириб, қайиқ тахталарини тепаётгани баралла эшитилиб турарди.

— Қайиқни побуд қилади!— деб тўғиллади Трофим тундлик билан, қўлни биясининг тер босган яғринига олиб бормаган ҳам эдики, қайиқлаги от жон аччиғида ҳайқириб, тачанканинг шотиси томон тисарила-тисарила осмонга сапчиди.

— Отиб ташла!— деб бўқирди эскадрон командири, қамчисини ғижимлаганча.

Трофим ўқининг отнинг бўйнига осилиб, қулоғига тўптонча сукқанини кўрди. Ўқ говуши болаларнинг пақилдоғидек янгради, ўртадаги от билан ўнг томондаги от бирига қапишиб олди. Қайиқдан хавотир олган пулемётчилар ўлган отни ниқтаб тачанкага тақаб қўйдилар. Унинг олдинги оёқлари аста-секин букилиб, боши шилқ этиб тушди...

Ўн минутчадан кейин эскадрон командири ёнбағирдан тушиб келиб саманни биринчи бўлиб сувга солди, унинг орқасидан бутун эскадрон бир юз саккизта ярим ялонғоч суворию яна шунча пойма-пой тусдаги от сувни шалоп-шалоп сачратганча ёпирилиб тушди. Эгарларни уч қайиқчада олиб ўтмоқда эдилар. Улардан бирини биясини взвод командири Нечепуренкога топширган Трофим бошқармоқда эди. Доннинг ўртасидан Трофим энди тизза бўйи кечиб бораётган олдинги отларнинг истар-истамас сув ичаётганини кўрди. Суворийлар уларни овоз чиқармай чух-чухлашарди. Бир минутлардан кейин қирғоқдан йигирма сажинча бериюқда сув юзини отларнинг туташ қоп-қора бошлари эгаллади, сершовкин пишқириклар эшитилди. Отларнинг ёнларида, уларнинг ёлларини ушлаганча, кийим-кечакларини ўқдонларини милтиқларига тангиган кизил аскарлар сузиб борардилар.

Эшакни қайиққа ташлаб, тикка туриб олган Трофим қуёшдан кўзи қамашганча, сузиб бораётган бир тўп отлар орасидан биясининг қизғиш бошини муштоқлик билан қидирарди. Эскадрон овчилар узган ўқлардан осмон бўйлаб патраб кетган ёввойи ғозлар галасига ўхшарди: энг олдинда эскадрон командирининг ялтироқ сирги анчагина чиқиб турган самани сузиб борар, унинг думига етар-етмас бир вақтлар сиёсий комиссарга мансуб бўлган отнинг оқиш қулоқлари кумушдек товланар, унинг орқасидан туташ қорамтир тўп сузиб борар, ҳаммадан берида эса секунд сайин тобора, тобора орқада қолаётган взвод командири

Нечепуренконинг кокилли боши ва унинг чап томонида Трофимнинг биясининг тик кулоқлари кўринар эди. Синчиклаб тикилган Трофим тойчоқни ҳам кўрди. У силтаниб-силтаниб сузар, гоҳ сувдан юқори сапчиб чиқар, гоҳ шўнгиб кетар, шу сабабли бурун катаклари кўринмай қолар эди.

Ана худди шу пайт Дон устидан эсган шабада Трофимнинг кулоқларига мезон уқасининг толасидек нозик — хи-хи-хи-хў-хў-хў, деб кишнаган нажот тиловчи товушни олиб келди.

Сув узра эшитилган кичкириқ қиличнинг тигидек ўткир, янғроқ эди. У Трофимнинг юрагини тилиб кетди, бу одам аломат аҳволга тушиб қолди: беш йил урушга бас келди, неча марталаб ажал кўзларига қиз боладек тик қаради, ана шундай кезларда ҳам ҳеч нарса қилмаган эди-ю, ҳозир эса қизғиш тук босган юзи оппоқ оқариб кетди, оқариб-кўқариб кетди-да, эшкагига ёпишиб, қайиғини шартта оқимга қарши бурган кўйи ҳолсизланган тойчоқ гирдобга чирпирак бўлаётган, ундан ўн сажинча нарироқда хирқираб кишнаганча гирдобга қараб сузаётган бияни қайтаришга тиришиб буни эпложмаётган Нечепуренко томонга ҳайдади. Бир тўп эгар устида ўтирган Трофимнинг дўсти Стешка Ефремов жиддий қичқирди:

— Бемаънилик қилма! Қирғоққа қараб ҳайда! Казакларни кўраяпсанми, ҳов ана улар!..

— Ўлдираман!— деди Трофим аранг нафаси чиқиб, милтигининг тасмасига ёпишди.

Оқим тойчоқни эскадрон кечиб ўтаётган жойдан анча нарига оқизиб кетган эди. Кичикроқ гирдоб уни яшил панжарадор тўлқинлар билан қамраганча бир маромда айлантирарди. Трофим эшакни чираниб силтар, қайиқ сапчий-сапчий сузиб борар эди. Ўнг қирғоқда жардан казаклар югуриб чиқдилар. «Максим» йўғон товуш билан тариллай бошлади. Сувга чип-чип келиб тушаётган ўқлар вишилларди. Каноп кўйлаги йиртилиб кетган офицер тўппончасини силтаганча нималардир деб қичқирарди.

Тойчоқнинг кишнаши тобора қамайиб борар, юракни ачитувчи қисқа кичкириғи тобора заифроқ, ингичкароқ эшитилар эди. Гўдакнинг кичкириғига ўхшаган бу кичкириқ даҳшатдан вужудни музлатиб юборарди. Нечепуренко бияни ташлаб чап қирғоққа бемалол сузиб кетди. Дир-дир титраганча Трофим шартта милтигини қўлига олиб, тойчоқнинг гирдоб ютиб бораётган бошидан қуйироқни мўлжаллаганча ўқ узди, оёқларидан этикларини юлқилаб ечди-да,

бўғиқ мингиллаб кўлларини олдинга чўзган кўйи сувга калла ташлади.

Ўнг кирғоқда каноп кўйлакдаги офицер шангиллаб буюрди:

— Отиш тўх-та-тил-син!..

— Беш минутчадан кейин Трофим тойчоққа етиб олган, чап кўли билан унинг совуқ ўтган корнидан тутиб олиб, сув тиқила-тиқила ҳикичоқдан қақшаб чап кирғоққа қараб кетмоқда эди... Ўнг кирғоқдан тик этган ўк товуши эшитилмади.

Осмон, ўрмон, кумлоқ — барчаси ям-яшил, хулё каби... Охирги марта жон-жаҳди билан тиришди — ниҳоят Трофимнинг оёқлари ерни пайпаслади. Тойчоқнинг сирғанчик танасини кумлоққа чираниб олиб чиқди, ҳик-ҳиклаганча яшил сувни қайтариб ташлар, кўллари кумни пайпаслар эди... Ўрмонда сувдан кечиб ўтган эскадрончиларнинг овозлари гулдирар, қиялик орқасидаги каердандир ўк отаётган тўпларнинг дириллаган садолари эшитилар эди. Трофимнинг ёнига келиб қолган жийрон бия сувини силкитар, тойчоғини ялаб-юлқар эди. Унинг солланган думидан товланганча шириллаб оқиб тушаётган сув кумни ўйиб кирмоқда эди...

Гандираклаганча оёққа қалққан Трофим кум бўйлаб икки қадам юриб борди-да, сапчиб тушиб ёнбошига йиқилди. Кўксини ўтли санчик тешиб ўтгандек бўлди, йиқилаётиб ўк товушини эшитди. Ўнг кирғоқдан отилган ўк орқасидан келиб теккан эди. Ўнг кирғоқда йиртилиб кетган каноп кўйлакдаги офицер карабинининг затворини бепарволик билан шарақлатиб дуд бурқиб турган гильзани чиқариб ташлади, тойчоқдан икки қадам берирокда, кум устида Трофим чангак бўлиб тиришмоқда, болаларини беш йилдан буён ўпмаган, қарахт бўлиб кўкариб кетган лаблари жилмаймоқда, унда қон кўпиклари кўринмоқда эди.

Алексей ТОЛСТОЙ

РУС ХАРАКТЕРИ

Рус характери! — чуқур маъноли бу сарлавҳа кичик ҳикоя учун хийлагина катталиқ қилади. На чора — мен сизлар билан худди рус характери тўғрисида сўзлашмоқчиман.

Рус характери! Уни тасвирлаб бериш осонми... Қаҳра-

монона жасоратлардан сўзлаб берсамми экан? Лекин шу қадар кўпки, қайси бирини афзалроқ кўришни билмай гарангсиб қоласан. Ошналаримдан бирининг шахсий ҳаётидаги кичик воқеа жонимга ора кирди. Гарчи у Олтин юлдуз тақиб юрса ҳам, кўкрагининг ярми тўла орден бўлса ҳам, мен у немисларнинг қандай таъзирини берганини гапириб ўтирмайман. У содда, ювош, оддийгина одам. Саратов областининг Волга бўйи қишлоқларидан чиққан колхозчи. Лекин бақувватлиги, хушбичимлиги ва кўркамлиги билан бошқалардан ажралиб туради. У танк башнясидан чиқиб келаётганида тикилиб тўймасдик — уруш худосининг ўзгинаси эди! Бронядан ерга сакраб тушади, намиққан, жингалак сочларини босиб турган шлемини олади, дуд теккан юзини латта билан артади ва албатта самимий жилмайиб қўяди.

Урушда одамлар ўлим билан юзма-юз юриб яхши тортиб кетадилар, касал тери офтоб ургач шилиниб тушиб кетганидек, улардаги ҳар қандай бемаънилик барҳам топади, яъни одамда мағиз қолади. Маълумки, бировнинг мағзи пишиқроқ, бировнинг мағзи бўштоброқ бўлади, лекин мағзида қусури борлар ҳам яхши бўлишга тиришадилар, уларнинг ҳар бири ҳам яхши ва содиқ ўрток бўлишни истайди. Аммо менинг ошнам Егор Дрёмов, урушгача ҳам сипоҳ табиатли, онаси Марья Поликарповнани ва отаси Егор Егоровични ниҳоятда ҳурмат қилар ва севар эди. «Отам иззатнафсли, босиқ одам эди. Сен, — дерди у, — дунёда кўп нарсани кўрасан, ўғлим, чет элларда ҳам бўласан, бироқ рус деган номинг билан фахрлан...»

Унинг Волга бўйидаги ўша қишлоқда қайлиғи ҳам бор эди. Бизда одамлар қайлиқ ва хотинлари тўғрисида кўп гапиришарди, фронтда осойишталик бўлса, аёз авжига минган, ертўлада жинчиноқ тутаётган, одамлар овқатланиб бўлиб, печкада ўт чирсиллаб турган пайтларда айниқса кўп гапиришадилар. Шунақанги гаплар тўқиладики — ҳангманг бўлиб қоласан. Масалан, «Муҳаббат нима? — деб гап бошлашади. «Муҳаббат ҳурмат қилиш заминида юзага келади...», деб жавоб беради биттаси. Иккинчиси: «Бўлмаган гап, муҳаббат — бир одат, киши хотининигина эмас, ота-онасини ҳам, ҳатто жониворларни яхши кўради», дейди. «Вой бефаросат-эй, — дейди учинчиси, — муҳаббат ичингда ҳамма нарса қайнаб-тошиб, одам маст бўлиб юргани-да!...» Орага старшина аралашиб, ҳукмрон овози билан гапнинг хулосасини айтиб қўя қолмагунча, фалсафабозлик бирикки соат чўзилади... Егор Дрёмов, шу гаплардан ийманганидан бўлса керак, қайлиғи тўғрисида менга юзакигина

гапириб кўя қолди — жуда ҳам яхши қиз эмиш, кутаман деганимдан кейин бир оёқда қайтиб келсангиз ҳам кутаман, деганмиш.

У ҳарбий жасоратлари ҳақида гап сотишни ҳам ёмон кўрарди. «Бунақанги ишларни эслаб ўтиришга сира ҳам тобим йўқ!» — дерди. Қовоғини солиб, чекишга тушарди. Унинг бошчилигидаги танкнинг жанговар ишларини экипаж аъзоларининг гапларидан билиб олардик, тингловчиларни айниқса танк ҳайдовчи Чувилёв ҳайратда қолдирар эди.

— Шундай қилиб, биз ўзимизни ўнглаб олишимиз билан бир вақт қарасам, тепа орқасидан биттаси чиқиб келяпти... «Ўртоқ лейтенант, тигр», деб бақирдим. «Олға, жадал ҳайда...» деб бақирди у. Мен ёш арчазорда гоҳ чапга, гоҳ ўнг томонга бурилиб, паналана бошладим. Тигр кўр одамдай стволи билан тимирскиланди, ўқ узди — тегмай ўтиб кетди... Ўртоқ лейтенант унинг биқинига мўлжаллаб бир урган эди, — бир нарсалар сачраб кетди. Кейин қуббасига боплаб бир туширган эди, хартумини кўтарганича қаққайиб қолди... Учинчи марта ўқ узганда, тигрнинг ҳамма тирқишларидан буруксиб тутун чиқиб кетди — ичидан отилиб чиққан аланга юз метрча баландликка сапчиди... Экипажи эҳтиёт люкдан чиқа бошлади... Ванька Лапшин пулемётини сайратиб қолди-ку, — улар ўзини ерга отиб жон таслим қилишди... Шундай қилиб, бизга йўл ҳам очилди. Беш минутдан кейин қишлоққа елиб кирдик. Мен жуда ҳам типирчилаб қолдим... Фашистлар тумтарақай қоча бошлади. Ҳаммасёк лой, баъзилари сарпойчанг чиқиб, лойни пайпоғи билан чапиллатиб қочаётибди. Ҳаммаси ўзини омборга уриб қолди. Ўртоқ лейтенант: «Қани, омборга қараб юр», деб буйрук берди. Мен тўпнинг тумшугини буриб, тўла газ бериб танкни омборга қараб солдим... Вой-бў! Броня устига тўсин, тахта ғиштлар, том тагида ўтирган фашистлар устига тарақлаб туша бошлади. Яна — баъзиларини дазмоллагандек текислаб кўя қолдим, қолганлари «Гитлер капут!» — деб қўларини кўтарди.

Лейтенант Егор Дрёмов бахтсизликка учраганига қадар ана шундай жанг қилган эди. Курскдаги жанглар вақтида, тинкаси қуриган ва саросимага тушиб қолган немислар чекина бошлаганида, буғдойзордаги тепаликда унинг танкига снаряд тегиб тўхтаб қолди, экипажнинг икки аъзоси шу заҳотиёқ ҳалок бўлди, иккинчи снаряддан танк ёниб кетди. Олдинги люкдан югуриб чиққан танк ҳайдовчи Чувилёв яна броня устига чиқиб, лейтенантни тортиб олишга улгурди — лейтенант ҳушсиз эди, устидаги комбинезони ёнмоқда

эди. Чувилёв лейтенантни четроққа олиб кетар-кетмас, танк чунонам портладики, қуббаси эллик мертча нарига бориб тушди. Чувилёв ўтқи ўчириш учун лейтенантнинг юзига, бошига, кийимига ҳовуч-ҳовуч тупроқ сепа бошлади. Кейин чуқурдан-чуқурга эмаклаб ўтиб, уни яра боғлаш пунктига олиб кетди... «Мен уни нега судраб олиб кетган эдим?— дерди Чувилёв:— Қулоқ солсам, юраги дук-дук уриб турибди...»

Егор Дрёмов дардни енгиб, тузалиб кетди. Териси куйиб қорайган юзининг баъзи жойларида суюқлари кўриниб турган бўлса ҳамки, кўзи омон қолган эди. У саккиз ойга яқин госпиталда ётди, юзини кетма-кет пластик операция қилишди, бўйинини ҳам, лабларини ҳам, ковокларини ҳам, қулоқларини ҳам анчагина қадимги ҳолига келтириб қўйишди. Саккиз ойдан сўнг, докалар ечиб олинган, у ўз юзига, энди ўзиникига ўхшамай қолган юзига қаради. Унга кичкина ойнак берган медицина ҳамшираси юзини ўгириб йиғлаб юборди. Дрёмов ойнакни шу заҳотиёқ эгасига қайтариб берди.

— Бундан баттарроқлари ҳам бўлади,— деди у,— бу ҳеч нарса эмас.

Шундан кейин у медицина ҳамширасидан сира ҳам ойнак сўрамади, фақат кўникиб олаётгандек юзини ўқтин-ўқтин сийпаб кўярди. Комиссия уни сафдан ташқари хизматга лойик деб топди. Ўшанда у генералга бориб: «Полкка қайтишимга рухсат беришингизни сўрайман», деди. «Ахир сиз инвалидсиз-ку», деди генерал. «Сира ҳамда, мен хунукман, лекин бунинг ишга ҳалал берадиган жойи йўқ, жанг қилиш қобилиятимни бутунлай тиклаб оламан». (Егор Дрёмов суҳбат вақтида генералнинг унга қарамасликка тиришаётганини сезиб, ёриқ каби текис, кўкиш лаблари билан илжайиб қўйдн.) У йигирма кунлик отпускаи олди, бутунлай соғайиб олиш учун уйига, ота-онасининг олдига жўнади. Бу худди ўша йилнинг март ойида бўлган эди.

У станцияда арава кира қилмоқчи эди, ўн саккиз чакирим яёв йўл босишга тўғри келди. Ҳали теваарак-атрофда қор ётар, ҳаво нам, ҳаммаёқ хувиллаб турар эди. Изғиринли шамол шинелининг этагини кўпчитар, маъюс ёлғизликни эслатиб қулоқларига урилар ва ғувиллар эди. У қишлоққа кош қорайганда кириб келди. Мана қудук, унинг баланд ҳавозаси ликиллаб ва ғирчиллаб туради. Шу ердан туриб санаганда, олтинчи уй,— ўз уйи. У қўлини чўнтагига тикқанича қўққисдан тўхтаб қолди. Бошини чайқади. Қия бурилиб уйи томонга қараб кетди. Тиззасидан қорга ботиб,

деразага энгашиб онасини кўрди — онаси пилиги паст тушириб қўйилган хира чирок ёруғида кечки овқатга дастурхон ёзмокда эди. Онаси хануз ўша одми рўмолда, ўша ўша сокит, оғирдам, хушфеъл. Кексайиброқ қолган, озгин кифтлари туртиб чиққан... «Ух, билган бўлсам — ўз тўғримда унга ҳар куни ҳеч бўлмаса икки оғиз гап ёзишим керак экан...» Кампир столга озгина нарса — бир кўса сут, бир бўлак нон, икки қошиқ ва туздонни қўйиб, ориқ қўлларини кўкрагига ковуштирди-да, стол қаршисида турганча ўйга толди... Егор Дрёмов онасини деразадан кузата туриб, унинг ўтакасини ёриши керак эмаслигини, унинг кекса юзини алам билан титратмаслиги кераклигини фахмлади.

Бўлар иш бўлди! У кўча эшикни очиб кўрачага кирди-да, зинапояга чикиб, уй эшигини тақиллатди. Эшик оркасидан онасининг: «Ким у?» деган овози эшитилди. «Совет Иттифоқи Қаҳрамони лейтенант Громов», деб жавоб берди у.

Унинг юраги орзикиб чуқонам урдик, эшикнинг кесаки-сига суяниб қолди. Йўк, онаси унинг овозини танимади. Қайта-қайта қилинган операциялардан кейин ўзгариб, бўғиқ, паст, ноаниқ бўлиб қолган овозини унинг ўзи ҳам биринчи бор эшитгандек бўлди.

— Ўргилай, нима ишинг бор эди? — деб сўради онаси.

— Марья Поликарповнага ўғли, старший лейтенант Дрёмовдан кўпдан-кўп салом олиб келдим.

Шунда онаси эшикни очди ва ўзини унинг бағрига ташлаб, қўлларини ушлаб олди:

— Егоргинам омонми? Эсон-омонми? Қани-қани, ўргилай, уйга кир.

Егор Дрёмов стол олдидаги курсига, худди бир вақтлар ўтирганида оёғи ерга тегмайдиган жойга ўтирди. Онаси ўша пайтларда жингалак сочли бошини силаб: «Ол, жоним», деб кўярди. У кампирнинг ўғли ҳақида, яъни ўзи тўғрисида, овқат ейиши, чой ичиши, ҳеч нарсадан камчилик сезмаслиги, доим саломат, хурсанд эканлиги тўғрисида батафсил, ўз танки билан иштирок қилган жанглар тўғрисида эса қисқа-қисқа гапириб бера бошлади.

Кампир киртайган, ёшли кўзларини унга тикиб:

— Қани айт-чи, урушда одам кўрқадими? — дея унинг гапига лўкма солиб турар эди.

— Ҳа, албатта кўрқади, онажон, бироқ одам кўнчикиб кетар экан.

Отаси Егор Егорович келди, у ҳам бу йиллар мобайнида қариб қолган — соқоллари худди қиров боғлагандек. Меҳмонга тикилиб, эскириб қолган пиймасини остонада

туриб кокди, ошикмасдан бўйнидан шарфини олди, калта пўстинини ечди, столга яқинлашиб кўл бериб кўришди — эҳ, отасининг катта, сахий кўли нақадар таниш! Орденли меҳмоннинг бу ерда нима сабабдан ўтирганлиги ўз-ўзидан маълум бўлганлиги учун ҳам ҳеч нарса сўрамай ўтира қолди ва кўзларини юминкираб, у ҳам гапга қулоқ сола бошлади.

Лейтенант Дрёмов ўзини танишмай ўтиргани сари, биров деб ўзи ҳақида сўзлагани сари, сирни очиши — ўрнидан туриб: ота, она, ахир мен бадбашарани танисангизлар-чи, дейиши тобора қийинлашиб борар эди. У ота-она дастур-хони устида бир чеккаси хузур қилса, бир чеккаси ич-этини ер эди.

— Қани, хўш овқатланайлик, онаси, меҳмонга бирон нарса олиб кел. — Егор Егорович эски шкафнинг эшикчасини очди. Шкафнинг чап бурчагида ичига қармоқ солинган гугурт кутича ўша эски жойида ётарди, нон ушоқлари ва пиёз пўчокларининг ҳиди анқиб турадиган ўша жойда тумшуғи учган чойнак ҳам турарди. Егор Егорович ичида икки стаканча виноси бор шишани олди, бошқа топиб бўлмаслигига афсусланди. Худди қадимгидек овқатлангани ўтиришди. Старший лейтенант Дрёмов овқат вақтидагина онаси унинг қошиқ ушлаган кўлига айниқса тикилиб қараётганини сезди. У кулиб қўйди, онаси ялт этиб қаради, юзлари аламли титраб кетди.

Улар у ёқдан-бу ёқдан, кўкламнинг қандай келиши, одамларнинг экин экишни эплай олиш-олмасликлари ва шу йил ёзда уруш тугаши мумкинлиги тўғрисида гаплашдилар.

— Егор Егорович, урушнинг шу йил ёзда тамом бўлишини нимадан олиб гапираётисиз?

— Халқнинг газаби ошиб кетди,— деб жавоб берди Егор Егорович.— Ўлимдан тап тормай қўйди, энди халқни тўхташиб бўлмайди, немис қапуд деявер.

Марья Поликарповна сўради:

— Сиз унинг қачон отпусқа олиб келишини айтмадингиз. Уч йилдан бери кўрганамиз йўқ, катта бўлиб қолгандир, мўйлов қўйиб юборгандир... Шунақа ҳар кунни ўлимнинг яқинида юрса керак, овози ҳам дағаллашиб қолгандир?

— Келиб қолса, таниёлмасиз ҳам,— деди лейтенант.

Унга печканинг устига жой солиб беришди, бундаги ҳар бир гишт, ёғоч деворнинг ҳар бир тирқиши, шифтдаги ҳар бир бутоқ унинг эсида эди. Пўстин ва нон ҳиди — ўлим олдида ҳам унутилмайдиган файзли ҳид келиб турарди. Том устида март шамоли ғувилларди, тўрдаги парда

орқасида отаси хуррак тортарди. Онаси у ёнбошидан бу ёнбошига ағдарилиб, ух тортар, ухлаёлмас эди. Лейтенант юзини кафтига қўйиб муккасидан тушиб ётарди: «Наҳотки, танимаган бўлсалар,— деб ўйларди у,— ростдан танишмадимикан-а? Онам, онажоним...»

Эрталаб у ёнаётган ўтинларнинг чирсиллашидан уйғониб кетди, онаси печка олдида эҳтиёт билан куйманиб юрар, пайтаваси ювилиб арқонга илиб қўйилган, артилган этиги эшик олдида турар эди.

— Куймоқ ейсанми?— деб сўради онаси.

У бирданига жавоб бермади, печь устидан тушди, гимнастёркасини кийди, камарини боғлади ва яланг оёқ ҳолда курсига ўтирди.

— Айтмоқчи, кишлоғингизда Катя Малишева деган қиз турадимми, Андрей Степанович Малишев деганнинг қизи?

— У бултур курсни тамом қилган эди, ҳозир бизда муаллималик қилаётибди. Учрашадиган ишинг борми унда?

— Ўғлингиз унга албатта салом айтиб қўй, деган эди.

Онаси Катяни айтиб келиш учун қизни жўнатди. Катя Малишева елиб-югуриб келганида лейтенант ҳали этигини кийиб ҳам улгурмаган эди. Катянинг катта, қуралай кўзлари чакна, қошлари ҳайрат билан учиб турар, юзи қизариб, шодлик мавж урар эди. У тўр рўмолини бошидан елкасига тушираркан, лейтенант ичида хўрсиниб қўйди: қани энди бу ёқимли олтин сочларни ўпиб ололса... У қайлиғини шундай мусаффо, латиф, хуррам, хушфёъл, гўзал деб тасаввур қилган эди ҳамки, кириши билан бутун хона заррин нурга тўлиб кетгандек бўлди...

— Сиз Егордан салом олиб келдингизми? (Йигит ёруққа орқасини ўгириб турган эди, гапира олмагани учун бошини эгиб қўя қолди.) Мен уни эртаю кеч кутяпман, унга шу гапимни айтиб қўйинг.

Қиз унга яқинлашди. Тикилиб қаради, кўкрагидан биров туртгандек орқасига тисланди ва чўчиб кетди. Шунда Дрёмов шу бугуноқ кетишга қатъий қарор қилиб қўйди.

Онаси қайноқ сутга йўғрилган қуймоқ пиширди. Йигит яна лейтенант Дрёмов ҳақида сўзлай бошлади, бу гал унинг ҳарбий жасоратларини бор даҳшати билан очиқ ҳикоя қилди ва Катянинг азиз юзида ўз хунук афтининг аксини кўрмаслик учун унга қарамади. Егор Егорович колхоздан от олиш тараддудига тушган эди, лекин Дрёмов худди келганидагидек станцияга яёв жўнади. Ўтган бугун воқеадан унинг юрак-бағри эзилиб кетган, ҳатто тўхтаб-тўхтаб кафти билан

юзига уриб қўяр, бўғиқ овози билан қайта-қайта: «Энди нима қилдим?» — дер эди.

У фронтдан узоқ бир жойда тўлатилаётган полкига қайтиб борди. Жанговар ўртоқлари Дрёмовни шундай самимий кувонч билан қарши олдиларки, уни иштаҳасини бўғиб қўйган, кўрагини сиққан хаёллар кўнглидан кўтарилиб кетди. У, онам бахтсизлигимни ҳозирча билмай юра турсин, деган қарорга келди. Катя тўғрисидаги дардини — бу аччиқ дардни эса — юрагидан суғуриб тушлашга аҳд қилди.

Икки ҳафтадан кейин онасидан хат келди:

«Салом, нуридийдам ўғилгинам. Сенга нима деб ёзгани юрагим бетламайди, нимага йўйишимни ҳам билмай қолдим. Бизга сенинг олдингдан одам келди,— жуда яхши одам экан, лекин афти хунукрок. Бир оз турмоқчи эди, бирданга отланиб жўнаб қолди. Ўғилгинам, ўшандан бери кечалари кўз юрмайман,— назаримда ўзинг келиб кетгандексан. Егор Егорович бу ишимдан мени қойиб:— Кампир, жуда ҳам эсингни еб қолибсан, у ўғлимиз бўлса, ўзини танитмасмиди ахир... Агар ўша келган унинг ўзи бўлса нега ўзини танитмасин, келган одамнинг юзидақа юз билан фахрланса бўлади, дейди. Егор Егорович мени гапига ишонтиришга уннайдию, оналик кўнглим ўз билганини қилади: ўша унинг ўзи, бизни келган унинг ўзи эди, дейишини қўймайди. Ўша одам печь устида ухлаётганида, шинелини тозалаш учун ҳовлига олиб чиқдим, шинелига юзимни қўйиб:— Бу унинг ўзи, шинель уники! деб йиғладим. Егорушка, менга очиқ ёзиб юбор, худо ҳақи, тушунтириб бер: нима бўлган эди? Ё чиндан ҳам эсимни еб қолганмикинман?»

Егор Егорович бу хатни каминангиз Иван Сударевга кўрсатди, бошидан ўтган воқеани ҳикоя қила туриб, кўз ёшларини енги билан артиб олди. Мен унга: «Заб характерга дуч келиб қолибсан-ку!»— дедим.— Тантак, вой тентак-эй, онанга тезроқ хат ёз, ундан узр сўра, шўрликнинг эсини яримта қилиб қўйма... У сенинг ҳуснингга нон ботириб емайди, ҳозирги қиёфангда у сени бундан ҳам яхшироқ севади».

Егор ўша куниёқ хат ёзди: «Қимматли онам Мария Поликарповна, отам Егор Егорович, мени нодонлик қилиб қўйганим учун кечиринглар, олдиларингизга борган ростдан ҳам мен — ўғлингиз эдим...»— ана шундай сўзлар билан майда қилиб тўрт бет ёзди, эвини топса йигирма бет ёзишга ҳам тайёр эди у.

Шундан бир оз вақт ўтгандан кейин биз у билан

полигонда турсак, бир солдат югуриб келиб Егор Дрёмовга: «Ўртоқ капитан, сизни чақиришяпти...», деб қолди. Солдат ҳарбий қоидага тўла риоя қилиб турган бўлса ҳам, юзи ичиш илинжидаги одамнинг дидини берарди. Биз посёлкага қараб кетдик. Дрёмов икковимиз яшайдиган уйга яқинлашдик. Қарасам унинг кўнгли бузулганроқ, нуқул йўталлади... Танкист бўлса ҳам асаби бўш-а»,— деб ўйладим. У мендан олдинроқда, икков уйга кириб бордик. Мен унинг: «Она, салом, бу менман!..», деганини эшитдим. Чуваккина кампир келиб унинг бағрига ёпишди. Атрофга кўз ташласам, бу ерда бошқа аёл ҳам бор экан. Азбаройи шифо, гапнинг рости, бошқа жойларда ҳам барнолар бордир, албатта угина шундай эмасдиру лекин шахсан ўзим бунақасини биринчи кўришим.

У онасининг бағридан чиқиб, ҳалиги қиз томонга борди, унинг баҳодирона жуссаси худди уруш худосига ўхшашини аввал эслатиб ўтган эдим. «Катя!— деди у.— Катя, сиз нега келдингиз? Сиз буни эмас, анавини кутишга ваъда берган эдингиз-ку...»

Гўзал Катя унга жавоб берди, мен даҳлизга чиқиб кетган бўлсам ҳам унинг шу сўзларини эшитдим: «Егор, мен сиз билан мангу умр кечиришга аҳд қилганман. Мен сизни вафо билан севаман, қаттиқ севаман. Мени ўзингиздан четлатманг...»

Ана, рус характерлари деганимиз шу! Одам содда кўрингани билан, каттами, кичикми, даҳшатли фалокат келганида унда улуг куч — инсоний гўзаллик жамол кўрсатади.

1944

Константин ФЕДИН

ЛЕНИННИНГ РАСМИ

Ёз куни тушда ёш рассом Шумилинга газетадан телефон қилиб бир иш устида гаплашиб олиш учун редакцияга келиши кераклигини айтишди. Рассом чизаётган ишини кўйиб, кўлини ювди-да, гимнастёркасининг чўнтагига қалам билан блокнот солиб, кўчага чиқди.

Магазинларнинг деразаларига Лениннинг қизил алвон рамқачалардаги портретлари қўйилган, ҳамма ерда: «Яшасин Учинчи Коммунистик Интернационал!— деган ёзувлар кўзга ташланар эди. Сергей деразаларга қараркан, фото-

суратлар Лениннинг қиёфасини беҳато, жуда тўғри акс эттирса керак, аммо унинг чехрасига хос хусусиятларини, жонли ҳаракатини нозикроқ илғаб олиши мумкин эди, қачондир Лениннинг ўзига қараб суратини чизиб олсам яхши бўларди, деб ўйларди.

Редакцияда Шумилинга бундай дейишди:

— Биз сизга шундай топшириқ бермоқчимиз. Коминтерн конгрессига чет эллардан делегатлар келмоқдалар. Сиз Меҳнат саройига боринг, улар бугун ўша ерда йнгилишади. Делегатлардан биронтасининг расмини чизинг. Дурустми?

— Яхши.

— Эртага биз сизга конгресснинг очилишига киришингиз учун пропуск берамиз, истаган делегатиингизнинг, агар кўрсангиз, Лениннинг ҳам расмини чизишингиз мумкин...

— Лениннинг расминими?— дея шоша-пиша гапни бўлди Шумилин ва дафъатан миясига келган фикрдан жилмайиб кўйди: тақдир унинг тилагини шундай бир аломат тарзда рўёбга чиқарадиган бўлди.

— Ҳа, агар имконият бўлиб қолса, бизга Лениннинг расмини чизиб беринг.

— Яхши,— деди яна рассом.

У қувонганича трамвайда Меҳнат саройига жўнади, вагоннинг очик деразасидан бирон ерда Лениннинг портретини кўриб қолар экан, фавқулодда тасодифдан яна тааж-жубланар, Лениннинг ўзига қараб чизадиган расми қандай оддий, табиий, жонли чиқажагини энди аниқ тасаввур этар эди.

У қандай альбом ола бориши, қандай қаламлар керак бўлиши, кейинчалик эса ана шу расм бўйича катта портрет чизажаги ҳақида бир қарорга келиб кўйди.

* * *

Эртасига эрталаб Шумилин чўнтагида билети билан конгресснинг очилишига ошиқди, етиб борса Урицкнй саройининг зали аллақачон лик тўлган, равоқларда бамисоли жонли пайкалдек яхлитлик касб этган бошлар чайқалар, ҳамма жойда қати очилаётган газеталар оппоқ қонотлардек лопиллаб кўринар эди. Дим бўлиб кетган, амфитеатрдагилар эса дафъа сайин пиджакларини ечишар, одамлар газеталар, дастрўмоллар билан елипинишар, сон-саноксиз ола-қуроқ манзараларнинг живир-живиридан кўз қамашар, борлиқ муштоқликдан таранг тортилган эди.

Шумилин минбар қаршисидаги журналистлар учун ажратилган ложадан жой топиб ўтирди. Бу ердан президиум ўринлари яхши кўриниб турарди. У альбомни очиб, расм чизишга тайёрлик кўра бошлади.

Бехосдан равоқларда говур қўзғалиб, борлиқни гулдурос билан қамраганча олқишлар кўчкиси куйи қараб шува бошлади. Шумилин ўрнидан туриб, президиумдаги ўринларни кўздан кечиришга тушди. Аммо у ерда ҳеч кимдан дарак йўқ эди. Залга қараган эди, қўлидаги альбомни тушиб кетди: чапак чала бошлади.

Тўппа-тўғри унга қараб бутун зални кесиб ўтганча турли элатларга мансуб халойиқ олдида Ленин келмоқда эди. Қаршисидан эсаётган ҳаво оқимини ёриб ўтаётгандек, олқишларни тўхтатиш учун тезроқ кўздан ғойиб бўлишга интилаётгандек бошини куйи солган кўйи ошиқиб келмоқда эди. У президиум томонга чиқиб борди, олқишлар давом этаркан кўринмай қолди.

У пайдо бўлган захотиёқ залнинг ҳамма эшиклари ланг очилди, равоқларга ҳам, амфитеатрга ҳам каттакон саватларда қизил чинни гуллар олиб кирдилар. Қўлма-қўл учиб бораётган гуллар кета-кетган қатор-қатор скамьяларда ўтирганларни алвон байроқлар ва декорациялар билан анвойи ранглар мулоқотига чорлади. Залга разм соларкан Шумилин шу орада яқингинада ўзининг муаллимлари бўлган икки кекса рассомни кўрди. Улар аллақачон ўрнашиб ўтириб олишган, бу эса ҳамон тикка турар эди. У ҳовлиққанча альбомни олди-да қўлига қалам тутди.

Жимлик чўккач, кутилмаганда Лениннинг амфитеатр скамьялари ўртасидан физиллаганча юқорига чиқиб бораётганини кўрди. Одамлар Ленинни дарҳол кўра қолмадилар, аммо кўришлари билан эса яна олқишлашга тушдилар ва у физиллаб ўтган ораликни тўлдира бошладилар. У бир одамнинг олдига етиб бориб, хушчақчақ жилмайганча унга қўлини узатди. Ўша одам Лениннинг истиқболига ўрнидан турди-да, камтарона, меҳрибон жилмайганча деҳқонларга хос аллақандай бамайлихотир ҳаракат билан ошиқмасдан кўришди. Улар тобора бир-бирларига бош эгганларича гаплашишар, чунки олқишлар кучайиб борар, одамлар уларни ўраб олмоқда эди.

— Бу — Миха Цхакая, — деганларини эшитди Шумилин, — грузин коммунисти. У Ленин билан бирга Швейцарияда яшаган эди...

Уларнинг атрофидаги одамлар ҳалқаси торайиб борарди. Ленин ўртоғининг қўлини сиқиб, зич турган халойиқ ора-

сини ёриб ўтди-да, гулдирос ва тиқилинчдан ранжигани аён бир ҳолда пастга тушиб кетди.

Шумилин унинг ҳар бир қадамини кузатиб турарди. Назарида, бу ўрта бўйли чаққон одамнинг ҳаракатидаги жуда муҳим хусусиятларни аллақачон илғаб олишга улгургандек, қалами буларни илиб олиб альбомда акс эттиргандек туюлмоқда эди.

Ленин президиум жойлашган томонга ўтиб, бир минутга кўздан йўқолди-да, кейин яна пайдо бўлди. Шумилин унинг чўнтагидан қоғозлар олиб, оралиқдаги зинапоёга ўтирганини кўрди. Бу нарса беҳосдан, тезликда, табиий тарзда юз берди, бундан яхши ҳолатни умид қилиш ҳам, тасаввур этиш ҳам мумкин эмас эди. Шумилин ёнидаги рассомлар чизишга киришганларини пайқади. У қаламини бармоқлари билан сиқиб ушлади-ю, аммо Лениндан нигоҳини узолмади.

Унинг ғайриоддий улкан боши якқол кўриниб турардики, бир лаҳзада ёдида қолди. Ленин қоғозларни тиззасига кўйиб, уларни ўқиркан боши қуйи эгилди. Шаҳдам манглайи, бош усти, энсасидаги ёқасига тегиб турган оч кизгиш жингалак сочлари бутун қиёфасида кескин кўзга ташланиб турарди. Рассом Ленинни тарихдан ёки ҳозирги замондан таниш бўлган биронта сиймо билан таққослагиси келар, аммо Ленин ҳеч кимга ўхшамас эди. Унинг ҳар бир жиҳати ўзигагина мансуб эди.

Шумилин ниҳоят қаламини қоғозга урди. Қаламини пайпаслагандек мулоийм сирғантирганча Лениннинг бошини чизди ва ялт этиб қаради. Ленин кўринмай қолган эди

* * *

Шумилин уни энди минбарга доклад қилгани чиққанида кўрди.

Ленинни завқ-шавқли, тинимсиз олқишлар қарши олди. У бунга охиригача чидаб беришга мажбур бўлди. Кафедрада қоғозларни анчагача варақлаб турди. Кейин тугёнга келган зални тинчитиш учун кўлини баланд кўтариб силқитди. Жўш ураётган шовқин-суронда танҳо қолганча теварак-атрофга жиддий қиёфада таънаомиз назар ташларди. Бирдан у соатини олди-да, жаҳли чиққан кўйи циферблатни бармоғи билан тиқиллатиб урганча аудиторияга кўрсатди,— аммо бу кор қилмади. Шундан кейин у то олқишлар ўзича барҳам топиб мушток бир сукунатга айланмагунча қоғозларни асабий ҳолда кўздан кечириб, варақлашда давом этди.

Ленин гапира бошлади.

Шумилин унинг фикрини ифода этаётган ҳаракатларини кузатди. Рассом чизадиган расмида худди ана шу нарсани тасвирламоқчи эди. Ленин қиёфасининг бир неча дақиқагина мукаддам мутлақо аниқ илғаб олинган жиҳатлари нотик Ленин туфайли ғойиб бўлиб кетаётгандек, уларнинг ўрнини узлуксиз жонли силсила ҳосил қилиб янгилари эгаллаётгандек эди. Рассом уларни хаёлида кетма-кет қайд этар, улар эса пайдо бўлар, аммо такрорланмас, бу бўлса уларни қўлдан чиқариб юборишдан қўрқар, ҳамон чиза бошлашга журъат этолмас, ҳозир Лениннинг ҳаракатларини ўрганаётибдими, ё унинг нутқини эшитаётибдими — нима қилаётганини айтиб беролмас эди. Лениннинг ҳаракатлари сўзлари билан мутлақо ҳамбарчаслиги учун уни ҳайратга соларди. Нутқининг мазмунини вужуди бус-бутун ифода этиб турарди. Бамисоли мулоҳим қолипга эриган металл қуйиб қўйилгандек зоҳирий ҳаракатлари сўзларига шу қадар аниқ мос келар эдики, нутқидаги оташин фикрлар жўшқин ифода этиларди.

Қўққисдан сулҳпарастликка майл қўйиб, тор-мор этилган Польша ва оқ генерал Врангелни омон сақлаб қолиш учун ўшалар билан Совет республикаси ўртасида воситачилик қилишни таклиф этган Англияни Ленин омонсиз фош қиларди. Ленин залдагилардан Англиянинг андишали буржуа ҳукумати таъбири билан айтганда, ер юзида нима учун «нотинчлик» пайдо бўлиб қолганини сўраганида, — вужуди Англия учун қалтис, нокулай бўлган «нотинчлик»ни кинояли ифодалади, унинг сиёсати барчанинг кўз ўнгида аёвсиз истеҳзо билан фош этилган тимсолга айланди.

Ленин қайдларига ўқтин-ўқтин кўз ташлаб қўяр, қўлаб рақамларни тилга олиб, аммо бу балан бир дақиқа бўлсин шавқсиз профессорга айланиб қолмас, ҳамон мафтун этувчи нотиклигича қолаверар эди. Унинг янгроқ овози тиним билмас, сўзлари — аён-ошкор, оддий, талаффузи — мулоҳим, баъзан «р» товушини таъкидлаб айтар, бу эса унинг сўзларига одамийлик бахш этиб, ҳаётий нутқини эшитувчиларга яқинлаштирар эди.

Ана шу нутқининг биронта сўзидан ҳам бебахра қолаётганим йўқ, деган ҳис билан Шумилин расм чизишга киришди. У Лениннинг кўтарила келган бошини, чўзилган қўлларини, тик, бақувват, адл қаддини, ўмровдор, мағрур кўксини қоғозга туширарди. У бир расмни қўйиб, иккинчисини бошлар: гоҳ юзи ўхшамаса, гоҳ қўллари, ёки жуссаси ўхшамай қолар эди. У муваффақиятли чиққанларини так-

рорлар, муваффақ бўлмаётганлари устида уринар, альбом варақларини бетма-бет қоралаб ўтар эди, ниҳоят, олдига кўйган мақсадига сира ҳам яқинлашмаганини пайқаб, қолиб, кўркиб кетди.

У муаллимларига қаради. Улардан бири эгилганча чизилган расмни зўр бериб резинка билан ўчирмоқда, ёрғоқ боши қип-қизариб кетган эди. Шумилин эслади: агар бирон иши кўнглидагидек чиқмаса у доимо кизарарди. Иккинчи рассом ложадан тушиб, минбар қаршисида турганлар қаторига бориб кўшилган. Лениннинг сўзларини тингламоқда эди.

Шумилинни бирдан ваҳима босди: шу лаҳзаларни кўлдан бой берса Ленин нутқини тугатади-да, унинг альбомидан биронта ҳам яхлит лавҳа қолмайди. У ложадан тушиб, одамлар елкама-елка зич бўлиб турган эшикдан аранг сирғалиб ўтди. У пастдаги оралиқда туриб олди, бу ердан Ленин унга йирикроқ ва бўйдорроқ кўринарди. Бу энг қулай жой, деган фикрга келди у. Аммо бу ерда юпитерларнинг нури халақит берарди: фото ва кинокамераларнинг объективлари рассомлар билан биргаликда серҳаракат Ленинни бевосита акс эттиришга тиришар, чироқлар кўзларни бир лаҳзада қамаштириб, киши нигоҳини зулмат билан чулғар эди. Шумилин минбарнинг нариги томонига ўтди. Бу ердан Ленин қорайиброқ кўринар, чунки орка томонидан тушаётган ёғду анча ёрқин эди. Йўқ, аввал эгаллаган жойи ҳаммасидан яхши экан, тезроқ, тезроқ ложага қайтиб бориши керак эди.

Шумилиннинг ўрни банд бўлиб қолибди, тикка туришига тўғри келди. Тик турар экан Ленинни дафъатан бор бўйича тўла-тўқис кўрди. Бир бутун яхлит жуссани илғаб ололмайдиган кўз бунга қодир эмасди. Шумилин дарҳол янги расм чизишга киришди. Шундан сўнг бутун тайёргарликлари, журъатсиз машқларининг таъсири кўрина бошлади. Тусмол билан пайпаслагандек чизилган этюдлари, бош ҳаракатлари, имолари, юзидаги хусусиятлар бир-бирларини тўлдирганча бирлашиб аста-секин ҳақиқатга — тирик Ленин қиёфасига яқин яхлит расмга айлана бошлади. Энди рассом альбомдан диққатини узмай шахт билан бемалол чизмоқда эди.

Зал бўйлаб гулдурос шовқин янгради. У бошини кўтарди. Ленин чаққонлик билан қоғозларни йиғиб, минбардан югурганча тушиб кетди.

Шумилин альбомини ёпди.

ГУЛ

Катта-Улла ҳозирги аҳвол-вазиятни аниқ тасаввур қилолмайди. Дунёда нималар бўлаётганидан унча воқиф эмас. Кўриб турибди, замонлар ўзгариб кетган. Тушуниб бўлмайдиган янги-янги нарсалар пайдо бўлган. Аммо меҳмондўстликнинг эзгу қонун-қоидалари ўз кучини йўқотмабди.

Мана, у ўздан йигирма ёш кичик қадрдон дўстининг уйида ўтирибди. Катта-Улла уни анчадан бери кўрмаган. Тап тортмай унга разм солади. Афзал Ноирхон ўзгариб кетибди. Собиқ шиддаткор аскарлигидан деярли ҳеч нарса қолмабди. Мулойим ва покиза соқоли елпигичдек таралиб турибди. Лўппи, ялпоқ юзини ажишлар босибди, қўллари оғир меҳнатни унутган кишининг қўлларидек мулойим, осойишта кўзларида энди ташвиш ва интиқом учқунлари кўринмайди.

Эгнида эса покистонликларга хос бўлган ширвоний либос эмас, бошида салла, устида яшил френч, расмий кенг чолвор, кўлида соат, оёғида эса этик ё шиппак эмас, салимшоҳ деб аталадиган шинам хонаки кавуш.

Бу семиз одам Катта-Уллага қандайдир тушуниб бўлмайдиган виқор билан қарайди. Кўпдан бери дарағи бўлмаган меҳмони ва қадрдонини мезбон сифатида бўлиб ўтган воқеалар билан таништиради, ўғли Акбарнинг Равалпиндида кўшинда хизмат қилаётганини, қизи эса Лоҳурда ўқиётганини ҳикоя қилади. Салима у ерда олимлар жамиятининг аъзоси бўлган Зулфия опаси балан бирга тураркан. Меҳмон Ноирхондан унинг хотинини суриштирмайди. Биладик, Фарухоним аллақачон қазо қилган, уни эслаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Негаки, эримни ҳар қандай хатарли ишларга тортади, деб, Катта-Уллани унча ёқтирмас эди.

Ўз навбатида Афзал Ноирхон ҳам қадрдон дўстида содир бўлган ўзгаришларни дилида қайд этиб ўтиради. Тоғлик дўстининг қоп-қора соқолида оқ мўйлар кўпайибди; зотан уларга хина теккан бўлса-да, оклиги яққол кўриниб турибди. Ажинлари ҳам кўпайиб кетибди. Қомати ҳали тик ва адл, аммо ҳаракатларида, юришларида кексаликнинг нуқси бор, чехрасида ҳорғинлик, кушларга хос ўткир ва зийрак нигоҳида — таажжуб. Уст-боши нимдош, аммо бу ўзини мағрур тутишига ҳалал бермайди.

Қискартириб босилмоқда.

У Ландихонга нима важдан келди экан, кўпдан буён тоғдан тушмаган, қоп-қоронғи жонажон ўлкасини тарк этмаган эди. Бизнинг шундай маданий замонимизда унинг қабиладошлари кечириб бўлмас даражада ёввойи бир тарзда ҳаёт кечирадилар, на докторни, на мактабни биладилар. Ислол жумҳурияти аҳолисига янги, маърифат замонаси берадиган кўпдан-кўп нарсаларнинг, имкониятларнинг биронтасидан ҳам баҳраманд эмаслар.

Аммо мезбон билан меҳмон кадрдон жанговар дўстликлари хурмати, хавф-хатарларни бирга-бирга бартараф қилганликлари хурмати осуда ва дўстона гурунглашиб, диркиллаб турган иссиққина ошни қўллари билан ошамоқдалар. Мезбон меҳмонивозликни ўрнига қўймоқда. Палов жойида. Карри оғизни ачитиб, томоқни ёқимлигина жазиллатиб ўтмоқда. Қовурилган гармдорига буланган чавати ҳам чакки эмас. Устидан муздекқина зардоб ичиш, ошга бир юмалоқ-бир юмалоқ маска ёғи ташлаб, хушбўй гуручни яна хузур билан ошалаш мумкин. Ора-чора тоғда ўсадиган ўт-ўланлар билан тўйилган ёнғоқ аралаштирган хушхўр нўхат-шўрвадан хўплаб қўйса бўлади. Сабзавот билан қўшиб пиширилган, қалампирмунчок, зира, пиёз ва карри хуруш қилинган димлама гўшт оғизда эриб кетади.

Афзал Ноирхон — гумрук амалдори. У чегаранинг қуролсиз қўриқчиси, бу теварак-атрофда каттакон бир кимса. Унга эҳтиром билан мурожаат қиладилар. У ўз ёрдамчиларига оҳистагина қисқа-қисқа буйруқлар беради. Катта-Улла чегарага келгандан бери ўтказган қисқагина бир муддат ичида шу нарсаларга қаноат ҳосил қилдики, Афзал Ноирхоннинг мартабаси анча ошибди. Энг муҳим нарсалар ҳақида ким балан қандай гаплашишни яхши биладиган билимдон киши бўлиб кетибди: чегарадан ўтказилаётган юклар ҳақида ҳам, бой-бадавлат йўловчиларнинг ҳужжатлари ҳақида ҳам, Лоедаккага кетаётган савдогарларнинг той-той юклари билан киссаларида нималар борлиги ҳақида ҳам билади.

Хонанинг иссиқлиги ва тўйганидан яйраб хузур билан кекирган Катта-Улла оғзини қизил дастрўмол билан арта туриб шундай деди:

— Энди сени жаноб деб чақириб керак экан! Катта бўлиб кетибсан, қишлоғимиздаги энг баланд тутдан ҳам катта бўлиб кетибсан. Соянгда ёш-яланг ўйин тушиб, қариялар умр сурадиган бўлишибди. Сен жаноби хон бўлиб кетибсан! Қани айт-чи, билимдону нуктадон дўстим, мен кўрган тушнинг таъбирини айтиб бер-чи. Шунисини унутма-

ки, бу тушни бундан олтмиш йил муқаддам кўрганман...— У тоғдаги кулбасида кечга яқин уйқуга кетиб кўрган тушни муфассал сўзлаб берди.

Тушида Ҳиндистон томондан келган рус сардори кичкина бир истехкомга бошчилик қилаётган инглиз комендантдан кулганмиш, негаки, инглизнинг бутун гарнизони тумтарақай бўлиб қочиб кетганмиш. Ҳаммалари руслар ўтиб кетгандан кейингина қайтиб келишганмиш, акс ҳолда комендант ўз бошлиқларидан балога қолиши мумкин экан...

— Ўзинг нима деб ўйлайсан? — деб сўради меҳмонининг бу савол билан нимага шама қилаётганини ҳамон тушунмаган Ноирхон.

— Мен ўйлаб-ўйлаб ўйимга етолмадим-да, таъбирчига бордим. Бизнинг тоғда ўқимишли одамлар йўқ, аммо туш йўйишни беш кўлдек биладиган билимдон одамлар бор.

— Таъбирчи сенга нима деди?

Катта-Улла тер босган пешонаси билан юзларини артди-да, кифтини учирди:

— Таъбирчилар ҳар қандай тушни ҳам осонликча йўйиб беролмайдилар. У анчагача гоҳ ундай, гоҳ бундай деб тусмоллаб кўрди. Ниҳоят, тушинг шундан далолат берадики, сен дўстларни яна кўрасан, тушни қандай дабдурустдан кўрган бўлсанг, улар билан бўладиган янги учрашувинг ҳам дабдурустдан бўлади, деди... Чамаси, уруш бўлади шекилли, кўп қон тўкилади шекилли, деди таъбирчи.

Ноирхон кулиб юборди, унинг чехрасида муғомбирона бир ифода кўринди.

— Тоғдан тушмаганингга жуда кўп бўлди. Таъбирчи гапининг ярмигагина ишонса бўлади. Кўп қон тўкилишига энди ўрин йўқ. Бу ерда тинчлик ҳукм суради!

Катта-Улла дурдек товланаётган гуручга ўй сурганича тикилиб қолди, паловдан яна егиси, сиқиб-сиқиб олгиси келарди.

— Ахир ўзимиз ҳақимизда етиб борган хабарларга нима дейсан, Ҳиндистон бўлинган кундан бери қочоқлик, жанглар бошланибди, шу кунгача ҳам ёру биродарларимиз олло таолонинг йўлига говнараст кофирларни қирғин қилаётганмиш!

Афзал Ноирхон жиддий қиёфага кириб, насиҳатомуз оҳангда шундай деди:

— Жанги жадаллар бўлиб олло таоло йўлига кўп қурбонлар бердик, аммо бизга омад ёр бўлди, ҳиндлар ҳам, сикхлар ҳам, жайнлар ҳам биздан шармандаларча қочиб қолдилар, биз ҳам кўпгина ёру биродарларимизни бағримиз-

га олдик, улар ҳали ҳануз Кашмирдан то Карочигача сарсон-саргардон кезиб юришибди. Мана ҳозир бир минг тўққиз юз қирк тўққизинчи йилнинг декабри бўлса, шу йилнинг биринчи январидан жанглари тўхтатиш тўғрисида битим тузилган, қон тўкилиши ҳам тўхтатилди...

Катта-Улла тушининг баҳридан оsonликча ўтиб қўймоқчи эмас эди.

— Аммо русларнинг тушимга киргани бежиз эмасдир балки? Балки бостириб келиб қолишса улар билан уруш қилармиз?

Ноирхон қаттиқ гапириб қариянинг дилини оғритиб қўймаслик учун иложи борича вазминлик билан уқтирди:

— Ўзинг биласан-ку, ҳозир чор Россияси йўқ. Унинг ўрнида Совет Иттифоқи.

— Буни аллақочонлардан бери биламан, сен нима демоқчисан?

— Айтмоқчиманки, таъбирчи гапининг ярмигагина ишонса бўлади. Русларга тааллуқли қисмигагина. Биз улар билан урушмаймиз, чунки бунинг ҳожати йўқ. Сенинг уларни бу ерда кўра олишинг важига келсак — таъбирчинг ҳақли...

— Кўра олишим қандай бўлди?

— Кеча бу ерга Совет Иттифоқидан вакиллар келган эди. Сен кеч қолдинг. Улар кеча чегарадан ўтиб, Ланди-хонда бўлдилар.

— Кўпчиликми?— дея қизиқиб суриштирди қошлари чимирилган Катта-Улла.— Қаёққа кетишди?

— Атиги беш киши, лекин улар аскар эмас. Ҳаммалари шоир. Одамларнинг дилини хушлаб шеър ёзишади. Сен шеърни яхши кўрасанми?

Катта-Улла кулиб қўйди:

— Қўшиқдай бир гап-да. Қўшиқни ҳаммамиз яхши кўрамиз. Барча қишлоқларимизда ҳар куни қўшиқ айтишади. Тутлар, эманларнинг тагида. Таомил шунақа...

— Ўша келган меҳмонларнинг ҳаммалари ҳам қўшиқшеър ёзишаркан. Уларнинг орасида Тожикистондан келган машҳур ажойиб шоир бор. Навқирон, қорачадан келган, барваста, кўзлари юлдуздек парпираб турибди. У менга шундай шеър ўқиб бердики, тоғлар завқдан ларзага келди, қувончим ичимга сиғади. Дунёда шундай афсунгарлар бор экан, энди дунё осойиш топиб, урушга йўл қолмайди. Унинг бошчилигида вакиллар келишибди...

— Москваликлар ҳақида гапириб берсанг. Келишдан мақсадлари нима экан?

— Улар Покистон шоирларига, олимларига меҳмон бўлиб келишибди, мамлакатимизни кўриб, Совет Иттифоқидагиларнинг қандай турмуш кечиришини гапириб бермоқчи эмиш. Учаси рус экан. Биттаси — новча, яғриндор, зўр паҳлавондек, бир ўзи аравани тортиб кетса ҳам ажаб эмас, лекин қарашлари, сўзлари мулойим. Иккинчиси — мўйсафид, кекса-ю, аммо бақувват, хушчақчақ. Учинчиси, портфелини кўкрагига босиб олганидан гапига ишонгим келмади. Портфелида илму ҳикмат тўла бўлса керак. Тўртинчиси жуда машҳур ўзбек шоири экан. Сочлари қопқора, ўсик, кўзлари ҳам тим қора. Тоғ кечасини эслатади. Кўзларида шеърят гулхани ёниб турибди. Менга ҳаммасидан ҳам тожикистонлик машҳур меҳмон ёқиб қолди... Чой ичаётганимизда беназир устозимиз Муҳаммад Иқболнинг шеърларини олиб келишни буюрдим. Уни биласанми, Катта-Улла?

— Иқболни биламиз, — деб жавоб берди Катта-Улла. — Тоғдаги ёшларимиз унинг ғазалларини кўшиқ қилиб айтишади...

— Муҳаммад Иқбол Сиёлкотда туғилган, мен ҳам ўша ёқдан бўламан. У ҳатто Англияда таҳсил кўрган, саркарда, салтанатларнинг фотиҳи Бобир ажойиб шоир эди. У ҳамон ҳамманинг ёдида. «Бобирнома» у буюк китоб, уни мактаб, мадрасаю дорилфунунларда ўқийдилар. Иқбол — халқларимизнинг садоси. У мамлакатимизни Покистон деб атаган. Мен унинг кўпгина шеърларини ёддан биламан. Ҳатто унинг боғидан атиргулнинг ниҳолини олиб келиб, уйимдан юқорирокқа, тоғ этагига ўтказдим... Яқин жойда. Гулга ҳеч ким тегмайди, чунки уни Иқболнинг номи омон сақлайди. Совет шоирлари бизда шеър юксак кадрланишини билиб, ғоят қувонишди. Ҳар бир мамлакатда ҳам кадрли меҳмонларни шеър билан қарши олаверишмайди, ҳар бир мамлакатда ҳам меҳмонларни шеър билан қайтаришавермайди.

Кекса Катта-Улла Ноирхоннинг сўзлари рост эканлигига қаноат ҳосил қилди.

ТОНГ

Бу киш тонгини Ленин хатлар ва шикоятларни ўқишдан бошлади, улар унинг учун бамисоли вақт суръатини ва инсоний муносабатларни ўлчайдиган асбоблардек эди.

Шахсий кулфатлардан, одамларнинг совуқ муносабатларидан шикоятлар, илтимослар, маслаҳатлар, таклифлар унинг столига оқиб келарди.

Новосело қишлоғида яшайдиган солдат хотини Ефимова бутун ғалласини олиб қўйганларидан шикоят қилибди, эри эса асирликда, қўлидаги болалари бири-биридан кичик экан... Скопин уездининг деҳқонлари уларга фавқулодда солиқ солганликларини, ўзлари эса муҳтож кишилар эканликларини ёзишибди.

Ҳар бир хатга Ленин қисқача резолюция ёзиб қўярди. Череповецга, Губижрокомга: «Ефросинья Андреевна Ефимованинг шикоятини текширинглар, текшириш натижасини ва кўрган чораларингизни менга хабар қилинглар». Скопин уездининг деҳқонларига: «Ўртадан паст тўқликда яшайдиган деҳқонларга фавқулодда солиқ солиш ғайриқонуний...»

Мана бу телеграмма эса Царициндан.

Ленин уни ўқиб чиқди, яна бир марта ўқиб чиқди: «Жин урсин, бу нима ўзи? Асло ақл бовар қилмайди! Шу нарсагагина қамоққа олиш учун ўтакетган аҳмоқ бўлиш керак...»

Қизил аскар Минин гражданка Першиковани арзимаган гуноҳи учун қамоққа олганлари ҳақида телеграмма берибди. Қизил аскар Першиковани ҳимоя қилишни сўрабди... илтимоси асосли эди...

Ленин Царицинга, Губфавком раиси Мишкинга шундай деб ёзди: «...Валентина Першиковани дарҳол озод қилинглар... Халқкомсов раиси Ленин». Телеграммани қўлида айлангириб турди-да, унга резолюция қўйди: «Фавком раисидан жавоб келгач, менга эслатинглар...»

Першикованинг қамоққа олиниши аҳмоқоналиги билан одатдан ташқари бир воқеа эди. Ленин хатлар солинган досъени суриб қўйиб, столдан турди-да, кабинет бўйлаб юрди. Кейин столга қайтиб келиб, ўй сурганча вазмин пресспапъени бармоқлари билан черта бошлади. Унинг тагида оқ қоғоз турарди, Ленин учбурчак қилиб буклаб қўйилган хатни олди.

«...Жуда бебаҳо ходима, биз учун худди шу кишини ишга

олиш кизик бўларди. Декретни четлаб бўлмасмикан?»

У хатнинг маъносини тушуниб олишга уриниб, пешонасини тириштирди.

«Қайси декретни четлаб ўтишмоқчи? Бу хатни ким кўйиб кўйди экан? Э-ҳа, бу Фотиевнинг дастхати-ку!» — У кўнғироқ тугмасини босди. Фотиева кириб келди.

— Бу сизнинг хатингизми, Лидия Александровна? Маъносига тушунмайроқ турибман...

— Секретариатга ходим керак, биз Бонч-Бруевичга бир аёл номзодини тавсия этган эдик, у розилик бермади.

— Унинг бунга сабаблари бордир-да?

— Қариқдош-уруғларнинг биргаликда хизмат қилишларини тақиқлайдиган декретни бузиш мумкинмас, дейди. Номзоди тавсия этилган аёлнинг синглиси Халқ Комиссарлар Советида ишлайди.

— Энди тушундим. Сиз менга декретни четлаб ўтишни сўраб илтимос қилдингизми? Қонунни бузишим керакми?

Фотиева ёзган хатидан хижолат бўлиб кетди, Ленин эса, у янглишганми ё чиндан ҳам қонунни хоҳлаган кўйга солиш мумкин, деб ўйлаётибдими, деганча, буни аниқламоқчи бўлгандек, ундан синовчан нигоҳини олмай турарди.

— Қонунни четлаб ўтиш — ҳар қандай ҳолда ҳам жиноят. Бу ёдингизда бўлсин, жиноят, Лидия Александровна. — Шундан сўнг дарҳол сўради: — Сарапуллик деҳқонлар ҳали келишмадими?

— Аллақачондан бери кабулхонада ўтиришибди.

— Очлар учун саксон минг пуд ғалла йиғишибди. Қани, уларни чақиринг-чи.

Кабинетга қутилмаган тарзда қарши олинганликларидан ийманган, калта пўстинли, пиймали деҳқонлар кириб келдилар. Ленин уларни бирма-бир ўтқизгач, стулини уларга яқинроқ суриб ўтирди-да, йўл машаққатларидан сўрай бошлади.

— Сарапулдан Москвагача ўн кеча-кундуз имиллай-имиллай етиб келдик, — дея куюниб жавоб берди делегация бошлиғи Фаддей Иванович.

— Қийин, қийин, — Ленин одамларнинг серсоқол, дағал юзларига синчиклаб тикиларди. — Сизлар билан биз юртдошмиз десак ҳам бўлади — мен Симбирскданман.

— Тўғри, биздан Симбирскгача чақирса эшитилгудек, — дея унинг фикрини маъқуллади Фаддей Иванович.

— Шу вақтгача Сарапулда бўлиш насиб қилмади. Аммо

сизларнинг Камангизда яйраб ов қилса бўлади.

— Ўрдак демаганинг сру кўкни босиб ётибди, булдуруғу курнинг — сон-саноғи йўк. Боринг, қадам тегмаган жойларга олиб бораман, — деди дарҳол **Фаддей Иванович**.

— Қани, уруш тамом бўлсин-чи, бўшроқ фурсат топану етиб бораман.

Ленин яна асосий мавзуга кўчди.

— Олижаноб бир иш қилибсизлар, — дея Ленин суҳбатни давом эттиришга даъват этаётгандек, Фаддей Ивановичнинг елкасига кўл тегизиб кўйди. — Халқ оч, Россияда эса ғалла бор! Бор! — дея шахд билан такрорлади у. — Менга маълумот беришди. Сарапул билан Қозон ўртасида бир неча миллион пуд ғалла босилиб ётибди, Москва билан Петроградга стказиб келишнинг имкони йўк. Негаки, паровозлар йўқ, вагонлар йўқ, ёқилни ҳам йўқ. Ёрдам кўрсатганларингиз учун — ҳукумат номидан катта раҳмат... — Ленин блокнотидан бир варақ қогоз йиртиб олиб, шу сўзларни ёзди: «Ушбуни кўрсатувчи ўртоқлар Вятка губерниясининг Сарапул уездидан. Улар биз билан Питер учун қирқ минг пуддан ғалла олиб келдилар. Бу шундай ажойиб жасоратки, мутлақо алоҳида бир табрикка лойиқ. Дарвоқе, бу ўртоқлар уларни қасаба союзлари билан таништиришни илтимос қилмоқдалар. Мумкин бўлса, улар учун Депутатлар Советидан тезроқ доклад тайин қилинлар...» У хатни Фаддей Ивановичга берди. — Моссовет раисига муружаат қилинлар, у ишчилар билан учрашувларингизни уюштиради. Улар билан ўз эҳтиёжларингиз тўғрисида маслаҳатлашинлар. Олмоқнинг бермоғи бор, дўстлик эса бебаҳо нарса, — деганча Ленин деҳқонларни эшиккача кузатиб кўйди.

Очликка қарши кураш билан граждандар уруши унинг зиммасига оғир юк бўлиб тушди... Ғалла учун кураш тинчлик учун кураш билан тенг. Бу узлуксиз, уйқу бермайдиган жиддий кураш!..

Колчак эса ҳужум қиларди.

Генерал Ханжиннинг Ғарбий армияси Уфага яқинлашиб келарди. Шимолий армия Сарапул билан Ижевскка таҳдид солмоқда, атаман Дутов Оренбург билан Оқтўба ўртасидаги йўлни босиб олиб, Туркистонни яна Россиядан кесиб кўйди.

Ҳозир Колчак — асосий ҳарбий хавф, барча жисмоний, барча маънавий кучларни унинг кўшиқларини тор-мор этишга жалб қилиш керак. Бир неча кундан сўнг партиянинг Саккизинчи съезди очилади, ҳарбий аҳвол билан ҳарбий

сиёсат унинг ишидаги энг муҳим масалалар бўлади.

Ленин патия, совет ва касаба ташкилотларининг Колчакка қарши кураш борасидаги вазифалари ҳақида Марказий Комитет тезисларининг конспектларини қоғозга тушира бошлади.

Кабинетга қўлида папка кўтарганча Свердлов кириб келди. Унинг қиёфаси бемор одамнинг дидини берар, озгин юзини заҳиллик қоплаган, кўкиш лаблари гезарган, қора кўзларигина жонсарак чақнаб турар эди. Дўсти ва сафдоши Лениннинг кўз ўнгида чўп бўлиб озиб кетмоқда эди. Ленин Свердлов билан ҳар гал учрашганида гапини шу сўзлар билан бошларди:

— Саломатлигингизни эҳтиёт килинг-да, Яков Михайлович. Даволаниш керак ахир...

— Шундай бир вақтда кўрпа-тўшак қилиб ётаманми? Йўқ, ундан кўра касални оёқ учида ўтказиб юборганим яхши. Шундай бир пайтда,— деди Свердлов «шундай» сўзини таъкидлаб,— охири нафасимгача ишлашим керак...

У ёзув стилининг бир чеккасига ўтириб, пенснесини олди-да, ойнасини дастрўмоли билан артди.

— Шаркий фронтдаги аҳволни ўзгартириш учун ошиғич фавқулудда чоралар кўриш зарур...— дея гап бошлаган Свердловнинг йўтали тутиб сўзи чала қолди.

— Ҳа, у ерда аҳвол шиддатли. Ошиғич, аммо пухта тайёрланган ҳужумгина ғалаба гарови бўлиши мумкин. Бунинг учун эса жанговар қобилиятли армиялар ва талантли саркардалар керак,— дея унинг гапини давом эттирди Ленин.— Дарвоқе, фронт қўмондонлиги кўшинлар группаси тузиб, шу тариқа Колчакни Волга бўсағаларида тўхтатиб қолиш билан бирга уни жанглarda ҳолдан тойдириб, кескин ҳужумга ўтишни таклиф қилмоқда.

— Жуда жиддий таклиф... Бундай кўшинлар группасига кимни қўмондон қилиб тайинласа бўлади?— деди Свердлов.— Кимни тайинласа бўлади?

— Мен барча ҳарбий бошлиқларимизни бирма-бир хаёлимдан ўтказдим. Фрунземи, Тухачевскийми? Бир неча армияга қўмондонлик қилиш учун ҳарбий билим талаб қилинади. Иродали, истеъдодли, оқил, ташкилотчи коммунист керак бўлади.— Ленин креслога суяниб, ўз саволига жавоб қидираётгандек пешанасини бармоқлари билан ишкалаётгандай бошлади.

Свердлов бир оз ўйлаб тургач, шундай деди:

— Балки Фрунзе тўғри келар? Бошқа муносиб номзод тополмадим.

— Фрунзе дейсизми? — деб сўради Ленин. — Унда тилга олинган барча фазилатлар борми? Дуруст! Унинг номзодини аввал Революцион Ҳарбий Кенгашда, кейин эса Мудофаа Кенгашида муҳокама қиламиз.

Михаил Фрунзе Тўртинчи армиянинг қоманда составини янгиламоқда эди.

Унинг талаби билан Валерьян Куйбишевни армия Ҳарбий Революцион Кенгашнинг аъзоси қилиб белгиладилар. Александров-Гай бригадасининг командирлигига у Василий Чапаевни тайинлади.

Қизил аскарлар янги командармнинг қатъий иродасини дарҳол ҳис қилдилар. Армия кўзлари ўнгида туғилмоқда эди, умидсизлик барҳам топди, саросима ўрнини комил ишонч эгаллади.

Армия ҳужумга ўтди.

Фрунзе қадам-бақадам олға силжиб, станцияларни жанглар билан бирма-бир оқ казаклардан озод қила бошлади. Атаман Дутов ва генерал Толстов Урал бўйидаги сахрою чўлларга чекинардилар.

Фрунзе ошиғич суратда Оренбург дивизиясини ва кавалерия дивизиясини тузди: унинг режасига кўра, Туркистон отрядлари билан бирлашган бу қисмлар янги Туркистон армиясига айланди.

Шу тариқа кичик составдаги Жанубий кўшинлар группаси юзага келди: у Урал ва Оренбург областларидаги озод қилинган ерларни бор кучи билан ушлаб туриши керак эди.

Худди ўша кунлари муҳим стратегик пунктлар ҳисобланган Сломихинская станицаси билан Лбишченск шаҳарчасини озод қилди. Жангларда Чапаев шахсий жасоратини, қатъий матонатини, кутилмаган ва жадал ҳаракатлар қўллаш маҳоратини, жангнинг хатарли лаҳзаларида командирлар учун ғоят зарур бўлган мустақил ташаббус кўрсатиш лаёқатини намоёиш этди.

Аммо Тўртинчи армиянинг дастлабки муваффақиятларини мустаҳкамлаш мумкин бўлмади. Колчак кўшинлари ҳужум қила бошлади, қизилларнинг Жанубий группаси устида қуршов таҳдиди туғилди.

Фрунзе Уральск районида Иигирма бешинчи дивизияни олиб Оренбург — Бузулук — Самара линиясига ташлади. Дивизия Тўртинчи армия билан Туркистон армиясининг орқа томонларидаги ҳимоячиси, кўшинларнинг генерал Ханжин армиясига зарба беришга тайёргарлик кўриш учун

кайта тузиладиган марказига айланди. Дивизия командир-лигига Чапаев тайинланди.

Душманнинг муваффақиятлари тобора салмоқлироқ бўлиб борарди, Фрунзенинг уйкуси қочди.

Хариталарда ҳар куни байроқчалар ўзгарар, улардаги рангли чизиклар чўзилиб, Уфадан Бугурусланга, Минзалага, Кама томон қараб силжимокда эди.

Фронтдаги барча, ҳаттоки майда ўзгаришларгача диққат ва синчковлик билан кузатаётган Ҳарбий Революцион Кенгаш аъзоси Новицкий ҳам ташвиш, ҳам ғалати бир қувонч билан шундай деди:

— Душманнинг Каппель корпуси ҳаракат қилаётган чап қаноти Ханжиннинг армиясидан анчагина орқада қолмоқда. Чап қанот билан марказ ўртасида каттагина узилиш юзага келди, қўшинлар узундан-узоқ масофага чўзилиб кетди.

— Бундан қандай хулоса чиқади?— деб таажжубланиб сўради Новицкий.

— Гап шундай: агар биз Ханжин армиясининг чап қанотига зарба берсак, унинг зарбдор группасини тор-мор этиб, ташаббусдан маҳрум қилиб қўярдик. Кутилмаган қарши ҳужумдан Ханжин мушкул аҳволга тушиб қолади...

Чуқур ўйга чўмган Новицкий анчагача жавоб бермади.

— Ноёб ва дадил бир план,— дея маъқуллади у ниҳоят.— Аммо бундай зарба учун қудратли кучлар керак бўлади...

— Бу ҳали план эмас, тахмин, холос. Менинча, ихтиёримизда мавжуд кучлар билан қарши ҳужум бошласак ҳам мумкиндир дейман. Лениннинг буйруғига биноан бизга узлуксиз равишда янгидан-янги мадад кучлар келиб турибди, колаверса, ундан ташқари,— дея такрорлади Фрунзе,— кизил аскарларнинг революцион иштиёқини ҳам ҳисобга олиш керак. Агар оқларга ғалабагина керак бўлса, бизга ғалабадан ташқари келажак ҳам зарур... Мен Лениннинг сўзларини эслатишим мумкин...

Шундан сўнг дарҳол Фрунзе бевосита алоқа воситаси орқали кўмондонлик билан боғланди. Душманнинг қанотига зарба бериш, кейин эса ҳужум бошлаш имкониятлари ҳақидаги фикрларини айтди.

Таклифини пухта ўйлаб кўришга ваъда бердилар. Тез орада Фрунзени бевосита алоқа воситасига чақирдилар:

— Биз Мудофаа Кенгаши раисига сизнинг қарши ҳужум планингиз ҳақида доклад қилдик. Ленин сизнинг фикрингизни қўлламоқчи.

Кўллардаги ўлик, лойка сувлар, ботқоқ йўллар, ўтган йилги кўнғир тортган чаловлар, кўкиш апрель осмони куёш шуъласида жимирлайди. Одатда лойгарчилик кезлари хувиллаб ётадиган Самара дашти ҳад-худсиз ҳарбий лагерга ўхшар: ҳамма жойда пиёдалар одимлар, суворийлар от чоптирар эди. Темир йўл изларида паровозлар, вагонлар қалашиб кетган, платформаларда пулемётлар, сафар ошхоналари қакқайиб турар эди. Қуролларнинг жаранг-журунги, ғала-говур, шовқин-сурон, димоғни ёргудек ҳидлар очик ҳавода омухталашиб, буларнинг барчаси Бугуруслан деб аталган кичкина нукта томон жилмоқда эди.

Рус кишисининг қулоғига ғайри оддий бўлиб эшитиладиган «Бугуруслан» сўзи аниқ, аён маъно касб этиб, бу янги тарихий мафҳум бир-бирига душман икки армия ўртасидаги чегара бўлиб қолган эди.

Командармнинг поезде Кинали станциясида турарди. Салон-вагонда Новицкий йигирма саккизинчи апрелга белгиланган ҳужум ҳақида буйруқ ёзаётган эди. Унинг орқасида турган Фрунзе елкаси оша оддию лекин шиддатли сўзларни ўқимокда эди.

— Мана, вассалом!— деди Новицкий.— Қўл қўйинг, Михаил Васильевич.

— Энди навбат қизил аскарларимиз найзасига,— дея қўшимча қилди Фрунзе, айна бир пайтда ҳам даъват, ҳам ҳарбий қонун бўлиб қолган ҳужжатни имзо қўйиб тасдиқларкан. У ҳамкасбларига кўз ташлади. Куйбишевга эса ўзок тикилиб қолди.

Салқин тонг отди.

Ҳужум аллақачон бошланган эди...

Фрунзе ва Куйбишев вагондан тушиб, чаловзор дашт томон қараб кетдилар.

Узоқдаги тўп гулдуросига кулоқ соларкан, Фрунзе шундай деди:

— Ўртоқ Ленин айтди: бизнинг фронтимизга бериладиган мадад кун сайин ошиб бораркан.

— Бу жуда, жуда соз!— дея жилмайди Куйбишев.

— Уни қара, Валерьян, ана у булутларни қара!— дея шавқ билан хитоб қилди Фрунзе.— Худди қадрдон Пишпагимнинг устидаги Хонтангри тоғларига ўхшайди-я...

Куйбишев осмонга нигоҳ ташлади.

— Тонгимиз чакки бошланмади,— деди у.

Куёш юқорилагандан юқорилаб борарди.

Енгилгина булутлар саф тортган солдатлардек олға ва олға томон илгариларди. Ортларида қолган осмон мусаффо тортиб борарли.

ЎРМОНДАГИ СУҲБАТ

Шанба. Иш куни тугаб қолганда Владимир Ильич Москва атрофи манзилларининг харитасини столга ёзди.

На Петербургда туғилиб ўсган шофер Степан Казимирович Гиль, на Владимир Ильичнинг ўзи Москва атрофини тузуккина билар эдилар. Ваҳоланки, шанба кунлари сершовкин диккинафас пойтахтдан эллик-олтмиш чақирим нарироққа чиқиб кетиб, ўрмонларда кезиб, янгидан-янги жойларнинг гўзалликларини кўриш қандай яхши!

Бу гал Владимир Ильич Москванинг шимоли-ғарбига жўнади. У шофер билан машинани узоқ қишлоқлардан бирида қолдирди-да, елкасига милтиқ осиб, ўрмонга кириб кетди.

Ажойиб куз.

Ялангликда Владимир Ильич етмишларга борган бир чолни кўриб қолди. Чол кўзиқорин териб юрарди.

Владимир Ильич яқинроқ борди.

— Салом, бобо!

Чол кўлини кўзига соябон қилиб, жавоб берди:

— Салом, иним.

— Омадингиз дуруст!— деб хитоб қилди Владимир Ильич унинг саватига кўз ташларкан.— Болалар эрталаб-даноқ шипшийдам қилиб териб кетишса керак, деб ўйлардим...

— Болалар шипшийдам қилиб кетишолмайди, умуман ҳеч ким шипшийдам қилиб кетолмайди,— деди чол, шимининг чўнтагидан тамаки халта олиб. Икковлари қулаган дарахтга ўтирдилар. Чол тамаки ўраб халтачани Ленинга узатди.

— Раҳмат, кашанда эмасман,— деб жавоб берди Ленин.— Махорками? Қўлбола тамакими?

— Қўлбола,— деб жавоб берди чол.— Махоркани катта байрамларда ҳам кўрмаймиз. Тартибсизлик... Вайронгарчилик... Пичоқ бориб устихонимизга тақалди.— У хўрсиндида, тамаки халатасидан бир парча эгов, сарғиш-яшил пилта ва чақмоқтош олиб, чаққон, аниқ зарб билан ўт чақа бошлади.

Владимир Ильич бош силкиб, сўради:

— Хўш, нима учун болалар ҳам, ҳеч ким ҳам шипшийдам қилиб териб кетолмайди.

— Нима учунлиги маълум: ҳар ким ҳар хил кўради...

Сашка — неварам олдинда боради, мен сўқмоқ бўйлаб унинг кетидан юраман. У нечоғли кўзи ўткир, кўзиқорин важига чечан бўлса ҳамки, у ҳам топади, мен ҳам топаман, лекин бошқа-бошқа жойлардан топамиз. Негаки у бир газ юқоридан кўрса, мен икки газ юқоридан кўраман. Тафовути бор!

— Жуда топиб айтдингиз!— деб хитоб қилди Владимир Ильич.— Жуда!

— Москвадан келдим, дегин?— дея суриштирди чол, тасодифан тўқнаш келиб қолган одамга разм солиб.— Бизнинг жойларда ов қилгани келибсан-да? Тузук... Тузук... Яхши жой.

— Ажойиб жойлар экан,— дея унинг фикрини қувватлади Владимир Ильич.— Турмушлар қалай?

— Нима десам экан, иним?— Чол индамай турди-да, ошиқмай давом этди:— Жуда яхши, десам бўлмас.— У яна индамай қолди, кейин қўлларини ёзиб, кўшиб қўйди.— Умид қиламизки...

— Турмуш тузалиб кетади, дебми?— дея сўзини давом этдириб кетди Владимир Ильич.— Шундай бўлармикан? Қачон бўлар экан? Бу ердаги одамлар нима дейишади? Нима деб ўйлашпти?

— Ҳамма ҳам ўйлаштимикан, иним? Тирикчилиги бир амаллаб ўтиб турганлар ҳам бор.

— Шунда ҳам, одамлар қандай фикрда юришибди?— дея қатъият билан суриштирди Владимир Ильич.

— Ҳар қалай, яхши бўлиб кетса керак, дейишади. Бўлмаса-чи!— Чолнинг гап оҳангида киноя пайдо бўлди.— Филька Рязапкин бизга қизил минбардан туриб, ёрқин жаҳон коммунизми салтанатига эртагаёқ қадам қўямиз, пулни ўтин ўрнига ёкамиз, деб жар солаётибди. Ростини айтсам, иним, мен черковга ҳам камроқ борадиган бўлиб қолдим. Нима кераги бор?

— Шундай денг!— деб унинг гапини илиб олди Владимир Ильич.— Черковга-ку камроқ катнайдиган бўлибсиз, ammo пулнинг баҳридан ўтгингиз келмагандир-а?— дея қаҳқаҳа отиб кулди у.

— Пул кам,— деди чол.— Борини ҳам исроф қилмаймиз.

Владимир Ильич жилмайиб, қатъий деди:

— Коммунизмга эртага қадам қўймаймиз, бобо. Чипта ковушу пайтава билан,— деб у чолнинг чипта ковушига имо қилди,— унга етиб боролмаймиз, коммунизмда буларнинг ҳожати ҳам йўқ. Омоч билан хатто плуг билан ҳам етиб боролмаймиз... Сизлар ерни нима билан ҳайдайсизлар?

— Умуман, плуг билан ҳайдаймиз-у, иним, аммо омов ҳам йўқ эмас.

— Москванинг ёнгинасида шундай бўлса-я!— Ленин бош чайқади.— Кишлоқда неча хонадон бор?

— Ўттиз саккизта эди, ўттиз саккизинчисининг кўраси ўтган ҳафта ёниб кетди.

— Ҳм. Отлар-чи?

— Йигирматача.

— Исчиноқ ёқарсизлар?

— Шунақа. Ёз ҳам баҳарнов-у, кишда расво!— Чол бош чайқади.

— Касалхона, кутубхона борми?

— Қаёқда?

— Ҳали ҳам кулақларга ишласанглар керак? А?

— Шунақа...

— Ана кўрдингизми! Ўртоқ Рязапкин унча ҳақли эмас экан. Коммунизмга бориш учун саноатни, транспортни электрлаштириш керак. Ҳали кўп кийинчиликларга дуч келамиз, балки анча-мунча қурбонлар ҳам беришга тўғри келар, ҳазилакам кураш бўлмайди. Аммо биз ғалаба қозонамиз. Муқаррар ғалаба қозонамиз!..

— Мушкул гапларни айтаётибсан,— деб таъкидлади чол.— Шахмат деган ўйин бор... Билсанг керак?

— Биламан.

— Ўшанда баъзи доналар тўппа-тўғри юради, баъзилари бўлса худди чақмоқдек эгри-бугри, ёки худди мушдан чиқиб келгандек юради. Мана сен тўппа-тўғри юряпсан, Филька Рязапкин бўлса кингир-қийшиқ юради. Унинг сўзлари худди юрак дорисига ўхшайди: таскин берадию қувват бермайди.

— Шунақа, шунақа,— деб маъқуллади Владимир Ильич.— Сизлар шундай килинглар, ўртоқ Рязапкин коммунизм салтанати ҳақида гап бошлаши билан, унга: «Сен бизни ташвиқот қилма, биз билан бирга электростанция, касалхона, кооперация қуришга кириш!»— деб уқтиринглар. Камроқ гап сотиб, кўпроқ ишлаш керак. Ҳар дақиқа ғанимат, денглар, хўпми?

— Ҳа, тўғри,— деб унинг фикрига қўшилди чол ва эски пиджакли бу қизғиш соч одамга ҳурмат билан тикилди.

— Ана шунда турмушингиз яхши бўлиб кетади.

— Кошки...— деди чол.— Кошки эди...

Владимир Ильич жилмайди:

— Ишонмайсизми?

— Саксонга бориб қолдиму ер юзида адолат борлигини

ўзим ҳам кўрганим йўқ, бобою бобо-калонларимдан ҳам эшитганмасман...— фалсафазлик қиларди чол.

Владимир Ильич кепкасини олиб, орқадаги сочини силади-да, яна кийди. Қулайроқ вазиятда тинглаш учун ўрнашиброқ ўтирди, тирсагини тиззасига тираб иягини кафтига қўйди.

— Қуёнларинг қочиб кетмайдими?— деб ташвишланди чол, ўрмонга имо қилиб.

— Йўқ, йўқ, менга аталгани қочиб кетмайди!

— Хулласи калом... Хўш, айтишларига қараганда,— деб давом этди чол,— биздан миллион йилларча бурун ҳам одамлар яшаган экан. Шунақами, ё бу куруқ сафсатами?

— Яшаган,— деб тасдиқлади Ленин.

— Яшаган. Ўйлайманки, уларнинг ҳам яхши яшагилари келган.

— Хўш, хўш!— деб унга далда берди Владимир Ильич.

— Орзу қилишган-у, лекин орзулари рўёбга чиққан эмас. Ҳозир нима учун рўёбга чиқсин?

Ленин кулоқ бериб, аста-секин такрорлади:

— «Рўёбга чиққан эмас... Ҳозир нима учун рўёбга чиқсин?» Ажойиб савол! Мутлақо ҳаққоний, мантиқли савол!

— Умрим бино бўлибдики, кўпдан-кўп нарсаларни кўрдим,— дея бамайлихотир давом этди чол.— Илгари замонда нима бўлганини билмайману, лекин эсимни танибманки, яхши яшаш учун одамлар нималар қилишмади, иним! Мен крепостной ҳуқуқ даврида ҳам яшаганман. Ҳаммаси эсимда. Деҳқонлар исён кўтаришди, норозилик билдиришди, енгиллик талаб қилишди, хуллас... Кейин эрк эълон қилинган бўлди. Бироқ аҳвол ўзгармади. Ибодатга зўр беришди, православие динига қаттиқ риоя қилишди — иш чиқмади. Бешинчи йили деҳқонлар ўз помещчикларига қарши бош кўтаришди. Кўриб қўй, бизда ҳам куч бор дегандек, ермулкини талон-торож қилишди. Кўкракларига шамол теккандек бўлган эди, қаёқда, яна ўшанинг ўзига бош уриб боришди. Исён кўтарганлари, ўт қўйганларидан нима фойда чиқди? Саккизинчи йили бизнинг муаллимимиз граф Лев Толстой хат ёзиб турди, у итоаткорликка даъват қилди. Тўққизинчи йили ҳам даъват қилди... Ўнинчи йили ҳам. Яхши одам эди, камбағалга эгнидаги охирги қўйлагини, еб турган бир бурда нонини беришга тайёр эди... Инонихтиёр унда бўлса экан! Ўн тўртинчи йили, империалистик урушда ўғлим ҳалок бўлди. Ватан учун, бизнинг турмушимиз учун жон фидо қилди десак, турмуш бари бир яхши-

ланмади. Қўшни кишлоқда бир докторимиз бор эди... Жуда ҳам адолатли одам эди! Касал кўргани ҳар қандай об-ҳавода ҳам ўттиз чақирим яёв йўл босиб келарди. Қонунни ўшанака одам чиқарса, дердинг! Насиб қилмади,— дея чол чуқур хўрсинди.

Соялар сал-пал сурилиб, чўзилиб қолди. Ялангликка қуён югуриб чиқди, у нечукдир жонсарақ, эди. Чол:
— Уни қара!— деган ҳам эдики, қуён буталар орасига уриб қолди.

— Ўзини милтиққа тутиб берган эди,— деди Владимир Ильич хиёл жилмайиб,— ҳозир ўрмонни айланиб, ялангликда битта лақма овчи ўтирибди, деб юрган бўлса керак ҳаммага. А?

— Овчи камҳафсала бўлса айб эмас! Энг муҳими, одам-шинаванда бўлса бас,— деб жавоб берди чол. Тасодифий ҳамсуҳбати унга ёқиб қолган эди.— Турмушнинг таомили шунақа...— деди у, узилиб қолган суҳбатга қайтиб.— Не-не хатти-ҳаракатлар қилишмасин, ҳеч бир иш чиқмади. Ҳолбуки, ҳаммалари ҳам ҳаққоний сўзларни айтишган эди.

— Бу орзуларимиз ҳозир қандай қилиб рўёбга чиқади, демоқчимисиз? Сизга жавоб беришим мумкин, бобо,— деди қатъият билан Владимир Ильич.— Қилинган хатти-ҳаракатларнинг кўпи зое кетмади. Дин бизни олдинга ундамади, аммо халқ оммасининг ҳатто узоқ-узоқ ўтмишидаги, хусусан, бешинчи йилдаги чиқишлари бизни анча илгарилатди.

Ленин инсониятнинг бутун тарихи бахт-саодат учун, ер юзида адолат учун узлуксиз курашдан иборат эканлигини оддий сўзлар билан гапириб берди.

Бу бир одамга мўлжалланган кичкина лекция эди.

— Тузук, тузук,— деб кўйди чол, ўй суриб соқолини силаркан.— Бехуда кетмади, де?

— Бехуда кетмади,— деб таъкидлади Владимир Ильич.

— Хўп, бехуда кетмабди ҳам дейлик. Хўш, ундан кейин-чи?

— Ундан кейин, бобо, Октябрь революцияси бўлди — ҳокимият бизнинг қўлимизга ўтди. Шунинг учун ҳам орзулар энди рўёбга чиқади. Ишчилар билан деҳқонлар ўз ҳаётларининг ҳукмрон эгалари бўлиб қолдилар. Ер юзида адолатни барқарор қилиш энди сизлар билан биргаликда ҳаммамизга боғлиқ бўлиб қолди. Шунга нима дейсиз?

— Ҳақ гап... Ҳаммаси тўғри. Бажонидил кўшиламан! Ер — деҳқонларга, заводлар — ишчиларга, уруш барҳам ейди. Совет ҳокимияти — меҳнаткаш халқнинг ҳокимияти...

Лекин буни қара, айтганларинг оқибатида нима бўляпти: нақ Қора денгиздай галифе шим кийган партия аъзоси кўлини биқинига тираб, хотин кишига зуғум қилади. Совет ҳокимияти учун тул хотиндан озуқа разверткаси талаб қилади. «Биз сенинг ийғингни ўйнатсак ўйнатамизки, совет ҳокимияти билан жаҳон ялангоёқларига хизмат қилдирмай қўймаймиз!»— дейди. Кулақларга бўлса тегмайди. Бизнинг каттаконларимиз данғиллама уйларда, хуторларда яшаяпти. Шунақанги умр суришяптики, бу баъзи кулақларнинг, ҳатто помешчик тўраларининг етти ухлаб тушига кирган эмас. Ўз биродарлари деҳқонлар билан тўппонча пеш қилиб гаплашишди. Оғизларидан чиқадиган сўзлари-чи? Сўзлари: «Совет ҳокимияти», «Революция», «Коммуния». Ҳа, шунақа... Ҳокимиятни қўлларига киритиб олганларидан кейин фақат ўз нафсларини ўйлаб қолишди... Оғизларидаги гаплари тўғри, чечан бўлиб кетишган.

Чол ҳамсухбатига қараган эди, уни таниёлмай қолди: юзидан қон қочган, кўзларида қаҳру ғазаб чакнард эди.

Ленин чўнтагидан кўйин дафтарча билан кичкина қалам олди, ёзилмаган варағини кидириб топди, талаб қилгандек оҳиста сўради:

— Фамилияларини айтинг!..

— Денисов, волижрокомимизнинг раиси.

— Оти нима?

Григорий Петрович... Лекин ҳамма унга Гришка Распутин деб от қўйган.

«Текшириб аниқлаш, агар рост бўлса, отиб ташлаш керак!»— деб ўйлади Ленин, қалами қоғозга ботиб кирди.— Ҳамманинг кўзи ўнгидан отиб ташлансин!»

— Тағин нима?— деб сўради яна у.

— Костюков... Советнинг секретари...

Ленин волостнинг номини ёзиб олгач, айбдорлар текширишдан кейин қатъий жазога тортилиб, судга берилишини айтди.

— Э, ҳа-ҳа,— деб қўйди чол мингиллаб.— Шикоят қиларкансиз-да...

Унинг гап оҳангида: «Бари бир оқибатсиз қолиб кетади», деган маъно акс этарди.

— Шикоят қиламан. Оқибатсиз қолмайди!— деди Ленин.

— Биз ҳам шикоят қилиб кўрганмиз,— деди чол эҳтиёт билан.— Ёзганмиз...— Ҳамсухбатига қараб қўйиб, қўл силтади.— Қаёқда? Сенинг ишинг ҳам бамисоли шундай бўлиб чиқади, барака топгур... Чунончи, бизда ҳозир Ленин бош-

чилик килаётибди, — дея бирдан кўшиб кўйди бобо. — Агар ўша Ленин худди сенга ўхшаган бўлса, ҳокимият сенинг кўлингда бўлса эди! Унда жуда койил бўларди!

— Шундай бўлса, нега мақсадга эришиш мумкин эмас экан?

Чол ҳамсухбатигади ўзгаришни пайкамади.

— Балки мумкин ҳамдир, — деди у, — яхши одамлар ҳокимият тепасида турганини кўрган эмасман. Эҳтимол, шундай ҳам бўлгандир-у, лекин камдан-кам, минг йилда бир марта, мўъжиза сифатида юз берган бўлса керак...

— Ҳм... Ҳм... — деб кўйди Владимир Ильич.

Агар у ҳокимият тепасида турган ўша Ленин ўзи эканлигини айтса, олам гулистон эди.

Аммо Ленин буни айтмади.

Владимир Ильич машинани шартлашилган жойда учратди. Гиль унинг олдига икки марта борган. Лениннинг деҳқон билан қизгин суҳбатлашаётганини кўриб, ҳалакит бермаслик учун қайтиб келган экан.

Ленин машинага тушмай, яёв борадиган бўлди.

Улар тунамоқчи бўлган қишлоқ у ердан уч чақиримча, кўпи билан тўрт чақирим нарида... У ерда улар уйдан ола келган овқатни ейдилар, хушбўй пичанда ётиб ухлайдилар. Эрталаб барвақт туриб, Москвага жўнайдилар.

Қатнов йўлни бир ярим-икки чақиримча юргач, Владимир Ильич бир йигитнинг аравасига чиқиб олди.

Қуёш ботди. Анчагина салқин тушди.

Анҳорга туша келган қиялик тепасида чоғроққина омборлар кўринди. Томларининг тепаси ёғоч кунгирали, эскилигидан қийшайиб, чўкиб қолган бу иморатлар қадимий қасаба биноларининг дидини берарди. Нариги бетда юксак ўрмон қорайиб турар, анҳордан туман кўтарилмоқда эди.

Ленин мутгасил чол билан қилган суҳбати тўғрисида ўйлар эди. Шуниси ўкинчли эдики, афтидан, умри узоққа бормайдиган суҳбатдоши унинг гапига ишонмагандек эди. Эҳтимолки, ер юзида адолат бўлган эмас, бўлмайти ҳам, деган эътиқод билан ўлиб кетса ажаб эмас... Борди-ю, у, мен Ленин бўламан, деса чол буни, ўз таъбири билан айтганда, минг йилда бир марта содир бўладиган мўъжизага йўяр эди. Аммо адолат, келажакка, бизнинг муваффақиятларимизга бўлган ишонч мўъжизалар билан эмас, нодир-ноёб шахслар эмас, ҳокимиятнинг бутун системаси билан, унинг хусусияти билан, унинг қурилиш принципи

билан таъминлаши керак... Совет ҳокимияти бир кишининг мўъжизаси эмас...

Владимир Ильич қолган ҳамма орзуларини бемалол ўз ичига оладиган энг катта орзусини бирдан аниқ ҳис қилди: «алоҳида» бир одам бўлмаса, ҳамма раҳбарлар ёки ақалли уларнинг кўпчилиги унинг ўзидек, ундан ҳам яхшироқ, албатта яхшироқ ишласа. Бу — янги типдаги ҳокимиятнинг, янги типдаги давлатнинг муваффақиятини таъминлайдиган муҳим шартларнинг энг муҳимидир.

Бир уйда овқатланиб, энди жимжит бўлиб қолган қишлоқни бир оз сайр қилиб келганларидан сўнг шаҳарлик меҳмонлар ётиш тараддудига тушдилар.

Хушбўй пичанда уйқуга кетаркан, Ленин шу нарсани яна бир бор ўйлади: ҳеч қандай «алоҳида» бир одам бўлмаган тақдирдагина, бошқалар у ишлаётганидан кўра анчагина яхшироқ, албатта анчагина яхшироқ, ишлаёлган тақдирдагина муваффақиятга эришиш мумкин.

Леонид СОБОЛЕВ

САРТАРОШ ЛЕОНАРД

Соч-соқол олиш билан перманентнинг сеҳрлар устаси эди бу одессалик навқирон Фигаро. Мен уни илк бор денгиз бўйи батареяларидан бирида кўрганман. Батареяларга шаҳар советининг наряди билан ҳафтасига уч марта борар — кизил флотчиларга жонли совға, озодагарчиликнинг хушчақчақ байрами бўлиб борар эди у.

Иккинчи рақамли тўп яқинидаги бутазор орасига столча билан ойна қўйиб беришди, атрофини батареячилар қуршаб олиб, иякларини силаганча навбат кута бошлашди. У қайчисини раққосанинг кастанетларидек шарақлатганча ашула айтар, хиргойи қилар, ҳазиллашар, эпчил бармоқларида асбоблар ялтираб ўйнар, гоҳо иккала қўли пульверизатор билан банд бўлиб қолса, тароқни лаби юқорисига отиб бурни билан қимтиб олар эди. Устара чакқон қўлларида учиб-қўниб шошқин ҳамлалари билан бурун ёки кулоққа таҳдид солар, навбат кутиб турган мижоз ойнага ваҳима билан тикилиб, унинг йилт-йилт учишини кузатар эди. Аммо сартарошнинг ҳазиллари, ашулалари ишига ҳеч халал бермас, устара ҳамма дўнгликларни четлаб ўтиб ёноқлардан бемалол сирғанар ва Леонард сочиқни найрангбозлардек ечиб олар эди.

— Икки ҳафтанинг кафилини оламан, қорасочлилар учун бир ярим ҳафтанинг кафилини оламан! Кимнинг навбати?

Стулга ўтирарканман, ойнада унинг бармоқларига маҳлиё бўлиб қолдим. Нозик ва чакқон бармоқлари соч толаларини мулойимгина пайпаслаб, қирқилиши керак бўлганларини беҳато топиб оларди. Оппоқ латиф бармоқларининг ҳар қайсиси қайчи бандини илиб оларкан, тароқни тутаркан ёки машинасини йўргалатиб сайратаркан ишга жўр бўлаётган ашулага мунтазам эргашиб хушчақчақ шўхлик билан муттасил ҳаракатда сермаъно, оқилона ҳаёт кечираётгандек туюларди.

Мен бирдан шундай деб юбордим:

— Ажойиб бармоқларингизу дидингиз бор экан, скрипка чалсангиз бўларди.

У ойнадаги аксимга қараб, шўхлик билан кўз қисиб кўйди:

— Келишган соч ҳам бамисоли бир кичик соната. Йўқ денг-чи?

Биз гаплаша кетдик. Унинг қуралай кўзларини хаёл чулғади. Уни «ҳамиша жавон истейдод эгаси» деб атайдиган профессор ҳақида, скрипка ҳақида сўзлади, уруш тугагач, техникумга киражагини, перманентни ташлаяжагини, шу туфайли уни Леонард деб чақиришларини, аслида эса оти Лев эканини айтди. У музика ҳақида гапирди. Бармоқлари худди кулоқ осаётгандек ликкангбозликка барҳам берди. Маънодор ва югурик бармоқлари энди тароқни худди скрипка кулоғини ушлагандек қатъий ва абжир тутмоқда эди.

Ҳамма талабгорларни ораста қилиб бўлгач, у батареяга ҳамиша кўтариб келадиган скрипкасини олди, қизил флотчилар уни яна қуршаб олдилар. Афтидан, соч-соқоллар олингандан сўнг бўладиган бу концертлар батареяда одат ҳукмига кириб қолган экан шекилли.

Жанубнинг куз қуёши йилтиратиб тарашланган таранг ёноқларда жилваланар, бепоён денгиз яшил буталар орасидан кишини ўзига чорлар, иккинчи рақамли баҳайбат тўп узун тумшугини чўзганча оҳангдор украин кўшиқларига, Сарасатенинг дурдоналарига, Мендельсон концертининг нафис навозишларига жимгина кулоқ солар эди. Леонард тўп ва буталар оша денгизга тик қараганча ғойибдаги оркестрга эргашиб, аҳён-аҳёнда ундан жарангдор ва қатъий садолар билан дарак берганча сўз чаларди. У ўзини каттакон эстрадада, сермавж камончалар ва жанговар мис карнайлар қуршовида кўраётгандек туюларди.

Буталар орқасига тушиб портлаган навбатдаги душман снаряди концертни тўхтатиб қўйди. Леонард хўрсинганича скрипкасини пастга туширди.

— Яна маст ногорачи чўпини ерга тушириб юборди. Уларга қаттиққўл дирижёр керак. Йўқ денг-чи?

Иккинчи марта мен Леонардни госпиталда учратдим. У ётар, адёл энгагигача тортилган, нам, қора кўзлари маъюс эди. Мен уни таниб, саломлашдим. У менга бош силкиб ҳазиллашмоқчи бўлди. Ҳазил чикмади. Йўлакда мен врачдан унга нима қилганини сўрадим.

Тревога бўлиб қолибди. Сартарошхонадагиларнинг ҳаммаси бомбадан сақланадиган ертўлага қочибди. Ертўла беш қаватли бинонинг тагида экан. Бомба томга тушиб, Одессанинг мўрт оҳактошидан солинган уй босиб қолибди. Ертўла ҳам бекилиб қолибди.

У қоп-қоронғи, ҳавоси зик, чанг-тўзон экан. Ҳеч ким ўлмабди-ю, одамлар чиқиб кетадиган эшикни кидириб қолишибди. Хотин-халаж қий-чув кўтариб, болалар йиғлай бошлашибди. Шунда Леонарднинг жарангдор овози янграбди:

— Жим, ҳап! Нима гап? Нима, атиги, «бомбардимон килиб бўлди» деган кичкина тревога экан!.. Бошқа ҳеч нарса бўлмайди... Жим, деяпман! Мен туйнукнинг оғзида турибман, ташқи дунё билан алоқа боғлашимга халал берманглар!

Ертўладагилар жим бўлиб, тинчиб қолишибди. Леонард туйнукка қараб гапира бошлабди, ҳамма у кимнидир, эҳтимолки харобага югуриб келганлардан бирини чақирганини, уйнинг адресини айтганини («Собиқ адреси», дебди у), ёрдам сўраганини, ўт ўчирувчиларнинг чақирганини эшитибди. Туйнук оғзини якка ўзи эгаллаб, бу команда пунктига ҳеч кимни йўлатмай, фармойишлар, олдига қандай қилса осон кириб келиш тўғрисида маслаҳатлар бериб турибди. Қазिश ишлари қандай кетаётганини суриштириб, буни қоронғида қолганларга айтиб берибди.

Одамлар хотиржам кутиб ётишибди. Чанқашган экан — Леонард: «Туйнукка резинка ичак олиб келишяпти», дебди. Ҳаво зик бўлиб кетгач — ҳозир ҳаво киришини, турган жойидан метин ва белкурак товушларини эшитаётганини айтибди. У қоронғидагиларга соат неча бўлганини айтиб турибди, соатни туйнукдан сўраб оларкан, ҳамманинг назарида ҳам вақтнинг ўтиши амри маҳол бўлибди.

Унинг бериб турган ахборотига қараганда, олти соатгина вақт ўтган. Аслида эса қазув ишлари бир кеча-кундуздан ошиқ давом этиб, ёрдам ҳам у гапириб турган туйнукдан

мутлақо бошқа томондан етиб келибди. Аслида туйнук йўқ, шунингдек, хароба тепа устида узок соатлар мобайнида тошларни ирғитган ўт ўчирувчилар ҳам, метинлар ҳам, белкураклар ҳам бўлмаган экан. Ваҳимани бартараф этиш, ҳалок бўлаётган одамларга далда бериб, уларда умид, ишонч туғдириш учун буларнинг ҳаммасини хушчақчақ сартарош Леонарднинг ўзи ўйлаб чиқарган экан.

Унинг олдига келсалар, бир бурчакда ётганмиш, қўлларини каттакон тош босиб қолган, бармоқлари мажакланган экан.

Унинг иккала қўлини ҳам билагигача кесишга тўғри келди.

Қўлларини кесганларидан кейин бир ҳафтагача радиода музика бошланса, ўчиришларини илтимос қилиб юрди. Кейин музикани хотиржам, лекин кўзини юмиб эштадиган бўлди.

Владимир КАРПОВ

ҚУМДА

Улар ўлим билан олишмоқда эдилар. Василий Панаев, Игорь Яновский деган оддий солдатлар. Жангда яраланиб эмас, тасодифнинг амри билан бепоён Қорақум саҳросининг бағрига тушиб қолиб азоб чекмоқда эдилар.

Улар сатҳи шиферга ўхшаш жимжимадор қумтепада узала тушиб ётишибди, атрофларини кизиб кетган сарғиш қумтепалари ўраб олган.

Сахро атом портлаган жойнинг марказини эслатади. Ер портлаш зарбидан ўпирилиб кетиб, чанг-тўзонга айланган, гард-ғубор жим-жимадор бўлиб қўнгандек. Қоқ тепада эса ўтли қуёш осмон бўйлаб ёйилгандек, забтига олиб куйдиради. Солдатларнинг сувсиз, иссиқ овқатсиз қолганларига уч кеча-уч кундуз бўлмоқда. Одам танасининг учдан икки қисми сувдан иборат, дейдилар. Қуёш уч кун мобайнида вужудларида бор намини куришиб юборди. Иккаласи ҳам жуда ориқлаб кетди. Таналари қовжираганидан, худди мумиёланган жасадга ўхшаб қолди. Қуюқлашган қонлари томирларида аранг сизмоқда. Ҳамма ҳаракатлари суст. Ҳатто фикр-ўйлари ҳам қотаётган елимдек сусткаш. Улар батамом мажолсиз...

Панаев ўрта бўй, сарғиш соч. Илгари ҳам кўримсизгина — ёноқлари туртиб чиққан, қора кўзлари ҳамиша сер-

зарда, соддагина йигит эди. Ҳозир эса тук босган чакалари ич-ичига кириб, ёноклари баттар туртиб чиққан. Кўзлари киртайиб, қорачиқларигина эмас, қовжираган мижжаларига гача қорайиб кетган. Кўзлари оламга саркаш, тунд боқади.

Панаев бошини яшил юк халтасига ташлаганча мук тушиб ётибди, халтаси остидан автоматнинг қўнғир қўндоғи кўриниб турибди.

Игорь Яновский ҳам Панаевнинг яқинида мукка тушган. У ҳам худди аразлаган болаларга ўхшаб пешонасини икки қўли устига қўйганича юз тубан чўзилган. Бир чеккада юк халтаси билан қуроли ётибди. Игорь Василийнинг ёнида баҳайбат кўринади. Илгарилари ҳам бу яғриндор, барваста йигитга полкдаги ўртоқлари ҳавас билан боқардилар. Айниқса баскетбол ўйнаётганида. Игорь биринчи разрядли ўйинчи эди. Бўйдор, мушакдор, хушбичим Игорь майдон бўйлаб тинимсиз югургани-югурган эди. Ўйиндан сўнг бўғриққанча ишқибоз томошабинлар даврасига келиб ўтираркан, ундан ғуборсиз тер ҳиди анқирди. Тимқора жингалак сочлари, қора қошлари, узун, дағал киприклари, ҳамиша шўх, беқарор қуралай кўзлари уни киши кўзига жуда кўркам кўрсатарди. Қизлар Игорнинг дардида оҳ чекишарди. Агар улардан биронтаси ҳозир Яновскийни кўрса, таниёлмасди. Афти-башараси қовжираган, лаблари ёрилиб, пўрсилдок боғлаган, сочи билан қошлари кум тўлиб бўзранг тусга кирган. Қуралай кўзларида изтироб.

— Бугун нечанчи? — деб сўради Игорь бошини базўр кўтариб.

Панаев дарҳол жавоб бера олмади.

— Ўн учинчи...

— Демак бугун...

— Нима, бугун?

— Ўлар эканмиз-да.

— Нега энди?

— Ўн учинчи экан-ку...

Улар анчагача нидамай қолдилар. Сўнгра Василий қискагина:

— Бехуда гап... — деб қўйди.

Яновский бу ўша ҳосиятсиз деб ҳисобланган ўн уч рақами ҳақидаги гапнинг давоми эканлигини пайқаб турарди. Улар кейинги вақтларда шундай гаплашадиган бўлган эдилар. Ҳолдан тойиб, мажолсиз бўлиб қолганликлари сабабли тез-тез гапира олмас, гапни ҳам чўзиб ўтирмасдилар. Аҳён-аҳёнда бир-икки оғиз сўз таллашиб қўйишарди.

Игорь яна ғазаби кўзиб келаётганини ҳис қилди. Сўнги

кунларда бир неча марта шундай бўлди. Панаевнинг хотир-жамлиги Игорнинг жинини кўзитарди. Такдирга тан бериши эмас, ўлардай хотиржамлиги, хусусан: «Оқибатимиз чакки бўлмайди, умидсизликка берилмасак бас», деган ишончи жинини кўзитарди. Ҳолбуки Игорнинг қалбида: «Кунимиз битди!» — деган фикр туғилган эди. Ўз-ўзидан равшан гап. Буни фақат ўжар, галварс Панаевгина тушунгиси келмайди ёки тушунса ҳам, ўжарлигига бориб тан олгиси келмайди.

— Нега беҳуда гап бўларкан? Жонимизга нима ора кириши мумкин? Худойи таоломи?

— Одамлар бизни қидиришяпти.

— Қидириб бўлишган,— деб эътироз билдирди Яновский.

— Қидиришяпти,— дея ўжарлик билан такрорлади Панаев.

— Мен айтаяпманки, қидириб бўлишган!— дея олди аранг, зардасини яширолмаган Яновский.— Қайси аҳмоқ уч кундан кейин ҳам қидириб юарди?

Василий жавоб бермади.

Бундан уч кун муқаддам ажал шундай ёнгиналарида ўралашиб юрганини улар хаёлларига ҳам келтирмаган эдилар. Ўнинчи июлда ҳамма қатори машқларда иштирок этишди. Полк зўр машаққат билан Қоракум оша шарқ томондаги аллақаерида жойлашган «душман»ни кўзлаб борарди. Тушга яқин «душман» самолётлари иккита «атом бомба» ташлади. Кучли радиоактив нурлардан зарарланган деб тахмин қилинган майдонни четлаб ўтиш мақсадида, командир колоннани шимол томонга бурди. Бошлаб кетаётган бўлинма ортидан бораётганлар хатарли доирага тушиб қолмасликлари учун йўл кўрсатувчи постлар қўйиш ҳақида буйруқ берилди. Пост саҳро таомилига кўра икки кишидан иборат бўлиши керак эди. Урушда ҳам, чегарада ҳам, разведкада ҳам, саҳрода ҳам — хавф-хатар юз бериши мумкин бўлган ҳамма жойда ҳам одамлар ёлғиз юрмадилар. Шу сабабдан ҳам икки кишини — Панаев билан Яновскийни йўл кўрсатувчи қилиб қолдирдилар. Жиддий, интизомли, ҳар қандай топшириқларни сидқидилдан бажарадиган Паневни бошлиқ қилиб тайинладилар.

Яновский Василийни калтафаҳм, тўпори деб ҳисобларди. Ҳар бир нарса устида фикрини қатъий айтиб туриб олиши учун унчалик хушламас эди. Аксига олгандек кўпинча Василийнинг фикри тўғри бўлиб чиқар, устав талаблари ва командирларнинг кўрсатмаларига мос бўлар эди. Бир куни у Игорни қомсомол мажлисида шундай деб танқид қилиб

қолди «Яновский маҳоратига маҳлиё бўлиб кетди. Коллективдан ажралиб қолди. Умри нукул терма командаларда ўтади. Взмодимиздаги жисмоний тарбиядан орқада қолаётган ўртоқларига ёрдам бермайди. Буни ўзига муносиб кўрмайди!»

Танаффус вақтида Игорь Василийнинг олдига келиб, унинг пастак гавдасини бошдан-оёк кузатди-да, истехзо билан сўради:

Кимсан ўзинг, мени танқид қиласан?

Панаев унинг кўзларига жаҳл билан тик боқиб, қатъий оҳангда таъкидлади:

— Комсомолман!

— Маслакдор одамни қаранглар-а!— деди яна истехзо билан Яновский.

— Ҳа, маслагим мустаҳкам,— дея пинагини бузмай жавоб берди Панаев.— Агар лозим бўлса, баъзи маслак-сизларнинг аклини киргизиб ҳам қўйишим мумкин.

Яновский баҳслашиб ўтирмади, атрофидагиларнинг ҳаммаси комсомоллар эди. Аммо Василийдан узоқлашаркан, хаёлидан шу ўйлар ўтган эди: «Худди мана шундайлар бориб-бориб ҳар хил секретару раҳбар ходимлар бўлиб етишади. Бундайлар берухсат чапга ҳам, ўннга ҳам бурилиб ўтирмайди, фикри ёди расмий нуқтан назар белгилаб берган томонга қаратилган бўлади».

Яновский ротада ўзини мустақил тутарди. Ҳарбий хизлатни машаққатсиз адо этарди. Ўқни ҳамиша нишонга урар, барча гимнастика машқларини моҳирона бажарар, кроссда эса аълодан ҳам афзалроқ югурар эди. Назарий фанларни ҳам осонгина ўзлаштирар, негаки, у мактабдан ташқари уйда ҳам яхши билим олган эди. Инженер отаси яккаю ёлғиз ўғли билан жуда кўп шуғулланарди. Ораси бўлса-ку ҳамиша атрофида парвона эди. Баскетболни ҳам моҳирона ўйнаши Игорнинг бошқа фазилатлари устига ҳусн бўлиб қўшилган эди. У полк терма командасининг ишонган тоғи, шунинг учун ҳам, таомилга кўра, командирлар бу «арзанда»ни талтайтириброк юришар эди.

Яновский хизмат қиладиган ротанинг солдатлари эса уни ёқтиришмасди. Лекин ҳаммавақт ҳам эмас. Масъулиятли мусобақаларда улар овозлари борича: «Яновский! Игорёк, бўш келма!»— деб қичқиришарди. Бошқа вақтларда унча хуш кўрмасликларининг сабаби шуки, у ўзини одамлардан баланд олиб, уларга кибр билан қарарди. Бошқалардан ортиқ бўлса бордир, балки шу ваздан ҳамманинг меҳр-муҳаббатини қозониши ҳам мумкин эдию, аммо манман-

лығы, ўзига ортикча бино кўйиши куролдошларининг гашига тегиб, кўркам йигитни ёқтирмай кўйишган эди.

Ўзига қараганда кўримсизроқ Панаевни бошлиқ қилиб буни унга тобе этиб тайинлаганларига унча ўкинмади, қайтага шундай қилганлари маъқул, негаки, масъулияти камроқ бўлади, деб ўзига таскин берди. Рота жўнаб кетиши билан эса — четга чиқди-да, бир туп саксовулнинг олачалоқ соясига бориб чўзилди. «Бошлиқмисан, адабингни еявер», дегандек.

Машина ғилдираклари из солган йўлда турган Василий эса бўлинмаларни керакли томонга қараб йўллай бошлади. Фараз этилган атом ҳужуми содир бўлгудек бўлса талафотга учрамаслик мақсадида роталар билан батальонлар бир-бирларидан анча-мунча масофа узилиш ҳосил қилиб ўтмоқда эдилар. Навбатдаги колонна ўтаётганда Панаев паға-паға чап ичида қолиб кетди. Шунда ҳам четга чиқмади, нафаси бўғилиб кетса ҳам постидан жилмади. Байроқчасини силкитиб йўл кўрсатиб тураверди! Шу тариқа икки соатча тургач, у Игорнинг олдига келиб, совуккина буюрди:

— Оддий аскар Яновский, постни қабул қилинг. Вазифа — радиоактив нурлардан зарарланган майдонни четлаб ўтадиган йўлни кўрсатиб туриш.

Яновский гангиб қолди. Борди-ю, агар Панаев: «Тур ўрнингдан, энди навбат сенга», деб кўя қолганда, Игорь постга бориб туришдан аввал уни қалака қилган, гашига теккан бўлар эди. Аммо эътирозга йўл кўймайдиган совуккина буйруқ оҳанги бўй беришни ёқтирмайдиган спортчига малол келди. Буйруққа нима деб эътироз билдириб бўларди? Ҳар қалай, Панаев бошлиқ қилиб тайинланган. Яновский байроқчани олиб йўлга қараб кетди, аммо чап-тўзон камроқ урадиган четроқ жойда турди.

Шу тариқа, полкнинг барча колонналарини ўтказиб юборишди-да, икковлари икки туп саксовул тагига чўзилиб, машина олиб кетишини кутиб ётишди. Беҳад иссиқдан лоҳас тортиб боришарди. Юзларига қўнган гард, ичларига тушган кум этларини дувиллатарди. Тишлари орасида кум ғижирларди, толиққан кўзлари ачишарди. Иккаласи ҳам яқинида жини севмайдиган одам ётганини ҳис қиларкан, теварак-атрофларидаги бўшлиқ ҳам, сукунату жазирама иссиқ ҳам баттар диққатларини оширарди.

Василий мудраб қолган эди. У Яновскийнинг ҳаяжонли овозидан сесканиб уйғонди:

— Панаев, кўзингни оч!

Василий сапчиб турди.

— Уни қара, — деди Игорь, ниманидир қўли билан кўрсатиб.

Булар томонга елиб келаётган туташ сариқ кум пардасини энди Панаев ҳам кўрди. Бу баҳайбат кум пардаси фазонинг ярмини эгаллаб олган эди. Парда сас чиқармасдан бостириб келарди. Ҳаммаёқ жимжит бўлиб қолган, ҳатто пашшалар ҳам учмас эди.

— Бўрон, — деди Василий овози қалтираб, у бостириб келаётган кум бўронидан жон сақлаш учун пана жой қидириб, атрофига аланглади. Теварак-атрофни яйдоқ кумтепалари билан сийрак саксовул туплари ўраб олган эди.

— Қочиш керак, — деди Яновский дағдаға билан.

— Қаёққа?

— Бу ёққа! — Яновский келаётган кум пардасига қарши томонни кўрсатди.

— Бўрондан қочиб қутилармидинг? Саксовулнинг тагидан чуқур қази.

Улар ўзларига чуқурчалар қазиб, ёпинчиқ-плашчларини тайёрлаб қўйишди.

Сукунат тобора кучайиб борарди. Жазирама иссиқ ҳам забтига олиб, ҳаво дим бўлиб кетди. Сўнг ерни юзалаб энгил шабада эсиб ўтди. Илоннинг вишиллашига ўхшаган шитир-шитир сас эшитилди. Дафъатан тепадан кум аралаш залварли иссиқ ҳаво оқими келиб урилди. Гўё еру кўк остинустин бўлиб кетди. Ҳаммаёқни оқшомдагидек қоронғилик чулғаб олди.

Панаев ёпинчиғини ёпинишига улгуролмади. Эпкиндан ўгирилиб олмоқчи бўлган эди, иккинчи томондан келган қуюн юзига кум сочди.

Ер юзасида ўйнаётган уюрма қорға ўхшаш кучли кум оқимлари тўзон булутларига келиб қўшилар, аллақандай номаълум куч уларни турли томонларга тортқилиб ўйнара эди.

Солдатлар уячаларида узоқ ётишди. Соатга қарасалар, аллақачон кеч кирган. Бошлари узра эса ҳамон кум бўрони ғизиллаб, кутургандан кутуради. Кум дам ўтмай гарданларини босиб қолар, шунда йигитлар ўринларидан туриб уни қоқиб ташлашар эди. Бўлмаса тириклай кўмиб юбориши ҳеч гап эмас. Довул эса уларнинг қаршилиқ кўрсатаётганликларидан ғижинаётгандек эди. Бошларини кўтаришлари билан ёпинчиқларининг ҳар томонидан елиб кириб, бир зумда бурун, оғиз, кўз ва қулоқларига кум, чаңг-тўзон тикарди.

Шамол оқшомдан сўнг бир оз тингандек бўлди. Аммо

чанг-тўзон босиб кетган зулматда бирор нарсани илғаш маҳол эди. На осмондаги ою юлдузлар, на атрофдаги кумтепаликлари кўринарди.

Солдатлар адоватларини ҳам унутиб, бир-бирларининг пинжларига кириб ётишди.

— Йўлга тушин керак,— деди Яновский.

— Қаёққа қараб?

— Темир йўл томонга қараб.

— Бизни қидиришади.

— Шундай тўс-тўполонда топа олишармиди?

— Бари бир кутиш керак.

Яна бир зум жим бўлиб қолишди.

— Кимни кутиш керак?

— Машинани. Албатта машина юборишади.

— Улар бизни кечаси тугул кундузи ҳам қидириб топишолмайди. Йўл йўқолиб, тушган излар ҳам теп-текис бўлиб кетди. Қаёқдан қидиришади? Юз-юз километрлаб кета-кетгунча кумтепаликлари. Ўн метр наридан ўтишса ҳам кўрмай қоламиз!

— Бари бир эрталабгача кутамиз.

— Кундузи нима қилардик? Бари бир сувсиз ҳалок бўламиз. Менинг сувдоним аллақачон бўшаб бўлган. Офтоб уриши мумкин.

— Кун-узун кун урмаган офтоб яна бир кун сабр қилар. Менинг сувдоним тўла, баҳам кўрармиз.

Яновский индамай қолди. Сўнг ўрнидан туриб шамолдан юзини тўсганича кундузи колонналар ўтган томонга қараб кетди. Орадан сал вақт ўтмай қайтиб келди.

— Йўлдан асар ҳам қолмабди. Ҳаммаёқ теп-текис. Энди бизни топишолмайди.

— Мунча ғиншийсан? Ўпкангни бос. Тонг отсин, кўрамиз. Бир чораси топилиб қолар.

— Кундузи жазирамада темир йўлга етиб олиш маҳол. Бу ердан қирқ километрча келади. Битта сувдондаги сув билан шунча жойга етиб олишимиз қийин бўлади. Тун салқинида, кучимиз борида йўлга тушайлик. Кечаси билан қирқ километр йўлни бемалол босиб кўямиз. Эрталабгача темир йўлга етиб оламиз.

Панаев ўйланиб қолди. Яновскийнинг гапида жон бор. Агар уларни эртага топа олмасалар, аҳволлари танг бўлади. Сувлари тугаб, ўзлари толиқиб қоладилар. Кумтепалардан ошиб қирқ километр йўл босиш соғ одам учун ҳам амримаҳол. Яна шуниси борки, ўртоқлари қидириб ташвишланишлари мумкин. Теварак-атрофни қидириб, бекорга ово-

раю сарсон бўлишади. Қолаверса, келганда ҳам транспортёрларда келишади, сувлари, озиқ-овқатлари ҳам бўлади. Бордию тополмасалар унда буларнинг ҳоли ҳароб, Игорь ҳақ, ҳар қалай, тезроқ темир йўлга чиқиб олсалар чакки бўлмайди. Қишлик жойларига телефон қилсалар, у ёқдан эса радио орқали машқлар районига хабар беришлари мумкин.

Панаев Яновскийнинг таклифига қўшилмоқчи бўлиб турган ҳам эдики, Игорь шартта ўрнидан туриб юк халтаси билан автоматини елкасига илди-да, шундай деб қолди:

— Сен нима қилсанг қилавер, мен кетдим.

Панаевнинг вужудини ғазаб чулғади. Қаҳрини аранг босиб ўрнидан сапчиб турди-да, кичқирди:

— Ўртоқ Яновский, буюраман, жойингиздан кўзғалманг.

Яновский ҳатто қайрилиб ҳам қарамай, пўнғиллади:

— Кимсан ўзинг, менга буйруқ берасан?

— Мени бошлиқ қилиб тайинлашган.

— Вазифа адо этилди,— деб сурбетлик билан жавоб берди Яновский.— Колонна ўтиб кетди. Энди иккаламизнинг ҳам ҳуқуқимиз баб-баравар.

— Йўқ, бўлилмага етиб боргунимизча мен бошлиқман.

— Катта кетяпсан, жабрини тортиб юрма тагин!

Яновский шундай деганча йўлга тушди.

Бориб ёпишсинми? Шартта тўхтатсинми? Унда ёқалашиб кетишлари мумкин. Панаев овозига командирларга хос ҳукмрон оҳанг бериб писанда қилди:

— Табиий офат шароитида буйруқни бажармаганингиз учун трибунал олдида жавоб берасиз, ўртоқ Яновский.

Игорь навбатдаги одим учун кўтарган оёғини жойига туширди. Бир зум ўйланиб қолгач, орқасига қайтди. Юк халтаси билан автоматини ўзи ётган чуқурчага улоқтираркан, нафрат тўла юрагини бўшатиш мақсадида захрини сочди:

— Эшакдай қайсарсан-да!— Яновскийнинг қаҳр-ғазаби ичига сиғмас, тинмай тўнғиллар эди:— Трибунал. Параграф. Модда...— Кейин бирдан дағдағага ўтиб, кичқирди:— Буйруқлар ҳам, қоидалар ҳам, кодекслар ҳам — ҳаммаси қолиб кетади, сен бўлсанг бу ерда — кум саҳросида ҳаром қотасан. Сен билан бирга мен ҳам. Менинг ота-онам кексайиб қолган. Мен ўлишни истамайман! Ахир тушунсанг-чи, кучимиз борида жўнаб қолайлик. Эртага фурсат ўтган бўлади. Офатга қарши курашда йўл битта: ё биз уни енгамиз, ё у бизни енгади!

— Бу чангалзорлар қонуни, биз унга амал қилмаймиз. Ёлғиз ҳам эмасмиз, бизга ўртоқларимиз ёрдам беришади. Коллектив ҳамма вақт офатдан кучли бўлиб келган,— деди катъият билан Василий.

— Э худойим-эй,— деди Игорь йиғлаб юборгудек бўлиб, икки қўлини боши устида ўйнатаркан.— Гапинг тўғри. Сен ҳамма вақт ҳақлисан. Бирон марта бўлса ҳам ўз гапингни гапирсанг-чи! Одамсан-ку ахир!

— Бу гаплар ҳам ўзимники. Одамлигимга шубҳам йўқ,— деди Панаев жиддий.— Энди сиз мана бу томонни кузатасиз, мен бўлсам у томонни. Машина чироқлариними ёки ракетани кўриб қоламиз.

Анча сусайиб қолган бўлса ҳам, ҳамон ғужғон ўйнаётган қумда кўзларини тўсганча улар зулматга тикилишарди. Орадан бир неча соат ўтса ҳам на йилт этган шуъла кўрдилар, на тик этган овоз эшитдилар. Бамисоли чанг-тўзон тўла қопга тушиб қолишгану қандайдир номаълум кучлар теграларидан ўраб турган бу қопни муттасил силкитиб қоқар, атрофларидан чанг-тўзон аримас эди.

Ёлғизлик кишини руҳан эзади. Хавф-хатар туйғуси чора қидиришга мажбур қилади, ҳаракат қилишга ундайди, бир жойда қимирламай жим тураверишга сабр чидамайди.

Кечаси соат ўн иккиларга борганда Панаев ниҳоят Яновскийнинг таклифига рози бўлди. Яновский тинмай янгидан-янги далиллар келтирар, вақтни қўлдан бой бермай, дарҳол темир йўлга етиб олиш кераклигини уқтирар эди. Соат ўн иккида Панаев шундай деди:

— Бизни чиндан ҳам тополмайдиганга ўхшадилар. На тушда на кечқурун овқат олиб келишди. Мен йўлга тушишга розиман. Бирок, йўлни қандай мўлжалга оламиз? Кўлимизда компасимиз йўқ. Юлдузлар ҳам кўринмайди.

— Хайрият-эй!— деди Яновский енгил нафас олиб, ва дарҳол қўшиб қўйди:— Йўлимиздан бемалол адашмай боришимиз мумкин. Колонна шу нуқтадан шимолга қараб бурилди. Ўзимиз уларга йўл кўрсатиб турдик. Агар биз уларга орқа ўгириб, қарама-қарши томонга қараб юрсак, жанубга, одамлар истиқомат қиладиган жойга чиқамиз. Йўлдан бир оз адашиб кетган тақдиримизда ҳам бари бир темир йўлга чиқамиз, темир йўл Красноводскдан Ашхободгача ўқдек тўғри кесибиб ўтган. Тонг отиши билан Кўпетдоғни кўрамиз. Бу тоғ йўл бўйлаб чўзилиб кетган.

Солдатлар юк халталари билан қуроолларини елкаларига пухталаб осиб олдилар. Уст-бошларини ихчамладилар, қум келтириб ураётган шамол эпкинидан жанубга қараб йўлга

тушдилар. Атрофни қуюқ зулмат чулғаб олган. Тик кумтепаликлари оёқлари остида бирдан чўрт кесилиб қолар, гоҳ омонат, юмшоқ девор бўлиб йўлларини тўсади. Дам пастга сирғаниб, дам тўрт оёқлаб эмаклаб, бир амаллаб илгарилаб боришади. Кийимларига тикилган кум кураклари ўртасидан шувиллаганча этик қўнжларигача тушади. Гоҳо Панаевнинг назарида улар йўлларидан адашиб кетгандек туюлади. Шунда у юришдан тўхтаб, тонг отишини кутишни таклиф қилади. Яновский бўлса жон-жаҳди билан уқтиради:

— Адашганимиз йўқ. Пайқаб келяпман — кумтепалари ғарбдан шарққа қараб ярим ойга ўхшаб чўзилиб ётибди. Биз уларни кесиб ўтаётибмиз. Демак тўғри келяпмиз.

Уч соатча юрганларидан кейин чарчадилар-да, дам олгани ўтирдилар. Дахлсиз запас ҳисобланган консервалардан бир банкасини очиб едилар. Панаевнинг сувдонидаги сувдан ичиб, йўлга тушдилар.

Тонг яқинлашган сари юриш оғирлашиб борарди. Улар толиқиб қолдилар. Бир кумтепадан иккинчисига аранг эмаклаб чиқишарди.

Шамол эса ҳамон тинмайди. Ҳаво очиқ пайтларда соат тўртлардаёқ кун ёриша бошласа, бу кум бўронида салпал бўзарди, халос. Тезроқ нажот топиш ва маза қилиб хордиқ чиқариш умидида солдатлар тинмай олдинга қараб интилишарди. Назарларида қачонлардан бери кум билан курашиб келаётгандек бўлсалар ҳам, аслида эндигина бир соат йўл босган эдилар. Кейин бунга яна бир соат кўшилди — бу бир соат аввалгисидан ҳам узун ва машаққатлироқ бўлди.

Эрталаб соат олтида Панаев баландроқ кумтепанинг чўққисига чиқиб бирдан тўхтаб қолди. У четга қараб турарди.

— Нега тўхтаб қолдинг? — деб кичқирди Яновский шамолга бас келишга уриниб.

— Қуёш чиқиб келяпти-ку! — деди Панаев ва кум пардаси кўйнидаги сарғиша доирани кўрсатди.

— Қуёш... чиқса-чиқибди-да! Тонг отди-ку ахир, — деди истехзо билан Игорь.

— Аммо у нега ғарбдан чиқиб келяпти? Агар биз жанубга қараб кетаётган бўлсак, шарқ чап томонимизда бўлиши керак эди-ку?

Бу ногаҳоний даҳшат йўловчиларнинг миясидан электр токидек кесиб ўтди. Ана шу фожеага кўниқиш шу қадар оғир эдики, иккалалари ҳам буни рад этиш учун сўз тополмай, бир зум лол бўлиб қолдилар.

— Демак, биз мутлако қарама-қарши томонга қараб кетаётган эканмиз-да?— дея оҳиста сўради Яновский.

Панаев индамади. У сарғиш доирага тикилиб турди-турдида, кейин орқасини ўгириб олди. Ҳамма нарсани яна бир бор текшириб кўргач, ниҳоят шундай деди:

— Биз шимолга қараб кетаётган эканмиз. Йўлдан адашдик, дедим-ку.

Панаев атрофдаги қум тепаларга қаради. Ҳамма тепаларнинг қия томонлари йўловчиларга қараган эди. Қай тарафга нигоҳ ташлама — жанубгами, шарқгами — ҳаммаёқда тик қияликлар. Демак, Яновский, қумтепаликлари фарздан шарққа томон чўзилган, деб нотўғри айтган экан-да? Василий ялт этиб ҳамроҳига қаради. Унинг фикрини тушунган Игорь зил кетиб кўзини ерга олди. Панаев тушуниб турарди: ҳозирги вазиятда айтишиб ўтиришнинг фойдаси йўқ. Хавф-хатар яна аёнроқ бўлиб қолди. Гап талашишнинг вақти эмас.

— Қанча йўл босдик, ҳозир қаерда турган эканмиз?— деб ўйчанлик билан сўради у.

Руҳи тушиб кетган Яновский индамади. Кўзлари киртайиб, қош-киприкларию қалпоғи тагидан кўриниб турган сочлари тўзондан оппоқ оқариб кетган.

— Агар биз аввал бошданоқ адашиб, шимолга қараболти соат йўл юрган бўлсак, унда йигирма беш километрча йўл босган бўламиз. Дам олмасдан, иложи борича тез юриб келдик. Демак, ҳозир биз темир йўлдан тахминан олтмиш километрча беридамиз. Бу — уч кунлик йўл деган сўз. Қолган сувимиз билан шунча масофани босиб ўтишимиз кийин.— Панаев ўй сурганча индамай қолди.— Энг даҳшатлиси шуки, бизни қидиришлари мумкин бўлган райондан узоқлашиб кетдик!

Яновский Василийнинг олдига келди. Унинг кибр-ҳавосидан асар ҳам қолмаган эди. Худди кадрдон дўсти билан гаплашаётгандек, таклиф қилди:

— Менингча, дарҳол изимизга қайтганимиз маъқул. Қуёшни мўлжалга олиб машқлар районига чиқиб борайлик.

— Ҳа, менингча ҳам энг маъқул йўл шу,— деб унинг фикрига қўшилди Василий.— Аммо жуда чарчадик. Ҳадемай жазирама иссиқ бошланади. Бундай иссиқда узоққа бориш кийин. Яхшиси, ётиб дам олсак, овқатлансак, ухласак-да, кечаси эса яна изимизга қараб йўлга тушсак. Сув камроқ, агар кун бўйи ҳаракатсиз қимирламай ётсак, бир амаллаб чидармиз.

Яновский жонсаракроқ бўлганлиги учун хавф-хатардан

тезроқ қутула қолишнинг пайида эди. У кийинчиликларга кўникмаган, ҳаётда ҳамма нарсага тез ва осонгина эришиб келгани учун ҳозир ҳам ўз фикрини ўтказишга уринди:

— Шу дамдаёқ изимизга қайта қолсак-чи. Ҳарна ҳаво салқинлигида йўл боса турамиз. Иссиқ лоҳас қила бошлаган жойда ёта қоламиз.

— Йўқ, кучимизни эҳтиёт қилишимиз керак,— деб эътироз билдирди Василий ва чўзилгани жой қидириб, теварак-атрофдаги тепаликларни кўздан кечира бошлади.

Бу ердаги қумтепаларнинг ҳаммаси ҳам том-такир эди. Бу шундан далолат берардики, солдатлар саҳрога яна ҳам ичкарилаб кетишган, бу ерда ҳатто саксовул ҳам ўсмас экан.

Ўнгирга қайтиб тушгач, Панаев таклиф қилди:

— Кел, пана жой қилиб ақалли бошимизни куёшдан яширайлик.

Яновский атофга аланглади — ёпинчиқ-плашчни тортиб кўйгудек бирон нарса йўқ эди. Тиккайлан чўп кўринмайди.

Панаев юк халтасини елкасидан олиб, оёқлари остига кўйди-да, яшил ёпинчиғини чиқариб, унинг бир учини автоматнинг миллига боғлай бошлади. Ёпинчиқ шамолда хилпираб, шитир-шитир қила бошлади.

Игорь Василийнинг автоматдан қозик ўрнида фойдаланмоқчи бўлаётганини пайқаб ўзининг ёпинчиғини ҳам боғламоқчи бўлиб турган эди, ҳамроҳи уни тўхтатди:

— Ёпинчиғимнинг бир учини ўз автоматингга боғла, Биттасини ўрната қолайлик. Иккитасини эплаёлмай-миз.

Улар ёпинчиқнинг икки бошини автоматлари учига боғлаб, автомат кўндоқларини қумга кўмдилар. Чодир таранг тортилиб лопиллай бошлади, ерга урилиб чанг-тўзон кўтарди. Бир амаллаб унинг иккинчи томонини ҳам маҳкамлаш керак эди. Панаев уни юк халтачалари билан бостирган эди, аммо шамол чодирни елкандек кўпчигиб, халталар тагидан чиқариб юборди. Чодир яна шамолда ўйнай бошлади. Василий уни бирон нарса билан бостириб қўйиш мақсадида халтасини титкилай бошлади. У гоҳ қошиқ, гоҳ этик чўткаси, гоҳ запас ич кийимларини кўлига оларди, бироқ буларнинг биронтаси ҳам чодирнинг учини бостириб қўйишга ярамасди. У халтани ташлаб, ўзи билан Яновскийни кўздан кечирди. Аммо устларидан ҳам биронта мос келадиган нарса кўринмагач, бирдан қичқариб юборди:

— Э, топдим!— у шундай деганча автоматларнинг сумбаларини суғуриб ола бошлади. Уларни чодирнинг учларига

боглади-да, сумбаларни бўғзигача кумга ботирди. Чодир тинчиб қолди.

Солдатлар ерга чўзилиб, унинг тагига ўрмалаб киришди. Иккови ҳам белигача жойлашди.

— Кун кўрса бўлади, — деди чехраси очилиб Василий. — Кел, нонушта қилиб олайлик.

Яновский ҳам тетиклашди. Улар бир банка димланган гўшт олиб бирга баҳам кўрдилар. Кейин чўзилдилар. Курсиллатиб қоқ нон кавшадилар. Икковларининг ҳам фикр-хаёллари бир нарса билан банд — фалокатдан қандай қутулиш йўлини ўйлар эдилар.

Таажжубки, ҳозир икковлари ҳам ўзларини кеча кеч-курукдагига қараганда хотиржамроқ ҳис қилмоқда эдилар. Эҳтимол тонг отиб, бўрон тина бошлагани таъсир қилгандир. Ё ҳорғишлик ҳам лоқайд қилиб қўйган бўлиши мумкин. Юраверганларидан оёқлари жуда толиққан, қўллари мажолсиз эди. Тез орада уйқуга кетдилар.

Нечоғли чарчаган бўлмасинлар ўзларини муҳофаза қилиш ҳисси уйқуда ҳам сўнмаган эди. Солдатлар бараварига уйғониб кетдилар. Нимадан уйғониб кетганликларини аниқ билишмасалар ҳам ўринларидан бир лаҳзада сапчиб турдилар. Сабаби шундагина маълум бўлди. Мотор! Мотор товуши келмоқда эди. У бир маромда ва осойишта гулдирамоқда эди.

Бу орада бўрон ҳам тинибди. Кун очиқ эди. Аммо ҳаво чанг-тўзондан сарғиш эди. Шундай бўлса ҳам теварак-атрофни бемалол кўрса бўларди. Панаев билан Яновский бронетранспортёр ёки автомобиль учратиш умидида наридан-бери атрофларига алаңладилар. Теграларидаги қумтепаликларидан ҳеч нарса кўринмасди. Товуш келаётган томонни аниқлагач, солдатлар ўша ёққа тикила бошладилар. Қумтепаликларнинг ораликларини ҳам кўздан ўтказиш мақсадида оёқ учида туриб, бўй чўздилар. Ким билади, балки машина пастликдан келаётгандир?

Шунда бирдан кўзлари вертолётга тушиб қолди. У қумтепаларнинг ўрқачларига тегай-тегай деб пастлаб учарди. Вертолёт янги ушиб чиққан майса каби ям-яшил эди. У бир километрча нарида учиб кетаётган бўлса-да, ёнбошидаги қизил юлдузи аниқ кўриниб турарди.

Солдатлар қичқириб, сакраша бошладилар. Қувончлари ичларига сиғмаганидан минг оҳангда ирғишлар, учувчининг диққатини ўзларига тортмоқчи бўлар эдилар.

Аммо вертолёт солдатларга яқин ҳам келмай ўз йўлига қараб кетди. У қумтепаси орқасидан қандай лип этиб

чикиб келган бўлса, юсак ўркач орқасига ўшандай ғойиб бўлди, фақат тобора узоқлашиб кетаётган моторининг товушигина анчагача қулоқларига чалиниб турди.

— Бизни қидиришяпти!— дея қувонч билан қичқирди Яновский.

— Гулхан ёқниш керак!— дея Панаев ҳам қувонч билан жавоб берди.

Йигитлар олазарак бўлиб атрофга аланглай бошладилар. Аммо ҳаво очилгандан кейин ҳам бояги-боягидек теваарак-атрофда тиккайган бир чўп кўринмасди. Иккала ошна ёнларини пайпаслаган эдилар, гугуртлари ҳам йўқ экан. Икковлари ҳам чекмас эдилар.

— Чодирларимизни силкитамиз,— деб қолди Яновский.

— Топдинг!

Улар дам олиб ётган жойлари томон югурдилар. Панаев тортқилаб бошпаналарини бузди. Яновский ҳам халтачасидан ёпинчигини олди. Сўнгра икковлари яқин орадаги баланд тепалик устига чиқиб кута бошладилар.

— Айтмовдимми, бизни қидиришади деб,— деди Василий.

— Мен, қидиришмайди, дедимми,— деди Игорь ҳам, эътироз билдиргандек теваарак-атрофга алангларкан.— Ҳозир у орқасига қайтади. Ҳаммаёқни элак-элак қилиб қидиришса керак.

— Агар жойимиздан қимирламаганимизда, бизни аллақачон топган бўлишарди.

Орадан йигирма минутча ўтгач яна заифгина мотор гулдирари эшитилди. У қулоққа аранг чалинарди. Вертолётнинг ўзи эса кўринмасди. Бора-бора товуши ҳам эшитилмай қолди.

— Биз жуда узоқлаб кетганмиз. Бизни машқлар районидан қидираётган бўлсалар керак. Ўша ёққа борайлик,— деди дарҳол Игорь.

У вертолёт учиб кетган томонга қараб чопмоқчи бўлиб турган эди, Василий уни тўхтатди:

— Шошма! Буюмларинг-чи? Қуролинг-чи?

Игорь орқасига қайтди. Солдатлар лаш-лушларини наридан-бери халталарига жойлаб, оёқлари тоя-тоя йўлга тушдилар.

Жазирама иссиқнинг тафтини салдан кейиноқ сездилар. Фикр-хаёллари ўша вертолётда эди. Нима қилиб бўлса ҳам тезроқ вертолёт айланаётган жойга чиқиб олишлари лозим. Сахро билан қуёш эса дақиқа сайин ўз ҳукмини ўтказиб борарди. Ниҳоят нафаслари тикила бошлади. Кўзларига тер қуйилди. Томоқлари ҳам қақраб, ачишарди.

Солдатлар кумтепа устида тўхтадилар. Кўкраклари лопиллар, юракларини дукиллиб уриши ўзларига ҳам эшитилар эди. Лекин улар бунга эътибор бермасдилар. Бутун вужудлари кулоққа айланиб, кўзлари вертолёт кетган томонга қадалган эди.

Нафасларини ростлаб олгач, солдатлар яна жадал юриб кетдилар. Бироқ сал юрмай оёқлари чалишиб, тўхтаб қолдилар.

— Тоқатим қолмади,— деди Игорь, ёпишқоқ тилини аранг айлантириб.— Сув бер.— Кўлни сувдонга узатди.

— Сувни тежашимиз керак,— деди Панаев ҳам нафаси оғзига тиқилиб.

— Тежаб нима қиламиз... Ўша ёққа етиб олайлик... бизни олиб кетишади.

— Шундайку-я... аммо сувга тегмай турганимиз маъқул.

Улар ортиқ тортишмадилар. Бир оз дам олиб яна йўлга тушдилар. Энди кум қизиб кетиб, ошиб ўтишга мадорлари келмаганидан, кум ҳалқасини айланиб ўтар эдилар. Қия ёнбағирлардан юриш осонроқ эди-ю, бироқ йўл уч баробар узаярди. Уларнинг эгри-бугри бўлиб кетган изларига юқоридан кўз ташланса, баъзиларининг узунлиги неча ўн метрча келарди.

Солдатлар чурқ этмай борардилар. Жазирама вужудларини омонсиз куйдирарди. Тепадан ўтли қуёш, пастдан мисдек қизиган кум куйдирар, ичларида эса худди ўн километрли кроссда қатнашган кишиларда бўладиган ҳарорат қайнар эди.

Кундузи соат иккига борганда тоқат қилиб бўлмайдиган иссиқ солдатларни қулатди. Улар худди курукликка чиқиб қолган балиқдек оғизларини каппа-каппа очиб ётардилар. Ранглари бўзарган, кўзлари хира тортиб қолган. Томоқлари қақраб, тиллари танглайларига ёпишиб бормоқда.

— Сув!— деганча инграб юборди Игорь.

Панаев қимир этмади. У мук тушиб ётарди. Яновский эмаклаб ёнига борди. Қараса мурдадек бўлиб ётибди. Игорь камаридаги сувдонни еча бошлаган эди, жон ҳолатда чангаллаб олиб, сира қўйиб юбормади. Яновский унинг бармоқларини қайира бошлади. Ташналикдан эсини йўқотаётган эди. Сувдонда чайқалаётган сув хушини бутунлай оғдирди-қўйди. У Панаевнинг қўлларини ғарчча тишлаб олди. Василий тиззаларини қорнига йиғиштириб, Яновскийни зарб билан тегиб юборди-да, туриб ўтирди. Игорь эмаклаганча ўз буюмлари олдига кетди. У наридан-бери автомагидаги тигини олди-да, аста-секин Панаевга қараб кела

бошлади. Кўзлари бежо, пўрсилдоқ боғлаган ярим очик оғзи билан ҳарсиллаб нафас олар, дамидан олов тафти урмоқда эди.

— Ўртоқларимизга нима дейсан?— деб оҳиста сўради Василий.— Бир эслагин: матрослар ўзларини... океанда... қирқ тўққиз кун давомида қандай тутишган эди?.. Қийинчиликларни биродарларча... аҳил бўлиб... енгилган эди.

Яновский тўхтади. У кўлида тигини чангаллаганича ҳамон тўрт оёклаган кўйи турарди. Сўнг, ҳуши бир оз ўзига келди шекилли, қаддини ростлаб ўтирди.

— Сувдан бер!— дея таҳдид билан талаб қилди у.— Сув бер, йўкса ҳозир ҳаром қотаман!

— Сувни тенг бўлиб ичамиз,— деб қатъият билан жавоб берди Василий. Яновскийнинг ҳушига келганидан фойдаланиб, аранг куч тўплаб гапира бошлади:— Тагин ахлоқ кодексини ўргангансан-а... Одам одамга дўст. Сен бўлсанг, пичоқ кўтариб...

— Ваъз-насиҳатингни йиғиштир... Сувдан бер.

Василийнинг ўзи ҳам жуда ташна эди. Оғизлари ва томоқларини ақалли бир қилтум сув билан хўллаб олмасалар сира бўлмайдиган танг дақиқа келганини ўзи ҳам билиб турарди. Бироқ сувдонни Яновскийга ишониб бўлмайти. У бир қултумга қаноат қилмайди-да, бор сувни нафсига уради-қўяди. Ўз кўли билан ичирай деса, бу ҳам хавфли. Игорь ундан анча кучли. Сувдонни кўлидан тортиб олиши мумкин. Борди-ю, сувдоннинг қопқоғига қуйиб узата қолсачи? Шундай қилса бўлади...

Панаев чўкка тушиб, пичоғини намойишкорона тарзда камарига қистирди-да, шундай деди:

— Бир қултумдан ичамиз.

У сувдонни ечиб олди. Қопқоғини бураб чиқарди-да, эҳтиёт билан унга сув тўлатди. Сўнгра қопқоқни қумга қўйиб ўзи четроққа бориб турди. Яновский унинг қўлларини афюнфурушнинг ҳаракатига тикилиб қолган гиёҳванддек кузатиб турарди.

— Ич...

Игорь тўрт оёклаб эмаклаганча алюминий қопқоқнинг олдига келди-да, қалтираган қўллари билан уни бир зумда оғзига ағдарди. Сувнинг охири қатрасигача оғзимга тушсин, деб бошини орқасига ташлаб юборган эди. Кекирдаги юқорига ўйноқлаб яна пастга қайтиб тушди.

— Яна бер,— деб ўтинди Яновский.

— Бас. Идишда сув жуда оз қолди.

Панаев гапнинг исботи учун сувдонни чайқатиб кўрсат-

моқчи бўлдию бироқ ўша заҳоти бу ишнинг қалтислигини фаҳмлаб қолди.

— Қани қопқокни бер, энди менинг навбатим.

Игорь қопқокни узатди.

— Ерга қўйиб, ўзинг нари тур.

— Нима, мени бутунлай хайвонга чиқариб қўйдингми?— деди Яновский унинг гапидан хафа бўлиб. Афтидан у бутунлай хушини йиғиб олган, энди айбини пайпаслаш пайинга тушиб қолган эди.

Василий олдига келиб қопқокни олди-да, сув тўлатиб хузур билан ичди. Томоғи ўша заҳоти юмшади-қолди. Томоғининг ачишиши барҳам топди. Аммо ташналиги босилмади. Одам руҳини енгил қилиб юборадиган бу тотли оби ҳаётдан қониб-қониб ичгиси келарди.

Василий камаридаги сувдоннинг қопқоғини жойига бураб, яна орқасига суриб қўйди. Сувдоннинг кўзга кўриниб, бу бепоён жазирама саҳрода бир неча қултум сув бор эканлигини эслатиб туришини истамасди. Аммо Яновский билан нима тўғрисида гаплашмасинлар, нима билан машғул бўлмасинлар, бари бир бу бир неча қултум сув икковларининг ҳам хаёлларидан нари кетмас, яккаш шу сувни ўйлаб, ичиб қўймасин, деб зимдан бир-бирларини пойлашар эди.

— Бу жазирама иссиқда ортиқ юролмаймиз. Кеч киришини кутиш керак. Унгача ёта турамиз,— деди Панаев.

Солдатлар яна ёпинчиқ-плашчдан чодир ясаб, бошларини унинг панасига олдилар. Овқат эсларига келмас, ташналик очликдан устун чиққан эди. Шу қадар ташна бўлган эдиларки, вужудларидаги ҳар бир томирлари: «Сув!— деб кичкираётгандек эди. Бир стакангина тиник, муздек сув учун Панаев ҳам, Яновский ҳам бор-йўқларини беришга тайёр эдилар. Аммо ҳозир ёнларида бирон қимматли нарсалари бўлмаганлиги учун, икковлари ҳам, бир стакан сув эвазига келажакда ишлаб топадиган бор буд-шудларини беришга тайёр эдилар.

— Бизни нега қидирмай қўйиншди экан-а?— деб сўради Игорь.— Ахир вертолёт учиб ўтган жойга ҳам етиб келдик-ку!

— Ўз кучимизга ишонишимиз керак. Вертолёт бошқа учиб келмаслиги ҳам мумкин. Бизни машқлар районидан қидираётган бўлсалар керак. Вертолёт бу ерлардан ҳар эҳтимолга қарши учиб ўтган.

— Ҳа, ҳа, ҳозир полкдагилар у ерни қидиравериб элак-элак қилиб юборган десанг-чи.

— Бўлмаса-чи ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун. Кодексда шундай.

— Менга қара, мен кўпдан бери сенга разм солиб юрардим, бунақа гоёларни қаердан орттирган, деб ҳайрон бўлардим. Ажабтовургина йигит кўринасану нуқул газета-лардаги гапларни гапирасан.

— Мен ҳам сенга анчадан бери разм соламан. Шунча вақтдан бери қаёқда эдингки, бу гоёлардан биронтаси ҳам сиртинга юқмабди? Бундай қараганда жуда басавлатсан, спортчисану ичинг бўлса фасод боғлаб кетган экан.

— Яна бошляпсанми? Одамларни баҳолашга сенга ким ҳуқуқ берган? Кимсан ўзинг? Нега менинг ичим фасод бўлсин?

— Баҳо беришга ҳар кимнинг ҳақи бор. Ўзинг ҳам ҳозир менга баҳо бердинг-ку. Бундан чиқдики, икковимизнинг дунёга қарашимиз икки хил экан. Менинг дунёқарашим бошмақоладан келиб чиқаркан. Сеники-чи, сеники нимадан келиб чиқади?

— Гапни кўп чувалаштираверма. Бари бир мени контр-революционерга чиқара олмайсан. У замонлар ўтиб кетган!

— Гапни чалғитма, уқдингми? Ундан кўра, тўғриси айтиб қўя қол: эътиқодинг нима? Масалан, мен, кодексга амал қилиб яшайман. Имоним комилки, агар ҳамма шундай яшаганда — олам гулистон эди.

— Менга эътиқоднинг кераги йўқ. Ўз каллам билан иш тутаман. Кунимни ҳам ўз ақлим билан кўришни истайман. Билиб қўй — мен коммунизмга ишонаман. Агар керак бўлиб қолса, Ватан учун жонимни ҳам фидо қилишга тайёрман. Аммо яккаш ҳижжалайвериладиган бу сийқа гаплар жонимга теккан. Кодексингга ҳам амал қилишга тайёрман, лекин унга ўз билгимча амал қиламан. Дакки эшитиб, кўр-кўрона яшамайман.

Панаев жилмайди:

— Жуда топиб айтдинг: сен кодексга ўз билгингча амал қиласан. Мен учун эса, у бир кўзгу: фикримни равшан қилади, илҳомлантиради: олға юр, ярат, дейди! Сенинг назарингда эса кодекс жилловга ўхшайди, ундай қилма, бундай қилма деб кўлингни тутуди. Менга пичоқ олиб югурганингни эслагин! Мен учун, одам одамга дўст, ўртоқ, биродар. Мен сувини сен билан баҳам кўрдим. Сенга бўлса бу сўзлар ҳақиқат жилловдек қор қиларкан. Сен бу сўзларга бўйсунасан, холос. Эҳ-ҳа, агар шу сўзлар бўлмаса борми, мен аллақачон ичак-чавоғим ағдарилиб ётган бўлардим.

— Бўлди-бўлди, ўша бемаъни воқеани ҳадеб юзимга солавераркансан-да,— деди гинахонлик билан Яновский.— Ташналик одамни ақдан оздириб қўяркан. Фалсафазолингини қўй. Ундан кўра ўйлашиб олайлик, энди нима қиламиз?

— Нима қилишимиз кераклиги аниқ. Кеч киришини кутамиз. Сўнг йўлга тушамиз. Эртага машқлар райониға етиб оламиз. Ўзимизникиларни учратамиз.

Сухбат уларни толиқтириб қўйган эди. Анчагача индамай ётдилар. Панаев ўйларди: «Ҳеч қандай касал одамни ташналикча тез енгиб қўймайди. Сувсизлик ҳар қандай дарддан ҳам даҳшатли экан. Кунни кеча саломат, бақувват йиғитлар эдик, бугун бўлса, на қўлимизни, на оёғимизни кимирлатишга мажолимиз бор. Устига-устига айни жазирамада вертолёт томонга чопамиз деб тинка-мадоримизни куришиб қўйдик. Кучимизни эҳтиёт қилиш учун кечасигина юрсак бўларди. Энди машқлар райониға бир кечада аранг етиб оламиз. Уч кундан кейин эса қидиришни тўхтатишади. Қанча қидириш мумкин ахир? Бизни бўрон вақтида кум босиб қолган, деб ўйлаётган бўлсалар керак. Бутун Қорақум сахросини элакдан ўтказиб бўлмайди-ку. Қолган бўлса бир кеча-кундузлик умримиз қолгандир. Шу бугун кундузи билан шу кеча. Эртаги кун охириги кунимиз бўлади. Кечгача етмасак ҳам керак. Куйиб томом бўламиз».

Яновский тирсаги билан Василийнинг ёнбошиға туртди:

— Панаев, ухлама. Вертолёт учиб келса, эшитмай қоламиз. Кел, гаплашиб ётайлик.

— Нима тўғрисида?

— У ёқ-бу ёқдан-да. Ухлаб қолмасак бўлгани. Таржимаи ҳолингни гапириб бер.

«Таржимаи ҳолимни,— деб кўнглидан ўтказди Василий.— Чиндан ҳам ҳаётимга хотима ясайдиган фурсат келганга ўхшайди. Таржимаи ҳолим жуда қисқа экан. Туғилдим, йиғирма йил яшадим. Ўлдим. Лекин Яновский ҳақли — ухламаслик керак. Яна бир марта учиб келишлари мумкин».

Панаев шошилмай ҳикоя қила бошлади. Ҳикоя орасида анчагача жим бўлиб қоларди. Негаки оғзи қақраб кетганидан тили гапга келмас, толиққанидан мажולי қолмаган эди. Ухламаслик учун чор-ночор гапирарди.

— Харьковда туғилганман. Қанақа шаҳарлигини билмайман, кўрмаганман. Отам қирқ биринчи йил ҳалок бўлган. Онам бўлса, қирқ тўртинчи йилда ўлган. Мени болалар уйиға берганлар. Болалар уйи эса Тошкентта кўчиб келган. Мен ўша ерда катта бўлганман. Дўстларим кўп эди. Яхши-

лари ҳам бўлган, ёмонлари ҳам. Каттарок бўлганимда нукул аллақайларга боргим келадиган бўлиб қолди. Чинакам, ёрқин ҳаётни кўргим келарди. Бу ҳаёт менинг назаримда бозордаги суратчиларда бўладиган манзаралек туюларди. Кўрганмисан? Бўяб ташланган каттакон чоғир, унда: денгиз, кема, тоғлар, туннель, ундан поезд чиқиб келаётган бўлади, осмонда эса самолёт, икки ёнида эса гул кўйилган туваклар. Мен шундай гўзал ҳаётни орзу қилардим. Болалар уйдан неча марта қочдим. Ўғрилар орасида бўлдим. Ёқмади. Жабрдийдаларга раҳмим келарди. Бирор шўрлик маош олиб келаётган бўлса-да, сен пулини шилиб олсанг! Бир ойгача қандай кун кечирази? Бола-чақасини нима билан боқадим? Шуларни ўйласам, оч-юпун болалар кўз ўнгимдан кетмасди. Ўғрилиқни ҳам эплаёлмадим. Ўша суратдагидақа ҳаётни тополмадим. Яна болалар уйга қайтиб келдим. Чилангарлик устахонамиз бўларди. Машғулотларни Александр Николаевич деган ёш йигит ўтказарди. Биз уни Саша деб чақирардик. Хафа бўлмасди. Болаларга яхши муомала қиларди. «Ҳар ким ўз бахтини ўзи тоблайдим» ёки «Оламни меҳнаткаш одам боқадим», дегучи эди. Мен уни яхши кўриб қолдим. Ундан ибрат олишга тиришдим. Кейин билсак, биз ясаган буюмларни бозорда пулларкан. Бизнинг кучимиздан фойдаланиб юрар экан. Бу менга жуда ёмон таъсир қилди. Кечаси билан йиғлаб чиқдим. Ахир шундай яхши деб юрган одамим нега аблаҳ бўлиб чиқади? Шу тариқа ўсиб-улғайдим. Фабрика- завод таълими мактабига кириб ўқидим. Қишлоқ хўжалик машиналари заводида ишладим. Лекин ўша Саша сира хаёлимдан кетмасди. Яна битта-яримта ўртоғимдан ажралиб қолишдан, биронтасининг ёмон йўлга кириб кетишидан кўрқардим. Яхши одамни бой беришдан оғир нарса йўқ киши учун. Бу мени тўғри сўз, чўрткесар қилиб қўйди. Кўпчилик ана шу одатимни ёқтирмасди. Аммо комсомол комитети ё профкомга сайлов бўладиган бўлса, албатта менинг номзодимни ҳам кўрсатиб, яқдиллик билан овоз беришарди. Ана шундай. Хўш, армиядаги ҳаётимни ўзинг биласан. Дастлабки кунларданоқ бирга хизмат қилиб келатибмиз. Энди сен гапир...

Яновский гапирмоқчи бўлган эди, қуруқшаган томоғидан бузуқ радиоприёмникникидек хириллаган овоз чиқди. Йўталиб, томоқ қириб олди.

— Сувдан ичмаймизми?

— Йўқ. Сувдан гап очма.

Игорь жойлашиброқ ётиб, гимнастёркаси ёқасидан кўришиб турган ҳўл бўйни билан кўкрагини дастрўмоли билан

артди. Дастрўмолдан ёқимли атир ҳиди, йироқдаги фароғатли ҳаёт бўйи анқиди.

— Менинг ҳаётим бутунлай бошқача. Мен ҳаммасини кўрганман: тоғлару денгизини ҳам, кемаларини ҳам. Отам қурулиш бошқарамасининг бошлиғи бўлиб ишлайди. Уйда кечқурунларигина бўларди. Аммо отпуска олди дегунча уй ичимиз билан Қримгами, Кавказгами жўнаб кетардик. У ерлар шундай чиройлики!.. Бозордаги суратчиларнинг манзаралари уларнинг олдида ҳеч нарса эмас.

— Умрим бино бўлиб денгизни кўрган эмасман.

— Денгиз — поёни йўқ сув. Мовий, яшил, сержилва, мулойим сув. Аммо шўр. Ҳозир ўша сувдан бўлса, тахирлигига ҳам қарамай ичаверардим. Ҳовучлаб-ҳовучлаб симириб, юз-кўзимни ҳам ҳўллаб олардим. Кейин қалла ташлаб тагига шўнғир эдим-да, ичаверардим, ичаверардим, тўхтамай ичаверардим!

Панаев ҳамроҳининг ёнбошига енгилгина туртиб қўйди:

— Гапингдан чалғима. У ёғини гапир. Ҳаётингдан гапир.

Яновский индамай қолди. Ўз ҳаёлларига шу қадар берилиб кетган эдики, Панаевнинг гапидан кейин ҳам денгизни ўйлаб ширин ҳаёл суриб ётди-да, сўнг хўрсиниб қўйганча давом этди:

— Аломат уйимиз, боғимиз бор эди. Оиламиз ҳам катта эмас — онам билан отаму мен. Ҳар қайсимизга алоҳида хона. Катта зал. Эрталаб равонга чиқасан. Салқингина. Ҳатто этинг жунжикиб кетади. Сирень япроқларини кўлинг билан силасанг, кафтинг шабнам ҳўл бўлиб қолади. Шабнам шунчалик кўп тушардики, бир идишга йиғиб ичсанг ҳам бўларди.

Панаев яна Игорнинг ёнбошига туртиб қўйди.

— Оиламиз жуда тотув. Отам билан онам мени жонларидан ортиқ яхши кўришади. Кўзларининг оқу қораси — мен. Агар мен бу ерда ҳалок бўлсам, онам бунга чидолмайди, отам ҳам бардош беролмаса керак. Мени ҳалок бўлди деган қорахат олишларини ўйласам, юрагим орқасига тортиб кетади.— Игорнинг овози титраб кетди. Ўпкаси тўлиб йиғлаб юборди.

— Э, қўйсанг-чи, ошна. Умидсизланишга ҳали вақт эрта,— деб уни тинчитарди Василий.— Мана кўрасан, эсон-омон чиқиб оламиз бу ерлардан.

Яновский кўзларини енги билан артди. Нам кўзларини тепасидаги чодирга тикканча индамай ётди.

— Менга қара, яхши кўрган қизинг ҳам бормиди?— деб сўради Панаев, гапни чалғитиш мақсадида.

- Бор эди.
- Яхшимиди?
- Яхшийди.
- Оти нима эди?

— Қизиқ, икковимиз худди ўлганларга ўхшаб гаплаша-япмиз. Гўё ҳаммаси ўтиб бўлгандек. Бормиди, оти нима эди, дейсан-а! Ҳозир ҳам бор. Оти Ася. Худди шу дақиқада менинг саҳрода ҳалок бўлаётганим хаёлига ҳам келмай, институтда лекция эшитиб ўтиргандир. Қадди-коматини бир кўрсанг эди! Ўзи гимнастикачи. Бадний гимнастика билан шуғулланади. Иккинчи разряддагилар қаторидан жой олган. Икковимиз бир жамиятда эдик. «Буревестник» жамиятида. Стадионда танишганмиз. Ўша ерда учрашиб турардик. Машқдан кейин душга борардик. Хотин-қизларнинг души эркакларнинг душидан фанер тахта билан ажратиб қўйилган. Ювина туриб девор чертиб бир-биримизни чакирардик: «Бўлдингми?», «Бўлиб қолдим!», «Мен ҳам!» Сув бўлса тизиллаганча уриб турарди. Кўзларимга, оғзимга, кулоқларимга қуйиларди. Ўшанда нега ичмас эканман? Пишқириб-пишқириб туфлаб ташлардим. Эҳ, қани ўша сувнинг ақалли оқиндиси бўлса. Тиндириб ҳам ўтирмасдим. Ичаварардим.

— Янами? — деди Панаев.

Яновскийнинг дами ичига тушиб кетди.

Гап узилди дегунча жазирама баттар забтига оларди. Одамни ўзи ҳақидагина ўйлашга мажбур қиларди. У танада қолган бор намни сиркитиб чиқарарди. Энди таналаридаги нам тер бўлиб эмас, аллақандай ёпишқоқ, елимшак бўлиб чиқарди. Фикр-хаёллари фақат бир нарса — сув билангина банд эди. Ҳалок бўлиш хавф-хатари солдатларнинг хаёлларига, ҳам келмасди. Ташналик ҳаммасидан ўтиб тушган эди. Қовжираб, қақраб бораётган вужудлари, ўламан, деб эмас, сув, деб нидо соларди.

Соат миллари олтига етганда улар хушларини йўкотаёзган эдилар. Панаевнинг мўлжалига кўра оғизларини бир қултум сув билан хўллаб олиш фурсати етган эди. Мадорсиз ва мажолсиз Василий, агар, ташналикдан эсини йўкотаёзган Игорь унга ёпишиб сувдонни тортиб олмоқчи бўлса, қаршилик кўрсатишга кучи етмаслигини биларди.

Шунинг учун ҳам Василий сувни аввал ўзи ичмоқчи бўлди. Шеригидан бир қултум бўлсин ортиқроқ сув ичиш хаёлига ҳам келмасди. Лекин шу бир қултум сувни қандай қилиб кўрсатмасдан ичса бўлади? Борди-ю, Яновский пайкаб қолгудек бўлса, турган гап Василий сувни ўгринча

ичаётибди, деб ўйлайди. Панаев ҳамроҳига қараб қўйди — Игорь пинакка кетган эди. Василий эҳтиёт билан нари сурилиб ёнбошига ўгирилди. Сувдоннинг оғзини очиб эшиттирмасликка ҳаракат қилиб қопқоққа қўйди. Қалтироқ қўллари билан қопқоқни оғзига олиб бориб, бор сувни қақраган тилига ағдарди. Сув худди жон бахш этадиган доридек танасини яйратиб томоғини юмшатди. Василий чалқанча тушиб ётиб олди. Бир қултум сувни ичиш билан нақадар тотли эканлигини, тамом бўлиб қолганини энди ташналикдан ҳалок бўлишлари мумкинлигини таъкидлади холос.

Панаев қопқоқни яна тўлатди. Ётган жойида чодирдан қўлини чиқариб уни ерга қўйди. Қулаб кетмасин деб кумга ботириб ўрнаштирди. Устига қалпоғини тўнкарди. Шундан сўнг ёнидан дастрўмолини олиб, уни сувдоннинг бўғзига тикди-да, бир қўли билан оҳиста чуқур қазий бошлади. Сувдонни чуқурчага қўйиб, устига қум тортиб текислади. Соатига қараган эди, етиларга яқинлашиб қолибди.

Ҳали иссиқнинг тафти қайтмаган эди. Теварак-атроф кўзини камаштирарди. Сўниб бораётган чўғдек куёш уфқда қип-қизил бўлиб турар, аммо энди куйдирмас эди. Ғуруб шуълаларига чулганган кумтепалар апельсин тусига кирган эди. Кета-кетгунча ҳаммаёк сон-саноксиз қум хомалари. Улардан жимир-жимир ҳовур кўтарилади. Ҳаво ҳаммомнинг иссиқ хонасидагидек нафасни буғади.

Панаев зўрға турарди. У гандираклар, кун-узун кун жазирама иссиқ аъзойи баданини мумдек бўшаштириб қўйган эди. Чодир тагидан имиллаб Игорь ҳам чикди. Қаддини ростлади. Гавдасини тик тутиб олиш учун уринди. Чақаклари баттар ич-ичига кириб кетган, илгариги кўркидан асар ҳам қолмаган: тук босган юзлари бўзрайиб, лаблари ёрилиб пўрсилдоқ боғлаган, кўзлари хира тортган. У биринчи жаҳон урушида окопда бир неча йил оч ётиб, битларга ем бўлган солдатнинг дидини берарди. Ваҳоланки, орадан атиги икки кеча-кундузгина вақт ўтган эди!

— Сув ич,— деди Василий.

Игорь аста ўртоғига қаради. Бу сўз ҳатто ҳушига ҳам бориб етмаган эди.

— Сенинг тегишинг қалпоқнинг тагида турибди,— дея Панаев заифгина қўл ҳаракати билан қалпоқ томонга имо қилди.

Игорь шошилмай сув томон юрди. Қопқокни икки қўллаб ушлаганча сувни эҳтиёт билан оғзига олиб борди. Бир қатра ҳам қолдирмай, симириш учун хўриллатиб ичига тортди.

— Тамом бўлдими?— деб сўради у Василийдан бир оздан сўнг.

Панаев унга қаради. Яновскийнинг лоқайдлигидан бир оз гарангсиб қолган эди. «Чалғитиш учун ўзини гўлликка солаётibdими, ё чишдан ҳам ҳамма нарсага этак силкидимикан?»

— Йўлга тушайлик,— деди Панаев. У чодирнинг олдига бориб, уни ўрай бошлади.

— Сув тамом бўлдими ё ичиб кўйдингми?— дея таҳдид билан сўради Яновский.

«Ўзини гўлликка солаётган экан», деган қатъий қарорга келди Василий ва хотиржам жавоб берди:

— Ҳали сув бор. Яна икки мартага етади.

Панаев энгашиб юк халтасини олмоқчи бўлиб турган эди, бирдан Игорнинг кучли бармоқлари унга чангадек ёпишди. Игорь уни чалқанча ётқизиб олиб, камарини пайпаслай бошлади. Панаев қаршилиқ кўрсатмади. Қаршилиқ кўрсатиш учун кучи ҳам йўқ эди. Аммо Яновскийнинг ҳамласидан фаҳмладики, ҳали унда куч кўп, саҳродан эсон-омон қутулиб чиқиб кетиши аниқроқ. Василий алам билан ўйлади: «Игорь онасининг ширин томоқларини еб катта бўлган, мен бўлсам болалар уйининг ёвғонини ичиб ўсганман».

Игорь сувдонни тополмагач, Василийга телбаларча ўқрайди:

— Ичиб кўйдингми, газанда? Ҳаммасини нафсингга урдингми?

У Панаевнинг юзига тарсаки туширмоқчи бўлиб қўлини кўтарган ҳам эдики, Василий хотиржам жавоб берди:

— Сув турибди.

Мушт ҳавода муаллақ қолди.

— Қани бўлмаса?— деганча Яновский ўртоғини ёқасидан тутиб силтади.— Қани?

«Ҳа, у қумдан эсон-омон чиқиб олади, мен қолиб кетаман», деб ўйлади Яновскийнинг кучига ҳаваси келган Панаев.

— Сувни бер. Энди мен олиб юраман!— деб хириллади Игорь. Василий ҳатто илжаймоқчи бўлиб кўрди.

— Бер дейман,— деб яна талаб қилди Яновский.

Панаев шартта туриб ўтирди. Ракибининг қўлини силтаб

ташлади. Яновский қаршисида тиз чўкиб қолган, ўзи бўлса қўлларини орқасига тираганича қаршисида тиз чўкиб қараб шундай деди:

— Билиб қўй. Менсиз кумдан чиқиб кетолмайсан. Мадоринг қолмади. Буниси майли-я. Руҳан ҳам заифсан. Сен менсиз, мен эса сенсиз бу ердан эсон-омон чиқиб кетолмаймиз. Шунга эсингдан чиқарма! Энди йўлга тушайлик.

Василий ўрнидан туриб, кум тагидан сувдонини олди-да, уни камарига ўтқазиб, қуроли билан халтачасини елкасига илганича жанубга қараб юрди.

Ҳанг-манг бўлиб қолган Игорь гарангсиганча лаш-лушларини йиғиштириб унинг орқасидан эргашди. Бир километрча юрганларидан кейинноқ Панаев ҳолсизланганлигини сезиб, куни билан ҳеч нарса емаганларини эслаб қолди. Иштаҳалари тамом бўғилган эди. Яна уч километрча юргач, Панаев елкасидан халтани туширди-да, ундан икки чакмоқ қанд олди.

— Сен ҳам бирон нарса еб ол. Овқатланганимиз йўқ.

Панаев қандни оғзига солиб, шиммоқчи бўлди. Бироқ, қанд оғзида худди бир парча ғиштдек бўлиб тураверди: на мазасини билиб бўлади, на эрийди. Василий қандни оғзидан олиб, таажжуб билан кўздан кечирди. Сўнг яна оғзига ташлади. Қанднинг қирралари оғзига ботиб, оғриқдан бошқа туйғу уйғотмасди.

— Эримаяпти,— деди бир иш чиқаролмай Игорь ҳам.— Сўлак йўқ. Оғиз қуриб ётибди. Хўллаб кўрмаймизми?

Панаев дўстига қаради. Унинг кўзлари бежо эмасди.

— Дуруст,— деди у.

Улар қандга бир неча қатрадан сув томизиб, оғзиларига солиб шима бошладилар.

Шу кеча инод билан узоқ йўл босдилар. Бир неча бор дам олгани тўхтадилар. Сўнг яна одимлашда давом этдилар. Омонат кумда оёқлари ҳадеб тойиб кетаверар, гўё сахро уларни калака қилаётгандек эди. Тунги салқин тушиши билан йигитлар анча тетиклашган бўлсалар ҳам, омонат тепаларда одимлаш ўта машаққатли эди. Қадамни каттароқ ташламоқчи бўлсалар оёқлари орқага сирғалиб кетиб, одимлари қисқариб қоларди. Ҳолдан тойган Панаев тик тепаликка ўлиб-тирилиб энди чиқиб олдим деганида, кум уни шувиллаганича яна пастга олиб тушиб кетарди.

Тонгга борганда толиққан йўловчилар чўзилиб қолдилар. Ҳаводан ҳали салқин кўтарилмаган, йўлда давом этсалар бўларди-ю, бироқ мадорлари қолмаган эди. Улар салқин

қумга узала тушганча ҳориб қулаган отдек ҳарсиллаб, хириллаб нафас олишар, бутун кўкраклари лопиллар эди.

Феруза осмонни тонг шафағи чулғай бошлади. Бир парча ҳам булут кўринмаган шаффоф осмон гумбази баҳайбат лампочканинг ичига ўшарди, ҳалок бўлаётган бу икки киши худди заиф пашшалардек унга ўзларини урмоқда эдилар.

Нафасларини бир оз ростлаб олгач, улар овқатланмоқчи бўлдилар. Куч тўплаш учун ўзларини зўрлаб бўлса ҳам овқатланардилар. Улар қок нон билан қанд кавшадилар. Бошқа ҳеч нарсалари йўқ эди. Аммо овқат томоқларидан ўтмасди. Оғизлари қақраб кетганидан овқат томоққа бориб тикилар, каттик йўталтирар эди. Дўстлар бу бефойда машғулотдан воз кечиб, яна қумга чўзилдилар.

Ухлаш қаёқда! Бу уйку эмас, ўқтин-ўқтин такрорланаётган босинқираш эди. Панаев гоҳ зулмат қаърига тушиб кетар, гоҳ ўзини жилғалар шилдираб оқаётган ям-яшил ўтлоқда, қайинлар орасида кўрар эди. Жилгани топмоқчи бўлса, жилға туткич бермай ундан қочиб, у билан беркинмачок ўйнар, қайинлар орқасига яширинар эди. Бир вақт кўзини очиб кўпчиб ётган қум хомалари, ерда узала тушган Игорни кўриб алаҳлаб ётганини пайқаб қолар эди.

Жазирама иссиқ ахир уларни ҳушига келтирди. Яновский теварак-атрофига алангларкан, қуёш сели чулғаган ўша-ўша поёнсиз қум денгизини кўрди. Яна ўт нафасли, аёвсиз кун бошланди.

— Капа тикиб олайлик. Куйиб кетамиз,— деди бўғиқ овоз билан Игорь. «Ҳатто овозимизгача қақраб қолибди-я», деб ўйлади ўзича.

Панаев бошини кўтарди. Аранг ўрнидан турди. Бир амаллаб чодир қуришга тутиндилар.

Кунбўйи яна дам мизғиб дам босинқираб ётдилар. Гаплашмадилар ҳам. Гаплашишга мажоллари ҳам йўқ эди. Кечқурун салқин тушиши билан яна бир оз ўзларига келдилар. Йўлга тушишга тайёрлана бошладилар. Сувдонда бор сувни куйиб ичдилар. Ҳар қайсиларига ярим қопқокдан тегди. Василий сувдонни қопқокқа анчагача энгаштириб турди. Бирон қатраси ҳам қолмасин, деган умидда эди. Сувдоннинг қок бўлганига қаноат ҳосил қилгач, уни ҳафсаласизгина улоқтириб юборди. Соатига қаради. Соати тўхтаб қолган эди. Ҳолсизланган қуёш эса қизғиш қумда ётарди. Василий соат милини тахминан еттига кўйиб, буради.

Узундан-узун кеча бошланди. Ҳамроҳлар ҳарорати ошиб кетган беморлардек алпон-талпон юриб борардилар. Ҳаво салқин бўлгани билан улар жуда толиққан эдилар. Икков-

ларининг ҳам мияларида: «Юриш керак. Тўхтадинг — ўласан», деган бирдан-бир фикр ҳукмронлик қиларди. Йиқилиб-сурилсалар ҳам юришдан тўхтамасдилар. Энди қияликларга эмаклаб чиқардилар. Баъзан ўзларини ўнглаёлмай яна пастга сирғилиб тушиб кетардилар. Шунга қарамай ўринларидан туриб, яна илгарига интилардилар.

Гира-шира тонг отганда улар мурдадек бўлиб ётардилар. Ўша жазирама иссиқ куни мажолсиз йўловчилар батамом ҳолдан кетиб, чўзилиб ётганларида Игорь сўраган эди:

— Бугун нечанчи ўзи?

— Ўн учинчи,— деб жавоб берди Панаев.

— Демак бугун...

— Нима, бугун?

— Ўлар эканмиз-да...

— Нега энди?

— Ўн учинчи ҳосиятсиз ҳисобланади-ку?

Кейин улар, бизни қидираётганмиканлар, ё қидирмай қўйдилармикан, деган мавзуда истар-истамагина баҳслашган эдилар. Улар саҳрода қолиб кетганларидан бери уч кечаю уч кундуз ўтган эди. Қидиришни тўхтатган бўлишлари мумкинлигини икковлари ҳам фаҳмлаб турардилар. Ахир қачонгача қидиришлари мумкин? Йигитларга алам қиладиган ери, улар не машаққатлар билан машқлар районининг марказига етиб келган эдилар. Темир йўлга ҳам ўттиз километрча қолган бўлиши керак. Яқингинада. Саломат одам беш соатда етиб борса бўлади. Булар бўлса бор кучларини бекорга сарф қилиб қўйиб, мана энди етдим деганда йиқилиб қолдилар.

Панаевнинг вужудини сўнгсиз ўйлар чулғади:

«Агар мен Яновскийнинг сўзига кирмаганимда, ваҳимасига учмаганимда, ўша куннинг эртасигаёқ темир йўлга чиқиб олган бўлардик. Ҳамма касофат шу Игорнинг шошма-шошарлигидан бўлди. Ўзим ҳам бўш келдим. Гапига лаққа тушдим. Енгилтаклигини била туриб, шунинг сўзига кирдим-а! Демак, айб ўзимда. Унга тақишимнинг ҳеч ҳожати йўқ. Чол-кампирига жабр бўладиган бўлди. Қизга ҳам ачинаман. Бинойдек турмушлари заҳар бўладиган бўлди. Наҳотки, шу ерда ўлиб кетаверсак? Мен-ку майли-я, ротадаги ўртоқларимни айтмаганда, куядиган одамим ҳам йўқ. Буники қийин. Ота-онаси чидаёлмайди. Ася-ку яна биронтаси билан топишиб кетар-а, аммо ота-онаси адоий тамом бўлади. Биз саҳронинг жазирамасида куйиб кетганимиздек, улар ўғилларининг қайғу-ҳасратидан куйиб кул бўлишади. Ўзи-ку ўлардай ёқимсиз йигит-а, ҳарбий

хизматгача стилияга бўлган бўлса ҳам ажаб эмас. Ота-она-сига ачинаман. Қанча йўл босдик? Бу ёғи қанча қолди экан?»

Панаев ўтириб бармоғи билан кумга рақамлар чиза бошлади. Дастлаб у йигирма беш ёзиб тире қўйди-да, ўттиз рақамини ёзди. Бу рақамлар улар йўл кўрсатувчи бўлиб қолдирилган жой билан темир йўл орасини кўрсатувчи масофа эди. Кейин Василий яна шундай рақамлар қўшди. Бу эса бўрон вақтида адашиб кетганларида фақат шимолга қараб юрганлар деб тахмин қилинса, бўрон вақтида босиб ўтган йўлларнинг масофасини билдириши керак эди. Бунинг жами эллик ёки олтмиш километр бўлди. Бу рақамдан Панаев чегира бошлади. Биринчи кечаси улар ўн беш километрча орқага қараб юрдилар, кундуз куни эса вертолёт кетидан беш километрча чопиб бордилар. Жами бўлиб йигирма километр. Ўн учинчига ўтар кечаси ўн-ўн беш километрча йўл босдилар. Демак, темир йўлга етиб олишларига яна ўн беш ёки йигирма километр йўл қолади. Бу икки кунлик йўл деган гап. Бунга уларнинг чоғлари келмайди. Уч кундан бери сувсиз қолдилар. Икки кундан бери туз тотмадилар. Дармонлари ҳам қолмади. Дармон бўлгудек нарсалари ҳам йўқ. Қоқ нон, қанд, бир грамм чою бир грамм туз — куруқ паёқларидан қолган нарсанинг бори шу. Бунинг ҳам истеъмол қилолмайдилар: оғизлари билан томоқлари қоқ қуриб, қақраб ётибди. Овқат ўтмайди.

Бу даҳшатли жазирама кун бир йилдан узун бўлиб кетди. Аммо фурсат етиб қуёш ҳам, ҳамроҳлар ҳам тинкалари қуриб яна кумга қуладилар. Ҳамроҳлар кечқурунги салкинга етиб олганларига севинсалар, кўзларига қон тўлган қуёш эса қовжираб кетган бу икки жуссага тикилганича: «Шоцмай туринглар, эртага учрашиб қолармиз!» — дея шивирлаётгандек эди.

Яновский билан Панаев ҳамма нарсаларини: чодирлари, юк халталари, қолган-қутган озуқаларини ташладилар. Бу ёғига анчаки юк ҳам дардисар тошдек оғирлик қилиб қолди. Яновский автоматини ҳам ташлаган эди, Панаев бошини чайқаб, шивирлади:

— Мумкин эмас.

Игорь алам-изтироб, умидсизлик тўла имо-ишора билан ҳеч қандай умид қолмаганини, ҳалоқат аниқлигини билдирди. Панаевнинг ҳам қурол кўтариб юришга мажоли йўқ, автомати тўп милидек вазмин тортиб кетган эди. Уни ташлаш эса батамом таслим бўлиш деган гап. Василий буни

истамасди. У автоматини орқасига осиб камарига қистирди-да, кўлини бўшатиб олди.

Ортиқча юкларидан халос бўлиб олгач, йигитлар яна қаршиларида ёйилиб ётган қум саҳроси қаърига қараб йўл оддилар. Улар худди кема ҳалокатига учраган денгизчилардек, ўрқачма-ўрқач оша нажот соҳилини кўзлаб борардилар. Дарҳақиқат саҳро улар учун сермавж денгиздек эди, негаки, бу ёғига қумтепалари оша юриб эмас, унга узала тушиб, эмаклаб сузиб бормоқда эдилар.

Ярим кечага борганда Василий орқада қола бошлади. Яновский олға қараб эмаклашда давом этарди. У ўртоғининг орқада қолиб кетаётганини сезса ҳам, билиб-билмасликка олди:

«Уни бари бир опичиб кетолмайман. Эмаклашга чоғи келмаса, унинг касрига беҳуда ўлиб кетавераманми? Бордию, омон қолиб, маррага етиб олса-чи? Ё чўпонлар дуч келиб қолсалар-чи? Аччиқ-аччиқ таъналарни ўшанда эшитаман. Қийинчиликдан кўрқиб ўртоғингни ташлаб кетибсан, деб мenden нафратланишади! Яна шу кодекс! Бу ахлоқ-қонунларнинг қандай сеҳрли кучи бор экан ўзи! Бу юз километрлаб масофада ҳаёт йўқ, кимсасиз саҳро. На бир инсон, на ҳайвон, на кўкда куш. Қонун эса амалда. Йўқ, жин урсин, бу тушунчаларнинг ҳаммасидан воз кечиб, жонимни қутқаришим керак. Жон ширин, ҳаёт қандай нашъали! Ҳали келажакда мени қандай ажойиб нарсалар кутаётган экан. Ойи, дада, Ася,— мен сизлардан кўнгил узиб кетолмайман! Мен бу лаънати қумда қолиб кетишни истамайман!— деб ўйларди Яновский ва ўлар-тириларига қарамай эмаклаганча Панаевдан тобора узоқлашиб борарди.— Бордию, мен бир амаллаб эмаклаб етиб олсам-да, Панаев ҳам омон қолса, унда нима бўлади? Ахир мен шу қонун-қондалар, одатлар тўла-тўқис амалда бўлган жойга бораман-ку. Унда менга ёруғ дунёнинг лаззати татирмиди? Ҳамма кўр-қок, хоин, деб мenden ҳазар қилади-ку! Ўз ота-онам ҳам: қариган чоғимизда бизни иснодга қўйдинг, ундан кўра, ўша қум саҳросида қолиб кетганинг маъқул эди, дейишмайди-ми? Онам бундай демаганида ҳам, отамнинг юз ўгириши турган гап. Ася ҳақида-ку ўйламасам ҳам бўлади. Шунча орзу-умидларимдан нима қолади? Бундан чиқдики, эндиги омадим, бахти иқболим — бунинг эсон-омон етиб олиш-ололмаслигига боғлиқ экан-да. Ё оғзига қум тиксаммикан? Ўшанда барча сир-асрор қум тагида кўмилиб кетади. Саҳро сир сақлашни билади! Бордию, уни топиб олган тақдирларида ҳам саҳрода ҳалок бўлган одамнинг оғзига қум

тўлган бўлса, бундан ҳеч ким таажжубланмайди. Унгача шамолнинг ўзиёқ кўмиб юборади».

Игорь аниқ бир қарорга келолмади. У ўй сурганича тўхтаб қолди. Осмонга қараган эди, юлдузлар чакноқ кўзларини катта-катта очганча таажжубдан им қоқиб, уни кузатиб турганини кўрди. Панаев анчадан кейин етиб келди. Эмаклаб келиб Игорнинг ёнига чўзилди. Нафасини ростлаб олгач, Игорга қараб анчагача тикилиб турди. Сўнгра секин-аста орқасига тисарилиб, ўн қадамча нарига бориб ўтирди.

Яновский ҳамон ўй сурарди. Ўйларининг совуклигидан қоши тез юришиб, эти ҳам жунжикиб кетди.

Бирдан Панаев кўлини заифгина чайқаб, ҳаяжон билан хириллаб гапирди:

— Бўлди, омон қолдик. Ушлаб олдим.

— Нимани ушлаб олдинг?

— Чивин ушлаб олдим, Игорь! Чивин!

— Нима экан?

— Вой, тентаг-эй. Чивин сувга яқин жойда бўлади.

Бу ерда чивин учиб юргандан кейин, яқин ўртада сув ҳам бўлиши керак. Ўтган кечалари чивинларнинг ғинғиллаганини эшитганмидинг?

— Йўқ.

— Бўлди, яна бир ғайрат қилайлик. Энди яқин қолди.

Яновский енгил тортиб, нафасини бўшатди. Бирдан мияси ғовлашдан тўхтади: «Кичкинагина бир чивин шундай катта фалокатнинг олдини олди-я!» Игорга жон кириб, чехраси очилиб кетди. Ҳатто ўртоғига таклиф қилди:

— Кел, кўмаклашай. Менга суян. Дадил бўл, Вася. Эсон-омон етиб олсак, шу чивинга ҳайкал кўйганим бўлсин!

Солдатларга қаёқдандир куч кириб, яна илдамлаб кетдилар. Улар оёққа туриб бир-бирларига суяндилар-да, гандираклай-гандираклай, қоқила-сурина бўлса ҳам йўлга тушдилар.

Қаршиларида ой нуридан сарғиш лимон тусига кирган қумтепаликлари ётар, оралиқларига эса дақиқа сайин бу икки жонсиз кўланкани ютиб юборишга ҳозир тургандек, қоп-қора нефтга ўхшаш зулмат биқинган эди.

Солдатлар юришда давом этардилар. Улар йиқилар, ўринларидан туриб, яна йўлга тушар эдилар. Сўнгги уч кеча-кундуз давомида одат ҳукмига кириб қолганидек ҳар гал тонгга борганда тинка-мадорлари қуриб ерга чўзилиб қолардилар. Бугун эрталаб кечагидан ҳам кечроқ уйғондилар. На чодирлари, на юк халталари бор. Куёшдан жон

сақлагудек нарсалари йўқ эди. Қаршиларида эса кета-кет-гунча сарғиш қум ўрқачлари қалашиб ётарди.

Қуёш эрталабданок тинка-мадори қуриган йўловчиларни куйдира бошлади. Улар энди батамом қовжираб, мумиёланган мурда тусига кирган эдилар. Униққан терилари юпка қоғоз дидини берарди. Бирон жойига тега кўрсанг, йиртилиб кетадигандек.

Панаев ташналикни ҳам сезмай кўйган, танасидан ҳам нам чиқмас, қони тамом қуюлиб, аъзойи баданида сув истеъмол қилиш билан боғлиқ бўлган барча жараёнлар таққа тўхтаган эди. Уч хил ажал таҳдид соларди — ташналик, очлик, жазирама қуёш. Ҳамроҳларнинг гаплашишга ҳам ҳоллари қолмаган. Улар аҳён-аҳёндагина бир-бирларига бир-икки оғиз сўз айтиб кўярдилар.

Ҳуши оғаёзган Панаев охирги дақиқада ўйлаб қолди: «Қумтепанинг шимол томонига — терскай тарафга ётиш керак, ўша ёғи бир оз салкинроқдир». У эмаклаб терскай томондаги ён бағрига ўтди. Яновский буни тушундими ё тушунмадими, ҳар қалай, орқасидан эргашди.

Василий яна ўзига келганида, қаршисида калтакесак турганини кўрди. Калтакесак унга бақрайиб қараб турар, томоғи тез-тез лопиллар эди. Улар бир-бирларига узок тикилиб турдилар. Ниҳоят Василий калтакесакнинг япаски башарасига уфурди, калтакесак қочиб қумга яшириниб олди. «Қумнинг ичи салкин бўлиши керак», деб ўйлади Панаев ва қизиган қумни қазий бошлади. Дарҳақиқат қумни тобора пастга қазиб тушгани сари, у салкинроқ бўлиб борарди. Ҳатто бир оз намдек эди. Василий тезроқ қазий бошлади. Ҳадемай узунгина чуқурча қазиб кўйди. Яланғоч бўлиб чуқурга чўзилди-да, қуёшдан сақланиш учун устига кийим-кечагини ташлади. Машаққатдан толиққан вужуди салкин қумдан ором олгандек, ўзи озгина снгил тортгандек бўлди. Яновский ҳам Панаевдан кўрганини қилди. У беихтиёр Панаев нима қилса, шунини такрорларди.

Аммо бора-бора иссиқ ҳаво ва қизиган тана тафтидан қум исий бошлади. Шунда Василий ёнбошлаб ётганича ёнидан янги жой тайёрлай бошлади. Чуқурча очиб у ерга ўтиб ётди. Илгарини ётган жойини яна ҳам чуқурроқ қилиб қазий бошлади. Ундан ҳам салкинроқ қум қатламини очди. Энди у тошбақалар билан калтакесакларнинг саҳрода қандай жон сақлашларининг сирини билиб олган эди. Судралувчи махлуқлар кириб ётадиган қумтепанинг ичкараси жуда салкин бўлар экан!

Ором берувчи бу қум ваншаларидан Игорь ҳам анча

ўзига келиб қолди. У Панаевнинг ёнгинасида ётарди. Кумдан бошигина чиқиб турарди. Важоҳати даҳшатли эди. Унда илгари Игорь Яновский деб аталган йигитнинг тусидан асар ҳам қолмаган. Ҳозир кўриб қолса, ҳатто тукқан онаси ҳам таниёлмасди. Қуриб, қовжираб кетган териси устихонига бориб ёпишган. Ич-ичига тушиб, шишадек йилтираб қолган кўзлари деярли юмилмас, негаки уларда намдан асар қолмаган, мишжалари жонсиз эди. Кўкариб, пўрсилдоқ боғлаб кетган лаблари юмишга келмай, оғзидаги оппоқ, дағал тили кўриниб турар эди.

Ўртоғининг юзига разм солиб, ваҳимага тушиб ўтирган Василий бирдан Игорнинг хушчақчақлик билан илжаяётганини кўриб қолди. Кулгининг зўридан уни ҳатто ҳикичоқ тутиб қолди.

«Эси оғиб қолаётганмикан?» — деб ўйлади Панаев ва паст овоз билан сўради:

— Нега кулаётибсан?

Игорнинг чехрасидаги кулги йўқолди. То жавоб бергунича, юзида кулги ифодаси яна бир неча марта пайдо бўлди.

— Кулаётганим йўқ. Йиғлаяпман, — деди у ниҳоят.

Панаевнинг ваҳимаси келди. Наҳотки йиғлаётган одам кулаётган одамдан фақат кўз ёши билангина фарқ қилса! Игорнинг кўз булоғида, вужудида ёш бўлиб тиркираб чиққудек қатра нам қолмабди!

Ҳамроҳлар аранг кеч қилишди. Кеч соат олтиларга бориб Игорнинг руҳи бутунлай чўкиб қолди. Василийнинг: «Куч-қувватимизни йигиб йўлга тушайлик», деган таклифига умидсизлик билан қўл силтаб қўя қолди. Кулгидан юзлари буришиб, тиришиб, кифтлари уча бошлади, уни яна ҳикичоқ тутиб қолди. Василий унга таскин берар, муштлашиб қолган сочларини силаса, дув-дув қум тўкилар эди.

— Кўй, оғайни. Йиғлама. Кўпи кетиб, ози қолди. Уни қара, тоғлар кўринаётибди. Тоғ йўлнинг нариги томонида. Демак йўлга етиб қолибмиз.

Игорь ўлим талвасасида ғарғара тутгандек шивирлади.

— Тинка-мадорим қолмади. Ўламан.

— Кўйсанг-чи, оғайни, бу гапингни. Кўйсанг-чи. Сен мендан бақувватсан. Баскетболчисан. Спортчисан. Отанангнинг парваришида ўсгансан. Менга ўхшаб болалар уйининг ёвғонини ичиб катта бўлибсанми? Мени кўр — мен бўш келмаяпман-ку.

Панаев Игорга ялиниб-ёлвордию аммо Яновский юришга кўнса, ўзининг юра олиш-олмаслигини билмас эди. Нима

бўлганда ҳам ҳозир ўртоғига далда бериши керак эди. У томоғи ачишганига қарамай, бўғиқ овози билан Игорга узок ялиниб-ёлворди. Кейин бирдан ўрнидан туриб қўлини чўзганча қувонч билан хириллади:

— Қара! Уни қара!

Яновский унга қаради. Кейин чор-ночор ўрнидан турди.

— Ҳозиргина шу ерда эди-я. Ўз кўзим билан кўрдим.

— Нима?— тили галдираб сўради Яновский.

— Читтак. Кулранг қуш бор-ку. Жибилажибон-чи.

У сув бор жойдан юз метрча ҳам нари кетмайди. Юр, яқин орада сув борга ўхшайди.

Одам эмас арвоҳни эслатовчи икки қўланка дақиқа сайин қоқила-қоқила, йиқила-йиқила юра кетди.

Ярим тунга борганда физиллаб ўтиб кетаётган поезднинг гулдуриси ва гудоги қулоқларига чалинди. Бу уларга жуда далда берди. Азбаройи одимлашга чоғлари қолмаганидан, ҳар қадам кўйганларида кўкракларидан худди ўтин ёраётган одамдек «ҳиқ-ҳиқ» деган товуш чиқар эди. Сал ўтмай эса батамом мадордан кетдилар. Ерга чўзилиб қолдилар. Яновскийда жон асари сезилмас, худди уйқуга кетгандек эди. Бундай аҳволда уйқуга кетиш ўлим билан баробар эди. Таажжубки, совуқдан музлайдиган одам билан жазирамадан ўладиган одам бир хилда ҳалок бўлар экан. Томирлардаги қоннинг юриши тобора сустлашиб, такка тўхтаб қоларкан. Шунда одам ухлаётгандек бўлиб кўринаркан. Василий Игорни ҳушига келтирмоқчи бўлди. Аммо бундан иш чиқмади. У Игорнинг томирини кўрмоқчи бўлди. Заифгина уриб турган томирини аранг пайпаслаб топди. Томирнинг уруши минутига зўр-базўр қирққа етиб борарди.

Василий ўрнидан туриб, изтиробли кўзлари билан тева-рак-атрофдаги қумтепаларига аланглади. Нажот бергудек бирон кимса йўқ. Ҳолбуки одамлар бор жойга жуда яқин келиб қолишган. Лекин афсуски, на мадад сўраб нидо сола олади, на эмаклаб ета олади. Сокин салқин тун, қилт этган шамол йўғу Василий бўлса оёқда туrolмай чайқалади. «Наҳотки, машаққат чека-чека саҳро этагига етганимизда ҳалок бўлсак? Э аттанг! Одамнинг сира-сира ўлгиси келмайди. Айниқса бугун, негаки, ҳаёт нафаси яқин. Полкдагилар ҳам ич-этлариини ейишаётгандир. Уларни қутқариш учун ҳамма чораларни кўрдикми, деб гаранг бўлишаётгандир. Бу икки мурданинг маконлари яқинда қаёқдан пайдо бўлгани ва бутун бошли полк не сабабдан уларни қидириб тополмагани умрбод сирлигича қолиб кетади. Наҳотки, сира ҳам мадоринг қолмаган бўлса, Василий? Ўзинг учун

бор чорани кўрдинг. Энди дўстларинг учун ҳам бир тиришиб кўр. Игорь ҳаққи, унинг ота-онаси, севган қизи ҳаққи бир уришиб кўр. Тур ўрингдан, Василий, юр!»

Панаев шу тарика ўзини мажбур қилиб, бор жисмоний кучини эмас, асабларининг қувватини йиғди-да, чўкка тушганича бир-бир эмаклаб кета бошлади. Шу тарзда узоқ вақт судралиб эмаклади. Қум тепаларнинг сермавж тўлкинлари кўз ўнгида поёнсиз зинапоя боскичларидек сузиб ўтарди. Нафаси тикқилар, зинапоя эса тиккайгандан тиккайиб борар эди. Баъзан зинапоя тик бўлиб кетар, шунда Панаев йиқилиб тушмаслик учун тўхтаб қолар эди. Зинапоя бўлса камалакдек эгиларди-да, Василийнинг оёғини осмондан қилиб зулмат қаърига улоқтирарди. Бундай пайтларда у ҳушидан кетарди.

Кийноқ-машаққат билан аранг кумтепага чиққанда Василий таққа тўхтаб қолди. Қўл-оёқлари бўғин-бўғинидан бўшашиб, қалтирай бошлади. Қаршисига қараб нималар бўлаётганини идрок қилолмасди. Пастда, кумтепанинг қоқ этагидан дафтар чизикларига ўхшаган қатор-қатор ғўза эгатлари бошланиб кетган эди. Тонг қоронғисида йироқлардаги деразалардан чироқ шуъалари милтиллаб кўринарди. Қалин дарахтлар орасидан уйлар кўзга чалинарди. Ундан нарида қад кўтарган тоғ чўққиларида эса тонг қуёшининг шафақлари ўйнарди. Энг муҳими, Василий ойнадек сув йилтираб турган ариқларни кўрди. Ариқлар пахтазорни тахта-тахта қилиб кесиб ўтган эди. Эни бир қулоч келадиган ариқ эса кумтепанинг шундай этаккинасида, атиги бир неча метргина пастда оқиб ётарди.

Сахро билан курашда одамлар у билан шу ерда тўкнашиб, ёқасидан олган эдилар, дейиш мумкин эди. Муқаррибларнинг ораларида бетараф масофа йўқ — сўнг кумтепа билан биринчи ариқ бир-бирларига тақалашиб турарди.

Панаев сувга қараб югурмади. Ташналигини унутган эди. У энкайганча инсон қўли билан яратилган афсонавий жаннат жамолини томоша қиларди. Василий бу шаҳарни яхши биларди. Бу Баҳорден шаҳри. Машинада бир неча марта босиб ўтган бўлса ҳам уни бу қадар кўркам деб ўйламаган экан. Аксинча, унга чанг-тупроқ босган кўрimsизгина бўлиб кўринган эди. Чиндан ҳам каттакон йўл бўйига жойлашган Баҳорден машиналарнинг кеча-кундуз бетишим қатнаб туришидан чанг-тўзонга бурканган эди. Қизилравот, Небитдоғ, Ашхобод шаҳарларига, Арчмон курортига, афсонавий кўкаламзор Қорақалъа томонларга гиз-гиз машиналар ўтиб турар, улардан кўтарилган чанг-

тўзон, гард-ғубор дов-дарахт ва иморатларга кўнар эди. Панаевнинг хабари бор, Ашхобод билан Қизилравот ўртасидаги йўл асфальтланган, Баҳорденга эса бир неча йилдан буён тупроғи тиззага уриб билқиллаб ётган айланма йўлдан катнайдилар. Тош йўлми, кўприкми қураётган бўлишлари керак. Ана шу айланма йўлни ҳамма яхши билар, бу жой ўқдек тўппа-тўғри катта йўлнинг ҳуснига доғ эди.

Ҳозир эса Панаевнинг қаршисида чанг-тупроқ босган шаҳарча эмас, «Минг бир кеча»дагига ўхшаган кўркам қалъа турарди. У мана шу уйлар, дарахтлар, далалар ва одамлардан муттасил кўз узмаслик учун шу шаҳарда умрбод қолиб кетишга рози эди.

Василий эҳтиёт бўлиб ариқ бўйига тушди. Ариқнинг четлари қия, суви шишадек тиниқ эди. Тагидаги кум кўринадди. Василийнинг димоғига сувнинг бўйи урилди. Шудрингдек шаффоф сувнинг ўзига хос бекиёс бўйи бўлади. Унинг бўйи ҳар қандай атирдан ҳам, гулдан ҳам, ҳатто янгигина узилган иссиқ ноннинг ҳидидан ҳам ёқимлироқ бўлади. Бу бўйни ташналик жонидан ўтган одамгина пайқаши, тўйиб-тўйиб ҳидлаши мумкин. Бу монанди йўқ ҳид димоғига кираркан, Василий телбаланаёзди. У боши билан сувга шўнғиди. Бошини елкасигача сувга ботириб, қўлларини ариқ тагига тираганича, сувни ямлаб юта бошлади. Кўзлари тиниб, нафаси қайтиб кетгунча шимирди. Бошини кўтариб, худди ўкраб йиғлаётгандек қаттиқ нафас олди-да, яна ўзини сувга урди. У ичига сув тўлиб кекирдагига келгунча бошини кўтармади. Шундан сўнг Василий ариқнинг бўйидаёқ чалқанчасига чўзилди-да, бир қанча вақт беҳуш ётди. Шунда ҳам ўнг қўли сувда, сувни пайпаслар, силар, ғижимлар, гўё сув кетадигандек, йўқолиб қоладигандек чангаллар эди.

Дунёда сувдан тотли нарса йўқ — асал, гулоб, ҳар қандай шароб, шарбат, ширинлик, қизнинг биринчи бўсаси — ҳеч нарса, ҳеч нарса сув билан тенглашолмайди. Сув ўз оти билан сув! Сув тотли, худди ҳаётнинг ўзидек тотли.

Узоқ ташналикдан сўнг бу қадар кўп сув ичиш зарарли экани Василийнинг хаёлига ҳам келмаган эди. Шунча сув ичгани билан ўзини оғир ҳис қилгани ҳам йўқ. Фақат бир оз вазмин тортган эди. У салқин, тоза, сарин сув билан бирга вужудида янгидан ҳаёт барқ ураётганини сездди. Сув барча томирлари ва ҳужайраларига етиб борди. Қақраган танаси сувни мағзи-мағзига шимиб олди. Бир дақиқагина муқаддам тўхтаб қолай-қолай деб турган қони яна томирларида мавж уриб, шўх суръат билан юриб кетди.

Қовжираб, бужмайган тапаси кўпчиб, териси нам тортди, таранглашди. Пешанасидан соғлом резатер қалқди.

Хуллас Василий онадан янги туғма бўлди. Бу жуда хаяжонли дақиқалар эди. Ҳаётининг энг кўркем ва бахтиёр кунлари ҳам бу қадар ажойиб ва ғаройиб бўлиб туйилмаган эди! Василий завқ-шавқи ичига сиғмай кетган, бу дақиқаларнинг умрбод давом этишини истар эди! Аммо ўзиниш ўлимдан қутулганидан ҳар қанча қувонмасин, яна бошқа бир фикр унга тинчлик бермасди! Игорь! Игорь! Игорь!

Панаев ўрнидан турди. Ўртоғининг олдига етиб боргудек дармони бор эди. Лекин Яновскийга сувни нимада олиб борса экан? Панаев елкасидан автоматини олиб, кўздан кечирди. Сув солиб олиб боргудек бирон жойи йўқ. Панаев юк халтасини ташлаб келган, унда бари бир сув турмасди ҳам. Шаҳарчага ёрдам сўраб бораё деса — узок, ораси беш километрча келади. Яна шунча йўл босиб қайтиши керак. Игорнинг томир уриши эса ҳозир қирқдан ҳам камайиб кетган бўлса керак. Ҳар бир дақиқа ғанимат. Бутун кийим-бошини сувга бўктириб бориб Игорга сикиб берсамикан? Шундай килса ҳам бўлади.

Василий гимнастёркасини ечди. Сувни кўпроқ олиб бориш учун шимини ҳам бўктирмоқчи бўлди. Ўтириб энди оёғини ечаётган эдики, миясига келиб қолган бир фикрдан севиниб кетди — этиги бор экан! Сувни этигида олиб борса бўлади!

Панаев шу заҳотиёқ этигини сувга ботириб, сизиш-сизмаслигини текшириб кўрди. Пишиқ-пухта ҳарбий этикдан бир қатра ҳам сув сизиб чиқмади. Пойабзалини сувда яхшилаб чайғач, Панаев этикларига сув тўлатди-да, қулоқларидан ушлаганича изига қараб қайтди. Борса Игорь юзтубан ётган экан. Уни чалқанча ётқизиб қўйиб, этикнинг кўнжидан боши ва кўкрагига сув қуйди. Яновский чуқур хўрсиниб кўзларини очди. Унинг кўзлари хира, ҳеч нарсаини илғамас эди. Панаев ўртоғининг бошини кўтариб, орқасидан тиззаси билан суяди-да, этикнинг кўнжини пўрсилдоқ боғлаган оғзига олиб борди. Игорь кўзини очиб, қўллари билан сув тушаётган идишни қидира бошлади. Қўли муздек, нам кўнжга тегиб ғайришуурий хис билан идишнинг юмшоқ эканлигини пайқади-да, уни эҳтиёт билан тутиб, ютоққанча энтика-энтика ииграб, ҳикичок тутиб ича бошлади. Игорь бир пой этикдаги сувни ичиб бўлиб, бўшашиб, ўзини орқага ташлади. Бу ҳолат Василийга аллақачонок таниш бўлиб қолган эди. Бир зум тургач, энгашиб сўради:

— Яна ичасанми?

Игорь дарҳол туриб ўтирди. Шахт билан қўлларини чўзди:

— Бер!

Игорь иккинчи этикни ҳам худди биринчисига ўхшаб бир кўтаришда бўшатди. Фақат нафасини ростлаш учун онда-сонда бошини кўтарарди.

Яновский бутунлай ўзига келгач, Панаев оҳистагина шундай деди:

— Мана, етиб ҳам олдик.

Улар ортиқ гаплашиб ўтирмадилар. Индамай ўринларидан турдилар-да, сахро ёқасига қараб кетдилар.

Латиф тонг отиб келмоқда эди. Йироқда Кўпетдоғ чўққилари зарбоф тўшалгандек жилваланмоқда. Энг баланд кумтепаларида ҳам нимпушти шафақ жилоланди. Баҳордендаги теракларнинг учлари олтин найзага айланди. Мағлуб бўлган меҳрибон, мулойим куёш сахро қўйнидан чиқиб келаётган икки солдат шарафига энди табиатни безаб, ясангирмоқда эди.

Ҳамроҳлар ариқ бўйига тушиб, ўша ерда тўхтадилар. Сув ичиб, дам олдилар. Сувга тўйгач, хузур қилиб кумга чўзилдилар. Энди ошиқмасалар ҳам бўларди. Чунки бунинг сароб ёки туш эмаслигига тўла қаноат ҳосил қилган эдилар.

Кейин чўмилдилар. Таги қум ариққа чўзилиб олиб, қимир этмай ётдилар. Сув бемалол кўмиб турарди. Улар то этлари, жунжикиб кетгунча маза қилиб чўмилдилар. Сувдан чиқиб куёшда исиндилар. Оғзилари қулоқларида, бахтиёр эдилар. Гапиргилари ҳам келмасди. Бунинг ҳожати ҳам йўқ эди. Икковлари ҳам омон қолганликларидан севиниб, ўз ўйлари билан банд эдилар.

Василийнинг ўйлари соддагина эди — энди ҳамма истаклари амалга ошади: ҳарбий хизмат муддатини адо этади, сўнг заводи кучоғига қайтиб боради, кечки техникумга кириб ўқийди. Битта-яримта қизни учратиб севиб қолар. Қаердадир юргандир у қиз ҳам... Бир кун эмас-бир кун албатта бир-бирларига дуч келиб қолишар. Турмушлари қувнок, кўнгилли бўлади.

Игорь ҳам ўз хаёллари билан банд эди: «ота-онасининг бахтига омон қолди. Ҳадемай Асяни ҳам кўради. Саломатлиги ўнгангач, яна баскетбол ўйнай бошлайди. Шундай жонжаҳди билан ўйнасинки! Энди у дунёнинг хузур-ҳаловатини яхши кадрлайди! У чинакам дўст орттирди — туғишгандан аъло биродари бор. Василий билан бирга бошидан кечирганлари сира-сира ёдидан чикмайди. Василий яхши йигит экан. Қойил экан. Игорь уни куруқ, расмиятчи, деб

янглишган экан. Тўғрилиқ билан ҳаққонийлик Василийнинг қон-қонига сингиб кетган экан. Агар у бўлмаганда, Игорнинг ҳалок бўлиши турган гап эди. Василийнинг иродаси туфайли икковлари ҳам омон қолдилар.

Бирдан Яновский эслаб қолди. У аввал бу ўйларга чап бермоқчи бўлди. «Бу фикр хаёлимга нохушлигимда, ганграганимда келган эди», деб ўзини оқламоқчи бўлди. Бу омонсиз фикр миясига чиппа ёпишиб олди: «Йўқ, йўқ, сен уни ташлаб кетмоқчи эдинг, ҳатто ўлдирмоқчи ҳам бўлдинг! Сен унга дўстмидинг? У бўлса сендан жонини ҳам аямади. Сен аблаҳсан, у билан қандай қилиб ёнма-ён ҳаёт кечирасан? Қандай ботиниб юзига қарайсан? Унга нима десанг ҳамки, бари бир сотқин кимсанинг гаплари бўлади бу!»

Яновскийнинг қалбини ҳасрат чулғади. У ич-этини ерди: «Панаевга бор гапни айтиб иқроп бўлсаммикан? Бу — ўзимни одамларнинг ҳукмига топширганим бўлади. Одамлар олдида аблаҳлигимни фош қилганим бўлади. Унда омон қолганимнинг қувончи ҳам татимаydi. Кўпчиликнинг нафрати сахро даҳшатидан ҳам кўрқинчлироқ. Ҳаётим азобуқубатга айланадиган бўлса, сахродан омон чиқиб нима қилардим? Шунча машаққат чекиб нима қилардим? Ундан кўра ўша олов пуркаган соқов сахрода қолиб кетсам бўлмасмиди? Аммо бунга гапириб ўтирмасам ҳам бўлаверади-ку. Буни ўзимдан бошқа ҳеч ким билмади-ку. Чурқ этиб оғиз очмасам, изтиробларим барҳам топади-кетади».

Яновский Василийга назар ташлади. Чеҳраси кўримсизгина, ёноқлари туртиб чиққан, кўзлари жиддий. Заводда тер тўкиб ишлайдиган оддий бир йигит! «Аммо мендан кўра нақадар покиза, бакуват йигит,— деб алам билан ўйлади Игорь.— Нега бу фазилатлар меида йўқ? Машқлар бошланмасидан илгари, бир кун, мен мана шундай одамлар секретарь ёки масъул ходим бўлиб етишадилар, деб ўйлаган эдим. Раҳбарликни худди шундай одамларга ишониб топширишлари яхши ҳам экан».

Яновский Василийга разм солиб турди-да, шунча кечинмаларидан сўнг, энди илгаригидек яшай олмаслигини пайқади. Ўзига ортиқча бино қўйиш ҳисси, ўзини катта тутиш ҳисси сахрода куйиб кул бўлди. Энди бутунлай бошқача бир ҳаёт бошланмоқдаки, бу янги ҳаётга у ўшандай қабих хаёллар билан қадам қўёлмайди. Тўғри, иқроп бўлиш уят ҳам, оғир ҳам. Шундай бўлса ҳам журъат қилиши керак. Ўтмиш қолдиқларини шу сахро ёқасига ташлаб кетиши керакки, улардан яна манманликнинг сассиқ алафлари униб чиқмасин.

— Бу ердан кетишимиздан аввал мен сенга бир кабиҳ-лигимни икрор қилмоқчиман,— деди ҳаяжон билан Игорь фикридан қайтиб қолишдан қўрқиб.— Юролмайдан қолганингда сени саҳрода ташлаб кетмоқчи ҳам бўлдим... Борди-ю, топиб олсалар, айтиб қўймасин, деб сени ўлдирмоқчи ҳам бўлдим.

Панаев пинагини бузмади. Бошини ердан кўтармай, чўп билан қумга ниманидир чизарди. Игорь кутиб турарди.

— Мен буни билардим,— деди ниҳоят Василий.

— Қаёқдан билдинг?

— Кўзларингдан пайкаган эдим.

— Бўлмаган гап!

— Рост. Исбот қилиб беришим ҳам мумкин. Агар билсанг, чивин ҳам, читтак ҳам йўқ гап эди. Бу гапларни ўзим ўйлаб чиқардим. Мен сени нажот яқинлигига ишонтиришга ҳаракат қилдим. Ниятларингдан қайтардим. Лекин мен буни қўрққанымдан қилганим йўқ. Ота-онанг, Асяга ачинганимдан қилдим. Мен бўлмасам, бу жаҳаннамдан эсон-омон чиқиб ололмасдинг.

— Мендан нафратланыпсанми?

— Ҳа.

— Менинг эса сенга ҳурматим ошиб кетди. Рост!

Панаев индамасди.

— Сен билан дўст бўлиш учун нима қилсам бўлади?

— Қарашларингни ўзгартиришинг керак,— деди Василий жиддий.

— Назаримда аввалги қарашларимдан асар ҳам қолмаганга ўхшайди. Эски қарашларим саҳрода куйиб кул бўлди.

Бу жиддий, айни чоқда ўта ноҳуш суҳбатдан Яновский ўзини бирдан енгил ҳис қила бошлади. Елкасидан каттақон тоғ ағдарилгандек бўлди. Азбаройи енгил тортиб кетганидан еру кўкка сиғмас, айюҳаннос солгиси келар эди. У ўрнидан сапчиб турди-да, якин турган қумтепа устига чиқди. Қўллари боши узра силкитганча, нидо солди:

— Алvido, саҳро! Раҳмат сенга! Сени ҳеч қачон унутмайман! Сен саҳий экансан, тушундингми? Саҳий экансан! Сен менга чин дўст ато қилдинг!

II



УЛАР ҚУЁШНИ КУТМОҚДА ЭДИЛАР

Кечкурун пичанзордан қайтаётган қизлар ўтиб кетишди, қўшиқ айтмай, кулмай, чурқ этмай кўланкалардай ўтиб кетишди. Ахён-ахёнда бир-бирига урилиб кетган хаскашларининг тарақ-турукигина эшитиларди.

— Барноларингга нима бўлди?— деб ҳадиксиради прокурор, қизларнинг блузкалари ва оёқларини бамисоли ўлжадек кўздан кечиран экан. Бу нарса нечанчи ҳам бор Данило Бондаренконинг гашини келтирди.

— Уларга нима бўлди ўзи?— дея такрорлади Живонос энди журъатсизроқ. Қизлар ердан бош кўтариб, унга заррача кулиб боқмаганларига у чиндан ҳам таажжубда эди Кўнглининг бир бурчагида ўкинч туғилди: бу ерда жуда ҳам қуюшқондан чиқиб кетмадикмикан?

— Уларга нима қилибди? Сиз план билан қизикаётиб-сизми ёки уларнинг руҳлари биланми?— деди Данило яна ўзини тийиб туролмай.

Прокурор худди чўчитиб юборилган бойкушдек сапчиб тушди, бурни билан оғзининг атрофи жийрилди:

— Рух деган нарса, ахборотингиз учун айтиб қўяй, идеалистик уйдирма. Мен уларнинг маънавий-сиёсий кайфиятлари билан қизикаётибман. Сиз, ақалли шу нарсага бамаъни жавоб бера оласизми?— Данилога кўз эмас, иккита қўрғошин соққа ўқталди. У буларда ўз ҳукмини ўқиди.— Жавоб бера оласизми ё йўқми?

— Бамаъни жавоб беришим мумкину аммо ботинолмайман!— деб, район миқёсида ҳукмфармо, область миқёсида эса сермулозимат, бир оз юмшаган башарага қатъий ва аччиқ заҳарханда билан тикилди у.

— Ҳа, ботинолмасмиш! Қўрқаяпсанми, раис жаноблари!— деди Живонос қўрғошин кўзларини яна ҳам даҳшатлироқ тикиб.

— Қўрқаман, прокурор жаноблари, қўрксам қўркку-

дек! — деб юборади Данило тикка, у оғзини юмиб, тилини тишлаши кераклигини биладую буни эпллолмайди.

— О, бамаъни гапингни ниҳоят эшитдим-а!— Живонос аччигланмай, захарханда килди. У одамларнинг ўзидан кўркишларини ёктирарди. Бу унинг димоғини чоғ қилар, шундай пайтларда юмшар эди.— Хўп, қизларнинг маънавий-сиёсий кайфиятлари қалай?

— Сиёсий кайфиятлари юксагу маънавий кайфиятлари паст.

— Яна нима балолар деяпсан? Сиёсий-маънавий кайфиятни бир-биридан ажратиб бўлмайди-ку.

— Бу нарса вакилларга сиртдан яхшироқ кўринса керак.

— Қани, тушунтириб бер-чи, уларнинг кайфиятлари ҳақидаги фикрингни ҳам, уйларига нима учун кўшиқ айтмасдан қайтиб келаётганларини ҳам тушунтириб бер-чи!

— Эшитинг. Улар юксак сиёсий кайфиятларини бахтли ҳаёт учун овоз бераётганларида намоён қилишди. Аммо, қариндош-уруғларини шу ҳаётдан суғуриб олиб кета бошлаганларидан кейин эса, маънавий кайфиятлари жуда пастлаб кетди. Шу туфайли шўх кўшиқ уларнинг кўнглини тарк этди. Ҳозир унинг ўрнини ҳар дардга даво — радио босиб турибди.

— Шундай совуқ ҳазил қилаётибсизки, раис!— Живонос ясси елкаларини тушириб, яна бойкушдек сесканди-да, бўғик сўзларига худди ўқ жойлаётгандек, таҳдид оҳангини берди:— Мен сизга таълим-танбеҳ беришга яна муяссар бўла оламанми, йўқми, билолмадим сиз жуда билармон одам бўлиб кетгансиз. Аммо бир нарсани ёдингизда тутинг: бизнинг буюк давримиз ҳазилни ёмон кўради.

— Ёдимда тутаман!— деб район миқёсидаги дабдабали ҳукмфармони муросасиз назаридан кечирди Данило.— Шу нарсани ҳам ёдимда тутаманки...

— Нимани?

— Чунончи, буюк давримизга керагидан ортиқ турли-туман ипириқилар: қўшчилар эмас, экинчилар эмас, яккаш қораловчилар, судьялару эси пастлар чирмашиб, ёпишиб олишган.

— Судда ҳам худди шундай деб айтасиз!— деди жини кўзиб Живонос.

— Қиёматда ҳам айтавераман!— деди Данило қошларини мағрур чимириб.

— Аросат бўлиши турган гап!— Аччиқ кеки миясини

ҳаддидан ошириб, энг даҳшатли таҳдидларга ёпишмоқда эди.— Биз сизни қон қусдирамиз.

Шафқатсиз тошюракнинг бу сўзлари Данилони ҳангманг қилиб қўйди, унинг кўзлари ва лабларида алам ўйнади.

— Нима ҳаққингиз бор? Сиз одамсиз?.. Сиз ифлос кўлмаксиз!

Аммо Живонос энди унинг гапларини эшитмасди — гавдаси машина томон пилдираб бориб, унинг қора қобигига шиллик қуртдек кириб яширинди.

«Сен, ифлос кўлмаксан, вассалом!— дея фикран такрорлади Данило.— Унга чурқ этмай икки букиладиганлар, бамисоли чипқонга риоя қилаётгандек хушомад қиладиганлар озмунча эмас. Аммо, ҳар ким ҳам ўз виждонига туфуравермайди. Киройи, таъзим-тавозе қиладиган бўлсанг, худога қил, шунда ҳам ҳушингга келса. Бунақа деб ўйлашинг жуда созу бироқ, жонинг аллақачон ўзининг ғоявийлиги билан ҳушёрлигини кўпларнинг тақдирлари эвазига намойиш қилган ўзбошимча зўравоннинг чангалида дир-дир титраб турибди».

Машина чанг билан бадбўй ҳид бурқситиб, ғарамлар орасидан иланг-биланглаганча жўнаб қолди. Данилога эса уни ҳозирнинг ўзиданоқ жазолагани сургаб кетаётгандек туюлди. Ҳозир инсон қадрини шу қадар инсофсизлик билан ерга урган ким бўлди ўзи? Ё шу даҳшатли сўзлар дарҳақиқат бежиз эмасмикан: «Кўкда Сталин қуёши шу қадар юксалдики, ер юзида жон асари қолмади...»

— Хайрли кеч, Данило Васильевич! — деган қиз боланинг осойишта майин овози эшитилди.— Қишлоққа бормай нима қилиб юрибсиз?— Қаршисида елкасида хаскаш кўтарган қора тўриқ юзли Катря Лебеденко тўхтади. Кўз қорачиқларида ва самимий йилтироқ дудоқларида ой шуъласи латиф жилваланарди.

— Улгураман, яхши қиз.

— Улгурасизми? Биров бўлса бировга муштоқу нигорон бўлиб кутаётгандир,— дея майин янгради ёқимли овоз.

— Балки сенга ҳам биров муштоқу нигорондир?— дея муаттар оқшом зулматида яққол кўринаётган хушбичим қиз қоматини самимият ва табассум билан кўздан кечирди у.

— Энди менга ҳеч ким муштоқ эмас,— деганча титраб кетди қиз ва унинг кўзларидаги ой жилоси сўнди.

— Нима учун, Катря?— деб ташвишланди Данило.— Бирор гап бўлди ми;

Қиз бошини эгиб, қўл силтади.

— Яхшиси, гапирмай кўяколай.
— Нега энди? Балки биронта ёрдамим тегиб колар.
— Бу масалада ёрдам қидириб бўлмаса керак.
— Гапир, Катря,— деганча энди буюра бошлади Данило.

— Ўзингиз биласиз, яқинда амакимни қамоққа олиб кетишди,— деб унга алам ва ишонч билан қаради қиз.

— Нима эди?

— Стёпочка шу воқеадан кейин мен билан алоқасини узди... Чунки, у районда хизмат қилади... Яна юқорироққа кўтарилмоқчи, мен бўлсам душманнинг қариндоши эканман, бу унинг характеристикасига доғ бўлиб тушармиш.

— Юрагига ҳеч қандай доғ тушмасмиши?— Данилонинг қаншариши шиддатли қизиқ кесиб ўтди.

— Юракни характеристикага ёзишмайди.

— Унда, сендан юз ўғиргани жуда яхши бўлибди, Катря. Куёнюрак аблаҳ эмас, лочин йигит ўз Катрясини топиб олади. У Стёпочка сени ақалли қўлида кўтариб юрганми?

— Йўқ, йўқ!.. У камқувват!— деди қиз уялганча.

— Хўп, сени оқшом юлдузим ёки тонг юлдузим, деб атаганми?

— Вой, йўғ-а! У юлдуз деган нарса йўқ, улар — жисм, дейди! Мен юлдузларнинг жисм бўлишини хоҳламайман. Бу жуда хунук.

— Тўғри, жоним! У сени ақалли, булбулми, қалдирғочим, кабутарим, деб атаганми?

— Унақа ҳам деганмас. У кўпроқ товук топшириш масаласида гапиради... Яна сиёсат билан халқаро аҳвол тўғрисида гапирарди. Бу нарсаларга у жуда яхши тушунади.

— Унда Стёпочканинг омади келган экан. Борди-ю, олдинга келиб қолгудек бўлса, уни калтак биланми, косов биланми, ўклов биланми — қўлингга нимаки тушиб қолса, шу билан уриб ҳайда! Сен, дарҳақиқат бизнинг чақнаб турган портоқ юлдузимизсан, у бўлса — сиёсатдон, ахтаҳўроз, вассалом!— Данило Стёпочкани масхара қилди. Катря рансга ҳайрат ва миннатдорчилик билан тикилди.

— Биз бўлсак прокурорга «ахтаҳўроз» деб от қўйдик.

— Прокурорга-я? Нима учун?— дея чехраси очилиб кетди раиснинг.

— Гавдасига қараб. Аммо, сиз, Данило Васильевич, у билан ёжиллашаверманг — у ёмон одам. Унга шартта-шартта жавоб қайтараверманг, чунки сизни шартта қора қон

қақшатиб қўйиши мумкин. Сиз бизга жуда керакли одамсиз. Ҳамма шундай дейди.

— Раҳмат, меҳрибоним!— деб қиз қўлини икки қўллаб ушлади.— Бугун шундай очилиб кетибсанки...

— Вой, гапингизни қаранг-а,— дея Катря ийманиб жилмайди-да, яшил-кумушсимон оқшом зулмати қўйнида ғойиб бўлди.

«Маликанинг ўзи-я!»,— деб ўйлади Данило.

* * *

Хорғин, сеҳрланган даштга шундай сукунат чўккан эдики, гўё пастда бошоқларнинг шивирлаётгани, тепадан шабнам билан ой ёғдуси ёғилаётгани эшитилаётгандек. Намхуш ёвшан билан ёш жавдарнинг атри орасидан мудрок чирмовиқ ҳиди келиб қолар, унинг латиф бол тотига осуда уваларнинг талх аччиғи омухта бўлар эди.

Данило оқиш жавдар билан илк зарҳал уртилган бугдой туташган жойда тўхтаб, бошоқдаги сўлғин чирмовиқ гулини узиб олди. Кафтида унинг пушти пўстли жингиртоб танаси ёш қатралари билан копланди, ҳар бир қатида шу қадар ғусса акс этиб турардики, яна инсоний кулфатлар ёдига тушиб кетди.

Лаънати муаммолар, лаънати ҳасратлар ва аламлар ўрнидан кўзғалди: улар ҳар томондан мияга кириб келиб, у ерда жаноза ҳам, аза ҳам ўтказмоқда эди. Энди қалб билан кўзини на сабий бошоқларнинг шивири, на осуда юлдуз тўзонлари, на ой ёғдуси ёмғири қувонтирарди. Ой ёғдуси ҳарир-кумуш ранг далаларга, йирокдаги уйларга ёғилгани-ёғилган, одамлар уйқу ололмаганида, уларни аллалаб ухлатар, ер азоб чекканида унга таскин берар, ғаллаларга ўзининг сўнгги мадорини бахш этиб, ғаллакорларнинг эса тинкаларини қуритар эди.

«Буларнинг ҳаммаси: газеталардаги ахборотлар ҳам, йўллардаги «машъум машиналар» ҳам, макону масканлардаги фарёдлар ҳам, худди уруш вақтидагидек кўпайиб кетган қанчадан-қанча аламдийда бевалар ҳам ҳаммаси балки даҳшатли бир тушдир холос?.. Одамга бамисоли бут чопиб, гўр казиб қўяётгандек қадалиб тикилувчи шунчадан-шунча шафқатсиз кўз қаёқдан йириб-йиртиб чиққан ўзи? Гапини қара-я, у мени қон қусдирармиш. Холбуки, биз уни қутлуғ нон билан боқаётибмиз».

Яна олдида қўрғоқшидек кўзлар намоеън бўлди, юраги

совуқ бир нарсаининг шарпасини сезгандек ивишиб кетди. Кошки уни маҳкам сиқиб, ундаги дард-аламларни ситиб чиқариб ташласа. Афсуски, бу дард-аламларни тарк этиш унинг измида эмас-да!

Жавдар ёрасида нимадир шитирлаб, йўлга пилдираб кирпитикан чиқди. Унинг намхуш игналарида чил-чил ой нури жилоланарди. У одам соясида бир лаҳзагина тўхтаб, пишиллаганча хидлаб кўрди-да, четлаб ўтиб буғдойзорда ғойиб бўлди.

«Сен кирпи, илондан юзларча игналар билан жон сақлайсан, одам ўз илонидан қандай қилиб жон сақлаши керак? Ҳатто бошинингга бир кулфат тушгудек бўлса, шунда ҳам чор атрофга олазарак бўлиб гаплашадилар. Эҳтиёткорлик! Қанчадан-қанча бошлар шуни қора тортиб яшамоқдалар...»

Қишлоқ ерлар бориб тугайдиган чорраҳада йиғирманчи йили терлама одамларнинг умрига завоёл бўлиб уларни қабристонга ташмоллаган кезлари ўрнатилган эски бут қорайиб турарди. Аллақачонлар эрдан чиқиб кетган бу бутда кўкиш замбуруғ тангачаларидан бошқа ҳеч нарса бўлмасди. Ҳозир Данило унда сулги осилиб турганини кўрди. Қайси жабрдийда қалб эгаси осуда йўллар чорраҳасига ўз эҳсони ва илтижоси билан келди экан?

Бут ҳурмати эмас, тангри ҳурмати эмас, кимнингдир чеккан азоб-уқубатлари ҳурмати, йиғит бошидаги картузини олди, унинг ғуссали кўзларига ой нури тушди. Шабада эпкинидан сулги хилпираб кетди, ундаги нақш этиб тикилган ишқ кабутарларига жон кирди. У буларни қаерда кўрган эди? Улар аҳду вафо, пок муҳаббат ҳақида кимга роз айтган эди? Ўша муҳаббатдан, ҳасрат-надоматдан ташқари нима асар қолди?

Кабутарларнинг остида ҳозир одамларга мурожаат қилинганда қўлланилмайдиган антиқа ёзув янгигина бир парча кесакдек қорайиб турарди. Данило сулига қўл чўзиб, унда «Худоё банданг Иванни ўзинг ёрлақ», деган илтижо сўзларини кўрди. Сулги юлқиниб, кабутарлар ундан ўзларини олиб қочдилар. Аммо Данило осуда йўллар чорраҳасига ким ўз дарди-алами билан келганини аллақачон пайқабган эди. Бу Софья хола, одамларга арз-доди етмай, худога илтижо билан келган, ўзининг серкаш Иванини худонинг бандаси деб атабди. Агар буни Иваннинг ўзи билиб қолса, озмунча жиғибийрон бўлиб сўқинармиди? Аммо, билиши ҳам маҳол, амримаҳол! Ишқ кабутарлари яна оламга

ўлик замбуруғ кўзлари билан боқаётган бутга чор-ночор ястанинди.

* * *

Татарский броднинг нарёгидаги кишлоқча янги ой нурида қорайиб ва йилтираб кўринарди. Водийнинг илиқ кафтига биқиниб олган кишлоқча уйқусираб, шилланган уйларни, тим қора теракларни ва эскириб кўкиш бўлиб қолган қудуқ ҳавозаларини тебратди. Кишлоқча даҳанасидаги жўхори, ёшроқ, бўйдорроқ, мағрур кунгабоқарлар эса худди славян қўшиндек шарққа томон қалқон тутиб туришар эди. Сув ойнасида уйларнинг акси тебранмоқда. Уларнинг тепасида бошлари пастга қараган пайнов лайлақлар мудрамоқда. Аллақаяқлардадир, тим қоронғи боғларда ёш-яланглар бир-бирларига роз айтмоқдалар. Шляховларнинг кўча эшиги сирли ғижирлади, қиз боланинг хушчақчақ овози эшитилди, унга жавобан дадил-бўғиқ майин овоз янгради:

— Яхши қолсинлар! Сен, ҳалиги кўнглингга тагин бошқа нарсалар келиб юрмасин... Стёпочкадан хотиржам бўл — Стёпочка маданиятнинг икир-чикирларигача хабардор...

Кўчага ғизиллаб велосипедчи чиқди. Данилони кўриши билан дастлаб рулга бошини эгди-да, қия қаради, кейин нимжонгина кўлини кўтариб, идора бошлиғига таклидан бош силкитди:

— Салом бердик, Данило Васильевич!

Гарчанд Бондаренконинг кайфияти похуш бўлса-да, ҳар қалай, калтафаҳм, аммо айёр бу тирмизак модабозни тўхтатди:

— Сен адашиб қолганинг йўқми, Стёпочка?

— Менми? Ҳи-ҳи... Нима килди, йўлни билмас эканманми? — деб бир оёғини ерга туширди.

— Кечқурунги йўлинг Катерина томонга олиб борувчи эди шекилли?

Стёпочка елкаси оша Шляховларнинг кўча эшигига эҳтиёткорона кўз ташлаб оқди-да, охистагина чайналиб гапирди:

— Биласизми, Катерина ваҳидан ишқал чикиб қолди. У чунончи, ҳар томонлама олиб қаралганга ҳам, талабга жавоб берадиган ёқимтойгина қиз, яна ва ҳоказо. Аммо, сиз пухта раҳбар сифатиде...

тамга доғ тушириб кўйиши мумкин. Аини бир фурсатда мен учун анкета деган нарса ҳазил гап эмас: Стёпочка гоёвий бўлмоқчи, Стёпочка партияга киришни хоҳлайди...

— Партия ҳам сени хоҳлайдими?

— Ҳозир шунча душманлар чиқиб турган пайтда мадад кучлар билан ўрин тўлдириб турилмаса, бўлмайди. Мен буни жуда тўғри чамалаб кўрганман: биров партиядан чиқариб юборилса, Стёпочка партияга киради.

— Аллақачон чамалаб ҳам кўрибсан-да,— деб совуқкина қаради у Стёпочканинг муғомбирона умид барқ уриб турган лўппигина юзига. «Бу ифлос ҳар қандай гоёни ҳам ҳаром қилади. У нимаси билан Катрянинг бошини айлантира олди экан?..»

— Хотирингиз жам бўлсин, мен тўғри чамалаб кўрганман,— дея ишонч билан уқтирарди Стёпочка.

— Унда хотиржамман,— деб кўзларини сузди Данило.— Хўш, аммо Шляховларни анкетанга доғ туширмайди, деб ўйлаяпсанми?

— Йўқ, бунақаси кетмайди!— деб кўйди Стёпочка кимнингдир овозига тақлидан.

— Ажаб эмас, шундайдир, кетмаса кетмайдигандир. Сен ҳали эл-юрт Шляховларни кўча-куйда нима деб атаб чақиришини эшитмаганмисан?

— Кўча-куйда? Подшолар денг? Ҳали шунақами?— деркан миясига келган қандайдир фикрдан Стёпочканинг оқиш кўзлари бежо ўйнади.

— Умуман ҳеч гап эмасу аммо, бу Романовлар сулоласи билан алоқадор, деган овозлар юрибди.

— Шунақа овоза юрибди, денг?— Стёпочка бир нарса чақиб олгандек, сапчиб тушиб, эшик томонга ваҳима ва хавотир билан қараб кўйди-да, кейин велосипедни нарироққа олиб кетди.

— Текшириб кўр, яна фалокат босиб подшо бўлиб қолиб, чет элдаги ҳамма душманларимизни севинтириб юрма тагин. Уларнинг бунақа номзодларга суяги йўқ.

Стёпочка ниманидир мулоҳаза қилиб башарасини буриштирди, кўлини яғринига олиб борди, Данило эса ўзини тутиб туролмай, кулиб юборди.

— Ўзим ҳам ўйловдим-а, ҳазиллашаётгандирсиз, деб,— Стёпочкага жон кириб, ялтоқланганча хиринглади.— Яхши колсинлар!

Бу калакачидан қандай йўл билан, нима қилиб ўчини олиши кераклигини ўйлаганича, Татарский брод томон

қараб жўнади. Э-ха, Стёпочка ёлгиз ўзи қолганда, ўз бад-хоҳларига шунақанги жавоб қайтара олардики, бу уларнинг етти ухлаб тушларига ҳам кирмаган бўлиши мумкин эди. Стёпочканинг дастхати ҳам бирон кори-қолига асқатиб қолиши мумкин: айна ҳозирги фурсатда ҳаёт аҳмокона ҳазил эмас, курашдан иборат. Стёпочка қурбақадек гердайиб, шумшайиб олди, лаблари аламдан чўччайиб, яна ҳам юпқароқ бўлиб кетди.

* * *

Мирославанинг бутун кўрасини матиола ҳиди тутиб кетган эди. Раҳна олдидаги қора гилосдан йирик шудринг қатралари томчиламоқда, уларнинг сасига ер ҳам жавоб қайтармоқда эди. Уй эшиги гичирлаб очилиб, бўсагада сочлари сув парисининг сочларидек паришон, хушбичим қиз намоён бўлди.

— Данилко, нега мунча ҳаяллаб қолдинг?— дея шивирлади қиз аразлагансимон ва қувонч билан остонада турганча тебранаркан, ўзи билан бирга ёйилган сочлари ҳам тебрланди.

— Соғиниб қолдингми?

— Уяти йўқ!— деганча қиз лабларини чўччайтириб юзини эшик раҳига ўгириб олди.

Шу кунлар мобайнида кўрган-кечирганлари туфайлими, ёинки бошқа бир нарсаданми Данилонинг кўксига қизга нисбатан, унинг ишончи ва поклигига нисбатан самимий миннатдорчилик туйғулари жўш уриб келдики, ҳатто мижжаларининг остигача ачишиб кетди. Муҳаббатларига машъум кўланка соя солиб турганини, ҳатто таҳдид қилай деб турганини у билмайдимикин... «Буларнинг оқибати нима бўлар экан...» Ёрига тонг шафағига боққандек тикиларди, кейин эса, худди ундан паноҳ истаётгандек уни шундай қучоқлаб бағрига тортдики, Мирослава қўрқиб кетди:

— Данилочка, сента нима бўлди? Ўлим олдидаги одамларгина шундай қучоқлайди-ку... Вой, мен лақма нима деяпман ўзи? Мени қўрқитиб юбординг.

— Ҳозир ҳаммамиз ҳам қўрқиб қолганмиз,— деди йигит, ўйчанлик билан йироқ тун худудига боқаркан, хўрсиниб юборишига сал қолди.

— Овқатланганмидинг, Данилко?— деб қиз унинг кўксига бошини қўйди. Йигит эса унинг сочларини тутамлади.

— Ўроқчилар билан овқатланган эдим.

Улар харир ой нури ҳовурига чўлғагандек туюлаётган

уйга кирдилар. Данило кизни енгилгина кўтариб, уни йўл-йўл рўйжо ёпилган ўрнига эҳтиёт билан ётқизди-да, энгашди.

— Бахтимга сендай шунақа мард, очик кўнгил йигитнинг борлиги қандай яхши,— деб жилмайди ва хўрсиниб кўйди Мирослава. Йигит уни силамоқчи бўлган эди, бирдан машина гудогини эшитиб қолди. Бундан нега шунчалик хавотир олди? Гудок кучайиб, деразалардан шуъла тушди, ромларнинг туташган жойлари майишганча хуркиб, девор ва шифт бўйлаб ёйилиб кетди. Данило ўрнидан сапчиб турди.

— Сен нега бунча ташвишланаяпсан?— деб таажжубланди Мирослава.

— Ҳечқиси йўқ,— дея гарангсиб тикиларди йигит машина гулдирашидан зириллаётган деразаларга. «Тўхтайдими, ё тўхтамайдими? Ўтиб кетди. Менга нима бўлди ўзи?»

У Мирославага яна энгашиб, унинг юминқираган кўзларига тикилди:

— Оламда сендай энг ардоқли қизнинг борлиги ҳам қандай, қандай яхши!

— Энг ардоқли, дегин?— бахтиёрликдан қизнинг овозида ҳамшиша оналик меҳрининг сирларини эслатадиган майин оҳанг янгради, бу йигитни доим ҳаяжонлантирарди.

Улар ҳовлида кимдир оҳиста одимлаб юрганини ҳам, чўчиб кетган гилосларнинг фарёд чекиб шудринг тўкканини ҳам, ернинг ғижинганини ҳам эшитмай қолдилар. Муҳаббат, ёшлик ва тун эртаги уларни маҳлиё қилиб қўйган, чунки ҳозир ёруғ дунёда ҳам, қоронғи дунёда ҳам уларнинг икковларидан бошқа ҳеч ким йўқ эди.

Аммо, мана деразага бойкушдек қора бир қўл келиб кўнди, ойна сесканиб жаранглади.

— Вой, ким у?— деганча полга дик этиб сакраб тушди Мирослава. Орқасидан ой нуридек сочлари лип этиб тушди.

— Данило Бондаренко сизникидами?— деган таниш овозни эшитди йигит, аммо овоз эгаси бу ерларда нима қилиб юрган экан?

Югуриб чиқсинми?.. Данило пардани кўтарди, ойдин кеча худди кўзларига кириб олмоқчи бўлгандек, устига бостириб келмоқда.

Қўл борган сари инод билан деразани чўкийди:

— Гражданка Сердюк. Данило Бондаренко сизникидами?

— Ким бу? — деб Мирослава кўрққанча Данилога тикилади.

— Колхоздан келган битта-яримта бўлса керак, — деб алдайди у кизни.

— Шу ерда, меникида, — деб енгил тортиб нафасини бўшатади Мирослава.

— Ҳовлига чиқсин.

— Бу нима бўлди, Данилко? — киз қалбига яна ташвиш ёпишди.

— Ҳечқиси йўқ, ҳечқиси йўқ, — деб қалтираётган кўллари билан кизга таскин берарди йигит. Миясидан эса бир фикр сира нари кетмасди: «Бу қандай бўлди? Наҳотки мени энг яхши дўстим қамоққа олса?»

— Чикма, Данилко, мен кўрқаяпман! — деб Мирослава уни кўллари билан ушлаб олди, йигит оstonага қадам кўйганида.

— Шошма, жоним... кўй, ўзингни бос, мен ҳозир қайтиб кираман. Менда биронта иши борга ўхшайди, — деб кизни ўзидан йироқлатди. Киз гандираклаб кетиб, мажолсизгина эшик раҳига суяниб қолди. Йигит эса юраги пўкиллаганча уйдан чиқди.

Бўсағадаги сояда кўлида наган ушлаганича Гарматюк эҳтиёт бўлиб турарди. У янги камарини гижирлатганча олдинга қадам ташлади-да, бегона, қарахт овоз билан юзига тикка гапирди:

— Данилко, сен қамоққа олиндинг.

Юлдуз тўфони қалкиб кетиб чир-чир айланди, у билан осмон, дарахтлар, бўғот ҳам, кўланкалар ҳам устига бостириб келмоқда. Уларни кўли билан тўсиб қолмоқчи бўлдию аммо бу уни кўл кўтараётгандек кўрсатиб кўйиши мумкин эди.

— Нима учун?

— Ҳозир ҳамма шундай деб сўрайди... Ҳамма душманлар.

Бу зарба, бу даҳшатли сўз унинг иродасини шартта бўлиб, яна жамлади. Осуда даштларнинг ғуссаси, аждодларнинг ғуссаси унинг сабр қосасини тўлдириб юборди.

— Наҳотки сен, сен ҳам ишонсанг бу нарсага? — дея дўстининг кўзларига худди ўз қалбига разм солгандек тикиларди: уларда болалик ва ёшлик йиллари хотиралари учқунларини чақнатоқмасмикан, икковларини иноқлаштириб мадад берган садоқат туйғуларини алангалатоқмасмикан? Аммо, Гарматюкнинг кўзларида, пешанасидаги ажинларида ўз мулоҳазалари ҳам, бегоналарнинг мулоҳазалари

хам ётарди.— Демак, машаққатли пайтларда сенинг дилинг ҳам илонга ўхшаб пўст ташлаб, туллар экан-да?— деб юборди у алам ва нафрат билан.

— Ҳозир менинг дилимга тақилма — бусиз ҳам вайрон бўлиб турибди,— деганча қовоғини баттарроқ уйиб олди Гарматюк.

Эшик ланг очилиб, Мирослава ўзини Данилонинг кўксига ташлади.

— Айт, сенга нима учун келишибди? Нима учун?

Гарматюк орқасини ўгириб олиб наганини яширди.

— Ўзингни бос, Мирослава. Шаҳарга бориб келишим керак,— Данило ҳатто жилмайиб, унинг сочларини силади. Улар унга яна муаттар бўйини уфурармикан?

— Кечаси-я?— деб қиз унинг кўзларига тикилмоқчи бўлди, йигит эса ундан кўзларини олиб қочди.

— Ҳа, станцияга машиналар келибди, сен эшикларни танбалаб қўйма, мен ҳадемай қайтиб келаман, эшикларни бекитиб қўйма.

— Ростданми?— қувонч қизнинг кўз ёшларига барҳам берди.— Мен бўлсам, ташвишланиб юрибман,— қиз унга кўзлари билан ҳам, лаблари билан ҳам гуноҳкорона жилмайди.— Бўлмаса, мен кутаман.

— Кут, Мирослава,— деб у қизни оҳистагина даҳлизга киритиб юборди. Нимага орқа қилди экан? Қиз эшикни ёпиб кириб кетгач хўрсинди-да, Гарматюкка гириҳ тишлари орасидан гапирди:— Кетдик.

Мирослава уйининг орқагинасида шабнам қўнган қора кумук бол тотини анқитмоқда. Унинг нарёғида кунгабоқарлар бамисоли славян қўшинидек шарққа томон қалқон тутиб турар, улар қуёшни кутмоқда эди. Данилонинг уларга ҳаваси келди: у энди истиқболида қуёшни кўрмас — қуёш орқасида қолиб кетган эди.

Улар индамай йўл бўйида тўхтадилар, Данило кунгабоқарга қўл узатди. Унда кундузи меҳнат қилиб чарчаган ари дам олмоқда, унинг шаффоф қанотларидан ойдин катра думалаб тушмоқда эди.

— Машинанг қани?— дея лабларини ямлаб, нафрат билан қаради кечаги дўстига. Унисининг юзи совуқ тердан тиришиб, чаккасидаги кўк томирча тўлғаниб юлқинмоқда эди.

— Данило, ростини айт: билмайсанми, пайқаётганинг йўқми, сени нима учун...

— Душманлар каторига тиркаб қўйинганинимми?— деб

кескин лукма ташлади Данило.— Биламан, пайкаб турибман.

— Наҳотки?— дея яна ҳам тундлашиб кетди Гарматюк.

— Шаллақи Живоноснинг олдида ҳам, карахт ернинг олдида ҳам икки юзламалик қилгим келмагани учун, ер бошида ишлайдиган одамлар бармоқларини чайнаб қолмай, нон чайнашларини хоҳлаганим учун, донни музлаб ётган гўрдай ер қаърига ташламай, кун исишини пойлаб Живоноснинг графигини бузаётганим учун. Мана, энди менинг графигимга назар сол,— деб далаларни кўздан кечирди у.— Душман одам ўз кўли билан шундай буғдой, шундай жавдар, шундай қора кумук, шундай кунгабоқарлар етиштириши мумкинмиди? Сен шунга ишонасанми? Ўзинг ҳам ер бошида меҳнат қилмаганмисан? Ишонасанми?

— Ишонмайман, Данило,— деб оҳиста жавоб берди Гарматюк. У наганини қинига солди, гандираклаб кетиб, дўстини кучоқлаб олди, юзини унинг юзига қўйдию аммо ўпмади.— Энди бор, Данило, билган томонингга, бошинг оққан томонга қараб кет... Борди-ю, қўлга тушиб қолсанг — унга чап бериб қочдим, де. Худди шундай дейсан. Шарманда қилиб қўймайсан-а?

— Мен сени ҳеч қачон шарманда қилганмидим?.. Ҳозир шундай қилаётган бўлмасам. Сен нима қиласан?

— Бир амаллаб баҳона топаман. Орамизда ҳеч қачон қонли адоват бўлмасни. Бор..

Данило ҳамон бир ишониб, бир ишонмай, уйлар билан уларнинг тепаларидаги лайлақлар тўнкарилиб турган Татарский брод анҳорига қараб кетди. Кўприкда орқасига ўгирилиб қаради: дўсти кунгабоқарлар олдидан аллақачон ғойиб бўлган эди.

Янка МАВР

НЕЧУН?

М. Л.нинг порлоқ хотирасига бағишлайман.

У етти ёшда, мен эса ундан эллик ёш катта эдим, лекин у билан кезлашиб қолган чокларимда қоматимни ростлардим. У оддий зирк хивични миниб келаётган бўларди, у билан учрашиб қолганда шу одатим: шу сўзларни айтардим:

— Отинг жуда гижинг экан-а!

У «Кекса бўлса ҳам бемаъни гапларни айтаётибди» деб

ўйлаётгандек теран ва синчков кўзлари билан жиддий тикиларди. Дарҳақиқат, бемаъни гап айтдим, бундай бола билан бошқачароқ сўзлашиш керак, деб ўйлардим. У эса, «Хайт!» деб отига қамчи босганча елиб кетарди. Ўзи қатори етти ёшдаги болаларнинг бири...

Кичкина боғча. Қуёшда кўланкалар жимирлайди. Пашшалар гингиллайди. Шу бола бурчакдаги скамейкада ўтирганча алланимага диққат билан кулоқ солади. Нимага кулоқ солаётган экан? Ҳар ҳолда уй орқасидаги машиналарнинг гулдираши, трамвайнинг жангир-жунгирлашига, ҳовлидаги болаларнинг шовкин-суронига бўлмаса керак.

Шу кичкина бурчакда у ўз дахлсизлигини сақлаган табиатнинг нафасига кулоқ солади. Бола тилла тўшли пашшанинг гингиллашини, боши устидаги чумчуқнинг чирқиллашини, япроқларнинг шитирлашини тинглайди. У гуллар, ўтлар, буталар, турли-туман қўнғизчалар, курт-қумурсқаларни кўради... Булар бир-бирларини тушунсалар, ўз тилларида гаплашсалар керак.

Мана энли япроқ устида яланғоч яшил курт ўрмалаб кетмоқда, тараддулланганча гизиллаб кетмоқда, афтидан, бирон ёққа ошиқаётганга ўхшайди. У япроқнинг четигача ўрмалаб келиб тўхтади, кейин иккинчи япроққа ўтишга йўл қидириб ярим белигача кўтарилди-да, гавдасини биланглата бошлади.

Миша куртга раҳми келиб, уни сербарроқ япроққа олиб қўйди. Кузатишга берилиб кетганидан анчадан бери чақираётган онасининг овозини ҳам эшитмасди. Онаси қўлида ликопча билан чиқиб уни эркалаб ва қучоқлаганча: «Овқатингни е, Мишенька!»— дея пичирлаганидагина боланинг хуши жойига келди.

Мишанинг диққати еяётган овқатидан бутунлай четда эди. У шу муҳим масалани ечиш билан овора эди: курт қанча жойгача ўрмалай олар экан? У шу ердан дарёдаги кўприккача ўрмалаб бора олармикан?

Бу саволни онасига берганида онаси уни қучоқлаб кулиб юборди. Бундай саволларга кўникиб қолган эди. Мишанинг елим қозога ёпишиб қолган пашшаларни учириб юборганини неча марта кўрган. Миша пашшани эзиб қўйишдан қўркиб, уни авайлаб «кўчирар», кейин кафтига қўйиб дераза олдига олиб борар эди. Қопқонга тушиб қолган сичқонни ташлаб келишни ҳеч кимга ишонмас, уни ўзи ҳовлига олиб чиқиб... қўйиб юборган эди.

— У энди бизникида турмайди, мен уни узоққа ташлаб

келдим, омборда яшай қолсин, — дея осойишта жавоб берарди Миша, катталар уни койисалар.

Баҳор кезларидан бирида Миша қордан кучук топиб олди. Кучук рамақижон, лекин кўзлари очик, тийрак эди. Миша уни куҳ-куҳлаганча кафтлари билан иситиб, кўйнига солди-да, севинганча уйга олиб келди. Онаси бай-байлаб, «Кучукни ташлаб кел», — деди. Лекин Миша «Агар кучукни иситсак, унга дарров жон киради», — деб туриб олди. Миша кучукнинг ўлаётганига ишонмай, омборда унга иссиқ ин ясади, латта-путтага ўради, ёнига бир ликопчада сут кўйди, лекин кучук ўлиб қолгач, уни омбор орқасига кўмиб келди. Витя зўр бериб Мишага тирхишлик қилар, қалтак ўқталар, унинг кўкрагидан ушлаб тортар, уришга тиришар, лекин Мишанинг юзига қўли етмас эди. Миша эса Витянинг қўлини бамайлихотир четлатиб, шу гапни такрорларди:

— Бу жуда ёмон иш! Бундай қилиш уят бўлади, айб бўлади! Ёмон болалар шундай қилади.

— Мен уларни кузатиб, наҳотки бу бола шу қадар ожиз, кўрқоқ бўлса, деб таажжубланган эдим.

Орадан сал ўтмай, Мишанинг кучда ҳам, ёшда ҳам ўзига тенгдош бола билан бўлган тўқнашувини кўриб бу саволимга жавоб топдим. Рақиблар қоидадагидек ташлашишар, Миша довюрақлик билан ҳамла қилар, чап берар, турли-туман «ҳарбий ҳийла»лар ишлатар эди. Демак, Миша ҳаммага эмас, ўзидан кичиклар ва кучсизроқларгагина ён берар экан. Хуллас, у кичкиналар билан уришмас эди.

Отаси уйдан чиқиб кетаётиб Мишани бағрига босиб ўпди. Отасини кузатгач онаси уйни узоқ вақт айланиб юрди, ўғли ёнига келиб, уни кучоқлади, Мишанинг юзига иссиқ ёш томчилари думалади.

Шаҳар устида эса аллақачонлароқ фашистлар пайдо бўлган, Миша сўнгги ойлар ва кунларда булар ҳақида анча-мунча гаплар эшитган эди.

Миша билан онаси аллақандай чуқурларда бир неча соатлаб ўтиришарди. Улар билан бирга бу чуқурларга қанчадан-қанча хотинлару болалар ҳам яширинишарди.

Самолётлар эса бомба ёғдиришдан тўхтамасди. Шаҳарда ўт тушган уйлар тобора кўпайиб борарди. Миша онасининг тиззасида ётганча, учиб кетаётган самолётларга қарар, уларнинг атрофида савам-савам пахтадек оқ булутчалар пайдо бўлар эди. Самолётлар эса доим тарақларди: та-та-та, та-та-та!..

Лекин қўққисдан қичқириб юборди-да, боши борган сари оғиб туша бошлади. Оқ кўйлакчасида қизил доғлар кўринди... Атрофдагилар қичқириб юбордилар:

— Соняга ўқ тегди! Соняга ўқ тегди! Бола бечора ўлиб қолди!

Миша болаларнинг ўйинларида «ўлди» деган сўзни кўп марта эшитган, бу сўзни ўзи ҳам айтган, лекин ўлимнинг бу қадар жўнлигини ҳеч вақт ўйламаган эди.

Кейин улар йўлга чиқиб қолдилар ва машинага тушдилар. Машина сал юргач тўхтади. Одамлар сакраб-сакраб тушиб, ҳар томонга қочиб кетдилар. Шунда Мишани илк марта кўрқув босди. Фашистлар уларни изидан қувиб қидирса керак... Лекин шу лаҳзагача гарангсиб, бўшашиб турган ойиси энди бирдан ўзгариб, унинг кўлидан ушлади-да, бутазорга чопди, кейин буғдойзорга, кейин ўрмонга югурди.

Шундан кейин сарсон-саргардонлик бошланди. Улар га-дойларга ўхшаб қишлоқдан-қишлоққа ўтдилар, гоҳ омборларда, гоҳ уйларда тунадилар. Атроф жимжит, осойишта, гўё ҳеч нарса бўлмагандек эди.

Бир неча кундан кейин улар Мишанинг аммаси тура-диган қишлоққа етиб бордилар.

Аввал улар аммасиникида меҳмондек туришди. Мишанинг Стёпа ва Таня деган аммаваччалари бор эди. Болакайнинг назарида ҳамма кўрқувлар барҳам топган, уруш аллақачон тамом бўлгандек туюлган эди.

Аммо қишлоққа бутунлай бошқача хабарлар келиб турарди. Немислар Минскни ишғол қилибди. Борисовга, Могилевга етиб бориб, темир йўл станцияларию район марказида фашист қўшинлари жойлашиб олганмиш.

Ниҳоят, уларнинг қишлоғига ҳам немис солдатлари кириб келди. Улар аҳолини талаб, деҳқонларнинг молини бир неча аравага ордилар, ҳамма товукларни йиғиштириб изларига қайтдилар, лекин ўзлари оқсоқол тайинлаб қолдирдилар ва аҳолига унга итоат қилишни буюрдилар.

Миша немисларни кўрмади. У ойиси билан улардан яширинди.

Тез орада улар ўз кийимларини ечиб, деҳқонча кийим кийишди. Мишага бу ҳатто қизик кўринди. Сарик куртка, чувринди узун чолвор ва қулоғи осилган қулоқчин унинг қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди. Фақат кўзлари қадимгисидек қора ва теран, юз ифодаси ҳам илгаригидек

жиддий эди. Ойиси оқ дурра ўраганидан кейин жуда чиройли бўлиб кетди.

Миша онасини жуда севарди. Айниқса, ҳозир у билан доим қизиқ ишлар қиладиган отаси йўқлигида қаттиқ севарди. Лекин ҳозир отаси узоқда; у фашистларнинг адабини бераётибди. У фашистларни йўқ қилгандан кейин яна топишадилар. Ҳозирча эса сабр қилиб кутиши керак.

Улар маҳаллий аҳолидан бирон нарсада бўлса-да, фарқ қилмасликка тиришдилар. Ойиси дала ишларига чиқар, Миша эса деҳқон болалари нима қилса, шуни қилар эди.

... Шундай қилиб одамхўр Ирод подшоҳ ўзининг аскарларини бутун чақалоқларни ўлдиргани жўнатибди. Аскарлар бутун мамлакатга тарқалиб кўзлари тушган ҳамма чақалоқларни ўлдира бошлабди, кўзга кўринмаганларини топмасдан кўймай, уларни ҳам шундай ўлдиришибди. Нинни болаларни оналаридан айириб, уларнинг бошини тошга уриб мажақлашибди. Шу йўсинда улар Ирод подшоҳнинг амри билан ўн минг чақалоқни ўлдиришибди...

Саксон яшар Корней бобонинг овози кескин янграр, тингловчиларни сескантириб юборар эди. Тингловчилар эса болалар бўлиб, уларнинг орасида Стёпка, Таня, Миша ҳам бор эди. Улар тошдек қотиб туришар, нафас олишга юраклари дов бермас эди. Ҳа, Герад шу экан-да! «Герад» деган қарғиш сўз уларнинг қулоғига кўп чалинган, лекин бунинг шунча болаларни нобуд қилган подшоҳ эканлигини билмас эдилар.

— У болаларни нима учун ўлдирган?— дея аранг юрак бетлаб сўради Миша.

— Нима учун бўларди, азбаройи ёвузлигидан-да, чунки у тошюрак, виждонсиз, одамхўр эди. Мана ўшандан буён минглаб йиллар ўтди, лекин ер юзидаги одамлар уни ҳануз эсларидан чиқаролмайдилар.

Шундан кейин Миша Ирод подшоҳ ҳақидаги ҳикояни, унинг болаларни шу қадар ашаддий ёвузлик билан жазолаганини ўқтин-ўқтин эслайдиган бўлиб қолди. Фашистларнинг ҳамма ерда яхудийларни топиб ўлдираётганлари, катталарни ҳам, болаларни ҳам ўлдираётганлари ҳақидаги хабарлар тарқалганида айниқса кўп эсларди. Миша, катталар ойиси билан алланималар тўғрисида гаплашиб хўрсинишларини, Миша яқинлашса, гапни тўхтатишларини ўқтин-тўқтин сеза бошлади. Қўшнилари у билан онасига ғоятда ачиниб қарайдиган бўлдилар. Салдан кейин қўшни болалар унга фашистлар район марказида ҳамма яхудийларни отиб

ташлаганини айтдилар.

— Сенинг ойинг яшириниши керак, — дейишди улар. — Сен яширинмасанг ҳам бўлади.

Кейин ўйлаб кўриб, кўшиб қўйишди:

— Балки яширинишинг керакдир? Ким билади дейсан!..

Ўзига ёпирилиб келган саволлардан Мишанинг боши ҳам айланиб кетди. Умри бино бўлиб бундай нарсаларни эшитмаган эди. Онасининг яхудий эканлигини, унинг Алеся аммасига ўхшамаслигини билар, ахир бунинг нима фарқи бор, деб ўйларди.

— Ойи, — деб сўради у, — фашистлар бизни ўлдирмоқчи эмиш, шунинг учун биз улардан яширинишимиз керакми? Шундайми?

— Шундай, жоним болам.

— Нега?

— Буни уларнинг ўзигина билади.

— Улар сизни ҳам, меңи ҳам ўлдиришмоқчимми?

— Шундай бўлса керак. Лекин аввал мени...

— Сиз уларга нима қилибсиз?

— Афсуски, мен уларга ҳеч нарса қилолмадим.

— Улар ҳозирча унга тегмай туришибди.

— Нега унга тегишмайдию фақат бизга тегишади?

Гап нимада эканлигини катталардан ҳар ким билавер-маса, ёш болага нима деб жавоб бериш мумкин эди? Онаси чалкаш жавоб берди, лекин аввалгиларидан ҳам мураккаброқ саволлар унга дўлдек ёғилди:

— Хўш, яхудийларнинг бошқалардан фарқи нимада? Нега сиз яхудийсизу, дадам яхудий эмас. Мен яхудийманми, ё яхудиймасманми? Одамлар яхудийлар билан яхудиймасларга қандай қилиб ажралган?

Онаси Мишани кучоқлаб шундай деди:

— Бехудага бошингни қотирма, жон ўғлим, катта бўлганинга тушуниб оласан. Ҳозирча эса яшириниб, кутамиз. Вақти келиб бизникилар фашистларни ҳайдашади, даданг қайтиб келади — яна боягидек турмуш кечирамиз.

Бир неча кундан кейин уйга бутун оила, қўшнилари ва қўшниларининг болалари йиғилди.

— Фашистларнинг ҳамма яхудийларни тутиб йўқ қилаётгани энди аён бўлди, — деди Алеся амма. — Демак, келинимиз билан унинг ўғли, бола яхудий бўлмаслигига қарамай, хавф остида. Биз, келинимиз — украин, исми Христина деган қоғоз топдик. Миша эса унинг ўғли эмас, бизнинг ўғлимиз бўлади. Стёпа билан Таня, ёдларингизда тутинглар, Миша — ўз укаларингиз, Сарра холан-

гизни Христя хола деб атанглар. Шу бугундан бошлаб уни хаммамиз шундай деб атаймиз. Бегона одамларга, айниқса, бир суриштира тилларингдан гуллаб кўйманглар. Эсларингизда бўлсинки, сизларнинг бир оғиз сўзингиз уларнинг ўлимига сабабчи бўлади.

Корней бобо уни қизгин қувватлади.

— Орамиздан биронта ҳам бундай бағритош чиқмаса керак. Хавф-хатар болалардан бўлиши мумкин. Тилларингга эҳтиёт бўлишларинг керак, тушундингларми, болалар?

— Тушундик!— дея бараварига жавоб бердилар Стёпка, Таня ва иккита кўшни бола.

— Бу сирни эҳтиёт қиласизларми?

— Ҳа! Ҳа!

— Бундан ташқари: бошқа болалардан ҳам бохабар бўлиб, уларга ҳамма гапни тушунтириб қўйинглар. Шунақа гаплар бошланиб қоладиган бўлса, катталарингиз кичикроқларингизни четга олиб чиқиб кетинглар...

Миша билан онаси учун янгича ҳаёт бошланди. Ҳамма уларга илгаригидан янада меҳрибонроқ, янада ачиниbroқ қарай бошлади, улар эса ўзларини ҳаммадан ажралиб чиққандек ва бутунлай ўзгача кун кечираётгандек ҳис қилар эдилар. Онаси кўпинча Мишани бағрига босиб, унга эслатар эди:

— Менга қара, Мишенька, бировларнинг олдида мени ойи деб юрма! Борди-ю, менга бирон ҳодиса бўлса, чунончи, мени ушлаб олишса, ўшанда менга ҳатто қайрилиб қарама ҳам...

Миша унга ўйчан катта кўзларини тикиб оҳиста дерди:

— Мен бари бир сиз билан бирга қоламан.

Онасининг ваҳимаси келиб қўлини силтарди:

— Йўқ, йўқ, ундай дема! Кераги йўқ! Сен менга бирон ёрдам беролмайсан, ўзинг бекорга нобуд бўласан. Сен яша-шинг керак. Дадангга етишиб оласан... ҳамма иш жойида бўлади.

Ва у кўзёшларини ўғлининг ёшлари билан қўшиб йиғлар эди.

Хавф эса борган сари яқинлашарди. Фашистлар илгариги оқсоқол ўрнига бошқасини юбордилар. Полицайлар пайдо бўлди, уларни фашистлардан баттар дейишарди. Ким бўлмасин бир оғиз бир нима деб қўйса борми — Миша билан онаси ҳалок бўлиши муқаррар эди... Лекин ҳафталар ортидан ҳафталар ўтиши билан вақт ўтар, уларни ҳеч ким чакмас эди.

Мишанинг назарида атрофларида даҳшатли бир нарса

бўлаётгандек эди. Доимо «анавилар» яқинда изғиб юргандек, у билан ойисини қидираётгандек, булар тўғрисида кўни-қўшнилардан бор гапни суриштираётгандек, туюларди. Бир куни кечаси эса Миша қичқирганча ҳаммани уйғотиб юборди: туш кўрса, аллақандай солдатлар уни шартта ушлаб Ирод подшоҳга сургаб олиб кетганмиш!..

Алеся амманинг уйи олдига юк машинаси келиб тўхтади. Кабинадан немис чикди. Унинг ортидан кузовдан икки полицай сакраб тушди. Учалови физиллаганча уйга кириб келди.

Уйда Мишанинг ойисигина ўтирар эди. Алеся оғилхонада эди, у немисларни кўриши биланоқ уларнинг орқасидан уйга югурди. Унинг орқасидан болалар югуришди, Миша ҳам югурди. Болакайнинг юраги тез-тез урар, озгин юзи унникқан, тиришган эди. Миша фашистлардан яшириши кераклигини билар, лекин уйда ойиси бор эди. Ахир у ойисини ёлғиз ташлаб кўя олармиди?

— Вэр ис дас?— дея сўради немис қамчиндастанинг учи билан Мишанинг онасини кўрсатиб.

— Сен кимсан?— деб такрорлади полицай.

Жувон кўрқиб кетганидан тили гапга келмади. Аксига олиб у бошяланг, шу сабабли ҳам белорус дехқон хотинга ўхшамас эди.

— Сен ким бўласан?— деб яна ҳам дағдаға билан сўради полицай. Сарра жавоб беришга улгурмади, Алеся кириб келди:

— Тегманглар!— дея қичқирди у.— Бу менинг келиним, Христина!

— Жухудми?

— Йўк, украин. Мана ҳужжати.

— Ёлғон!— дея бақирди полицай, ҳатто қоғозга қарамай.— Унинг жухудлиги бизга маълум. Ўғли ҳам бор. Қани ўғли?

Болалар остонада туришарди. Полицай ва немис уларга караганида болалар даҳлизга қочдилар.

— Унинг ҳеч қандай ўғли йўк!— деди Алеся.— Истаган кишидан сўранглар.

Даҳлизга аллақачон халойиқ йиғилиб қолган эди. Биринчи келганлардан бири Корней бобо эди. У муштумига йўталиб, гапирди:

— Ҳурматли жаноблар! Айтишим керакки, биз кўни-қўшнилар уни яхши биламиз, у украин. бунни тасдиқлайдиган ҳужжати ҳам бор...

Аммо немис эшитгиси ҳам келмади, у хотинга қамчини билан ишора қилиб, чиқишни буюрди.

— Қани бўл! Ўша ерда аниқлаймиз!— дея бақирди полицаёй.

Хотин чурқ этмади. У гапириш фойдасиз эканлигини биларди. Агар унга келган эканлар, у яҳудийми, украинми, ё арманми — уларга бари бир. Яхши ҳамки, ўглини топишга ҳаракат қилаётганлари йўқ. Булар бола унинг ўгли эканига ишонч ҳосил қилмаганлар, ё бу ишни унча аҳамиятга эга эмас деб ҳисоблайдилар. Улар фикрини ўзгартириб қўймасдан илдамлаш керак! Уларни бу ердан тезроқ олиб чиқиб кетиш керак!

У наридан-бери йиғиниш хонадан чиқди. Олдинда — немис, орқада иккита полицаёй. Икки тарафда одамлар туришибди — бировлар хўрсинади, бировлар йиғлайди, яна бировлар муштумини тугади. Одамлар орасида Мишагина турибди... У шу ерда, яқингинада, она ҳозир унинг ёнидан ўтади, ҳатто унга қўлини тегизиши ҳам мумкин. Аммо йўқ, қараши мумкин эмас!..

У машинага чиқди.

У билан бирга икки полицаёй ҳам чиқиб, ёнига ўтирди. Немис кабинага кирди. Мотор гулдиради. Ҳозир она билан бола умрбод айриладилар. Ҳеч бўлмаса бир марта, фақат бир мартагина боласининг азиз юзини кўрса!.. Мана унинг ўзи!.. У кўрқув ва изтироб тўла катта кўзлари билан онасига тикилади. Алеся аммаси уни кучоклаб онасидан пана қилмоқчи бўлади — қани энди! Ойиси у ёқдаю Миша нега энди бу ерда бекиниши керак? Ойисиз туриб бўлар эканми? Номаълум бир куч болани олға силтади.

— Ойи! Ойи! — деган қичқириқ эшитилди.

Онаси сесканиб кетди, ўғлига қараб талпинди, лекин бирдан ўзини тутиб қолиб, юзини ўгирди-да, бошқа томонга тикила бошлади.

Ўнлаб қўллар Мишани ушлаб, уни машина ёнидан олиб кетишга уринди. Лекин вақт ўтган эди. Немис: «Вас? Вас», дея қичқириб кабинадан отилиб чиқди, кузовдан полицаёйлар сакраб тушдилар.

— Қани, ўглини бу ёққа беринглар-чи!— деб бақирди улар.

Онаси қўлини силтаб алам билан қичқирди:

— Бу менинг ўғлим эмас! Мен бу болани мутлақо танимайман!

Лекин даванги полицаёйлар Мишани кузовга иргитишган, бир минутдан сўнг она ўглини каттиқ кучоклаб ўпар.

Миша хузур қилар, гўё ҳамма ташвишлари барҳам топгандек, улар учун бахтли ҳаёт бошлангандек эди.

Пастаккина узун барак. Баракда одамлар кўп. Кексалару ёшлар, аёллару болалар. Мишага ўхшаган болалар кўп. Бу болалар бақириб-чақириб, елиб-югуришни яхши кўрганлари учун одатда бир жойда ўтиролмайдилар. Лекин улар бу ерда осойишта, ювош бўлиб қолган эдилар. Улар чопиб ва қийқириб юра олмасдилар.

Миша билан ойиси бурчақдаги тақир сўрида ўтиришарди. Ойисининг эски тивит рўмоли сақланиб қолган эди. Улар шу рўмол билан бошларигача бурканиб ётишар, ойиси овозини чиқармай, эртак айтар, кўпдан-кўп эртак айтиб берар эди. Шунда Миша баракни ҳам, очликни ҳам, атрофда бўлаётган ҳамма нарсани унутарди.

Кулар, ойлар ўтарди. Аҳвол жуда қийинлашиб кетганда ойиси Мишанинг анчадан бери тароқ тегмаган бошини силаб шундай дерди:

— Ҳечқиси йўқ, Мишенька, яқинда енгил тортамиз. Биз мана бундай ўтирамыз, дунёда бўлаётган ишлар парвойимизга келмайди. Кейин бизни олиб чиқишади, чуқурнинг ёқасига ўтқазиб, бизга ўқ отишади. Лекин сен кўрқма — ҳеч қаерингни оғритмайди. Сени биров тош билан ургандек бўлади, бошинг айланиб кетади — кейин ухлаб қоласан. Соня қандай ухлаб қолгани эсингдами?..

Миша буни яхши эслар, эди. Демак, у ҳам ўшандай бўлар экан-да? Ойиси бу тўғрида шундай осойишта, бамайлихотир гапираётган экан, бунинг қўрқадиган жойи бўлмаса керак. Ахир ойиси билмасдан гапирмайди-ку?

... Мана ўша кун ҳам келди. Оппоқ соқолли чолларни, ёшларни ҳам, Мишадекларни ҳам, жуда кичкиналарни ҳам йиғдилар. Кишилар инграр ва йиғлар эдилар. Аммо Мишанинг ойиси йиғламас, гўё ҳеч нарсани сезмаётгандек, пайқамаётгандек эди.

— Ойи, энди бизни отгани олиб кетишяптими? — деб сўради Миша, гап худди оддий нарса устида бораётгандагидек оҳанг билан.

Йўлга тушдилар. Атрофни автомат ушлаган немислар ўраб олган. Йўлда «ҳозирча тегмай турилган» одамлар учрайди. Улар ҳали немислар учун ишлаб туришибди. Кейин уларни ҳам шундай йўқ қиладилар. Улар сафда кетаётганларга алам ва даҳшат билан тикиладилар.

Янгигина қазилган каттакон чуқур лабига келдилар. Фа-

шистлар ҳаммани бир қаторга тиздилар. Кейин ечиниб, кийимларини яхшилаб тахлаб қўйишларини буюрдилар.

Миша немисларнинг уларга қарши пулемёт тўғрилайётганини кўрди.

Лекин буларнинг биттаси ҳам кўркинчи эмас эди. Дахшатли қичқириклар, йиғилар, қўлига чақалоғини кўтариб олган, ёлғиз ич кийимдаги, сочлари тўзғиган новча озғин хотин бундан кўра кўркинчироқ эди. Ўша хотиннинг кўзлари-чи!

Хотин бирдан хахолаб кулиб юборди, боласини чуқурга ташлади ва сакрай бошлади. Худди шу пайт яна аллаким ваҳима ичида ғайриоддий қаҳ-қахлаб юборди.

Онаси Мишани шундай бағрига босдики, у ортиқ ҳеч нарсани кўрмади, фақат онасининг юраги ларза билан дукиллаб ураётганинигина эшитди.

— Кўркма, жон болам, ҳозир биз ухлаб қоламиз,— деган оҳиста овоз эшитди у.

У шундай қилиб осойиш топдики, чини билан ҳам ухлагиси келди...

Шу пайт унинг кўкрагига, кейин бошига кучли зарб тушди ва ойиси билан икковлари аллақаякка учиб тушдилар.

Кейин унинг боши айланди ва ортиқ ҳеч нарса ҳис қилмади...

Илья ГУРСКИЙ

СЕМЁНИХА

— Шундай қилиб райижроком раиси Кругликовнинг олдига кириб,— дея ҳикоя қиларди эрига Семёниҳа, қўлини иягига тираганча,— «Қани, чироғим ваъда қилган сигирингни бер», дедим.

«Хўш сен ким бўласан?— деб сўради у мендан.— Сени танимайроқ турибман. Ҳеч қачон сенга сигир ҳам ваъда қилган эмасман. Бу районда ишлай бошлаганимга икки ҳафтагина бўлди».

«Ҳали танимаяпсизми?»— дедим,— Семёниҳа эрига муғомбирона қараб, кулиб қўйди. Семён ҳам куракдек ялпоқ сариқ соқолига тикилиб жилмайди: у хотинининг гапига индамайгина қулоқ солиб турарди. Семёниҳа сўзлайётганида Семён унинг гапини бўлмасди. Хотинининг худа-беҳуда гапиравермаслигини биларди.

«Мен дубровинолик Семёниҳа бўламан, нахотки унитган бўлсангиз?»— дедим раисга.

«Мен сени ҳатто кўрган ҳам эмасман» — дейди.

«Менга янги уй қуриб бермадиларингми ахир?» — дедим.

«Хўш, нима экан? — деб банд одамдек кўриниш учун қошини чимирди. — Дубровинода фақат сенгагина янги уй қуриб берибмизми? Ҳаммага ҳам қуриб берамиз. Девордаги лойиҳани кўряпсанми? Бу ер майдон бўлади, мана бу жойда Заслоновга ҳайкал ўрнатилади. Бу — қишлоқ совети. Буниси — мактаб. Бу ерда — болалар боғчаси, бунда эса ҳаммом. Дубровиноликлар фашистларга қарши яхши урушишди, мана ҳозир хўжалик ишларига ҳам аҳиллик билан киришишди. Москвадан Минскка келаётганлар ҳам, Минскдан Москвага кетаётганлар ҳам Дубровинода Заслоновни зиёрат қилиш учун, Заслонов юрган, жонини қурбон қилган ерда одамлар қандай яшаётганини кўриш учун Орша яқинида тўхтайдилар. Дубровина кўкаламзор шаҳар бўлади».

— «Ростданми?» — дедим.

«Лекин ҳозир бари бир сигир бермайман», — деди у, менга эътибор бермаётгандек кўриниш учун яккаш газетага тикилади, лекин кўзойнаги устидан менга ўқтин-ўқтин қараб қўяди. Мен ундан кўзимни узмайман. Бир вақт аччиғланиб бармоқлари билан столни черта бошлади. Менга нима? Мен гапимда туриб олдим. Кўринишидан у анча очиқ-кўнгил одамга ўхшайди, лекин қабулга келганларнинг ҳаммасига бир хил жавоб бериш жонига теккан бўлса керак. Мен кирмасимдан бурун кабинетидан бир тўп хотин-халажлар чикди, уларнинг орасида дубровиноликлари ҳам бор эди.

«Нега менга ҳозир сигир бермайсиз? — деб сўрадим. Ахир тарғилгинамни бригадаларингизга ўз қўлим билан олиб бориб берган эдим-ку. Шохи битта бўлгани билан сутни кўп берарди. Мен ўшанда Заслоновга: «Омон бўлсак бир-биримизда қолмас. Биз бу касофат кетгунча сутсиз ҳам кун ўтказармиз», деган эдим. Костя оға ўшанда шундай деган эди: «Сигирингиз учун раҳмат, хола, йигитчаларимни бир оз боқай, қорни оч аскар — аскар бўлармиди? Ваъда бераман, Семёниха хола, душманни енгишимиз биланок, сигирингни қайтарамиз. Борди-ю, мен қайтаролмасам, йигитчаларим қайтаришади, одамларнинг қарзи зиммамизда қолмайди». Заслонов менга шундай деган эди-ку?»

«Деса дегандир, — деди Кругликов, лекин афтидан бу гапга ишонмагандай эди. — Семёниха хола, ўшанда партизанларга сигир олиб келган ёлғиз сенгина эмас эдинг».

«Албатта ёлғиз менгина эмас эдим,— деб гапига кўшилдим.— Дарҳақиқат, партизанларга кўп одамлар ёрдам беришди, бир бурда нонларигача баҳам кўришди».

— Ана кўрдингми!— деб у кўзойнак кўндирилган, қирғий бурнини кўтарди.— Сал кутишга тўғри келади. Бирдан ҳаммага етказиш маҳол. Мен ҳаммадан аввал бир оилага сигир беришим керак, улар ўн бир жон, ҳаммалари ҳам фашистларга қарши жанг қилишган. Бундай оилага сигир бериш керакми?

— Керак,— дедим.

— Бу хизмат кўрсатган оила,— деб гапга тушиб кетди у, ғаладондан бир қоғоз олиб кўрсатди.— Бир ўгиллари панфиловчи бўлган. Москва бўсағасида жанг қилган. Немис қаергача борганини эшитгандирсан? Уни ўша ерда тўхтатиб, улоқтириб ташлашди. У ерда озмунча фашистнинг ўлиги қолгани йўқ. Тўғрими?

— Тўғри,— дедим.

— Иккинчи ўгиллари Сталинград бўсағасида жанг қилган. У ерда душманга шундай қирон келтиришдики, шундан кейин ўзини ўнглаб ололмади. Буниси ҳам аён бўлса керак?

— Аён,— дедим.

— Учинчи ўгиллари Орёл-Курск ярим доирасида курашган, у ерда фрицларнинг роса тортигини беришди. Ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайдими-я?

— Бўлмайдими,— дедим.

— Тўртинчи ўгиллари Ленинград бўсағаларида мерганлик қилиб фашистларни тустовукдек қийратган. Бу ҳам ҳазил гап эмас-а?

— Вой, бўлмаса-чи?

— Бешинчи ўгиллари — партизанларнинг генерали. Унинг солдатлари гитлерчиларни тумтарақай қилиб тирақайлатган. Бу ҳам ҳазил гап бўлмаса керак?

— Ҳазили бор эканми?

— Олтинчи ўгиллари Берлинга ҳужум қилган қабиҳ фашистларни тор-мор этишга ёрдам берган. Ахир бу ҳам кичкина гап бўлмаса керак?

— Бўлмаса-чи!

— Еттинчи ўгиллари — танкчи, душманининг орқа томонига дадиллик билан ёриб ўтган. Бир қизлари — учувчи, лекин иккинчи қизлари ҳали тетапоя бўлса ҳам, катта бўлганида опасидан қолишмаса керак. Бизда хотин-қизлар — катта куч.

— Ҳа, куч бўлганда ҳам ҳазилакам куч эмас!

— Ота-оналари жанг қилишган: оналари партизанларга нон ёпиб бериб турган, дейишади, отаси минёрлик қилган экан. Райижроком мажлисида бу оила тўғрисида кўп гап бўлди. Афсуски, ўзим улар билан ҳали шахсан танишган эмасман-да. Хўш, шуларга сиз сиз бермай бўладими?

— Йўқ, рад қилгани тил ҳам бормаиди,— дедим.

— Ана кўрдингми?— деди у.— Сен бўлсанг икки гапнинг бирида обидийда қиласан... Йиғи деган нарса дарров кела қолар экан-да... Мен сенга, сизнинг қайтариб берамиз, дедимми — қайтариб берамиз. Заслоновнинг сўзи, сўз, агар у шундай деган бўлса,— мен учун қонун.

— Йиғлашимнинг сабаби бошқа, чирогим,— деб жавоб бердим.— Менинг ўғлим Павлик ҳам Москва бўсағасида жанг қилган, у ҳам қайтиб келмади.

— На чора,— деди у шиддат билан,— ғалабага осонгина эришмадик.

— Қизим ҳам самолёти билан ёниб кетди,— дедим.

— Семёниха!— деганича у ўрнидан турди,— сен унча куйнаверма. Иккинчи навбатда сенга ҳам сиз сиз берамиз. Ҳозир эса ҳеч иложи йўқ.

— Майли,— деб кўндим.

— Биз,— дейди у,— сизнинг биринчи навбатда қаҳрамон она Степанида Александровна Корчикка беришга қарор қилдик.

— Кимга, кимга?— дея қайта сўрадим.

— Степанида Александровна Корчикка,— деб такрорлади у.— У чинакам қаҳрамон. Шунча болани вояга етказиш ҳазил гап эмас. Сен бекорга бош чайқаётибсан, Семёниха. Мана, унинг тўғрисида газетада ёзилган гапларни ўзинг ўқиб кўр. Машҳур хотин. Балки сен уни танирсан?

— Танийман, танийман: Степанида Александровна Корчик — мен ўзим бўламан, мен қаёқдан қаҳрамон бўлай?

— Сиз Степанида Александровна Корчикмисиз?! Нега илгарироқ айтмадингиз?— деганча раис яйраб кулди.— Мана газетани ўқинг. Сиз «Оналик шухрати» ордени билан мукофотланибсиз. Кўрдингизми? Табриклайман!

— Раҳмат,— деб жавоб бердим.

— Боринг, Степанида Александровна, ўзингизга сиз танланг. Ўтган ишга салават, кунбўйи миямни ғовлатиб юборишди, ҳаммалари ўзларингиз — аёллар.

— Дадаси, энди оғзимиз оқарадиган бўлиб қолди. Болаларни курук кутиб олмайдиган бўлдик,— деб ҳикоясини тугатди Семёниха ва қувона-қувона кулди.— Лекин Семёнигинам, сиз челагимиз йўқ-да.

— Ҳечқиси йўқ, Степанида Александровна,— дея жавоб берди Семён соқолини силаб,— башартики сигирлик бўлиб-миз, челақсиз қолмасмиз...

1946

Гарегин СЕВУНЦ

ОШИҚ ЧАШМАСИ

I.

Бобомнинг муттасил шилдираб оқувчи шаффоф жилға бўйидаги эски боғи ҳануз кўз ўнгимда. Бир ерда азамат ёнғоқ, нарироқда сув устига эгилган мажнунтол билан нок, улар ёнғоқнинг илдизларини яланғочлаб буларнинг новдалари остидан физиллаганча оқиб ўтаётган хушчақчақ жилға билан ўйнашаётгандек. Ёнғоқ эса ерга шу қадар чуқур томир отганки, у бепарво: тинмагур жилғага юқоридан лоқайд назар ташлаганча бамай-нихотир чайқалиб мудрайди. Жилғанинг шахдам сувлари унинг олдидан гоҳ дарахтлардан узилиб тушган япроқларни, гоҳ тўрғайнинг патини, гоҳ ўлан ёки гулни оқизиб ўтади. Биз болалар ҳам жилғага кўпгина нарсаларни оқизиб юборар, лекин уларни қаёқларга олиб кетишини билмас эдик.

Биз боғ билан қирғоқдаги супанигина яхши билардик, у ердаги текис ялангликда оқут билан шотут, нок, олма, олхўри ўсарди... Супанинг нарёғида тоғ ёнбағри бошланиб кетарди; унда ҳали жилға ўтказилмасидан анча бурун (жилғани бобомнинг ўзи қазиган эди) гилос билан олча, ундан баландроқда эса то тоғнинг тепасигача қулупнай, парманчак, ёввойи тоғ олча ўсиб ётарди... Улардан кўпини бобом кўчириб ташлаган, бу жой ялангликка айланиб, унда гуллар, гўзал Ватанимнинг серҳашам гуллари қалашиб кетган эди.

Тоғдан боққа югуриб тушар-тушмасимизданоқ бизни анвои гуллар билан пишиб турган қулупнай қаршилаб, қутларди. Бизни кўз ўнгимизда гир-гир айланаётган, ҳатто елкаларимизга қўниб олай деяётган капалаклар ҳам қутларди... Бу ердан биз бобомнинг жилғаси бўйига физиллаганча тушардик. Унинг ёқасидан қатор-қатор мева дарахтлари бошланиб кетарди. Биринчи дуч келган тутга чиқиб олиб, роса тутга тўярдик-да, иштиёқ билан йироқларга тики-

лардик. Каттакон боғ бизга бир жаҳон бўлиб туюларди, биз ўзимизни шу жаҳоннинг хўжайинлари деб ҳис қилардик. Бу жаҳонни биз учун бобом бунёд этган эди. О, эсласам, қанчадан-қанча ардоқли хотиралар!

Бибимнинг гапига қараганда илгари боғнинг ўрни яккам-дуккам чангал босган шўх тупроқли ер экан. Дарахтларни бобом эккан экан. Ундан қўшнилари ҳам ўрнак олишибди; улардан кўплари аллақачонлар вафот этиб, боғлари билан яхши ном қолдирганлар. Улар қадимий ерни парваришлаб, уни тошлардан тозалаб, тоғ ёнбағирларини катта-катта мевазор боғларга айлантирганлар.

Биз ҳар куни роса тўйиб, тўла саватларни кифтимизга кўйганимизча инқиллаб-синқиллаб уйга қайтардик. Мана биз тоғ сиртидамиз. У ерда бобом қоянинг соясига ўтириб, атрофимиздаги манзарани бургут нигоҳи билан кузатарди. Йироқда ботиб бораётган кўёш нурлари остида Баргушат дарёсининг жимир-жимир сувлари марвариддек жилваланар, ўнг ва сўл томонларимизда бўлиқ заррин бошоқлар товланар, гўё келинчақлар Сюникнинг улуввор тоғларидан эсаётган сокин шабадага қуюқ таъзим қилиб, соллана-соллана ота уйларига кетаётгандек эди. Тоғларимиздаги поёнсиз дараларда боғлар ёйилиб ётар, сон-саноксиз қуш галалари учиб юрар эди...

Қўшни боғлардан чиққан сўқмоқлар бобомнинг боғидан тоғ сиртига олиб борадиган бизнинг сўқмоғимизга келиб кўшиларди. Бобом сояда ўтириб, бирга тушиб келиш учун кўшнилари кутарди. Тоғма-тоғ юра-юра ҳориб чарчаган кўшнилари қора терга тушганча болалари билан етиб келишарди. Дам олгани бизнинг ёнимизга ўтиришарди. Бобом гап бошларди:

— Бу ошиқнинг жойи. Одам ҳориб, чарчаб шу ерга келса — кўнгли дарров ором олади.

Қўшнилари кулиб, таажжубланишарди:

— Юзга кирибсан-у, ҳали ҳам ишқ дейсан, чамаси, кундан-кунга яшараётганга ўхшайсан, Акопжон бобо.

Бобом ҳам муттасил шундай деб жавоб берарди:

— Офтоб ерни қанча қакратмасин, унинг бағрида бари бир нам сақланиб қолади, кўнгил ҳам бамисоли шундай: минг қаригани билан унда бари бир ишқ ўти ўчмайди.

Бибим ҳам ҳазилга йўйиб унга дашном бергувчи эди!

— Яна осмонни фалакка чиқиб олиб ишқингни эслаб кетдингми? Болалар чанқаган, тур, кетайлик!

— Хўп, ундай бўлса, туринглар, кетайлик!

Биз қишлоққа тушиб келардик.

Бир куни бобом боққа кетаётиб хачирга белкурак билан мисранг ортди-да, бибимга шундай деди:

— Назаримда, Арутюннинг қизи, боғимизнинг нарёғидаги тоғнинг чўққисида ётган тошнинг тагида каттакон чашма борга ўхшайди.

— Бўлса нима,— деди бибим,— бу ернинг тоши метиндан каттик, кучинг етмайди.

— Ҳеч гап эмас,— деди чол ўй суриб,— сув бўлса бас!

Шу суҳбатдан кейин кўп вақт ўтди. Бобом боғдаги ишини тугатиб, мутгасил тоққа чиқарди-да, мисранг билан метин тошни тешгани-тешган эди. У тинка-мадори қуриб, кекса кўлларига қалтироқ киргунча ишларди. Ўткинчилар сўрашарди:

— Нима қилмоқчисан, Акопжон бобо?

Бобом қаддини ростларди.

— Ошиқнинг чашмасини қидираётибман. Бу манзаранинг гўзаллигини қаранглар! Кимки кўрса — ишки тушиб қолади. Бу ерда ўтириб хайрат билан томоша қилсин. Сувдан ичса юрагининг чанқоғи босилади.

Кўплар бу сўзларни ҳазилга йўйиб кетарди. Бир кун кўшнимиз Енгибар сўраб қолди:

— Сен ҳазиллашаётибсанми, Акопжон бобо ёки чиндан ҳам сув чиқармоқчимисан?

Бобом унга таажжуб билан тикилди.

— Биз ҳаммамиз бу тоққа мадоримиз тугаб чиқамиз, ташналик тинкамизни қуришиб, сув ичгимиз келади. Бир куни шундай ўйга келдим: «Мана биз тезроқ пастга тушишга ошиқамиз, ахир битта-яримтанинг бу гўзал манзарани узокроқ томоша қилгиси келиб қолар-ку — қаёққа ошиқадим? Демак, ошиқилганда ҳам сувга ошиқилади. Бу жой бўлса йўлнинг ёқагинасида, одамлар сув ичиб чанқоғини боссин. Мени эслашса худо хайрларини берсин; эслашмаса — яна худога ҳавола».

Қояни тешиш қийин эди. Кўпинча мисрангнинг учидан ўт чақнарди, бобом эса ишлашдан тўхтамасди. У ўйиб очган арк нусха чуқур ичкарилаб борарди. Узлуксиз мисранг уравергандан яғринни тер босганидек — ниҳоят нам кўринди. Аммо, 105 га кирган бобом ишини тугатолмади. Тоби қочиб, ётиб қолди. У наMATга чўзилганча туйнукнинг тагида ётарди. Авваллари бобом пашинасини қил елпигич билан кўриб ётди. Оппоқ соқоли кўксини қоплаб олган

эди. Ниҳоят, шу қадар мадордан кетдики, қил елпиғични кўтаришга чоғи ҳам келмай қолди. Мажолсиз чол туйнукдан бир парча осмонга тикилиб ётарди.

— Эҳ, Арутюннинг кизи, бу дунёда ушалмаган орзум қолмадию ошиқнинг чашмасини очолмадим-да.

— Ундан кўра ўзингни ўйласанг-чи,— деб таъна қиларди бибим.

— Ўйлаб нима қиламан? Ошиқнинг чашмасини топмоқчи эдим у кучим етмай қолди-да. Аттанг!

Ажал остонага келган охири куни бобом менинг номимни тилга олибди. Қўлимдан етаклаб унинг олдига олиб киришди. Бобомнинг кўзлари менга меҳр билан тикилди, у базўр шивирлади:

— Мен ўлаётиман, неварагинам, сен ошиқ чашмасини ёдингдан чиқарма.

— Мен йиглаб юбордим, у кўзларини юмиб сўзида давом этди:

— Чашмани, ошиқнинг чашмасини ёдингдан чиқарма...

Бу унинг охири сўзлари эди.

3.

Биз етим қолиб, ҳаммамиз чуваб кетдик. Қаерларда бўлмадим, нималарни кўрмадим, қишлоқдан эса йироқлашиб кетдим: у ерда ҳеч кимим йўқ эди. Аммо ҳамма ерда ва ҳаммиша бобомнинг сўзлари ёдимда эди. Йиллар ўтиб кетмоқда, сочимга оқ тушиб қолган бўлса ҳам бобомнинг васиятини ҳали адо этганим йўқ, деб ўзимни койирдим. Виждонан азобланардим.

Ниҳоят, бундан уч йил муқаддам, уруш вақтида госпиталда ётиб чиққач, ўн беш кунга отпусқа олиб, бобомнинг ўлим олдидаги васиятини адо этмоқчи бўлдим.

Шундай қилиб йигирма беш йилдан кейин қишлоққа кириб келдим: у ерда мени хурсандчилик билан қарши олишди. Мен бор гапни қишлоқ советининг раисига айтдим. У қаҳқаҳлаб кулиб юборди:

— Вой, азиз дўстим-эй, атиги уч ой бўлади, бобонгни чашмасини шундай булоққа айлантирдикки, ҳамма ҳайратда.

Шу куниёқ ўша томонга қараб жўнадик.

Кўрсам: чашманинг ёнидан айланиб ўтадиган сўқмоқнинг ўрнига автомобиль қатнайдиған кенг йўл тушибди. Қоянинг рўпарасида — арк нусха ёдгорлик, кўкимтир

тошнинг тўрт жойидан чашма отилиб турибди. Тепасида зарҳал ёзув:

«Ошиқ чашмаси.

19... йилда Акопжон Элизбарян томонидан ошиқлар учун очилган.

1943 йилда колхозчилар кенгайтириб, ёдгорлик ўрнатишган»:

Мен энгашиб сувдан ичдим, тошни ўпдим ва улуғвор тоғларга назар ташладим; сердарахт боғлар қулф уриб турар, йироқда Баргушат дарёси жилваланар эди, бирдан қулоқларим остида бобомнинг ўлим олдидаги сўзлари жаранглаб кетди:

«Ошиқ чашмасини ёдингдан чиқарма!»

Нодар ДУМБАДЗЕ

ХАЗАРУЛА

У билан илк бор гаплашганимда, ўн тўртда эдим. У қарийб бувим билан тенгдош, эллик беш-олтмиш ёшлардаги қари дарахт бўлиб, уни Хазарула деб атар эдилар.

Эсимда, илгарилари бувим ҳар йили қишда унинг мевасидан Тбилисига олиб келгучи эди. Қишлоқнинг хушбўй ҳиди сингиб кетган бувим вокзалдан тўппа-тўғри ётоқхонамга кириб келарди-да, сиртдан кўримсизгина, сўлинқираган муздек олмани менга тутқазиб, шундай дерди:

— Бу кўрангдаги Хазаруладан, болам... Олмасхоновдаги Дафинога ўхшаб тарангмаслигига қарама. Дунёда, айниқса, наҳорга есанг бундан мазали олма йўқ. Егин, жон болам...

Кейин мен қишлоққа кўчиб бордим. Хазарула билан ана ўшанда танишдим.

Ўмичлар, орчуми¹, чоғроққина кўзачалар осилган бу сув қочира бошлаган серкавак, лекин ҳамон қудратли, кўркам, серсоя дарахт маранида² мағрур савлат тўкиб турарди. Афсуски, уч йилдан бери гулламас, табиийки, ҳосил ҳам бермас экан.

Эрта баҳор кези бир куни бувим мени тонг қоронғисида

¹ Орчуми — хумларни тозалаш учун ишлатиладиган асбоб.

² Марани — кўраларда узумнинг суви сиқиб олинадиган коври — хумларда вино сақланидиган жой.

уйғотди. Қўлида ўткир чархланган болта ялт-ялт ярқираб турарди.

— Бунингиз нимаси?— деганча бошимни кўрпага буркаб олдим.

— Бемаънилигингни қўй! Қулоғингдан чўзиб турғазмасимдан яхшиликча ўзинг туриб ишга қараш!— деди бувим жаҳли чиқиб.

— Каллайи саҳарлаб нима иш экан?— деб сўрадим малол келиб.

— Шундай бир ишки... эр кишисиз битмайди... Мени калака қилганига ўлайми тағин! Хотин кишидан тап тортиб ўтираманми, деяётгандир-да!— деди у тундлашиб.

— Кимни айтаяпсиз? Бригадиримизними?

— Кимни бўларди, Хазарулани айтаяпман! Ноинсоф, аблахгина дарахт! Бу нима деган гап ўзи — одамни шунча лакиллатадим, ахир!

— Сизни лакиллатаётган ким ўзи, дарахтни айта япсизми?

— Ҳа-да!

— Олма дарахти-я?!— дедим мен қулоқларимга ишонмай.

— Ҳосил бермаса — мева дарахтлиги қаёққа борди? Дарахт эмас, қоқ ўтин!

— Хўш, мен нима қилай?.. Уни чопиб ташлайми?

— Йўқ, аввал кўрқитиб қўйишинг керак. Агар муомалага юрмаса, унда қуриб кетгурни чопиб ташлаймиз! Бундан бошқа нима чора қоларди? Сен у билан ёлғиз ўзинг гаплашишинг керак,— деганча бувим эшикни ёпиб чиқиб кетди.

«Наҳотки у чиндан ҳам одамнинг тилига тушунса?!» — деб ўйладим жилмайганча. Кейин болтанинг сопини ўнглаб ушладим-да, қулочкашлаб силтадим, аммо ярим йўлда тутиб қолиб, сўнг дарахтнинг томирига сал-пал тегиздимў бамисоли «Ўлишми, қолишми?» деб монолог ўқиётгандек ўй сурганча хитоб қилдим:

— Чопа-а-айми, чопмайми? Чопа-а-айми, чопмайми?

Анчагина индамай тургач қўл силтадим-да, дарахтгина эмас, яқингинамда ётган хумнинг тош қоққоғи ҳам эшитгудек қилиб баралла шундай дедим:

— Майли, жин урсин, яна бир йилча сабр қилай-чи. Олма қилса яхши, агар қилмайдиган бўлса таг-томири билан чопиб ташлайман. Мендан қочиб кутулармиди!

Бувимнинг топшириғини адо этиб, Хазарулага қараб қўйдим. У тоғ атрофидан кўтарилиб келаётган куёш нурларидан ҳузур қилиб яйраган кўйи пинагини бузмай бамайли-хотир турарди.

— Хўш, нима бўлди? — деб сўради бувим.

— Эҳа, бечора кўрқиб кетди, қалт-қалт титрашга тушди!
Уни қаранг!

Хазарула япроқларигача қўшилиб бутун вужуди билан титрамоқда эди...

...Баҳор амалга кириб келмоқда эди. У Губазоули¹ қирғоқларидан бизнинг қўрамизга ҳам таширф буюрди. Бодом, тоғолча гулади, олхўри, поклар гулга бурканди... Хазарула эса худо билсин, қандай ўйларга чўмганча уйқу босгандек қимирламай турарди.

Бувим мени яна саҳарлаб уйғотди. Уйғотди-да, қўли билан олмани кўрсатиб:

— Уни қара!— деди.

Ҳарир пушти либосга бурканган Хазарула бизга писанда қилаётгандек жилмайиб турарди.

Хазарула шунақанги гуллабдики! Унга асаларилар шунақанги ёпирилишибдики!

Шунақанги мева тугдики! Олмалар шунақанги етилиб бердики! Дарахтгинамиз бизнигина эмас, чор-атрофимиздаги кўни-қўшилларимизни ҳам мураббою қоқию ароққача сероб қилди. Тиши қамашиб моллар Хазарулани анча наридан четлаб ўтарди. Мен бўлсам ҳар куни эрталаб саватда Теофан Дугладзенинг сигирига олма ташийдиган бўлдим.

— Худо ҳаққи, сигир жонворни ўз ҳолига қўйсанг-чи, бўлмаса сут ўрнида олма шарбати соғиб оламиз.

— Сен нима қилиб қўйдинг ўзи, Хазарула! Ана холос!— дедим мен дарахтга қараб, унинг қоқ учидаги чугурчик чўқиб кетган охириги олмани калтак билан қоқарканман.

— Нима қилибман! Номинг олма дарахти бўлгандан кейин шундай қилишинг керак-да!— деб жавоб берди Хазарула қари мучалари қисирлаганча.

Ана шу билан ҳаммаси барҳам топди. Ўшандан кейин Хазаруланинг шохларида биронта ҳам олма кўринмади.

...Икки йилчадан кейин хумдан вино олаётганимизда, аввал тунд қиш осмонига, кейин Хазарулага қараб, бувим ўкинганча бош чайқади-да, ўз-ўзига гапиргандек шундай деди:

— Кечга яқин қор уриб беради... Ўтинсиз қийналиб қоламиз... Хазарулани чопиш керак...

— Яна бир йилча сабр қилайлик, бувижон! Мен баҳорда у билан гаплашиб қўраман, яна бир марта кўркитаман,— деб илтимос қилдим мен.

¹ Губазоули — дарё.

— Йўк, болам, энди ҳеч қандай дўқ-деваранг унга қор қилмайди...— деди бувим ғамгингина.

— Мен уни чопмайман!— деб қичкириб юбордим.

— Нима учун?— деб таажжубланди бувим.

— Нима учун бўларди? Ахир ўзингиз айтган эдингиз-ку: дарахт одамнинг гапини эшитади, тушунади, деб?

— Бе, болам, кампир одам нималар деб алжймайди? Дарахтни айтасан, одамлар бир-бирини тушунмай қолди-ку. Ҳазиллашсам, лаққа ишониб ўтирибсанми?— деб гапини бурмоқчи бўлди бувим.

— Чопмайман, дедимми, вассалом! У гапларимизни эшитибгина қолмасдан, бизни яққол кўриб туради. Ана, қаранг, ҳатто терс бурилиб олибди!— дедим мен дарахтни кўрсатиб.

— Вой, тавба, нималар деяпти бу ўзи!— деди бувим қаҳ-қаҳ отиб.— Нима бало, эсингни еб қўйдингми? Ҳаммасига ўзим сабабчи! Қилмишимга яраша бўлди! Ҳой, қўшниллар, ҳой, барака топгурлар, бу қурибгина кетмагур шумтакани йўлга солиб қўйинглар!

— Нима гап, кампиршо, нега бунча айюҳаннос солаётибсиз! У нима гуноҳ қилиб қўйган эдики, қаллан саҳарлаб қойиётибсиз? — деб сўради уинимизнинг олдидан ўтиб кетаётган Анания Салуквадзе ва ҳовлимизга кириб келди.

— Асло сўрама, сўрама, ўргилай, Анания. Бурноғи йили мен ундан Хазарулани кўрқитиб қўйишни сўраган эдим... Ҳозир, чоп, деб илтимос қилган эдим, қани энди кўнса! Дарахт одамни тушунади, уни чопмайман, дейди!— деб жавоб берди бувим қўшнимизга бир стаканда ёқутранг мусалласдан узатаркан.

— Худо сиз билан хонадонингизга омонлик берсин, ўргилай Дарижон! — Анания мусалласни шундай иштаҳа, ҳузур билан ичдики, оғзимизнинг суви келди.— Одамни тушунарканми-я? — деб сўради Анания.

— Унинг гапига қарасанг, эшитибгина қолмасдан, бизни кўриб ҳам турармиш. Унинг бу ишга даҳли йўк, гап-сўзлар билан унинг бошини гангитган мен. Ҳамма айб менда!

Бувим қуйиб берди, Анания яна ичди-да, менга қаради.

— Сен, албатта, энди шаҳарлик йигитсан... Аммо сен деҳқончиликнинг ҳамма ҳикматини аллақачон тушуниб олган бўлишинг керак эди... Деҳқон одам хонадонда нималарни асраб турмасди? Қисир сигир, мевасиз дарахт, зурёд-сиз хот...— деганча Ананиянинг гапи оғзида қолди-да, бувимга ўғринча қараб қўйди.

— Нима деяпсан, Анания?— деб захарханда қилди

бувим.— Агар менинг болаларим бўлмаганда, мана бу така-салтанг қаёқдан келарди?

— Ана... Зурёдсиз хотиннинг ҳам баҳридан ўтарди... Бувингнинг бўлса еттита боласи бор эди... Тушундингми?

— Нима демоқчисиз, Анания амаки?— деб сўрадим мен.

— Нега дарахтни кесгинг келмаяпти?

— Ачинаяпман.

— Кунимиз шу лапашангларга қолган бўлса, шўримиз курсин!— деди бувим хўрсиниб.

— Ундай деманг, ҳурматли Дарижон!— деб кўйди Анания жиддий оҳангда.

— Гапирмасам бўладими ахир? Товуқ сўймайди, ачинармиш! Улоққа тақилмайди, ачинармиш... Ўтган Янги йил айёмида сўймоқчи бўлган чўққасини яқинда Интабусти кишлоғида ушлаб олишибди.

— Шу ростми, йигитча?— деб сўради Анания.

— Рост, Анания амаки, аммо худо ҳаққи менга ваъз-насиҳат қилаверманг, бари бир Хазарулани кесмайман!

— Билганингни қил бўлмаса!... Яна бир стакангина кўйиб беринг-чи, ўргилай Дарижон. Хазарулангизни бўлса эрталаб остонангизга юмалатиб кўямиз. Ҳозир менинг дарахтга теккулик ҳолим йўқ...

Бувим кўйиб берди. Анания стаканни бўшатиб бепарвогина сўраган бўлди:

— Тишга босгудек бирон нарсангиз йўқми, ўргилай Дарижон?

— Ҳов анави узун таёққа хушинг борми, ўргилай Анания?

Анания индамай ўрнидан туриб, ҳовлидан чикди-да, кўча юқорисига қараб кета бошлади.

— Хазарула кўриб туради, дейсанми? Ҳе-хе-хе!.. Сенинг Хазаруланг экан-ку, менинг ўзим ҳам ҳеч балони кўрмаяпман, ука! Ҳе-хе-хе...— деб гандираклаганча йўлига равона бўлди.

...Йигит ҳақли экан. Сассиз бўлиб қолган дарахт ҳамма нарсани кўриб турар, ҳамма гапни эшитиб турар эди. Машаққатли ўйлар Хазарулага тинчлик бермасди. Ярим кечада юраги гурс-гурс ура кетди, хумни ҳар томондан чирмаб турган томирлари сиқилиб келди. Хум силкиниб кетди. Хазарула томирларини кучлироқ чирмаштирди, хум қисирлаб кетгандек бўлди, унда сезилар-сизилмас биринчи дарз пайдо бўлди. Сирқиб чиққан ёқутранг суюқлик дарахт томирларига қўйилди. Хазарула бу ғалати суюқликдан ҳавотир билан

аста-секин бир неча томчи шимиб кўраркан, танаси бўйлаб нотаниш титроқ ёйилди. Бора-бора бу нарса ҳузурга айланди-ю, Хазарула хумни кучлироқ сиққан эди, у бир неча жойидан дарз кетиб синди-да, ичидаги суюқлик ёзги курғоқчилик вақтида ёққан ҳаётбахш ёмғир сингари варақлаб оқа бошлади.

Бугун мўъжиза юз берди. Хум бўшаб қолди. Хазарула сўнгги томчини ичаркан, одам билан мана шу ғалати суюқлик сири унга аён бўлди... Кекса дарахт нима учун одамлар бир-бирлари билан ўпишишларини, қўлларида қадаҳ билан ёш тўкишларини, нима учун унинг атрофида давра олиб қўшиқ айтишларини, ўйинга тушишларини, кулишларини, ёқалашишларини, нима учун шу қадар ихлос қўйиб хумни қизғиш суюқлик билан тўлдиришларини тушунди. Буларнинг ҳаммасини тушунган Хазарула ҳам қўшиқ айтгиси, елиб-юургиси, ўпишгиси, йиғлагиси ва ўйинга тушгиси келди-ю, аммо бу тилāгини амалга оширолмади. Негаки, у одам эмас, оддийгина дарахт эди. У ўзи қодир бўлган нарса билан қаноатлана қолди — то тонг отгунга қадар чайқалиб, гувиллаб турарди...

Эрталаб эса... Эрталаб Хазарула ёнбошига эшитилар-эшитилмас зарба келиб тушганини сизди. Зарба оғриқсиз бўлгани учун Хазарула унга эътибор бермади. Кейин иккинчи, учинчи, бошқа, яна бошқа зарбалар келиб тушганини сизди. Бу нарса бир соатча давом этди. Хазарула ёнбошига оғиб кетаётганини пайқади. Қандайдир бир ғалати нарса, қандайдир бир номаълум юк уни босиб келар, у эса сирли кучга тобора ён босмоқда эди. Ниҳоят пайваст қарсиллаган товуш эшитилди. Хазарула қалқиб кетиб, мувозанатини йўқотди-да, аввалига аста-секин, кейин эса тобора шиддат билан оға бошлади. Хазарула гумбурлаган садо билан қўллари, елкаси ва бўғинларининг қирсиллаганини айни бир вақтда эшитди, аммо негадир ҳеч қаери оғримасди. У кўзларини юмди-да, уйқуга кетди.

— Тур, болам, Анания охир дарахтни қулатиб берди!— деди бувим мени уйғотиб.— Ма, болтани олиб шохларини бута.

Бувим сезганича бор экан. Кечаси қор ёғибди. Ясанган, мусаффо қишлоқ никоҳ куни оқ либос кийган келинчакни эслатарди. Фақат бизнинг ҳовлимизгина тунд кўринар — маранида худди жасаддек баҳайбат олма дарахти чўзилиб ётарди.

Мен қулаган дарахтнинг олдига бориб лол бўлиб қолдим, унинг танасидан қирмизи шира сирқимоқда эди.

— Бувижон!— деб кичқирдим мен.
— Нима дейсан?
— Бу ёққа келинг, ўзингиз кўрасиз?
— Бу нима?— деб сўради таажжубланганча бувим.
— Билмадим... Қон бўлса керак...
— Ақл бовар қилмайди. Дов-дарахт январда уйқуда бўлади. Улар февралга бориб ширага киради...— деб бувим ғалати ширага қўлини беихтиёр тегизди-да, уни ҳидлагач капалаги учганча менга қаради.— Қани, хумни очиб кўр-чи!
Хум бўм-бўш эди!

— Худоё худовандо, ўзинг паноҳингда асра!

Бувим қўлларини осмонга чўзиб, аста-секин тиз чўкди.

Хазарула совуқдан кўзларини очди. Аввалига ўтли суюқлик ичгани учун кўзлари тиниб кетаётгандек туюлди. Аммо кейин болта сопига энгагини тираган қўли эҳтиром изҳор этиб турган бола билан қўлларини осмонга чўзганча чўккалаб қолган қора либосли кампирни кўргач, Хазарула энди куни битганини пайқади-да, кўзларини юмди. Мангуга.

Ҳожибакир ХАВПАЧЕВ

ЧАНДИҚ

Вагон дим. Кун кечга яқинлашиб қолган, аммо иссиқнинг тапти қайтмаган. Одамлар очиқ деразалар олдида уймалашадилар.

Мен сафарни яхши кўраман. Ҳамроҳларимга разм солиб, уларнинг ёшларини, характерларини, касбларини аниқлашга тиришаман-да, янглишаман, аммо таҳминларим кўпинча тўғри чиқади. Йўлда одамлар ўзларини содда, бемалол, очиқ-сочиқ тутадилар; суҳбатлашиб қолгудек бўлсангиз ўзлари ҳақидаги бор гапни яширмасдан айтиб берадилар. Йўл одамни тортинмай, дангал гапиришга мойил қилиб қўяди!

Бу гал омадим келмади шекилли купеда ёлғизман.

Йўлакда менинг диққатимни қўшни купедаги йўловчи жувон тортди. У дераза олдидан кетмасди. Оқ шоҳи кофтачада, йўғон ўрилган сочларининг устидан нафис шарф ўралган қорамағиз юзли. Лекин олдига бориб гаплашишга, нечукдир, ботинолмасдим.

Орёл станциясида мен икки шиша сув сотиб олдим. Вагонга чиқаётганимда жувон мени шу савол билан қарши олди:

Совуқ эканми?

— Муздек.

У перронга тушмоқчи бўлган эди, проводник хотин қайтарди:

— Улгуролмайсиз, ҳозир жўнаймиз.

Жувон хўрсинди:

— Жуда чанқадим...

Мен унга шиша узатдим. У менга миннатдорчилик билан қараб, жилмайди. Шунда унинг ўнг ёноғидаги кичкина чандикни кўриб қолдим.

— Сиздай дилбар ҳамроҳнинг жон-дилим билан ҳожатини чиқараман.

Жувон қизариб кетди.

Бир оз жимликдан кейин сўрадим:

— Йўл бўлсин?

— Москвага,— деди у сўзларни чўзиброк.— Мен врачман. Кенгашга кетяпман. Миллатим кабардин. Курқужинда туғилганман, ёшим йигирма тўққизда. Кабардада ота-онам, эрим, ўғилчам бор. Сизни яна нималар қизиқтиради?

У жилмаярди, кишини доводиратувчи бу табассуми менда ҳазиллашишга майл уйғотарди. Мен унинг гапи оҳангида жавоб бердим:

— Ҳаммаси равшан, бошқа саволим йўқ.

Шу баҳона бўлиб, биз гаплашиб кетдик.

Мен унинг юзидаги чандик ҳақида сўрашга анчагача ботинолмай турдим, ниҳоят юрак бетлаб сўрадим:

— Айтинг-чи... ким сизни бу чандик билан безаб қўйди?

Унинг қийик тимқора кўзлари қувлик билан чакнади:

— Ким дейсизми?.. Эрим.

Мен жавобдан гарангсиб қолдим.

— Кечирасиз... Собик эрингиздир-да?

— Менинг эрим битта,— дея бошини ғурур билан кўтарди жувон,— ўла-ўлгунимча битта!

— Ундай бўлса ахир нега...

Унинг лаблари нозли кулгидан мавжланиб кетди:

— Ҳали чандик менга ярашмабдими?

— Ярашган-да, бўлмаса сўрашга ботинармидим?

Биз бир оз жим қолдик.

— Айтинг-чи, эрингиз нима иш қилади?

— Чўпон.

— Чўпон?.. Ахир сиз врач экансиз-ку.

— Нима қилибди? Мен врачман, эрим бўлса — чўпон.

Мен елкамини қисдим.

— Ҳар ҳолда...

Жувон бирдан кескин гапирди:

— Ҳа, у чўпон, бунинг ҳеч бир таажжубланадиган жойи йўқ, агар муҳаббатни таажжубли нарса деб қарамасак.— Кейин юмшаброқ қўшиб қўйди:— Жиззакилим учун кечирасиз-у, «бир-бирларига тенг бўлмаган эр-хотин» тўғрисидаги гаплар менинг газабимни келтиради. Бизнинг замонамизда-я!

— Сизнинг кечирим сўрашингизнинг ҳожати йўқ, аксинча, мен сиздан авф сўрашим керак. Энди сиз очикдан-очик мажбурсиз...

— Юзимдаги чандикнинг тарихини гапириб беришгами?

Биз купега кириб, столчага ўтирдик. Жувон ҳикоясини дарров бошлай қолмади, унинг юзи ғамгинлашди, у бир неча лаҳза ўй сурганча четга тикилиб турди.

* * *

— Бу воқеа юз берганига беш йил бўлди. Ҳа, беш йил... Мен медицина институтини тамомлаб, ўз кишоғимда ишлагани қайтиб келдим. Отам билан онам севинганларидан, бамисоли, арши аълода юргандек эдилар: негаки қизлари врач бўлиб келган эди.

Мен колхоз поликлиникасида ишлай бошладим, ўзимни журъатсиз ҳис қилардим, қўлларим қовушмасди. Аммо ҳозирча жиддий ҳодисалар ҳам юз бермас, фақат арзимаган касаллар билан, суяги чиққанлар, енгил яраланганлар келиб туришар эди. Беморларимнинг яралари тез битиб кетарди. Буни эшитиб менга қўшни қишлоқлардан ҳам беморлар кела бошлашди.

Одат ҳукмига кўра, атрофимда йигит-яланглар айланадиган бўлиб қолишди. Ҳозир эсласам кулгим қистайди-ю, ўшанда ҳаммаси қизиқ туюлар, хуллас, эътироф этиш керак, кўнглимга хуш келар эди...

Бир куни танишларимизнинг тўйида бир йигит билан учрашиб қолдим. Ўзи ҳам жуда кўркам — барваста, хушбичим, қиррабурун, қопқора кўзлари чакнаган, ойна ўрнига қарасанг бўларди. Шу қадар мулойим, одобли эди! Фақат лаблари юпқагина ўжар табиатини билдириб турарди. Кеча давомида мендан кўзини узмади, мен ҳам унга зимдан қараб қўярдим. Ўз-ўзимиздан гаплашиб кетдик.

Шундан кейин Муҳаммад мен билан деярли ҳар куни учрашадиган бўлди. Унинг ҳамма жиҳатлари яхшидек эди. Рост, камтарлиги билан самимийлигига қарамай, баъзан унинг хатти-ҳаракатида қандайдир ясамалик сезилиб қо-

ларди. Аммо мен гумонларимни кўнглимдан чиқариб ташлашга тиришиб, беҳуда шубҳа қилганим учун ўзимни койирдим.

Онам билан отам Муҳаммаднинг менга кўнгли борлигини найқашар, ҳар бир пайтдан фойдаланиб: арзийдиган йиғит, яхши оиладан, ота-онасини ҳурмат қилади, деб уни мақташгани-мақташган эди... Улар менинг дидимдан мамнун эканликлари кўриниб турарди.

Бир куни поликлиникага Муҳаммаднинг отаси кириб келди.

— Мана...— деб чол кўлини кўтарди.— Эрталаб ўтин ёраётган эдим, чопиб олдим.

Дастлаб мен таажжубландим: яраси арзимайдиган, врачга келмаса бўлаверадиган жароҳат эди. Кейин пайқаб қолдим: у мутлақо кўли учун келган эмас, мен билан яқинроқдан танишмоқчи бўлган.

Мен унинг ярасини эҳтиёт билан тозалаб, йод суртдимда, дока билан боғладим.

У бошини кўтариб, Муҳаммаднинг кўзларидек қоп-қора кўзлари билан тикилди.

— Кўллариң мулойим экан, қизим, феъл-атворинг ҳам шунақа бўлса, келин бўлиб тушадиган хонадонингга ҳам бахт келтирасан.

Чиқиб кетди. Шу куни кечқурун уйимизга яқинлашиб қолганимда:

— Фотимат!..— деган овозни эшитдим...

Қоронғига тикилиб, таниш одамни — Муҳаммадни кўрдим. У одатдагидек ишдан қайтишимни кутиб турган экан.

— Менга тегасанми?.. Сени яхши кўраман, Фотимат!.. Чолу кампирларимга ҳам ёқиб қолибсан.

Кечаси мен узоқ ухлаёлмадим. «Мана, Фотимат,— дедим ўзимга-ўзим,— сен ҳам эрга тегадиган бўлдинг...»

* * *

Уйимиз тўла меҳмон. Мени аллақачон дугоналарим йиғилган алоҳида хонага олиб киришди. Улар ҳазиллашиш-япти, қулишяпти. Кўшни хонада пшина¹ зўр бериб наво қилаётибди, аллаким чапак чалаётибди. Афтидан, меҳмонлар тобора кўпаяётишибди шекилли, мен бўлсам нима қилишимни билмай ўтирибман.

¹ Пшина — қабардин музыка асбоби, гармонь.

Кечасига бориб тўй гала-говури авжига чиқди. Кимнинг-дир:

— Келини олиб чиқинглар...— деб буйруқ берганини эшитиб қолдим.

Бизнинг таомилимиз шундай: куёв келини уйида кутади, у ерда ҳам тўй дастурхони ёзилиб, меҳмонлар чақирилган бўлади.

Хотинлар қўлимдан етаклаб хонадан олиб чиқишди.

Қоп-қоронғи тун. Биз айвон зинапоясидан аста-секин тушаётган эдик, ҳовлига терга ботган отда биров елиб кириб келди. У отдан сакраб тушди.

— Фотимат! Тўйга халал берганим учун кечирасан. Ёрдам бер, Фотимат! Хурсандчилик мусибат билан ҳамроҳ бўлиб юради, дейишлари бежиз эмас экан. Имкониинг бўлса фермага борсак... Чўпонимизнинг оёғи сиғиб қолди.

Жимлик чўкди. Фермадан келган йигит ҳаллослаган кўйи жавоб кутиб турарди. Мен бўлсам саросимада қолдим.

Халойиқ орасидан анчагина ичиб олган меҳмонлардан бири Аҳмадхон чиқиб келди. У келган йигитга ўшқирди:

— Ҳой, йигит!.. Бундан бошқа муносиброқ вақт топмадингизми? Кўрмаяпсанми, биз келини олиб кетгани келдик. Ё уни ўзинг олиб кетмоқчимисан?

Йигит қандайдир алам билан қўл силтади.

— Ҳаммасини кўриб турибман!.. Султоннинг аҳволи хароб. Касалхонага олиб боришимиз ҳам мумкин эди-ю, қимирлашга мажоли йўқ. Қон тўхтамаяпти...

Нима қилиш керак?.. Фермага борсам бутун қишлоқ тўс-тўпалон бўлиб кетади. Бормаслигим ҳам мумкин эмас: врачлик бурчимни адо этишим керак. Мен ўйладим: беморга ёрдам беришим кераклигини наҳотки Муҳаммад тушунмаса? Ахир муҳаббат хурофотдан кучли-ку, у одамларнинг гийбатига қарариди?..

Мен чўпонга:

— Борамиз. Лекин аввал касалхонага кириб ўтамиз, асбоблар билан дори-дармон олишимиз керак,— дедим.

Аҳмадхон қўлимга ёпишди:

— Юбормайман!..

Мен унинг қўлидан юлқиниб чиқдим. Бу орада отам келиб қолди.

— Унга тегма, Аҳмадхон. Бора қол, қизим, худо ёр бўлсин.

Зим-зиё қоронғи тун. Чор-атроф сув қуйгандек жимжит, отнинг ҳорғин пишқиришигина эшитилади.

Салдан кейин от тоғнинг этагига етиб борди, унинг ор-

қасида чорвачилик фермаси жойлашган, чўққисидан, орқа томонини, пастдаги чўпонлар турадиган уйни аниқ кўрса бўлар эди.

Керосин чирок билан ёритилган хонада гумбурлаб печка ёниб турарди. Чўпонлар бемор атрофини қуршаб ўтиришарди. Мени кўришлари билан ўринларидан туришди. Чўпон чол саломлашгач, астойдил ўкиниб:

— Ҳаммасидан хабардормиз, қизим. Бу фалокатни кўрмайсанми... Сени безовта қилишимизга тўғри келди,— деди.

— Ҳечкиси йўқ,— деб, касалнинг олдига бордим.

Майиб бўлган йигирма тўрт ёшларда, ҳали жуда ёш экан. Оппок кенг пешонасини реза-реза тер қоплаган, қалин қора сочлари ёпишиб қолган. Йигит оғрикнинг зўридан тишларини ғичирлатиб, базўр инграйди.

Мен наридан-бери пальтомни ечиб, халатимни кийгач, қўлимни ювдим-да, иссиқ сув билан тоғора тайёрлашларини буюрдим. Кейин беморнинг олдига бориб ўтирдим. Қўлим тегиши билан Султон кўзини очди. Оёғи ёмон синган экан. Мен эҳтиёт билан укол қилиб, яранинг четларини юва бошладим. Бу қандай машаққат бўлганини хаёлингизга ҳам келтиролмайсиз!.. Мен биринчи марта «чинакам» бемор билан муомала қилмоқда эдим. Ярасини бир соатча тозаладим. Султон тишларини ғичирлатарди. Ўзимдан ҳам қора тер қуйилмоқда эди.

Мен синган суякни солмоқчи бўлиб яраланган оёқни аста-секин сиқа бошлаган эдим, Султон бирдан қичқириб юборди. Чўпон чол оталарча таъна билан, бошини чайкади:

— Нега додлайсан, кўрқок?

Султон хўрсиниб, жим бўлиб қолди.

Чамаси, мен укувсизлик билан иш кўраётган эдим шекилли. Бемор яна типирчилаб, қўлимдаги пинцетни учириб юборди. Асбоб бехосдан отилиб чиқиб, юзимни тилиб кетди. Бу чандик ўшандан.

Юзим қонаб кетди, чўпонларнинг кайфлари учиб, мени қуршаб олишди. Султон сал кўтарилди. Гуноҳқорона тикилар, саросимада қолган эди.

Мен ҳаммаларини тинчитишга ошиқдим:

— Ҳечқиси йўқ, йод суртсам тузалиб кетади...

Кечаси соат учга боргандагина суякни жойига солишга муваффақ бўлдим. Беморнинг оёғини дока билан танғиб, тўшагининг олдига стул кўйдим-да, чўпонларга чиқиб ётишларини буюрдим.

— Нима қилишимиз кераклигини эрталаб кўрармиз.

Аммо чўпонларнинг эсларига уйқи келмас, менинг ҳам

эсимга келмас эди. Бемор ухлагач тонгга якин мудраб колибман.

Аллакимларнинг шовқин-сурони, итнинг қаттиқ вовуллаганига уйғониб кетдим. Хонада Султондан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Деразадан оқиш тонг ёруғи тушиб турарди.

Беморнинг чеҳраси очилган эди.

— Раҳмат, Фотимат!.. Агар сен бўлмаганингда...

У ғоят миннатдор эди.

Бирдан ит вовуллашдан тўхтади, эшикнинг олдигина-сидан:

— Кир, Муҳаммад,— деган овоз эшитилди.

Мен деразага қараб югурдим. Қарасам, Муҳаммад чўпонлар билан нима тўғрисидадир гаплашаётибди, назаримда у келган линейка арава турибди. «Жуда маъқул бўлди!— деган фикр келди миямга.— Беморни линейкада олиб бориб кўямиз!..»

Кувонганимча уйдан югуриб чиқиб, Муҳаммаднинг олдига чопиб бордим.

— Келганинг жуда ҳам яхши бўлди!..— дейману, ўзим ташвиш билан юзига тикиламан. Юзи тундлашган, қонсиз юпқа лаблари қисиб-қимтилган, кўзларининг таги кўкариб кетган, кўзлари бўлса одатдагича мулойим чарақламайди.

— Яхши бўлдими, ёмон бўлдими, ишқилиб келдим,— деди Муҳаммад тишларини гириҳ қилиб.— Уйимизни меҳмон босиб кетди. Урфу одатни бузиб бўлса ҳамки, мен сени олиб кетгани келдим, бундан ҳам баттар шарманда бўлмай, дедим. Аравага чиқ кетайлик.

— Сен хафа бўляпсанми, Муҳаммад?..

— Йўқ! Қилган ҳамма яхшиликларинг учун мен сенинг оёғингга йиқилишим керак! Теримга сиғмай миннатдорчилик билдиришим керак!..

— Бу нима муомала, Муҳаммад?..

— Сенга қандай муомала қилишим керак бўлмаса?

Шу пайт бизнинг гапимизни эшитиб турган чўпон чолнинг сабри чидамади:

— Сен бизни кечир, Муҳаммад. Бу ишда Фотиматнинг ҳеч қандай гуноҳи йўқ, ҳамма айб бизда. Фалокат юз бериб ўтирса-я! Тўйларингизга мусибатимизнинг касофати тегди. Кечир. Султон анча енгил тортиб қолди, Фотиматни олиб кетаверсанг бўлади. Бахтли-саодатли бўлинглар.

Мен чолга ўгирилдим:

— Йўқ, отахон, мен беморни ташлаб кетолмайман. У жуда кўп қон йўқотган, уни ошиғич суратда касалхонага жўнатиш керак. Мен у билан бирга бораман. Линейка ҳам

бор. Юринглар, уни олиб чиқайлик. Сен хафа бўлма, Муҳаммад, бошқа иложим йўқ, тушундингми?..

Илтижо билан унинг кўзларига тикилдим. У кўзларини олиб қочди, ундан баттароқ тундлашди, лаблари яна ҳам юпқа тортиб кетди.

— Мен бу ерга беморни олиб кетгани эмас, сени олиб кетгани келганман. Ҳали ҳам мени десанг — аравага чик.

Менга биров тарсаки тортиб юборгандек бўлди, лабларим беихтиёр очилиб, ўз-ўзимдан гапириб юбордим:

— Беморнинг хатардан ҳоли бўлганлигига кўнглим ишонмагунча уни ташлаб кетолмайман.

— Унда ўзингдан кўр. Чўпонингнинг олдида тўйганингни ча қадалиб ўтир.

У терс бурилиб, арава томонга қараб кета бошлади. Мен унинг орқасидан югурдим.

— Муҳаммад!.. Қаёққа кетяпсан?.. Шошма!

У ҳатто қайрилиб ҳам қарамади.

Чўпонлар уни ўраб олиб, қолишга ундашди, аммо у аравага чиқиб, отини қамчилади...

Ўша дақиқадаги кечирмаларимни сўз билан ифодалаб бериш қийин. Бир нарсанигина кескин, аниқ пайқаб турардим: бахтим кетди, бахтим барбод бўлди!..

Тушда беморга арава келди, биз уни касалхонага олиб бордик.

Тўй бўлмади.

* * *

Фотимат ҳикоясини тугатганда ташқарида қоронғи тушиб қолган эди. Мен ўйчанлик билан сўрадим:

— Айтинг-чи, кейин Муҳаммад билан Султон нима бўлди?

— Китоблардаги таъбир билан айтсак, воқеалар ўз навбати билан ривожланди. Муҳаммад тез орада бошқа қизга уйланди.

— Сиз-чи?..

— Эсингиздан чиқдимми? Ахир, чандикни менга Султон туҳфа қилганини айтдим-ку.

— Султон?

— Ҳа. Буни тўй туҳфаси эди, деса ҳам бўлади,— дея кулиб юборди Фотимат.— Султон касалхонада ётганида уни ўзим даволадим. Бу орада биз бир-биримизни яхши таниб олдик. Мен яккаш Султонни Муҳаммад билан таққослардим — улар мутлақо бошқа одамлар эди!.. Унинг оёғи

тузалди, менинг юзимдаги яра ҳам битиб кетди. Мен кечаларда Султоннинг ўйинга тушганини фахр билан кузатиб турардим,— чунки бу мен туфайлигина эди. У ҳам менга тикиларди — миннатдорчилик юзасидангина эмас албатта. Биз ўқтин-ўқтин учрашиб турадиган бўлдик, кўп нарсалар тўғрисида гаплашдик... Келаси йил қишда тўй қилдик, мана беш йил бўладики, бирга яшаймиз, худо сизга ҳам шундай бахтдан ато қилсин!

— Аммо у ўша-ўша чўпонлигича қолибди-да...

— Яна гапирасиз-а... Чўпон бўлса нима қилибди. У ўқийди. Сиртдан ўқиб бу йил қишлоқ хўжалик институтини битираётибди.

— Худо ҳақи, буларнинг ҳаммаси таажжуб.

— Нимаси таажжуб экан? Ҳаётнинг тақозоси...

Жувон ўрнидан туриб, деразадан каради. Қоронғида йироқдан университет янги биносининг чароғон деразалари порларди. У бир текисдаги яркирок тошлар терилган қоядек турарди.

— Мана, Москвага ҳам етдик,— деди Фотимат.— Хўш, менинг ҳикоям сафарингизни мароқлироқ қилдимми?

Поезд чароғон Москванинг нурга фарқ кўйнида елмоқда эди.

Шомил АЛЯДИН

ФЕРУЗА

Дониёр ёноғига урилган иссиқ нафасдан уйғониб кетди. Лекин қимирламади. Бу хузурбахш туйғуси тарк этишини истамасди.

— Салгина сурилинг,— деган овози эшитилди Ферузанинг,— оламжаҳон жойни эгаллаб ётаверасизми!— У Дониёрни четроққа суриб, пинжигга кирди.— Кўзингизни очсангиз-чи ахир!

Дониёр ёнбошига ағдарилмоқчи эди, Феруза қимирлагани кўймади. Шундан кейин Дониёр уни бағрига босиб, юзларидан, кўзларидан, сочларидан ўпа бошлади.

...Севги!.. Нақадар мураккаб ва маънодор тушунча! Нақадар содда ва мураккаб!

Тўй тарқагач Дониёр билан Феруза ёлғиз қолдилар. «Умрбод мени севишингиз керак, мени... фақатгина мени!— деди Феруза тантанавор оҳангда.— Жону жаҳо-

нингизни менга бағишлашингиз керак. Мендан бошқани хаёлингизга ҳам келтирмайсиз. Биз шундай умр кечирайлик. Шунга розимисиз?»

Ферузанинг чеҳраси жиддий, Дониёр уни ҳеч қачон бундай қиёфада кўрмаган эди.

«Бўлмасам-чи!— деди Дониёр.— Адбатта! Жону жаҳоним сен ўзинг! Сени деганим-деган, ардоқлаганим-ардоқлаган! Сени умрбод севаман!»

«Мени умрбод севадиз,— деб шивирлади Феруза.— Мен ҳам сизни умрбод севаман!..»

У Дониёрга дилида қасамёд қилаётгандек тикилиб турарди. Бу сўзлар ҳеч қаерда қайд этилмаган, аммо улар ҳеч қачон Дониёрнинг эсидан чиқмайди.

Ўшандан бери нималар юз бердию нималар ўзгарди? Кўп нарса. Ҳаётнинг йўриғи шу. Фарзанд кўрадилар. Ўғилчаларига Дониёрнинг ўзи от қўяди. Ферузанинг хоҳиши шундай эди.

— Ўғил кўрсак — сиз от қўясиз,— деган эди у,— киз кўрсак — мен. Пиэрина деб от қўяман.

— Пиэрина?!— Дониёрнинг юзлари таажжубдан буришди.— Бу қандай от бўлди?

— Мен у хотин билан Конгода танишган эдим,— дея тушунтирди Феруза.— У, биз совет мутахассислари конголикларни даволаётган касалхонага келиб қолди. Ўша кезларда мамлакат нотинч эди. Уруш, қийинчилик, юкумли касалликлар тарқалиб кетган. У оқ танлилардан эди. Жуда чиройли, лекин қўли йўқ. Қўллари билакларидан шартта кесиб ташланган. Миллати — ё француз, ё итальян. Ўзи Бельгияда туғилган экан. Мактабни тамомлагандан кейин отаси билан Конгога бориб қолибди. Тез ўтмай отаси автомобиль ҳалокати вақтида ўлибди. Конгода ёлғиз ўзи қолиб, маҳаллий мактабда француз тилидан дарс бера бошлабди. У билан дўстлашиб қолдик. Мен у билан инглиз тилида сўзлашардим. Шу баҳонада бу тилда пухта гапиришни машқ қилардим. У бўлса мен билан русча сўзлашарди. Дастлаб бир-биримизнинг сўзимизга тушунолмай қийналдик, негаки иккаламиз ҳам тилни унча яхши билмасдик. Аста-секин бир-биримизнинг сўзларимизни тушунадиган бўлиб қолдик. Бир жойга ўринлашдик. Ётиш-туришимиз, ейиш-ичишимиз бирга... У ажойиб одам эди! Пиэрина — республика учун курашарди. Бир куни — танишмасимиздан бурун,— Бельгия маъмурлари уни ушлаб олиб, қамаб қўйишибди, қийноққа солиб азоб беришибди. Уриб йикитишибди, қўллари-ни пошналари билан мажақлашибди. Жароҳатни даволаш-

маган албатта, бора-бора у қорасонга айланибди. Ана шундан кейин кўллари кесиб ташлашибди. Дўстлари қамоқхонадан қочишига ёрдам беришибди. Уни бабуига қабиласидаги бир хотин даволабди. Жонига ора кириб, оёққа тургазибди. Шу-шу ўша кампир билан она-бола тутиниб қолишибди. Ўшандаёқ кўнглимга тугиб кўйган эдим: бир кунмас-бир кун турмуш курсаму киз кўрсам — отини Пиэрина кўяман, деб.

— Бўпти-да, деб маъқуллаган эди Дониёр.

Лекин киз эмас, ўғил кўришди. Дониёр унга Насим деб от кўйди.

Дониёр Ферузани севар, у ҳам буни дилдан ҳис этар эди. Аммо Дониёр гоҳо унинг феълига тушунолмади, ҳайрон бўлиб қоларди. Феруза дафъатан ҳазин тортиб, тундлашар, ўзини олиб қочар эди. Туйқусдан бундай бўлиб қолишининг сабаби нимада экан? Кейинчалик билса, танишгунларигача, Феруза бошқа бир йигитни севаркан. Дониёр у йигитнинг кимлигини билмасди, лекин узоқ жойга кетиб қолганлигини эшитганидан кейин кўнгли тинчиди.

* * *

...Икром кетиб қолгач, Феруза таниш-билишларидан унинг қаердалигини суриштиради, анча вақтгача хат ёзиб юрди, ундан хат-хабар кутди. Қанча суриштиради ҳам, хат ёзса ҳам дараги бўлмади. Ферузанинг хатлари қайтиб келарди.

Қиш пайти, бир куни олдига ўрта ёшлардаги нотаниш хотин кириб келди. Юзлари совуқдан кўкариб кетган, оёғида зил-замбил этик, кийим-бош қорамойга беланган. Кўришидан озмунча йўл босиб келмаганга ўхшайди.

— Феруза Тоғаева сиз бўласизми? — деб сўради у хорфин, хирқироқ овоз билан.

Ферузанинг юраги орқасига тортиб кетди.

— Ҳа,— деди у.— Нима эди?

— Мен Сибирдан келаётибман. Мис конидан,— деди хотин.— Биз турган жойда қиш кунлари почта ишламайди. Мени сизга бир одам юборди, бориб айтингки, деди...

Ферузанинг юраги орзиқиб, энтикди.

— Мен... Отақуловни айтаётибман. Икром Отақуловни айтаётибман. У киши билан бирга ўқиган экансизлар.— Хотин кўллари ковуштириб, хўрсиниб кўйди.— Хуллас, уйланганимни бориб айтинг, деди...

Ферузанинг ранги қум-қув ўчиб кетди. Кўзлари хира-лашди. Йиқилиб кетай-йиқилиб кетай дерди. Хотин уни суяб қолиб, чорпояга ўтқизди. Ўргилай...— деди у йиғлам-сираб, меҳрибон оҳангда.— Сизга озор бермоқчи эмасдим. Кошки билган бўлсам!.. Бояқишгина... Шўрликкина... Мен фақат доктор Отақуловнинг илтимосини бажардим, холос. Мен у кишининг касалхонасида энага бўлиб ишлардим. Менга кўп яхшиликлар қилди. Барака топсин азамат...

Феруза қалбидаги дардини тийишга нечоғли уринмасин, ўзини туюлмамай уввос тортди.

* * *

Икром Отақулов Медицина институтининг пешқадам студентларидан бири эди. Уни ҳамма ўқитувчилар яхши кўрарди. Спортчи эди: Моҳир жарроҳ бўлишни орзу қиларди. Икромнинг истиқболи баланд бўлади, дейишарди. Ана шу Икром Ферузани севиб қолади. Феруза-чи? У дилидаги сирини билдиргиси келмасди. Фақат Икромгагина эмас. Ҳатто дугоналаридан ҳам биронтасига сездирмасди. Нега? Ферузанинг табиати ўзи шунақа эди.

Икром серғайрат, зукко, хушқомат, кўркам йигит эди, ҳамма қизлар унга маҳлиё эди. Қалин сочлари кўзни олади, овози дадил, янғрок, табиати — чўрткесар. Кўпгина қизлар унга ғойибона мафтун эдилар. У эса фақат Ферузага кўнгил берди. Кўзлари ҳазин ва чакноқ, асовтабиат, камсухан шу қизни ёқтириб қолди.

Икром ёр-дўстлари билан ўқтин-ўқтин баҳслашиб айтишиб қолар, ёниб, туюқиб кетар эди. Овози ҳам меъёрдагидан баландроқ янғрар, феъли ҳам қаттикроқ эди. Феруза шуларни ўйлаб кўрдимикан? Ҳа, Икром Ферузага ҳамма жиҳатлари билан ҳам ёқарди: фазилатлари ҳам, нуқсонлари ҳам...

Вақт ўтиб борар, улар ўқтин-ўқтин учрашиб туришар, аммо юрак сирларидан бир-бирларига чурқ этиб сўз очишмас эди. Уларга нима йўл бермади экан? Қалбларидаги ҳис-туйғуларими? Икковлари ҳам ўз табиатларини билар, жўшиб турган ҳис-туйғулари ораларидаги омонатгина барча тўсиқларни туйқусдан йиқиб-емириб юбориши мумкинлигини пайқар эди. Икковлари ҳам нечундир шунисидан чўчир эдилар... Балки — Икромни Ферузанинг камсуханлиги мафтун этгандир?

Ёз келиб, ҳамма студентлар таътилга чиқиб кетаётганларида Икром билан Феруза ҳам хайрлашдилар. Икром

Фарғонага, онаси хузурига кетди. Феруза бўлса Намангандаги холасиникига жўнади.

Икром Ферузани ўқтин-ўқтин эсларди. Бир неча марта унинг тўғрисида онаси билан сўзлашмоқчи бўлиб оғиз жуфтлади, аммо гап очай деганда юраги бетламади. Онаси урф-одат, эми-удум деган нарсаларга муккасидан кетган, бир сўзли, қаттиққўл хотин эди. Ўғлини ўзи қиз топиб уйлантирмоқчи эди. Икром буни яхши биларди.

Ана шундай бир хотин нотаниш, қолаверса, ўзига яраша ўжартабиатроқ қизга қандай қарар экан? Икромнинг подадан олдин чанг чиқаргиси келмади. Мавриди келар. Бари бир ўз тақдирини ўзи ҳал қилади, онаси бунга монеъ бўлолмайди.

Дафъатан ёзнинг эрта тонгларида бирида Икром Ферузани Фарғонанинг четёқа кўчасидан бирида учратиб қолди. Аввал кўзларига ишонгиси келмади. Феруза Наманганда эди-ку? Бу ерга нима бўлиб келиб қолди экан? Аммо қизнинг қорамағиз кулча юзларини кўриши билан юраги қинидан чиқиб кетаёзди. Ферузанинг кўзлари дилидаги сирларини айтиб турарди: чамаси энди унинг ортиқ сабри қолмаган эди.

— Аллакимимни йўқотгандек гарангсиб қолдим... Чидаялмадим,— деб юборди Феруза.— Шартта йўлга чиқдим. Бир кунгина бўлса ҳам кўриб келай, дедим...

— Тасодифан кўчада учрашиб қолмасак нима бўларди? Адресимни берган бўлсам ҳам майли эди, — деди Икром ҳайрат билан.

— Ақалли у кишининг шаҳарини кўриб келсам ҳам майли эди, дедим,— дея ийманиб ўқтирди Феруза.— Сиз шу ерда туғилгансиз, шу кўчаларда юргансиз. Аянғиз ҳам шу ерда. Шуларни ўйладиму йўлга чиқиб келавердим...

«Демак, севаркансан-да? — деб сўрарди Икромнинг кўзлари Ферузадан.— Шунга иқромисан? Бор экансан-ку!»

«Севаман,— деб турарди Ферузанинг кўзлари.— Иқроман. Ортиқ сабрим қолмади.»

— Аммо кечкурун қайтиб кетаман,— деди Феруза, овози аранг чиқиб.

— Йўк, йўк, кетмайсан! — деди Икром ҳаяжонли ҳукмрон овоз билан.— Фарғонадек шаҳарни бир кунда кўриб улгурармидинг?

— Йўк, қололмайман, Икром,— деди Феруза катъият билан.— Қишлоқдаги қизлар билан бирга келганман. Улар менсиз қайтиб боришса, холам нима дейди?

Икром Ферузага кўп жойларни кўрсатмоқчи эди. Чунон-

чи, шаҳарнинг азим чинорлар ўсган таърифи боғини... Ўша ерда фонтан қаршисидаги қизил-яшил скамейкада ўтириб, келажак ҳақида ўй суришарди. Кейин кафега кириб, баҳаво равонда музика тинглашарди... Эртасига шаҳар кўчаларини айланишарди, ҳангомалашарди... Фарғона — ғаройиб шаҳар.

Маълум бўлдики, бундай нарсаларга фурсатлари етмас экан.

— Унда бизникига борамиз,— дея Икром Ферузанинг кўлига ёпишиб олди.— Сени аям билан таништираман. Уйимизни кўрасан...

Икромларнинг уйи четроқдаги бир тор кўчада экан. Узунасига тушган қамиш томли уй. Деворнинг сувоғи кўчган жойларидан гувалалари кўриниб турибди. Ҳовлилари каттагина экан. Олма-олчалар пишган. Ариқда шарқираб сув оқиб турибди. Ўчокбошидан бахмал нимчали бир хотин чиқиб келди. Одмигина кийимда, сочлари оқарган, боқишлари виқорли. Икромнинг ўзи.

— Аям шу киши бўладилар,— деди Икром.— Ферузахон билан танишинглар, ая.

Феруза таъзим билан бош силкиб, унга елкасини тутди. Кампир кўлининг учини унинг елкасига ташлаб кўришди. Қиз ундан ибод, одоб билан ҳол-аҳвол сўради. Кампирнинг авзойи ўзгариб қолганидан хижил эди. Бехосдан кириб келганига феъли айнидимикан? Ўлар, наҳотки? У ийманайимана хушчақчақлик билан гапиришга ҳаракат қилса ҳам Икромнинг аяси пинагини бузмас, қайтага тобора тундлашар эди. Ферузанинг назарида бирдан бу ҳовлининг ҳавоси ҳам совиб, эти жунжиккандек бўлди.

Икром Ферузани ичкарига бошлади. Уй ташқарисидан кўримсизгина бўлса ҳам, ичкарисы бинойидеккина ясагилган экан: чўгдек палос тўшалган, икки таҳмон тўла кўрпаёстик, токчаларда турли-туман чинни, мис идиш-товоқлар, мис баркашлару гулдор патнислар...

Аммо уй ҳам Ферузага бари бир совуқ кўринди. У ҳам мезбон кампирга ўхшаб, ёқимсиз, тунд туйилди. Феруза таажжубда эди: нима бўлди ўзи? Юраги сиқилмоқда эди. Икром эса ҳеч нарсадан хабарсиздек.

— Ота-оналарингиз борми, қизим?— деб сўради Икромнинг аяси, улар, куёшли ҳовлига қайтиб чиққанларида.

— Йўқ,— деб ибод билан жавоб берди Феруза.— Ҳеч кимим йўқ.

— Ҳеч кимингиз йўқми? Нега йўқ?—деб таажжубланди кампир.

— Ўлиб кетишган,— деб қўя қолди Феруза, совуққина.

— Бўлмаса сизни ким тарбия қилган?— деб суриштирди хотин, овозидаги адоват ва истехзо оҳангини яширмай.

Бу сўзлар Ферузага қаттиқ малол келди. «Тавба, нима даҳли бор экан бу кишига?» деб ўйлади, дили ранжиган Феруза. Унинг отаси билан онаси уруш йиллари ўлиб кетган, холаси парвариш билан катта қилган эди. Кибру ҳаволи димоғдор хотинга уқтириб ўтиргиси келмади.

— Мени кечирасиз-у,— деди у беихтиёр равишда қахрли бир оҳангда,— олган тарбиямнинг нима эриш жойи бор экан? Мени парвариш қилиб ўстирган холамга ҳали ҳеч ким таъна тақмаган эди...

Хотин унга жавоб бермади, энсаси қотганини сездирмаслик учун кўзларини олиб қочди.

— Икромжонимга кўнглингиз борми?— деб сўради у.

— Ҳа...— деди аранг, юзи қизариб кетган Феруза.

— Қиз бола ёлғиз ўзингиз йўлга чиқиб келавердингизми? Бегона шаҳарга-я?! Нима, у сизни чақирганмиди? Шунақа расм борми?

— Қайдам... Билмадим...— деди Феруза тили галдираб. Юзи лов-лов ёнарди.— Нима эди?

— Вой, нима бўларди? Фаросатингиз етар,— деди кесатиб Икромнинг аяси.

У индамай қолди. Феруза аланглаб кўзлари билан Икромни қидирди. Ҳозирнинг ўзида жўнаб қолмоқчи эди. Икром бўлса ичкарида, онасининг Ферузани таҳқирлаган сўзларини эшитмаган эди.

У ичкаридан очилиб-сочилиб, хурсанд чиқиб келди. Ферузанинг авзойини ҳам пайқамади.

Қуёш анча оғиб қолган, ҳовлидаги дарахтларнинг соялари узайган эди. Кеч кирганини баҳона қилиб, Феруза хайрлаша бошлади.

Кампир Ферузага совуққина бош силкиб қўя қолди. Қизни яна бир келишга таклиф ҳам қилмади...

Икром билан Феруза дарвозахонага яқинлашганларида, она ўғлини имлаб чақирди.

— Уйланмоқчи бўлиб юрган қизинг шумиди?— дея жўртага шанғиллаб сўради у.

— Ҳа, ая,— деб хурсанд жавоб берди ўғли.— Чиройли қиз эканми?

— Ор-номуси йўқ экан,— деди кампир қахр билан.— Биюз, бефаросат экан. Бегона бир шаҳарда ўз бошича пайдо бўлиб, танимаган эшикдан бемалол кириб келаверса... Биров чақирган бўлса ҳам гўрга эди. Бунақа қизга уйланадиган

бўлсанг — мен қаро ерга кирганимда оласан.

— Ия, нима деяпсиз ўзи? — деб хитоб қилди Икром. — Ўйлаб гапиряпсизми?

У эшик тарақлаб ёпилганини эшитди. Феруза чиқиб кетган эди. Икром кўчага югурди — Феруза кўринмасди.

Феруза Икромнинг аяси айтган аччиқ-тиззиқ сўзларни эшитган, бу остонага иккинчи қадам босмасликка аҳд қилиб, жўнаб қолган эди.

Шу-шу дили оғриганича Феруза Икромнинг аясини ҳам кечирмади, Икромнинг ўзини ҳам. Наҳотки тўрт йилнинг мобайнида кимлигини, унга бўлган муносабатини онасига айтмаган бўлса!

Феруза Икромни кўнглидан чиқариб ташлаёлмади-ю, лекин у билан учрашмай кўйди. Ҳамма таниш-билишлари таажжубландилар. Лекин Феруза сабабини тушунтириб ўтирмади.

Икром айбини пайқар, аммо Феруза менинг аҳволимни тушунса керак, деб ўйлар эди. Эски урф-одатларга ёпишиб олган одамларни, айниқса кексаларни йўлга солиб бўлса экан, қолаверса, улардан дакки эшитасан, маломатга қоласан. Феруза бўлса холасиникидан аллақачон чиқиб кетган. Инон-ихтиёри ўз измида. Шуниси ҳам борки, холаси мулойим табиат, бир гап айтсанг тушунадиган вазмин хотин.

Икром Ферузани қидириб топиб унга шу гапларни уқтирмоқчи бўлди. Лекин унинг дили вайрон бўлганини, чилчил синганини кўрди. Қиз Икромнинг севгиси астойдиллигига ишонмай қўйган эди.

Икром унга ётиғи билан тушунтирмоқчи бўлиб кўрди, ялиниб-ёлборгандек уқтирди, қани энди Феруза кўнса!

— Йўқ, — деди Феруза унга. — Йўқ, энди мен сизнинг севгингизга ишонмайман. Биз бахтсиз бўламиз.

Бу Икромнинг иззат-нафсига тегиб, унга малол келди.

— Кейин ич-этингни еб юрма, — деди Икром таънаомуз. — Оёғингга йиқилиб илтижо қилмоқчи эмасман. Феълимни яхши биласан...

Феруза унинг феълини яхши биларди, лекин бари бир, аҳдидан қайтмади. У Икром билан учрашишни йиғиштириб қўйди, аммо кечалари билан йиғлаб чиқарди.

Шу тариқа орадан бир йилча ўтди. Ёзнинг бошларида улар институтни битиришди. Тақсимотда Икром Шаҳрихонга йўлланма олди.

Институтни битиришга бағишланган кеча охирида ёру дўстлари Икром билан гаплашиб кўрмоқчи бўлдилар.

— Сен Ферузасиз, ёлғиз ўзинг жўнамоқчимисан? — деб

сўрашди улар.— Шошилма, оқибатини ўйла. Феруза қаҳри қаттиқроқ бўлгани билан, бари бир сени яхши кўради. Ярашиб ол!

— Нега энди ярашиш керак экан?— деб эътироз билдиришди баъзилар.— Қиз онасининг дидига ёқмабди. Эҳтимолки, бирон номаъқул қилиги билан кампирнинг дидига ёқмай, кўнглини қолдиргандир. Турмуш қурганларида ҳам ораларида тотувлик бўлмайди.

— Гап аямда эмас,— дея ўқинч билан эътироз билдирди Икром.— Феруза менинг дилимни тушуниб, менга ён босгиси келмади. Демак, бошимиз қовушганда ҳам, дилимиз қовушмай, шу тариқа ўтиб кетамиз. Мен бунга асло-асло кўниқолмайман!..

Бу сўзларда Икромнинг туриш-турмуши, бутун феъл-атвори акс этган эди. Шундай бир видолашув онларида ҳам у фақат ўзини ўйларди.

— Ахир сен уни яхши кўрасан-ку,— деди унга яқин дўстларидан бири.— Ахир усиз қандай яшайсан?

— Қайдам,— деб хўрсинди Икром.— Бора-бора унут бўлар. Менда ҳам иззат-нафс бор, гапимдан қайтмайман.

Ёр-дўстлари Икромнинг оёқ тираб туриб олганига амин бўлдилар. Икром жўнаб кетди. Феруза эса шаҳар касалхонасида ишлагани қолди. Кўзларида ёшлари шашқатор, кечалари билан, мендан ҳам бирер ноҳақлик ўтгандир, деб ўйлаб чиқар эди. Кўзи тўрт бўлиб кутди. Икромдан хат-хабар келиб қолар, ёйинки ўзи кириб келар, деб умид қилди. Икром эса на қорасини кўрсатдию на бир энли хат билан йўқлади. Бир йилдан кейин бошқа бир жойга ишга тайин бўлиб, Шаҳрихондан жўнаб кетганини эшитди Феруза. Шундан кейин Икром бутунлай дом-дараксиз кетди.

Кейинчалик Феруза, бу ерга ишга келгач, Дониёр билан танишди. Дониёр унга ёқди...

Тез орада тўйлари бўлди.

Кунлар, ойлар, йиллар ўтди, эски дардлари Ферузанинг дилини тарк этди...

ТҮФОНДА ҚОЛГАН СУРУВ

Воқеий ҳикоя)

Ҳасан чўпонни эшитганмисиз? Эшитмаган бўлсангиз, тингланг. Ҳасан чўпон Алим Айдамақнинг¹ дўсти, Аванес оғанинг² кўйбоқари, Қорабий яйловининг лочини эди. Эҳ-ҳа, уни беҳудага Ҳасан Лочин демаганлар.

Лочин ой каби тўлишган, қадди-басти келишган, хуш-мўйлаб мард йигит эди. Шундай йигит бўлмаса тўрт атрофнинг қизлари оҳ-воҳ чекишармиди, кечалари уйқуларини тарк этишармиди? Аммо азамат йигитнинг кўксига жуздонларию ёнбошидаги кумуш сопи ханжари билан оёқларидаги қатронли этикларидан бошқа ҳеч нарса бўлмаган одамга ким киз берарди? Қиз олмоқ учун — қалин мол керак, қалин мол учун — пул керак. Ҳасан Лочин пулни қаёқдан олсин? Эсини таниганидан бери қорнини тўйдириш учунгина чалишган, у ёқаси бу ёқасига етмаган бўлса, мол эмас, бир чўпи ҳам бўлмаса?!

Ҳасаннинг мўйлаби сабза ура бошлагандан кейингина омади юришган. Бир куни кечаси Алим Айдамак уни Аванес оғанинг уйига бошлаб борган. Эртасига Ҳасан Лочин Аванес оғанинг кўйларини Қорабий яйловига олиб чиққан. Шу тариқа чўпон бўлган.

Қорабий яйловининг таърифини эшитганмисиз? Эшитмаган бўлсангиз, тингланг. Қорабий яйлови минг бир адирқари бор ям-яшил дашт. Бехос қадам кўйсангиз — жарга тушиб кетасиз. Ана ундан кейин сизни етти қат ернинг қаъридан топиб олсинлар-чи. Ғору мағораларини айтмайсизми? Киришга кирарсизу аммо этагига етаман, деб бошингизга етмасангиз эди. Музли ғорга ёз чилласида кирар бўлсангиз, пўстинингизни ола кириш — акс ҳолда яхлаб қоласиз. Яйловнинг ёқасига бора кўрманг. Ёқасига бориб учурумдан пастга қарасангиз, бошингиз айланиб, денгизга чирпирак бўлиб тушганингизни сезмай қоласиз. Бундан фақат бизнинг азамат йигит ҳайиқмас экан. Яйлов ёқасидаги типпа-

¹ Алим Айдамак — XIX асрнинг биринчи ярмида чор амалдорларига, бойларга қарши кураш олиб борган халқ қаҳрамони?

² Аванес оға — Кефа-Феодосияда яшаб ижод этган машҳур рус расоми Иван Константинович Айвазовскийни Қрим татарлари хурмат билан шундай деб атаганлар.

тик қоянинг қоқ тепасига чиқаркан-да, қаршисидаги денгизга боққанча қоволини чаларкан. Шундай чаларканки, денгиздаги балиқлар сув юзига чиқиб, унинг машқини тинглар эканлар.

Бу фалокатли кунда ҳам шундай қилибди. Энди балиқларгина эмас, қўйлари ҳам атрофини қуршаб олишибди. Ҳаводаги қушлар куйларига маҳлиё бўлиб, боши узра чарх уришибди.

Ҳасан Лочин завқ-шавқ билан чалибди. Нега чалмасин, эртага катта ҳайит, чўпонлик қила бошлаганига беш йил тўлади. «Беш йил тўлган куни уйимга кел, — деган Аванес оға, — тўй харажатингни ҳам, қалин молни ҳам мен берман».

Ҳайҳот, офат деган фалокат огоҳлантирмай бехосдан келаркан. Кўз илғамас кузғунларни қанот қоққанидан пайқайдиган Ҳасан Лочин бу гал ғафлатда қолибди, уфқдан тошиб келаётган тўфонни сезмабди, чунки эс-хуши яйловда эмас севган ёрида экан. Бу орада осмон қорайиб, денгиз кўпирган, зулмат чўккан. Дафъатан шундай бир даҳшат юз берганки, ер билан кўк қоришиб, ёмғир эмас, гўё тош ёққан...

Кўйни беҳуда қўй демаганлар, ўта кетган аҳмоқ бир махлук. Ҳасан Лочин кўйларини жар ёқасидан ҳайт-ҳуйтлаб ҳайдагунча бўлмай, уларнинг серкаси пастга қараб сакраган. Серка сакрадим, қўйлар ҳам унинг кетидан таппа-таппа ўзини сувга отган. Кўз очиб юмгунича беш юзта қўйдан асар ҳам қолмаган.

Шўргинанг курсин, азамат йигит!.. Ёргинангнинг ҳам шўри курсин! Шўргиналаринг курсин! Аммо бундан не фойда? Энди ким қўллайдую ким мадад беради?

Ўшанда Ҳасан чўпон умрида биринчи марта йиғлаган экан. Шундай йиғлаган эканки, фарёди денгиздаги тўлқинлару осмондаги момақалдиروқнинг гулдиросини босиб кетган экан. Босиб-кетган экан-у, очкўз денгиз марҳамат қилармиди? Қўй-қўзилари балиқларга ем бўлган.

Бизнинг Лочин чорасиз қолган. Қўлини ювиб қўлтиғига уриб, қоволини белбоғига қистирганча валинеъматига қараб кетган. Уни осадими, кесадиими ёки икки оёғини бир этикка тикиб Сибирга ҳайдатадими — нима қилса ҳаққи бор.

Оз ўтганми, кўп ўтганми Лочин Кефага кириб келганида қош қорайиб қолган эди. Аванес оғанинг остонасидан ҳатлайман деб турганида мезанадан муаззиннинг азон айтаёт-

гани эшитилган: «Оллоху акбар!..» Болалар шовкин-сурон кўтарганча уй-уйларига югурганлар:

Муаззин айтди азон,
Учоқдан тушди қозон!..

Рамазон тугади? Эртага ҳайит, қувонишаётгандир? Ҳа, кимга — тўй, кимга — аза. Ҳасанга ҳам аза.

— Хуш келибсан! — дебди Аванес оға.

Ҳасан нима десин?

— Бор эди, йўқ бўлди, — дебди Ҳасан чўпон, — беш юз кўйдан биттаси ҳам қолмади, ҳаммаси сувга кулади. Тўлай десам — на молим бор, на пулим. Қилтиллаган жоним қолди, жонимни ола қолинг.

— Жуда қизик бўлибди-ку! — дебди Аванес оға. — Қани, ўтириб қаҳва ич-да, кўйларнинг жар ёқасидан сувга қандай қулаганини гапириб бер-чи... Булут қаёқдан келди? Кўкни зулмат босдимми?.. Денгизни-чи? Кўйлар маърадимми?

Аванес оға бамаъни одам бўлса ҳам, қайғу, қассобга мол бемаъни гапларни сўраган. Эчкига жон қайғу, қассобга мол қайғу, деган бўлсалар ҳам, бу на молини, на мойини эслаган, фақат ўша кўнгилсиз воқеани суриштирган. Сўроққа тута-тута суриштириб бўлганидан кейин:

— Бор, иним, эл-юрт билан ҳайитингни ҳайитла, — деган. — Бир ҳафтадан кейин келарсан.

Ҳайитингни ҳайитла эмиш! Энди Ҳасан Лочинга ҳайит татирмиди! Кўлидан куши кетди, бошидан хуши кетди?

Кундан кун ўтиб, орадан бир ҳафта ўтибди? Ҳасан чўпон на туз тотган, на мижжа қоққан. Ҳафтанинг охирги куни бошини қуйи солганча Аванес оғанинг даргоҳига кириб борган.

— Аванес оға, қийнаб ўтирмай, жазомни бериб кўя қолинг. Тоқатим тоқ бўлиб кетди, — деган.

— У нима деганинг?.. Юр, мен сенга бир нарса кўрса-таман.

Улар иккинчи қаватга чиқишибди. Каттакон майдондек ёп-ёруғ бир хонага киришибди.

— Энди мана буни кўр, — дебди Аванес оға. Шундай лебди-да, девордаги пардани очиб юборибди?

Нима деса экан? Тилсим деса — тилсим эмас, мўъжиза деса — мўъжиза! Ажабо, ҳаммаси тип-тирик. Унда Ҳасан Лочин кўйларини, кўйлари орасида ўзини кўрибди. Яйловни ҳам, тикка қояни ҳам, жар ёқасидан қулаётган серкани ҳам яққол кўрибди.

— Ұхшайдими?— дебди Аванес оға.

— Нақ ўзи!— дебди Ҳасан Лочин.— Аммо қўйлар қи-
мирламаяпти-ку?

— Бу ахир расм-ку.— дебди Аванес оға.

Чўпон шўрлик расмни қаёқдан билсин? Кўрганларини
ростакам деб ўйлаган.

— Бу расмни сенинг айтганларингга қараб чиздим,—
дебди Аванес оға.— «Тўфонда қолган сурув» деб атадим.
Уни сотиб, пулига беш юзта қўй олдим. Қўйлар Жамолид-
дин бойнинг ўтлоғида. Истасанг яна менга чўпон бўл.

Кувончидан Ҳасан чўпоннинг тилига гап келмай қолиб-
ди. Азбаройи тили тутилганидан раҳмат ҳам айтолмабди.

Э-ҳа, ҳангома шу билан тугай қолмабди. Аванес оға
ёнидан бир даста пул олиб, шалдиратганча чўпоннинг қўли-
га тутқазибди.

— Беш йиллик ҳалол хизматинг учун миннатдорман,
иним,— дебди.

Бундан Ҳасан Лочин эс-ҳушини йўқотиб қўяёзибди.
Эшикдан юриб эмас, учиб чиқиб кетибди. Ҳай-ҳай, дунёда
не-не яхши одамлар бор!

Ана шундан кейин ҳафта ўтган, ой ўтган, ёз ўтган-да,
куз етган. Кузда Ҳасан Лочин тўрт атрофдан меҳмон чақи-
риб, созандаю хонандалар билан катта тўй берган. Тўйда
Алим Айдамақ соз чалган, Аванес оға унга зил тутган, бобом
шароб сунган. Ҳам сунган, ҳам ичган, қорни ноғора бўлиб
шишган.

III



Марк ТВЕН

М А С А Л

Чоғроққина, аммо жуда гўзал сурат чизган бир рассом уни ойнада акс этадиган тарзда осиб қўйишга қарор қилди.

— Суратни ойнада кўрсангиз,— деди рассом,— унда миқёси чуқурлашади, бўёқлари мулойимлашади. Менингча, сурат анчагина латифлашади.

Ўрмонда яшовчи ҳайвонларга буларнинг ҳаммаси тўғрисида хонаки мушук гапириб берди. У ўзининг билимдонлигию ҳассослиги, ғаройиб боодоблигию ўта маданиятлиги билан ҳамиша уларнинг ҳавасини келтирарди.

Мушук бошқа ҳайвонларнинг хаёлига ҳам келмаган нарсалар тўғрисида баҳс этиши мумкин эди. Бирок улар: аксар унинг ҳикояларидан кейин ҳам гапларига тўла-тўқис ишонгилари келмасди.

Мушукдан бу янгиликни эшитгач, ўрмонда яшовчи ҳайвонлар жуда ҳаяжонланиб кетдилар. Унга саволлар ёғдириб бор гапни батафсил айтиб беришини талаб қилдилар. Уларни, айниқса, сурат дегани нима эканлиги қизиқтирарди.

— Биласизларми,— деди мушук,— сурат дегани япаски бир нарса. Шу қадар япаскики, завқ-шавқингизни ошириб юборади. Қолаверса, ўзи жуда гўзал!

Шундан кейин ҳайвонларнинг қизиқиши ниҳоятда кучайиб кетди, улар мушук сурат деб атаган нарсани кўриш учун борлиқларидан кечишга тайёр эканликларини айтдилар.

— Дарвоқе, уни бунчалик гўзал қилиб кўрсатадиган нарса нима?— деб сўради айик.

— Ҳайратомуз кўркамлиги,— деб жавоб берди мушук.

Бу уларнинг завқ-шавқини янада ошириб юборди, айни бир вақтда қўнғилларида муайян гумон туғдирди. Ҳайвонларнинг қизиқишлари ҳад-ҳудудсиз эди.

— Ойна дегани нима?— деб қизиқсинди сигир.

— Девордаги бир туйнук,— деб тушунтирди мушук.— Унга қарасангиз — суратни кўрасиз. Бу суратда шу қадар нафосат, латофат, самовий шаффофлик акс этганки, у ўзининг ақл бовар қилмайдиган кўркамлиги билан сизни шу қадар илҳомлантириб юборадики, бошингиз айлана бошлайди. Хушингиздан кетиб қолаёзасиз.

Шу пайтгача чурқ этмай турган эшак дафъатан ҳамма ёр-биродарларини ўйга чўндириб қўйди:

— Мушук лоф ураётган гўзалликка ўхшаган гўзаллик ҳеч қачон бўлган эмас,— дея ҳукм чиқарди у,— ажаб эмаски, ҳозир ҳам бўлмаса. Қолаверса, мушукнинг ана шу гўзалликни таърифлаш учун — шу қадар узундан-узук ташбеҳларни қўллашга мажбур бўлаётганлиги шубҳа тугдиради.

Эшакнинг сўзлари ҳайвонларга маълум даражада таъсир қилганини пайқаш қийин эмасдики, дили-дилигача гоятда озор етган мушук орадан чиқиб кетди. Бир неча кунгача ўрмонда бу борада гап очилмади-ю, аммо сўниб битмаган қизиқиш бора-бора янги куч билан алангаланиб кетди-да, ҳайвонлар ўринсиз шубҳа-гумонлари билан қувончларига раҳна солган эшакка таъна қила бошладилар. Бирок, эшакка бас келиш маҳол эди. Эшак пинагини бузмай, у ҳақлими, мушук ҳақлими эканлигини ҳал қилиш учун биргина йўл борлигини айтди. Эшак рассомнинг уйига бориб, ўша туйнукка кўз ташлайди-да, қайтиб келгач, нима кўрганини айтиб беради. Шундан сўнг барча ҳайвонларнинг кўнгли жойига тушиб, эшакдан тезроқ рассомникига бориб келишни илтимос қила бошладилар. У йўлга тушди.

Лекин манзилга етиб келгач, эшак янглиш иш тутиб ойна билан сурат ўртасида туриб қолди-да, табиийки, сурат деган нарсани кўрмади. Ўрмонга қайтиб келгач, қатъият билан шундай деди:

— Мушук ёлғончи экан! Туйнукда аллақандай эшакдан бошқа ҳеч нарса кўринмайди. Япаски буюмдан-ку асар ҳам йўқ. Мен кўрган эшак гарчанд, анчагина ёқимтой бўлса ҳам, лекин бари бир ўзимиз билган эшак-да.

— Сен синчиклаб қарадингми ўзи?— деб сўради фил.— Яқинроғига бордингми ишқилиб?

— О, ҳайвонларнинг ҳоқони Хатхи, мен ҳаммасини синчиклаб кўздан кечирдим, шу қадар яқин бордимки, тумшуғимни тумшуғига уриб олдим.

— Буларнинг барчаси галати,— деди фил.— Ҳаммамизга аёнки, шу пайтгача мушук ҳамиша рост гапириб келган эди. У ерга яна биронталарингиз бориб келинглар. Сен бора

қол, Балү, ўша туйнукка разм сол. Қайтиб келганинда у ерда нима кўрганини айтиб берасан.

Айиқ йўлга тушди. У қайтиб келгач, ҳайвонлар шу гапларни эшитдилар:

— Мушук ҳам, эшак ҳам ёлғон айтишибди: ўша туйнукда аллақандай айиқ ётибди, холос.

Ҳайвонларнинг орасида астойдил тўс-тўполон кўтарилди. Улардан ҳар бири ким ҳақли эканлигига шахсан амин бўлгиси келарди.

Аммо фил уларни битта-битталаб жўнатди.

Аввал сигирни жўнатди. У туйнукда сигирдан бошқа ҳеч кимни кўролмади қайтиб келди.

Йўлбарс йўлбарсдан бошқа ҳеч кимни учратмади.

Арслон арслондан бошқа ҳеч кимни учратмади.

Қоплон қоплондан бошқа ҳеч кимни учратмади.

Туя эса туянигина кўриб қайтди.

Шундан сўнг даргазаб бўлган Хатхи ўзи бориб ҳақиқатни ҳақ топтириб келишини айтди. У қайтиб келгач, бугундан эътиборан ўзининг барча талабларини ёлғончи деб ҳисоблажани маълум қилди, мушукнинг нақадар паст кетганлигини ўйлай-ўйлай, анчагача ўзини босолмади.

— Туйнукда филдан бошқа кимса йўқлигини калтабин аҳмоқларгина пайқамаган бўлишлари мумкин,— деди Хатхи.

МУШУК ЧИҚАРГАН ҲИССА:

Агар санъат асари билан тасаввурингиз ойнаси ўртасида туриб қолсангиз — ўзингиз олиб кирган нарсанигина кўра оласиз. Унда қулоқларингизни кўрасизми-йўқми, аммо қулоқларингизнинг мавжуд бўлиши муқаррар, бунисидан кўнглингиз тўқ бўлаверсин.

О. ГЕНРИ

АФСУНГАРЛАРНИНГ ТУҲФАЛАРИ

Бир доллару саксон етти цент. Бор пули шу эди. Улардан олтмиш центи бир центли чақалардан иборат. Ана шу чақаларнинг ҳар бири учун баққол, резаворфуруш, қассоб билан шу қадар савдолашишга тўғри келдики, бу тариқа зиқналик туфайли туғилган сўзсиз норозиликдан қулоқларигача қизариб кетарди. Делла уч марта санаб кўрди. Бир

доллару саксон етти цент. Эртага эса мелод байрами.

Бу важига келганда ўзини эски чорпояга таппа ташлаб, ўкраб йиғлашдан бошқа чораси йўқ эди. Делла худди ана шундай қилди. Бундан шундай фалсафий хулоса келиб чиқдики, ҳаёт йиғи-сиғи, оҳ-воҳ ва табассумлардан иборат, аммо оҳ-воҳ кўпроқ.

Уй бекаси ана шу пояларнинг барчасидан ўтиб бўлгунча, уйнинг ўзини кўздан кечирайлик. Ҳафтасига саккиз доллар ижара ҳақи тўлаб туриладиган жиҳозли квартира. Вазиятдан ўтакетган қашшоқлик эмас, тўғрироғи, айтмаса ҳам аён-ошкор кўриниб турган камбағаллик кўзга ташланади. Пастда кираверишдаги эшикка осиглиқ хат ташланадиган қутининг тирқишидан биронта ҳам хат сиғмайди, электр кўнғироқнинг тугмасини битта-яримта одам босгудек бўлса, тиқ этган товуш эшитилмасди. Ана шуларга: «М-р Жеймс Диллингхем Юнг» деган ёзуви бор бир қоғоз ҳавола қилинган эди. Мазкур номнинг эгаси ҳафтасига ўттиз доллар олиб турадиган яқин вақтлардаги бадавлатлик кезларида «Диллингхем» кулочини ёзиб юборган эди. Эндиликка келиб, ана шу даромад йигирма долларга тушиб қолгач, «Диллингхем» сўзидаги ҳарфлар, тўпорию камтаргина «Д» ҳарфига қисқарсак бўлмасмикан, деб астойдил андиша қилгандек хира тортган эди. Аммо мистер Жеймс Диллингхем Юнг уйга қайтиб юқори қаватга чиқиб бораркан, биз ҳали сизга Делла номи билан таништирган миссис Жеймс Диллингхем Юнг уни албатта «Жим!», дея хитоб қилган-ча меҳр билан кучоқ очиб кутиб оларди. Бу эса, дарҳақиқат, дилни хушлайди.

Делла йиғини бас қилиб, ёноқларини упали момиқ билан артди. Ҳозир у дераза олдида турар ва кулранг ховли бўйлаб ўтган кулранг девор устида кезиб юрган кулранг мушукни маъюсгина кузатар эди. Эртага мелод байрами, унинг эса Жимга совға олгулик бир доллару саксон етти центгина пули бор, холос! Узоқ ойлар давомида у ҳар бир центни туфлаб тугиб келди. Жамғаргани эса мана шу бўлибди. Ҳафтасига йигирма доллар билан ошиб-тошиб кетмайсан. Сарф-харажатлар унинг мўлжалидагидан кўпроқ чиқиб қолди. Сарф-харажатлар доим шундай бўлади. Жимга совға олгулик бир доллару саксон етти цент пули бор! Жимгинасига совға олай деса!.. Мелод байрами муносабати билан унга нима совға қилишни режалай-режалай қанчадан-қанча соатларни хурсандчилик билан ўтказди. Биронта ғоят аломат, камёб, қимматбаҳо, Жимга мансублик-

дек юксак шарафга ақалли сал-пал муносиб келадиган қандайдир антиқа совға бўлиши керак.

Икки дераза оралигида трюмо турарди. Сиз ҳеч қачон саккиз доллар тўлаб туриладиган жиҳозли квартирадаги трюмога қараб кўрганмисиз? Жуда озғин ва жуда серҳаракат одамгина унинг энсиз ойналарида кетма-кет ўзгараётган аксига қараб, ўзининг ташқи қиёфаси ҳақида анчагина аниқ тасаввур ҳосил қилиши мумкин. Ушоқ жуссали Делла бундай маҳоратни эгаллаб олган эди.

У дераза олдидан дафъатан ойна томон ўтди. Кўзлари чарақлар, аммо йигирма секунд мобайнида юзини қизиллик тарк этган эди. У чаққонлик билан тўғноғичларини суғуриб сочларини ёзиб юборди.

Сизларга айтиб қўйишим керакки, эр-хотин Жеймс Диллингхем Юнглаarning фахру ифтихорлари бўлган иккита бебаҳо бойлиги бор эди. Бири — Жимнинг бобоси билан отасидан қолган тилла соати, иккинчиси Делланинг сочлари. Мабодо малика Билкис рўпараларидаги уйда яшаётган бўлса борми, Делла ҳазрати олияларининг барча ясан-тусан либосларию зеб-зийнатларини йўлда қолдириб кетиш учун бошини ювгач, ўрилмаган сочларини атайлаб дераза олдида қуритган бўларди. Борди-ю, Сулаймон подшо ана шу уйда эшик оғаси бўлиб хизмат қилаётган, бор давлатини ўша уйнинг ертўласида сақлаётган бўлса борми, Жим унинг ҳасаддан соқолини битталаб юлаётганини кўриш учуноқ олдидан ўта туриб жўрттага чўнтагидан соатини олиб қарайдиган бўларди.

Мана, Делланинг ажойиб сочлари худди каштанранг шалола тўлқинларидек жилваланганча, мавжланганча сочилиб кетди. Тиззасидан пастга солланиб тушган сочлари қадди-бастини ридо каби ўраб олди. У эса шу ондаёқ асабийлашганча ва ошиққанча, уларни йиғиштириб ола бошлади. Кейин худди тарадудлангандек, бир дақиқа кимир этмай қолди-да, эскирган қизил палосга икки ё уч томчи ёш думалаб тушди.

Нимдошгина жигарранг жакетини елкасига ташлаб, эскигина жигарранг шляпасини бошига қўндирди-да, кўзларида ялтираб турган ёш қуримаган ҳолда, юбкасини ҳилпиратган кўйи физиллаганча кўчага тушиб борди.

У қаршисига бориб тўхтаган лавҳага шу сўзлар ёзилган эди: «M-te Sorghie.» Сочдан ясаладиган турли-туман маҳсулотлар». Делла иккинчи қаватга югуриб чиқди-да, нафаси тикилиб ҳаллослаганча туриб қолди.

— Менинг сочимни сотиб олмайсизми?— деб сўради у хонимдан.

— Соч сотиб оламан,— деб жавоб берди хоним.— Шляпангизни ечинг, молни кўришим керак.

Каштанранг шалола яна мавжланди.

— Йигирма доллар,— деди хоним, қалин сочни одатига кўра салмоқланиб кўраркан.

— Тезроқ бўлақолинг,— деди Делла.

Шундан кейинги икки соат вақти нимпушти қанотлар билан уча-уча ўтди — сийқаси чиққан истирам учун узр сўрайман. Делла Жим учун совға қидириб магазинма-магазин изғиди.

Ниҳоят, топди. Бу, шубҳасиз, Жим учун, фақат унга атаб яратилган эди. Бошқа магазинларда сира ҳам бунга ўхшаган нарса тополмаган, ўзи ҳам уларнинг ҳамма ёғини остин-устин қилиб юборган эди. Бу чўнтак соатига тақиладиган оддий ва сипо нухали платина занжир эди, у намойишкорона ялтироқлиги билан эмас, чинакам кадри билан мафтун этарди — зотан барча яхши буюмлар шундай бўлиши керак. Уни ҳатто соатга муносиб деса деғулик эди. Делла уни кўриши биланоқ оқ занжир Жимга аталганлигини пайқади. У ҳам худди Жимнинг ўзгинаси эди. Камтарлик ва сиполик — икковларига хос фазилат эди. Кассага йигирма бир доллар тўлади-да, Делла чўнтагида саксон етти цент билан уйига ошиқди. Башарти шундай занжири бўлса, Жим ҳар қандай жамоат орасида ҳам тап тортмай соати неча бўлганини кўравериши мумкин. Соати нақадар ажойиб бўлишига қарамай аксар унга ўғринча қараб оларди, негаки, соати расво чарм тасмада осилиб турарди.

Уйда Делланинг ҳаяжони босилиб, бунинг ўрнини эҳтиёт ва тадбиркорлик эгаллади? У сочини жингалак қиладиган микрози қисқични олди-да, газни ёқиб, муҳаббат омухталашган ҳиммат туфайли юзага келган вайронгарликни тузатишга киришди. Бу эса ҳамisha машаққатли иш, дўстларим, мардонавор иш.

Қирқ минутча ҳам ўтмаган эдики, бошини пишиқ ҳимарилган кокилчалар қоплади, шу туфайли у худди дарсдан қочган ўғил болага ўхшаб қолди. Ойнага диққат билан узоқ тикилганча ўзини танкидий назардан ўтказди.

«Хўп,— деди у ўзига-ўзи,— агар Жим кўзи тушиши биланоқ мени ўлдириб қўймаса, Кони-Айленддаги хорчи қизларга ўхшаб қолибди, дер. Қўлимдаги пулим бир доллару саксон етти цент бўлгандан кейин, ахир, иложим қанча эди, иложим қанча эди!»

Соат еттида қаҳва дамлаб қўйилган, газ плитада қизиётган това қўй гўшtidан қилинган котлетларга маҳтал эди.

Жим ҳеч қачон кечикмасди. Делла платина занжирни кафтида сиқиб ушлаганча столнинг остонага яқинроқ жойига бориб ўтирди. Тез орада эрининг зинапоядан чиқиб келаётганини эшитиб, бир лаҳзагина ранги қув ўчиб кетди. Тирикчилик икир-чикирлари важдан худога илтижо қиладиган одати бўлгани учун шоша-пиша шивирлади:

— Худоё худовандо, унинг мендан кўнгли қолмасин.

Эшик очилиб, остонада кўринган Жим уни ёпиб кирди. Афти бир бурда бўлиб қолган, безовта кўринар эди. Йигирма икки ёшда оила ташвишини ортмоқлаб юриш осон эмас. У аллақачон пальтосини янгилаши керак, қўлқопи бўлмагани учун қўллари совқотар эди.

Жим худди бедананинг ҳидини сезган сеттердек эшик олдида кимир этмай туриб қолди. Кўзлари Деллага шундай ифода билан тикилиб турардики, аёл буни нимага йўйишини билолмай, ваҳимага тушди. Бу ифода на қаҳр, на ҳайрат, на таъна, на даҳшат — тахмин қилиш мумкин бўлган ҳислардан биронтасига ҳам ўхшамас эди. Эри унга нигоҳини узмай тикилиб турар, юзидаги ғалати ифода ҳеч ўзгармас эди.

Делла столдан сакраб тушиб, унга отилди.

— Жим, жоним,— дея кичқириб юборди у.— Менга ундай қарама! Мен сочимни қирқиб, уни пулга сотдим, мелод байрамида сенга ҳеч нарса совға қилмасам, бунга ҳеч бир чидаёлмасдим. Сочларим яна ўсиб кетади. Мендан аччиғланаётганинг йўқдир-а, шундайми? Бундан бошқа иложим йўқ эди. Сочим жуда тез ўсади. Кел, мени мелод байрами билан табрикла, Жим, кел, байрамнинг гаштини сурайлик. Сенга шундай бир совға тайёрлаб қўйдимки, шундай ажойиб, шундай аломат совға тайёрлаб қўйдимки!

— Сен сочингни қирқирдингми?— деб сўради Жим диққатини тўплаганча, зотан мияси қизғин ишлаб турган бўлса-да, бу нарса ҳали ҳушига етиб бормаётгандек эди.

— Ҳа, қирқирдим ҳам, сотдим ҳам,— деди Делла.— Аммо сен мени бари бир севасан-ку? Сочим қисқа бўлгани билан мен бари бир ўша-ўшаман-ку.

Жим гарагсиб хонани кўздан кечирди.

— Хўш, шундай қилиб, энди сенинг сочинг йўқми?— деб сўради ўринсиз қатъият билан.

— Қидирмай қўяқол, бари бир тополмайсан,— деди Делла.— Ахир сенга айтдим-ку: мен сочимни сотдим —

кирқирдим-да, сотдим. Бугун арафа, Жим. Менга меҳрибонроқ муомала қил, чунки мен сен учун шундай қилдим. Эҳтимолки, бошимдаги сочларни санаб чиқиш мумкин бўлар-у,— деб сўзида давом қиларкан, мулойим овози бирдан жиддий янграй бошлади,— аммо ҳеч ким, ҳеч ким менинг сени нечоғли севишимни ўлчаб битиролмас керак! Котлетларни ковураверайми, Жим?

Шунда Жим карахтлиқ оғушидан чиқди. У Делласини бағрига босди. Андиша қилайлик-да, бир неча лаҳза алаҳсиб, бирон ўзга нарсани томоша қилиш билан банд бўлайлик. Қайси бири кўп — ҳафтасига саккиз долларми ё йилга бир миллионми? Математик ёки донишманд сизга нотўғри жавоб берган бўларди. Афсунгарлар бебаҳо тухфалар келтиришган, улар ичида бир тухфа йўқ эди. Нафсиламр, бу дудмал шамани кейинроқ тушунтириб берамиз.

Жим пальтосининг чўнтагидан тургакланган нарса олиб, столга ташлади.

— Гапимга астойдил ишонавер, Делл,— деди у.— Ҳеч қандай кузалган, таралган соч қизалоққинамдан менинг меҳримни совутолмайди. Аммо мана бу тургакни очиб кўргин, дастлаб кириб келганимда нима учун гангиб қолганимни биласан.

Оппоққина эпчил бармоқлар каноппи тортқилаб, қоғозни очди. Дарҳол шавқли хитоб янграб, ҳайҳот, шу ондаёқ аёл аҳлига хос шашқатор ёш билан оҳ-фарёд бошланиб кетдики, хонадон бошлиғи ўша заҳоти ихтиёрида мавжуд бўлган барча таскин берувчи воситаларни татбиқ этишга мажбур бўлди.

Негаки, стол устида Делла Бродвейдаги витринада кўрганида маҳлиё бўлиб қолган, иккита чаккага, битта орқага тўғналадиган ўша бир тўп тароқ ётарди. Четларига жилодор тошлар нақш этилган, каштанранг сочларининг тусига жуда мос, тошбақа пўстидан қилинган чинакам, ажойиб тароқлар эди. Улар жуда қиммат, Делла бунни билар, уларни орзу қилгани билан муяссар бўлмаслигига кўзи етганидан аллақачондан буён юраги орзиқиб, ачишиб юрар эди. Мана энди, ниҳоят улар қўлига келиб тегди-ю, аммо буларнинг орзиқтирган жилоси кўрк бахш этиши мумкин бўлган гўзал сочлар аллақачон барҳам топган эди.

Ҳар қалай, у тароқларни кўксига босди, ниҳоят, журъат қилиб бошини кўтараркан, ёшли кўзлари билан жилмайганча шундай деди:

— Менинг сочим жуда тез ўсади, Жим!

Шу пайт у устидан дог сув қўйиб юборилган мушук боладек сапчиб турди-да, хитоб қилди:

— Вой, ўлмасам!

Ахир Жим унинг ажойиб совғасини ҳали кўрмаган эди-да. У ошиққанча занжирни кафтига олиб Жимга узатди. Хира тусли нодир металл унинг самимий ва жўшқин қувончи шуълаларида товланиб кетгандек бўлди.

— Ҳавасингни келтирмайдими, Жим? Мен уни топганимча, шаҳарда бормаган жойим қолмади. Энди соатингни кунига юз марта олиб қарашинг мумкин. Соатингни менга бер-чи. Иккалови бирга турганда қандай кўринишини кўргим келаётибди.

Аммо Жим унинг сўзларига итоат қилиш ўрнига, чор-пояга чўзилди-да, қўлларини боши остига қўйиб, жилмайди.

— Делл,— деди у,— ҳозирча икковимиз ҳам совғаларимизни яшириб қўя туришимизга тўғри келаркан, бир оз ётатурсин. Улар ҳозир биз учун жуда ҳам сердабдаба экан. Мен сенга тароқ сотиб олиш учун соатимни сотдим. Энди, котлетларингни пишираверсанг ҳам бўлар, деб ўйлайман.

Маълумки, охурда ётган гўдакка тухфа олиб келган афсунгарлар донишманд, танг қоларли даражада донишманд кимсалар эканлар. Мелод кунларида совға тақдим этишни ҳам ўшалар таомилга киритган эканлар. Ўзлари донишманд бўлганлари учун берадиган тухфалари ҳам, эҳтимолки, маъқул келмай қолган тақдирда айирбошлаб бериш писанда қилиб қўйилган донишмандвор тухфа бўлса ажаб эмас. Мен бу ерда сизларга ўзларининг энг бебаҳо бойликларини бир-бирларига ақл-донишига мутлақо зид бўлган йўсинда фидо этган, саккиз долларли квартирада ижара турадиган икки тентак боланинг саргузаштини сўзлаб бердим. Аммо замонамиздаги донишмандларга ўғит тариқасида айтиб қўйишим керакки, барча тухфа берувчилардан энг донишманди шулар эди. Барча тухфа бахш этувчи ва олувчилар орасида мана шуларга ўхшаганлари чинакам донишмандлардир. Ҳамма ерда, ҳар қачон. Афсунгарлар ҳам ана ўшалар.

МИРШАБ ВА МУНОЖОТ

Мэдисон-сквердаги скамейкасида ўтирган Сопи қунишиб қўйди. Қачонки кечалари ёввойи ғоз галалари осмони фалакда тизилганча учиб бораркан, қимматбаҳо мўйна

пўстини йўк хотинлар эрларига меҳрибон-гиргиттон бўлиб қоларкан, Сопи эса паркдаги скамейкасида қуниша бошлар экан, демак, қиличини яланғочлаб қиш келаётган бўлади.

Сопининг тиззасига хазон келиб тушди. Бу Қорбобонинг ташриф қоғози эди. Бу чол Мэдисон-сквернинг доимий истиқоматчиларига меҳр-оқибатли, уларни яқин кунларда келиб қолишидан очиқчасига огоҳлантириб қўяди. Тўрт кўчанинг чорраҳасида у «Очиқ кўк остида» меҳмонхонасининг дарбони Шимол шамолига ташриф қоғозини тутқазиб, истиқоматчилари шай бўлиб туришлари кераклигини эслатади.

Сопи яқинлашаётган изғирин совуқларидан вужудини ҳимоя қиладиган восита ҳамда йўллар қидириб топиш учун ўз шахси тимсолида комитет таъсис этиши керак бўлган фурсат етиб келганини пайқади. Шунинг учун ҳам ўтирган скамейкасида қунишиб қўйди.

Сопининг қиш режалари у қадар баландпарвоз эмас эди. У жануб осмонини ҳам, Неаполь кўрфазида лангар ташлаб туриш шарти билан елканли кемада Ўрта денгиз бўйлаб саёҳат қилишни ҳам орзу этмасди. Оролда уч ойгина қамокда ётса — унинг дили қўмсаган бирдан-бир нарса шу эди. Уч ойгина кўнгли хушлайдиган улфатлари орасида устида муқим бошпана, еб-ичадиган овқати тайин бўлса, Борейнинг эпкени билан миршабларнинг таъқибидан даҳлсиз бўлса бас — Сопига бундан бошқа нарсанинг ҳожати йўк.

Мана бир неча йиллардан буён Оролдаги меҳмондўст турма унга қишлоқ бошпана хизматини ўтарди. Унинг бахтиёрроқ ҳамшаҳарлари Флорида ёки Ривьерага билет харид қилганларидек, Сопи ҳам йил сайин Оролга қилинадиган зиёратига унча-мунча тайёргарлик кўрарди. Ҳозир худди ана шунинг мавриди етиб келган эди.

Ўтган қуни у учта яқшанба газетасини моҳирона тақсимлаб, биттасини пиджаги тагига ёзган, иккинчисини оёқларига ёпган, учинчиси билан тиззаларини ўраган эди — булар совуқдан сақлаёлмади: фонтан бўйидаги скамейкасида кечани шу қадар безовта ўтказдики, назарида Орол жуда ҳам ардоқли ва муддаодаги бошпана бўлиб кўринди. Сопи шаҳар қашшоқларига шафқат юзасидан кўрсатиладиган меҳрибончиликлардан нафратланарди. Унинг фикрича, қонун валинеъматликка қараганда шафқатлироқ эди. Шаҳарда сон минг жамоат ва хусусий хайр-саховат муассасалари бўлиб, улардан ўз камтарона эҳтиёжларига яраша бошпана ва озиқ-овқат олиши мумкин эди. Аммо хайр-

саховат эҳсонлари Сопининг мағрур руҳига малол келарди. Валинеъматларнинг қўлларидан олинган ҳар қандай хайр-эҳсон учун пул билан бўлмаган тақдирда ҳам, хўрлик билан ҳақ қайтариши керак бўларди. Цезарнинг Брути бўлгани каби бу ерда ҳар бир ётоқ жойи мажбурий ванна билан боғлиқ, ҳар бир бурда нон эса дилингни тап тортмай титкилашдек беандишалик билан оғуланган эди. Ундан кўра турмани истиқоматгоҳ қилиб олган афзал эмасми? У ерда албатта, ҳамма иш қатъий жорий этилган тартиб билан олиб борилади, аммо ҳеч ким жентельменнинг шахсий ишларига суқилмайди.

Шу тариха қишки Оролга кетишга қарор берган Сопи дарҳол ўз режасини амалга оширишга киришди. Турмага кўпгина осон йўллар олиб борарди. Унга олиб борадиган энг ёқимли йўл ресторандан ўтарди. Сиз яхшигина ресторанда дабдабали овқат буюрасиз, маза қилиб тўйиб оласизда, кейин мирқурук эканлигингизни айтасиз. Сизни жанжал-суронсиз полисменнинг қўлига топширишади. Муросасоз судья хайрли ишни охирига етказди.

Сопи ўрнидан туриб, паркдан чиқди-да, Бродвей билан бешинчи авеню қуйилиб келиб туташадиган асфальт денгизи бўйлаб кета бошлади. Бу ерда у кечқурунлари ток занги, ипак қурти ва протоплазма бахш этиши мумкин бўлган энг соз нарсалар мужассамлашадиган чароғон кафе олдида тўхтади.

Сопи ўзидан имони комил — нимчасининг пастки тугмасидан тортиб юқорисигача кўнгли тўқ эди. Соқоли киртишлаб олинган, устидаги пиджаги бинойидеккина, капалак нусха қора галустугини унга Шукрона кўни миссионер хоним совға қилган эди. Агар столга сездирмай етиб боришга муваффақ бўлолса, ишининг ўнг келиши аниқ эди. Вужудининг стол узра кўриниб турадиган қисми официантда ҳеч қандай шубҳа-гумон туғдирмади. Қовурилган ўрдак билан унинг ёнига бир шишагина шабли чақирсам бўлар, деб ўйларди Сопи. Кейин пишлок, қора қаҳваю сигара буюради. Бир долларли сигара жуда ёпишиб тушади. Ҳисоб-китоб ҳам унча катта бўлмайдик, кафе маъмуриятини қасоснинг ўтакетган шафқатсиз йўлларига мажбур қилмайди, у шу тариха тамадди қилиб олғач, ҳузур билан ўзининг қишки бошпанасига равона бўлади.

Аммо Сопи ресторан остонасидан ўтиб ичкарига кирган ҳам эдики, кўзи пишиб кетган метрдотель нимдош чолвори билан жағлари қийшайиб кетган ботинкаларини кўриб қолди. Эпчил, бақувват қўллар уни шартта буриб жимгина

йўлкага чиқариб ташлаб, шу тариқа ўрдакни ногаҳоний аламли қисматидан халос этди.

Сопи Бродвейдан бурилди. Афтидан, унинг йўлига гуллардан пойандоз тўшалмайди шекилли. На чора! Жаннатга кириб боришнинг бошқа йўлини қидириб топиш керак.

Олтинчи авенюнинг бурчагида моллар маҳорат билан териб қўйилган витринанинг чироқлари ўткинчиларнинг диққатини тортарди. Сопи ердан тош олди-да, витринанинг ойнасига қараб отди. Муюлишдан халойиқ ёпирилиб кела бошлади, ҳаммадан олдинда полисмен елиб келар эди. Сопи қўлларини чўнтақларига сукқан қўйи ялтироқ жез тугмаларга жилмайиб турарди.

— Буни ким қилди?— деб дарҳол сўради полисмен.

— Бу ишга мени дахлдор деб ўйлаётганингиз йўқми?— деб сўради Сопи истехсосиз, улкан омадини қутлаётган кишидек кўнгилхушлик билан.

Полисмен Сопига ҳатто фараз билан ҳам қарагиси келмади. Магазинларнинг витриналарини тош билан чилчил қиладиган одамлар қонун вакиллари билан музокара олиб бормайдилар — жуфтакни ростлайдилар. Полисмен йўлнинг қоқ ярмидан нарида трамвай орқасидан чопиб кетаётган одамни кўриб қолди. Таёғини ўқталди-да, изидан чопди. Сопи таъби тирриқ бўлганча яна йўлга тушди... Иккинчи марта омади келмади...

Кўчанинг нариги бетида унча асъасаю дабдабасиз ресторан бор эди. У иштаҳаси карнайлар билан чўнтаги куруқларга мўлжалланган эди. Уни ҳавоси билан идиш-товоғи ўпкани узгудек, дастурхони билан таомлари шовдирабгина турар эди. Бу нафс ибодатхонаси Сопи иснод келтирадиган пойабзал билан кўзга яққол кўринадиган чолворни монёсиз олиб кирди. У столдан жой олиб, бифштекс, бир порция куймоқ, бир неча тўқоч, бир бўлак пирогни туширди. Сўнгра эса ресторан хизматкорига ўзи билан энг майда никель пул орасида заррача ҳам алоқа йўқлигини айтди.

— Ана энди тезроқ бўлинглар!— деди Сопи.— Миршабни чақиринглар. Худо хайрларингни берсин, имилламанглар: бир жентельменни маҳтал қилиб қўйманглар.

— Миршабсиз ҳам кунинг ўтиб қолар!— деди хизматкор мойли тўқочдек мулойим овоз билан ва коктейлга солинган олча сингари кўзлари шўх чақнади.— Ҳой, Кок, қарашиб юбор!

Иккала официант Сопини беозоргина чап қулоғи билан йўлкага тепса-тебранмас қилиб ётқизиб қўйди. У худди

дурадгорларнинг йиғма жазваридек бўгинма-бўгин ўрнидан қалқиб, кийимининг чангини қоқди. Қамалиш унинг учун хомхаёл, Орол эса йироқдаги сароб бўлиб туюлди. Икки уй наридаги аптека олдида турган полисмен кулиб қўйди-да, йўлига қараб кетди.

Сопи яна юрак ютиб омадини синаб кўришга аҳд қилгунча беш квартал йўл босиб ўтди. Бу гал унга жуда соз бир тасодиф тўғри келиб қолди. Магазин деразаси олдида турган камтарона ва кўркам либосли ёшгина жувон витиринада соқол олиш учун ишлатиладиган товоқчалар билан сиёҳдонларни қизиқиб томоша қилмоқда, ундан икки қадамча нарида эса ўт ўчириш кранига суянган қўйи турқидан серзарда, барваста полисмен савлат тўкиб турар эди.

Сопи барча ёмон кўрадиган манфур кўча модабози ролини ўйнамоқчи бўлди. Кўз остига олган жабрдийдасининг батартиб кўриниши билан басавлат миршабнинг яқинда турганлигидан у, тез орада полисменнинг залварли қўли кифтимга келиб тушганини сезаман, қишни илиқ-иссиққина Оролда ўтказаман деб қатъий умид боғлашига асос берарди.

Сопи миссионер хоним совға қилган галстугини тўғри-лаб, саркаш манжетларини ёруғ жаҳонга чиқарди-да, шляпасини чеккасига кўнқайтириб олган қўйи тўппа-тўғри жувон томон йўналди. Унга карашма билан им қоқди, томоқ қирди, илжайди, йўталиб қўйди. Кўчаларда бўладиган ёпиш-қоқ шилқимларнинг барча классик усулларини сурбетлик билан ишга солди. Сопи кўз қири билан полисменнинг уни қаттиқ тикилганча кузатаётганини кўриб турарди. Жувон бир неча қадам нарига кетиб, яна соқол олиш учун ишлатиладиган товоқчаларни кузата бошлади. Сопи унинг изидан бориб, шилқимлик билан ёнига туриб олиб, шляпасини кўтариб қўйди-да, гап қотди:

— Оҳ, мунча ёқимтойсиз-а! Айланмайсизми?

Полисмен кузатишда давом этарди. Ҳақорат қилинган хоним бармоғини кўтариб, имо қилса бас, Сопи аллақачон осойишта макон томон йўлга тушган бўларди. Назарида ҳозирданоқ полиция маҳкамасининг илиқ нафасию файзини сезаётгандек эди. Жувон Сопига ўгирилиб, унга қўлини чўзди-да, енгига ёпишди:

— Жоним билан, Майк!— деди у хушчақчақлик билан.— Пиво олиб берасанми? Мен сен билан илгарироқ гаплашишим мумкин эди-ю, миршаб қараб турган эди.— Жувон унга эманга чирмашган чирмовуқдек ёпишиб олди, йигит уни қўлтиқлаганча тартиб кузатувчининг олдидан

тундлик билан ўтиб кетди. Афтидан, Сопи эркинлик хузурини тортиб юраверишга мажҳум этилган эди чоғи.

Яқин орадаги кўчада ҳамроҳини юлқиб ташлаганча тирақайлаб қочди. У реклама чироқларидан чароғон кварталга, юраклар ҳам, ютуқлар ҳам, музика ҳам — барчаси бир хилда еп-енгил бўлган кварталга бориб қолди. Мўйнага бурканган хотинлар ва пальто кийган эркаклар изғиринда хушчақчақлик билан сўзлашиб туришарди. Туйқусдан Сопини кўрқув босди. Ё аллақандай жодули сеҳргар уни полиция дахлидан халос қилиб қўйдимикан? Ваҳимага тушишига сал қолди. Театрга кираверишдаги ёп-ёруғ жойда савлат тўкиб турган полисмен яқинига келгач, «халойиқ тўпланган жойда безорилик» деган сомон парчага ёпишиб олмоқчи бўлди.

Сопи хирқироқ овозини бор бўйича қўйиб бақирган қўйи аллақандай мастлар ашуласини бошлади.

Йўлка бўйлаб ўйинга тушди, айюҳаннос солди, турли қилиқлар қилди — ҳар хил йўллар билан осойишталикни бузди.

Полисмен таёғини айлантирди-да, жанжалкашга орқа ўгириб, бир ўткинчига уқтирди:

— Бу Йэльдандан келган студент. Улар бугун Хартфорд коллежининг футбол командаси устидан ғалабаларини байрам қилишяпти. Шовқин-сурон кўтаришяпти-ю, аммо бунинг хавфли жойи йўқ. Бизга уларга тақилмаслик ҳақида кўрсатма берилган.

Ҳафсаласи пир бўлган Сопи ҳожати қолмаган ирғиш-лашларини тўхтатди. Наҳотки биронта ҳам полисмен гирибонидан ғиппа бўғмаса? Оролдаги турма унга етишиш маҳол бўлган Аркадиядек кўриниб кетди. У енгил пиджагини пухталаб тугмалади: изғирин эт-этидан ўтиб бормоқда эди.

Тамаки дўконида у газ ёлқинидан сигара тутаётган жанобни кўриб қолди. Жаноб ипак шамсиясини кираверишда қолдирган эди. Сопи остонадан ўтиб, шамсиясини олди-да, аста-секин йўлга равона бўлди. Сигарали одам унинг изидан тушди.

— Бу менинг шамсиям-ку,— деди у жиддият билан.

— Наҳотки?— деб тиржайди Сопи, ўғрилиқ устига ҳақоратни ҳам замлаб.— Нега бўлмаса полисменни чақирмаяпсиз? Ҳа, мен сизнинг соябонингизни олдим. Чақиринг ахир миршабни! Ҳов ана муюлишда турибди.

Шамсиянинг эгаси қадамини секинлатди, Сопи ҳам. Тақдир у билан яна кўпол ҳазиллашажагини аллақачоноқ сезиб турарди. Полисмен уларни қизиқиш билан кузатарди.

— Бир ҳисобда, — деди сигарали одам, — албатта энди... Сиз... Хуллас, шундай англашмовчилик бўлдики... Мен... Агар бу сизнинг шамсиянгиз бўлса... мени кечирасиз деб ўйлайман... Уни эрталаб ресторандан кўтариб чиқиб келаверибман... Мабодо сиз уни ўзингизникига ўхшатган бўлсангиз... майли... Умид қиламанки, сиз...

— Албатта, бу менинг соябоним, — деди Сопи жаҳл билан.

Шамсиянинг собиқ эгаси ён босақолди. Полисмен даб-дабали манто кийган, малла сочли бўйдор хотинга ёрдам бергани югурди: уни кўчадан ўтказиб қўйиш керак, икки квартал нарида трамвай кўринган эди.

Сопи тузатилавериб дабдаласи чиққан кўчадан кунчиқарга бурилди. Дубулға кийиб таёқ тутган кишиларга лаънатлар ёғдирганча шамсияни ғазаб билан чуқурга улоқтирди. Бу уларнинг панжасига тушиш иштиёкида юрибди-ю, улар бўлса бунга худди бенуқсон Рим папаси билан мулоқотда бўлгандек муомала қилишади.

Ниҳоят, Сопи алғов-далғов, шовқин-сурон эшитилмайдиган йироқ авенюлардан бирига етиб борди-да, Мэдисонскверга йўл олди. Негаки, кишини жонажон уйига тортиб туриш қайғуси бу уй ҳатто паркдаги скамейкадан иборат бўлган тақдирда ҳам барҳам топмайди.

Ғоят осуда бир муюлишга келганда Сопи дафъатан тўхтаб қолди. Бу ерда найза томли кўҳна черков турарди. Унинг бинафшаранг ойна кўйилган деразаларининг биридан мулойим шуъла қуйиларди. Чамаси, органист якшанба муножотини машқ қилиш учун сози узра қолган, негаки Сопининг қулоқларига тотли музика садолари эшитилмоқда, у чўян панжаранинг жимжимадор нақшларига ёпишганча туриб қолган эди.

Осуда ой балқиб чиққан; экипажлар ва ўткинчилар сийраклашиб қолган; бўғотларнинг тағларида мудроқ босганча чумчуқлар чиркилар — ўзингизни қишлоқ кабристонидан тургандек ҳис қилишингиз мумкин эди. Органист чалаётган муножот Сопини чўян панжарага миҳлаб қўйган, негаки уни илгарилари ҳам — ҳаётида она, гул, дадил режалар, ёр-биродар деганга ўхшаган нарсалари, покиза ўйлари, покиза ёқалари бўлган кезларда ҳам кўп марталаб эшитган эди.

Кўҳна черковнинг деразасидан қуйилаётган музика таъсири остида Сопининг қалбида дафъатан ғаройиб бир ўзгариш рўй берди. У ўзи қулаб тушган тагсиз жарни кўриб кўрқиб кетди. Шаънига номуносиб кунлар, пучга

чиққан умидлари, маҳа бўлган салоҳияти ва пастарин ниятлари кўз ўнгидан ўтди. Ҳаёти шулардан иборат бўлган экан.

Юраги ана шу янги кайфият билан ҳамоҳанг йўсинда тепа бошлади. У ўзида туйқусдан ёвуз қисмат билан курашишига куч топди. У жирканч ботқоқдан чиқиб олади, яна юксакликка юз тутади, уни ўзига банди қилиб олган шум ёвузликни енгади. Ҳали фурсат қўлдан кетмаган, ҳали анчагина ёш. Дилидаги ўша мағрур орзуларини яна уйғотади, уларни рўёбга чиқариш учун ғайрат билан ишга киришади. Органнинг тантанавор, аммо тотли садолари уни ўзгартириб юборди. Эртага эрталаб у шаҳарнинг ишчилари қисмига бориб, ўзига иш қидириб топади. Бир куни қайси ҳам мўмайфуруш унга аравакашлик ўрнини таклиф қилган эди. Уни эртагаёқ қидириб топади-да, ўша вазифани сўраб олади. У одам бўлишни истайди. У...

Кимнингдир қўли кифтига келиб тушганини сезди. Ялт этиб қараган эди, олдида ялпоқ юзли полисменни кўрди.

— Бу ерда нима қилиб турибсиз? — деб сўради полисмен.

— Ўзим, — деб жавоб берди Сопи.

— Унда, кетдик, — деди полисмен.

— Оролга, уч ойга, — деб ҳукм чиқарди судья эртасига эрталаб.

СЎНГИ ЯПРОҚ

Вашингтон-сквернинг кунботаридаги кичикроқ кўчаларда жойлашган кўчалар чалкашиб, кесма кўча дейиладиган қисмларга бўлиниб кетган эди. У ерда ҳатто бир кўча ўзини-ўзи икки марта кесиб ўтади. Қайсидир рассом ана шу кўчанинг ғоятда бебаҳо бир хусусиятини очишга муваффақ бўлибди. Чунончи, насияга бўёқ қоғоз ва бир эн бўз берган магазиннинг қарз йиғувчиси ўша ердан ўзининг бир цент ҳам ундиролмай тўлов қоғозини кўтарганча шўппайиб қайтиб келаётганини кўриши мумкин.

Терскай томонга қарайдиган деразалар, XVIII аср тому бомлари, голланд болхоналари ва арзон ижара ҳақи пайида бўлган санъат шинавандалари Гринич-Виллаж деган гаройиб кварталга бориб қоладилар. Шундан сўнг улар Олтинчи авенюдан у ерга бир неча қалай кружка билан бир-иккита това олиб бориб, ўз «колония»ларига асос соладилар.

Сью билан Жонсининг студияси уч қаватли ғиштин

уйнинг юқорисида жойлашган эди. Жонси — Жоанна деган номдан кичрайтирилган исм. Уларнинг бири Мейн штатидан, иккинчиси Калифорниядан келган. Улар Саккизинчи кўчадаги ресторанлардан бирида дастурхон устида танишишган, санъат, сачратки салат ва янги расм бўлган енгларнинг бичимларига қарашлари муштарак эканлигини аниқлашган эди. Шунинг оқибатида ўрталарида битта студия юзага келган эди.

Бу май ойларида бўлган эди. Ноябрьда эса докторлар Пневмония деб айтадиган бадқовоқ келгинди колония бўйлаб хуфия кезганча, гоҳ у одамни, гоҳ бу одамни муз бармоқлари билан пайпаслаб юрарди. Шарқий томонда бу қотил ўнларча қурбонларни маҳв этганча дадил одимлар, аммо бу ерда, пўпанак босган тор кўчалардан иборат лабиринтда изма-из сургалиб юрар эди.

Жаноб Пневмонияни сира ҳам одоб-муошаратни биладиган кекса жентльменлардан деб бўлмасди. Калифорния насимларидан камқон бўлиб ўсган жажжи қизнинг қип-қизил мушталари зўр, ҳарсиллаб турадиган кекса давангир галварсга қарши чиқишга муносиб рақиб бўлиши амримаҳол эди. Бирок, у бунни йиқитган. Жонси голландча деразанинг ингичка панжаралари оша қўшни ғиштин уйнинг деворига тикилганча бўялган темир каравотда ҳаракатсиз ётарди.

Бир уни эрталаб ташвишланган доктор бароқ қошларини қимирлатиб қўйганча Сьюни йўлакка чақирди.

— Унинг жонидан биргина умиди бор... Хўш, чунончи, ўн тасодифдан бирида,— деди у, термометрнинг симобини силкий туриб.— Шунда ҳам ўзи яшашни истаса. Одамлар тобутсозларнинг манфаатлари йўлида саъй-ҳаракат қила бошласалар бутун фармакопиямизнинг маъноси пучга чиқади. Жажжи ойим қизалоғингиз энди тузалмайди, деган қарорга келиб олибди. У нималарни ўйлайди?

— У... мойли бўёқ билан Неаполь кўрфазининг манзарасини чизмоқчи эди.

— Чизмоқчи эди? Бехуда гап! Унинг дилида астойдил ўйласа арзигудек бирон бошқа нарса, чунончи эркак зоти йўқми?

— Эркак зоти?— дея такроран сўради Сью, унинг овози оғизда чалинадиган нағмага ўхшаб кескин янгради.— Наҳотки эркак арзиса. Йўқ, йўқ, доктор, кўнглида бунақа нарса мутлақо йўқ.

— Унда мадорсизланиб қолибди,— деган қарорга келди доктор.— Мен фан вакили сифатида қодир бўлган барча нарсани қилишга тиришиб кўраман, аммо боқаётган бемо-

рим ўзининг дафн маросимидаги кареталарни санашга тушаркан, мен дори-дармоннинг даволловчи кучидан ярмини чегириб ташлайман. Мабодо сиз бир нарсага эришиб, у ақалли бир мартагинаёқ бу йил қишда қандай нусхадаги энг расм бўлишини сўрагудек бўлса, кафил туриб айтаманки, у ўн тасодифдан бирида эмас, беш тасодифдан бирида жони омон қолишидан умид қилиши мумкин эди.

Доктор кетгач, Сью устахонага югуриб чиқди-да, японча қоғоз сочикни қўлига олиб у шалаббо бўлгунча хун-хун йиғлади. Кейин чизма тахтасини кўтариб, рэтгаймни хиргойи қилганча Жонсининг хонасига кириб келди.

Жонси дераза томонга ўгирилганча кўрпа остида йўқдеккина бўлиб ётарди. Сью Жонсини ухлаб қолгандир, деб хиргойисини тўхтатди.

У тахтани ўрнаштириб қўйди-да, журналда бериладиган ҳикоя учун тушъ билан расм чиза бошлади. Ёш рассомлар учун Санъатга олиб борадиган йўл журналларда босилладиган ҳикояларга чизилладиган расмлар билан тўшалган бўлади, ёш авторлар эса Адабиётга олиб борадиган йўллари ҳикоялари билан тўшайдилар.

Ҳикоя учун монокль тақиб шинам бриж кийган айдахолик аббатнинг шаклини чиза бошларкан, Сью бир неча бор такрорланган шивир-шивир товушини эшитди. У шошапиша каравот томон борди. Жонси кўзларини катта-катта очганча ётарди. У деразага тикилган кўйи ниманидир санамокда — охиридан бошига қараб санамокда эди.

— Ўн икки,— деди у, салдан кейин:— ўн бир,— сўнгра эса:— ўн, тўққиз — шундан сўнг:— саккиз, етти,— деб санади.

Сью ялт этиб деразага қаради. У ерда санагулик нима бор экан ўзи? Маъюс хувиллаб ётган ҳовлию йигирма қадам наридаги ғиштин уйнинг яхлит деворигина кўриниб турарди. Сербўғин танасининг бўғзига яқин жойи чирий бошлаган, қариб кетган шилби ғиштин деворни ярмигача чирмаб олган эди. Кузнинг совуқ нафаси зангдан япроқларни узиб туширар, ялонғочланган яйдоқ новдалар тўкилиб турган ғиштларга қапишиб борар эди.

— Нима гап экан, жоним?— деб сўради Сью.

— Олти,— дея эшитилар-эшитилмас жавоб берди Жонси.— Энди улар тезроқ узилиб тушяпти. Уч кун бурун улар юзта эди. Санайман деб бошим айланиб кетарди. Энди осонгина бўлиб қолди. Мана, тагин биттаси учиб тушди. Энди бештагина қолди.

— Нима бештагина қолади, жоним? Сьюгинангга айтиб бер-чи.

— Япроқлар-да. Шилбининг япроқлари. Сўнги япроқ узилиб тушганда мен ўламан. Мен буни уч кундан буён биламан. Доктор сенга айтмаганмиди ҳали?

— Бунақа бемаъни гапни биринчи эшитишим!— деб жуда ўрнига қўйилган нафрат билан жавоб қайтарди Сью.— Қари шилбидаги япроқларнинг тузалиб кетишингга нима дахли бор? Сен яна шу шилбига астойдил меҳр қўйиб юрибсан. Ҳали шу бугун эрталабгина доктор менга сени, тез орада тузалиб кетади, деди... Шошма, нима ҳам деган эди-я? Ўн тасодифдан бирида умид бор, деди. Бизнинг Нью-Йоркда трамвайда кетаётган ёки янги қурилган уйнинг тагидан ўтаётганингдан бу ҳар биримиз учун озмунча гап эмас. Озгина шўрва ичгин-да, Сьюгинанг чизаётган расмини тамомлаб, редакторга ўтказсин-да, бемор қизалогига вино олиб келсин.

— Энди сенинг вино сотиб олиб ўтиришингга ҳожат қолмади,— деб жавоб берди Жонси, деразага тикилиб қараганча.— Ана, тагин биттаси узилиб кетди. Демак, тўрттагинаси қолди. Сўнги япроқ қандай учиб тушганини кўрсам эди. Унда мен ҳам ўлардим.

— Жонси, жоним,— деди Сью унга эгиларкан,— мен ишимни тамомлаб бўлгунимча деразага қарамай, кўзингни чирт юмиб ётишга ваъда берасанми? Мен бу расмларни эртага топширишим керак. Ёруғ бўлиб турмаса қийналанман, бўлмаса-ку, пардани тушириб қўярдим-а.

— Нима, расмингни бошқа хонада чизолмайсанми?— деб сўради Жонси совуққина.

— Сенинг ёнингда ўтиргим келяпти,— деди Сью.— Қолаверса, сенинг мана шу бемаъни япроқларга тикилиб ётишингни хоҳламайман.

— Чизиб бўлганингдан кейин айтарсан,— деб қўйди кулаб тушган ҳайкалдек ҳаракатсиз, ранги кетиб қолган Жонси,— негаки, сўнги япроқ қандай узилиб тушишини кўргим келяпти. Муштоқликдан тинкам қуриди. Ўйлайвериб тинкам қуриди. Мени тутиб турган илинжларнинг барчасидан халос бўлгим келяпти,— ана шу тинкаси қуриган шўрлик япроқларнинг бирига ўхшаб учиб-учиб тушсам, тобора, тобора пастлаганча учиб тушсам...

— Ухлашга уриниб кўр,— деди Сью.— Мен Берманни чақиришим керак, унга қараб одамови олтин қидирувчининг расмини чизмоқчиман. Менга қара, келгунимча қимирламай ётасан.

Берман дегани уларнинг студияси тагидаги қаватда яшайдиган рассом чол. У олтмишлардан ошиб кетган, Микеланжелонинг Мусосига ўхшаб жингалак-жингалак соқоли сатирсимон юзидан гномга ўхшаш жуссаси томон солланиб тушган. Берманнинг санъат борасида омади келмаган эди. У ҳамон нодир асарни чизишга чоғланиб юрар, бироқ ҳали бошламаган ҳам эди. Бир неча йиллардан буён у лавҳа, реклама ва бир бурда нон дардида қилинадиган шу каби ишлардан бошқа ҳеч бир нарса чизмаган эди. У қараб чизиш учун профессионал натурачилар ёллашга қурби етмайдиган ёш рассомларнинг ҳожатларини чиқариб, унча-мунча пул топиб турарди. У ичкиликка ружу қилган, аммо бўлажак нодир асари ҳақида гапиришни ҳамон қўймас эди. Қолаверса, ҳар қандай назокатбозликка истехзо билан қарайдиган тажанг бу чол, ўзини иккала ёш рассом кизни қўриқлаш учун махсус қўйиб қўйилган пойлоқчи ит деб ҳисоблар эди.

Сью пастки қаватга тушиб борса, Берман арча мевасининг ўткир ҳиди анқиб турган ҳужрасида экан. Бир бурчакда йигирма беш йилдан буён мольбертдаги чорчўпга тортилиб, қўл тегизилмаган эн ҳамон нодир асарнинг илк чизикларини қабул қилишга шай ҳолда турарди. Сью чолга Жонсининг нима хаёлларга борганини, япроқ, еп-енгил ва мўрт қизалокнинг бу дунё билан бўлган омонатгина алоқаси сусайиб қолса буларни ташлаб учиб кетиб қолишидан хавотир олаётганини айтди. Қизарган кўзлари анчагина ёшланиб турган Берман чол бу тариқа тутуруқсиз хаёллардан истехзо билан кулиб шовқин солиб юборди.

— Нима-нима?— деб кичкирарди у.— Шунақа ҳам бемаъни гап бўладими — лаънати шилбининг япроқлари тўкилса ўлиш керакмишми? Биринчи марта эшитишим. Йўқ, керакмас, менга қараб одамови галварснинг нусхасини чизмайсиз. Шунақа беҳуда гап билан бошини қотириб ўтиришга нега йўл берасиз? Вой, шўрликкина мисс Жонси!

— Унинг касали оғир, мадорсизланиб қолган,— деди Сью,— иссиғи ошиб алахлаганидан миясига ҳар хил бемаъни хаёллар келади. Жуда соз, мистер Берман, агар менга расмингизни чиздирмасангиз чиздирмай қўя қолинг. Мен, ҳар ҳолда, айтишим керакки, сиз ёқимсиз бир чол экансиз... ёқимсиз, эзмачурук чол экансиз.

— Ана, чинакам аёл деб буни айтса бўлади!— дея кичкириб юборди Берман.— Ким айтди мени расмини чиздирмайди деб? Юринг, мен сиз билан бирга чиқаман.

Ахир ярим соатдан бери, чизсангиз чизаверинг, деяпман-а. Э, худо! Мисс Жонсидек яхши қизнинг мана шундай жойда касал бўлиб ётиши мутлақо тўғри келмайди. Қачон бўлмасин мен ўзимнинг нодир асаримни чизаман-да, биз ҳаммамиз бу ердан кўчиб кетамиз. Ҳа, ҳа!

Улар юқорига чиқиб борсалар, Жонси мудраётган экан. Сью пардани деразанинг рафигача тушириб, Берманга бошқа хонага чиқишни имо қилди. У ерда улар деразага яқин бориб юрак бетламай кекса шилбига қарадилар. Кейин чурк этмай кўз уриштириб олдилар. Шиддат билан қор аралаш совуқ ёмғир қуймоқда эди. Эски кўк кўйлак кийган Берман одамови олтин қидирувчи қиёфасига кириб қоя ўрнига тўнкариб қўйилган чойдиш устида ўтирарди.

Озгина ухлаган Сью эртасига эрталаб уйғонаркан, Жонси бақрайган хира кўзларини тушириб қўйилган яшил пардадан узмай турганини кўрди.

— Уни кўтариб қўй, кўрмоқчиман, — деб шивирлаганча амр берди Жонси.

Сью мажолсизгина унинг амрини адо этди.

Нима бўлди денг? Кечаси билан тинмай шаррос ёмғир қуйиб чиққан, шиддатли шамол эсган бўлса-да, ғиштин девор юзасида ҳануз шилби япроғи — сўнгги япроқ кўриниб турарди. Бандига яқин жойи ҳамон тўқ яшил, жимжимадор қирғоғи сарғая бошлаб, сўлиш ва чиришга юз тутган япроқ ердан етти фут баландликдаги новдада жасуруна осилиб турарди.

— Бу сўнгиси, — деди Жонси. — Мен уни, кечаси албатта узилиб тушса керак, деб ўйлаган эдим. Шамолнинг ғувиллаганини эшитиб ётдим. У бугун узилиб тушади, шундан кейин мен ҳам ўламан.

— Қўй, худо сақласин! — деди Сью ҳорғин бошини ёстик узра эгаркан. — Ўзингни ўйлагинг келмаса, ақалли мени ўйлагин! Менинг ҳолим нима кечади?

Жонси эса жавоб бермасди. Рух деган нарса йироқ сирли йўлга чиқишга отланаркан, ёруғ дунёдаги барча нарсаларга бегона бўлиб қолади. Жонсини ҳаёт ва одамлар билан боғлаб турган барча ришталар бирин-кетин узилиб бораркан, беҳуда хаёллар уни тобора кучлироқ қамраб олмоқда эди.

Кеч кирди, ҳатто қош қорайганда ҳам улар ғиштин девор узра шилбининг танҳо япроғи бандида осилиб турганини кўрдилар. Сўнгра қоронғи тушиши билан яна шимолда шамол эсиб, ёмғир деразаларни узлуксиз савалаганча голландча пастак томлардан шариллаб оқа бошлади.

Тонг отиши билан омонсиз Жонси яна пардани кўтаришни буюрди.

Япроқ ҳамон жойида осилиб турарди.

Жонси унга анчагина қараб ётди. Кейин унга газда товуқ шўрва иситаётган Сьюни чақирди.

— Мен бемаъни қизалоқ эканман, Сьюзи, — деди Жонси. — Назаримда, бу сўнгги япроқ менинг қандай расво кимса эканлигимни исботлаб бериш учуноқ новдасидан узилиб кетмаганга ўхшайди. Киши ўзига ўлим тилаши гуноҳ. Энди сен менга озгина шўрва олиб келиб беришинг мумкин, кейин портвейн аралаштирилган сут берарсан... Йўқ, шошма, аввал менга ойна олиб келиб бер, кейин ён-беримга ёстик қўй, мен суянганча сенинг қандай овқат пишираётганингни томоша қилиб ўтираман.

Бир соатчадан кейин у шундай деди:

— Сью, умид қиламанки, бир кунмас-бир кун Неаполь кўрфазининг манзарасини бўёқ билан чизаман.

Кундузи доктор келди, Сью ниманидир баҳона қилиб унинг кетидан йўлакка чиқди.

— Умидлар теппа-тенг, — деди доктор, Сьюнинг қалтираётган озгингина қўлини сиқиб хайрлашаркан. — Яхши парвариш қилсангиз, энгиб чиқасиз. Энди мен пастдаги яна бир беморни кириб кўришим керак. Унинг фамилияси Берман. Рассомга ўхшайди. У ҳам зотилжам. Қариб қолган экан, жуда мажолсиз, касали оғир хилидан. Ҳеч қандай умид йўқ, аммо бугун уни касалхонага жўнатишади, у ерда беозорроқ ётар.

Эртасига доктор Сьюга деди:

— Қизалоқ хатардан қолди. Сиз энгиб чиқдингиз. Энди овқат билан парваришга зўр берасиз — бошқа ҳеч нарсанинг ҳожати йўқ.

Ўша куни кечкурунроқ Сью тўқиб бўлаёзган мутлақо кераксиз очиқ-кўк шарфини кўтарганча Жонси ётган каравот олдига борди-да, уни ёстиги билан кўшиб бир кўллаб кучоқлади.

— Мен сенга баъзи гапларни айтишим керак, сичқон бека оппоғим, — дея сўз бошлади у. — Бугун мистер Берман касалхонада зотилжамдан ўлибди. У икки кунгина оғрибди. Биринчи куни эрталаб швейцари унинг хонасига кирса, шўрлик чол ерда ётганмиш. Ўзини билмасмиш. Пойабзали билан бутун кийим-боши бутунлай шалаббо, ях бўлиб ётганмиш. Шундай бир даҳшатли кечада қаёққа чиққан бўлиши мумкинлигини ҳеч ким билолмабди. Кейин ҳалигача ёниб турган фонару ерга ташланган бир неча мўйқалам

билан сарик, яшил бўёқ суртилган палитра топишибди, нарвон жойидан кўзғатилганмиш. Деразадан шилбининг сўнгги япроғига қарагин, азизим. Унинг шамолда қилт этмай, кимирламай турганига ҳайрон бўлмаганмидинг? Ҳа, жоним, Берманнинг нодир асари мана шу — буни сўнгги япроқ узилиб тушган кечаси чизган.

БИРЖА ДАЛЛОЛИНИНГ ИШҚ САВДОСИ

Биржа даллоли Гарви Мансуэл эрталаб соат тўққиз яримда ёш стенографисткани эргаштирган кўйи канторасига физиллаганча кириб келаркан, идоранинг ишончли клерки Питчернинг одатдаги тунд башарасида бир лаҳзагина қандайдир қизиқиш ва таажжуб зоҳир бўлди. Бошлиқ шахт билан «Салом, Питчер», деди-да, столдан сакраб ўтмоқчи бўлгандек ўша томонга ташланди, дарҳол муштоқ бўлиб турган хатлар ва телеграммалар денгизига ғарқ бўлди.

Ёш стенографистка Мансуэлнинг кўлида бир йилдан буён ишларди. Унинг хуснида стенографияга дахлдор мутлақо ҳеч нарса йўқ эди. У сочларини Помпанур хоним қабилида дабдабали қилиб юришни ёқтирмасди. Занжир ҳам, билагузук ҳам, медальон ҳам тақмасди. Кўринишдан ҳам ҳозир биров ресторанга таклиф қилгудек бўлса учиб барақолгудек эмасди. Устидаги соддагина кулранг кўйлаги бежирим, камтаргина бўлиб қадди-бастига ёпишиб турарди. Сипогина, гардишли қора шляпачасига яшил тўти пати тақилган. Шу бугун эрталабдан у аллақандай мулойим ийманчоқликдан бошдан-оёқ яйраб-яшнаб турарди. Хумор-хумор кўзлари чарақлар, ёноқлари шафтоли гулини эслатар, бахтиёр чехрасида хотиралар барқ урар эди.

Уни ҳамон ўша қизиқиш билан бамайлихотир кузатиб турган Питчер бугун эрталабдан у ўзини одатдан ташқари бир тарзда тутаётганини пайқади. Столи турган қўшни хонага тўппа-тўғри ўтиб кетавермай бир нима кутаётгандек идорада ўралашиб қолди. Бир марта ҳатто Мансуэлнинг столига яқин борди, шу қадар яқин бордики, бошлиқ уни албатта кўриши керак эди.

Столда ўтирган одам эса одамлигини аллақачон тарқ этган эди. Бу кулоғигача ишга кўмилган Нью-Йорк даллоли — мурват ва таноблар ёрдамида ишлаётган машина эди.

— Ҳа. Хўш? Нима гап? — деб кескин сўради Мансуэл.

Унинг столи устида очилган хатлар бамисоли қор уюмидек дўмпайиб ётарди. Лоқайд, дағал, ўткир қуралай кўзлари стенографисткага ғижинганнамо чакчайиб қаради.

— Ўзим,— деб жавоб берди стенографистка ва мулоийим жилмайганча изига қайтди.

— Мистер Питчер,— деди у ишончли клеркка,— мистер Мансуэл, сизга кеча янги стенографистка таклиф қилиш тўғрисида бирон гап айтмаганмиди?

— Айтган эди,— деб жавоб берди Питчер,— у менга янги стенографистка топишни буюрган эди. Мен кеча бюрога хабар қилиб, синаб кўришимиз учун бир неча намуна юборишларини тайинлаган эдим. Ўндан қирқ беш минут ўтди-ю, ҳалигача ҳам на биронта янгича шляпа, на қилтириқ резинка сақич қорасини кўрсатди.

— Унда мен, одатдагича ўзим ишлаб турақолай,— деди жувон,— то ўрнимга битта-яримта келгунча.

У дарҳол столи томон борди-да, заррин-яшил тўти пати тақилган қора шляпасини одатдаги жойига илиб қўйди.

Кимки Нью-Йорк даллолини биржа дағдағаси соатларида банд ҳолида кўрмабди, у ўзини антропологиядан комил билимдон ҳисоблаёлмайди. Шоир «шон билан чоч соат» ҳақида лоф уради. Биржа даллолининг ҳар бир соат вақти тирбандгина эмас, ана шу соатнинг минутлари ва секундлари эса қайишларга тирмашган, буферлари зиналарга қапишган бўлади.

Гарви Мансуэлнинг бугунги куни айниқса қизгин эди. Телеграф аппарати силтаб-силтаб тасма чуватмоқда, столдаги телефон сурункасига ғўнғиллаш дардига мубтало бўлиб қолган эди. Одамлар идорага тўп-тўп бўлганча ёпирилиб кириб, у билан гов оша гаплаша кетар — баъзилари хушчақчақ, баъзилари даргазаб, баъзилари кескин, баъзилари ҳовлиқиб гапирар эдилар. Телеграмма кўтарган хабарчилар югуриб кириб, югуриб чиқиб кетардилар. Клерклар худди пўртана вақтидаги матросларга ўхшаб типирчилар ва ирғишлар эдилар. Ҳатто Питчернинг важоҳати ҳам жонланишга ўхшаган нарсани ифодалаётгандек эди.

Шу куни биржада қасирғалар, довуллар, кўчкилар ва уюрмалар, зилзилалар ва вулқон отилишлари юз берардики, ана шу табиий ноқулайликлар даллолнинг идораси мўъжаз бир кўламда акс этмоқда эди. Мансуэл стулини девор томонга суриб қўйиб, оёқ учида муқом қилганча битимлар тузмоқда эди. У ҳунарини эгаллаган ликкангбоздек чакқонлик билан телеграфдан телефонга, столдан эшикка қараб сапчирди.

Ана шу жиддий вазият авжга чикиб қизиб бораётган бир пайтда даллол дафъатан қаршисида духоба ва туяқуш пайдан куралиб, им қоқаётган гўшанга тагидаги заррин кокилу сув шира пўсти қабилида мушук терисидан тикилган мурсак билан ерга етгудек бўлиб кумуш юрак тасвири билан тугалланган, ёнғокдек-ёнғокдек йирик-йирик маржон шодасини кўриб қолди. Ана шу шаклу шамойиллар билан кибрлигина қиёфадаги ёш бир хоним жамбасталик касб этган эди. Ана шу ҳодисага шарҳ беришга ҳозир у нозир ҳолда Питчер ҳам ёнма-ён турарди.

— Стенография бюросидан, ўрин масаласида,— деди Питчер. Мансуэл ярим ўгирилди; кўллари бир талай қоғоз ва телеграф тасмалари билан банд эди.

— Қандай ўрин масаласида?— деб сўради у хўмрайганча.

— Стенографисткалик ўрни масаласида,— деди Питчер.— Сиз кеча менга, бугунга янги стенографистка чақиршим кераклигини айтган эдингиз.

— Сиз эсингизни еяётганга ўхшайсиз, Питчер,— деди Мансуэл.— Мен сизга қандай қилиб бундай фармойиш берарканман? Мисс ўз вазифасини йил бўйи аъло даражада ууддалаб келди. То ўзи кетгуси келмагунча ўрин уники. Бизда ҳеч қандай бўш жой йўқ, хоним. Бюрога хабар беринг, Питчер, бизга одам юборишмасин, ўзингиз ҳам олдимга бошқа ҳеч кимни етаклаб кирманг.

Кумуш юракча идорадаги мебелларга эътиборсиз тақила-тақила лапанлаганча ранжиган кўйи чикиб кетди. Питчер пайтини топиб туриб, бухгалтерга «Отахон»нинг кундан-кунга паришонхотир ва фаромуш бўлиб бораётганини айтди.

Иш куни тобора жўшга келиб авжга минмоқда эди. Биржада Мансуэлнинг мижозлари йирик-йирик маблағлар қўйган турли номдаги ярим дюжинача акцияларни тепкилаб, хомталаш қилмоқда эдилар. Сотиб юбориш ва сотиб олиш ҳақидаги буйруқлар калдирғоч каби учиб бориб, учиб келмоқда эди. Мансуэлнинг ўз шахсий сармоясидан бир қисмига ҳам хавф таҳдид солмоқда, бинобарин, у қандайдир мураккаб, нозик ва қудратли машинадек визиллаб ишлар, сўзлари, фармойишлари, хатти-ҳаракатлари соат механизмининг суръати ва аниқлиги билан кетма-кет келиб турар эди. Акциялар ва мажбуриятлар, қарзлар ва фондлар, жамғармалар ва бўнақлар — бу молия олами бўлиб; унда инсон олами учун ҳам, табиат олами учун ҳам ўрин йўқ эди.

Нонушта соати яқинлашаркан унча-мунча осойишталик чўкди.

Мансуэл қўлларида даста-даста ёзувлар ва телеграммалар билан столи олдида турар, ўнг кулоғига сиёхли ручка кистирилган, тўзғиган сочлари патила-патила бўлиб манглайига тушган эди. Дераза ланг очик, негаки баҳор деган ёқимтой кайвони радиаторни буриб қўйган, ер марказини иситиш тармоғининг қувурлари бўйлаб унча-мунча иссиқлик югурган эди.

Дераза орқали хонага, эхтимолки, янглишиб қолиб, латиф, тотли сирень атри елиб кирди-да, даллолни бир сониягагина жойига михлаб қўйди. Бу хид мисс Леслига мансуб эди. Бу унинг бўйи, унигина бўйи эди.

Бу бўй уни, бошлиқнинг қаршисига — қўл ушлаб кўрса бўлгудек аён-ошкор олиб келиб қўйди. Молия олами дарҳол мўъжазгина танга ҳажмида ғужанак бўлиб қолди. Хоним қўшни хонада, йигирма қадамгина нарида эди.

— Ўлай агар, шундай қиламан,— деди даллол овози чиқар-чиқмас.— Ундан хозироқ сўрайман. Тавба, нега бу ишни аллақачон қила қолмаган эканман.

У чув туширмасларидан омадини бой бергиси келмаган биржа қиморбозидек стенографистканинг хонасига югурди. Унинг столига елиб борди.

Стенографистка унга қараб жилмайди. Ёноқларини нимпушти қизиллик қоплади, очик чехра билан мулоким термилди. Мансуэл тирсаклари билан унинг столига суянди. Ҳамон икки қўлида бир даста қоғоз ушлаб турар, кулоғига перо қистирилган эди.

— Мисс Лесли,— деб шоша-пиша гап бошлади у,— менинг бир минутгина вақтим бор. Сизга баъзи бир гапларни айтишим керак. Менга тегсангиз. Сизга таомилдагидек хушторлик изҳор қилиб юришларга фурсатим бўлмади, аммо, гапимга ишонаверинг, сизни севаман. Мумкин бўлса, тезроқ жавоб беринг,— тагин пасайтирувчилар «Тинч океан»дагиларни рамақижон аҳволга тушириб қўймасин.

— Нима деяпсиз ўзи?— деб хитоб қилди стенографистка. У ўрnidан қалқиб, унга бақрайганча қараб турарди.

— Гапимга тушунмадингизми?— дея ўкинч билан сўради Мансуэл.— Менга тегсангиз деган эдим. Мен сизни севаман, мисс Лесли. Буни сизга аллақачонлардан бери айтмоқчи бўлиб юрган эдим, ҳозир идора озгина тинчигани учун бир дақиқа фурсат топиб келдим. Ана, мени тагин телефонга чақиришяпти. Айтиб қўйинг, Питчер, кутиб туришин. Хўш, нима дейсиз, мисс Лесли?

Стенографистка жуда ғалати аҳволга тушиб қолди. Аввал у таажжублангандек бўлди, кейин унинг ҳайратланган кўзларидан ёш тирқираб кетди, сўнгра у ёшли кўзлари билан қуёшдек чарақлаб кулди-да, бир кўли билан даллолнинг бўйнидан мулойимгина кучоқлади.

— Мен тушундим, — деди у майингина. — Бу биржа сенинг миянгдан бошқа ҳамма нарсаларни ҳайдаб чиқарибди. Аввалига қўрқиб кетдим. Наҳотки эсингдан чиққан бўлса, Гарви? Ахир кеча кечқурун соат саккизда муюлишдаги Кичик черковда бир-биримиз билан никоҳландик-ку!

Артур КОНАН ДОЙЛ

ИНТЕРНАТДА СОДИР БЎЛГАН ҲОДИСА

Бизнинг Бейкер-стритдаги камтарона сахнамиз кўпгина драматик манзараларни кўрган, аммо мен унда санъат магистри, фалсафа доктори¹ ва ҳоказо, ва ҳоказо Торникрофт Хакстейблнинг илк бор пайдо бўлишидан кўра кутилмаганроқ ва танг қоларлироқ нарсани кўрган эмасман. Шу қадар кўпдан-кўп илмий даражалар учун жуда кичиклик қилгандек туюлган унинг ташриф қоғози ўзидан бир неча лаҳза олдин кириб келди; орқасидан ўзи ҳам пайдо бўлди, бўйдор, басавлат, улугвор — сабот билан матонатнинг тимсоли бўлган бу одам орқасидан эшик ёпилар-ёпилмас қўллари билан столга таяниб, аста-секин ерга ўтириб олди-да, ҳушидан кетиб каминимиз олдидаги айиқ терисига узала тушиб чўзилиб қолди. Биз ўрнимиздан сапчиб кетиб, беҳудуд ҳаёт океанининг йироқ бир ерида кўтарилган довул бизга келиб ташланган бу баҳайбат фалокат парчасига ҳайрат билан тикилганимизча бир дақиқа индамай туриб қолдик. Сўнгра Холмс унинг бошига ёстиқ қўйди, мен эса оғзига бир рюмка коньяк тутдим. Нотаниш одамнинг рангсиз, тўла юзини чуқур ажинлар кесиб ўтган, салқиган қовоқлари ости кўқаринқираб турар, ним очик оғзининг четлари маъюсига буришган, қўшалок бақбақасини тук босган эди. Чамаси, у узоқдан келган, чунки ёқаси билан қўйлаги кирланган, тароқ тегмаган сочлари энлик, кўркам пешона-

¹ Магистр, доктор — илмий даражалар (*универсалар*).

сига тутам-тутам бўлиб тушиб турар эди. Қаршимизда бошига қандайдир катта кулфат тушган одам ётарди.

— Унга нима бўлган, Уотсон?— деб сўради Холмс.

— Тинка-мадори қуриган... оч қолиб ҳориганидан бўлса керак,— деб жавоб бердим мен, ингичка бир ипдек томирлари сезилар-сезилмас тепиб турган панжасини бармоқларим билан ушлаб турганимча.

— Мэкклтонга қайтиб кетиши учун олинган билет. Бу Англиянинг шимолида,— деди Холмс унинг соат чўнтагидан темир йўл билетини оларкан,— ҳали ўн икки бўлгани йўқ. Жуда барвақт йўлга чиққан экан!

Меҳмонимизнинг салқиган қовоқлари титраб, қуралай кўзлари бизга маъносизгина тикилди. Бир дақиқадан кейин у изза бўлганидан қип-қизариб ўрнидан аранг турди.

— Мени кечиринг, мистер Холмс. Ҳушдан кетганимнинг сабаби — асабларим қақшаганлигидан. Йўқ, ташаккур билдираман... Бир стакангина сут билан қоқ нон бўлса — ўзимга келиб қоламан. Мистер Холмс мен бу ерга сизни олиб кетиш учун келдим. Мен, ҳеч қандай телеграмма бу ишнинг нақадар ошиғичлиги ҳақида сизга етарли тасаввур бера олмайди, деб ўйлаган эдим...

— Сиз батамом ўзингизга келганингиздан кейин...

— Мен ўзимни туппа-тузук ҳис қиляпман. Менга нима бўлганини тушунолмай гарангман. Мистер Холмс, сиздан Мэкклтонга биринчи поезд биланоқ жўнашингизни илтимос қиламан.

Холмс бош чайқади:

— Ҳамкасабам, доктор Уотсон сизга ҳозир жуда банд эканимизни айтиши мумкин. Менга Феррернинг ҳужжатлари юзасидан текшириш олиб бориш учун аллақачон аванс беришган, ундан ташқари, яқин кунларда Абергавеннида содир бўлган суиқасд ҳақидаги ишни кўриш бошланади. Мени ғоят муҳим бир ишгина Лондондан чиқишга мажбур қила олиши мумкин.

— Ғоят муҳим иш!— дея меҳмонимиз қўлларини кўкка чўзди.— Сиз герцог Холдернесснинг биттаю битта ўғли ўғирланганини наҳотки эшитмаган бўлсангиз?

— Герцог Холдернесснинг ўғли дейсизми? Собиқ ми-нистрини айтаётибсизми?

— Ҳа, ҳа! Биз, бу газетада чикмасин, деб хўп уринган эдик, аммо «Глобус»нинг кечаги сонида баъзи миш-мишлар босилибди. Мен, бу хабарлар сизга ҳам етиб келгандир, деб ўйлаган эдим.

Холмс озғин узун қўлини узатиб рафдан энциклопедик

маълумотноманинг «Х» ҳарфига оид томини олди.

«Холдернесс, олтинчи герцог. Ҳамойил орденининг кавалери. Махфий кенгашнинг аъзоси...» ва ҳоказо, ва ҳоказолар... «Барон Боверли, граф Карлостон...» Ё раббий, унвонларининг кўплигини! «Хэллемшир графлиги судининг раиси (1900 йилдан бери). Сэр Чарльз Эппилдорнинг қизи Эдитга уйланган (1888). Якка-ёлғиз ўғли ва вориси лорд Солтайр. Икки юз эллик минг акр ерга эга. Ланкашир ва Уэлсда конлари бор.» Адреси: Карлстон-хаус-терасс; Холдернесс-холл, Хэллемшир, Карлстон қасри, Бангор, Уэлс. Адмираллик лорди¹ (1872), министр...» Хуллас, зодагон, мамлакатимиздаги энг машҳур зодагонлардан бири бўлса ҳам ажаб эмас.

— Энг машҳур, эҳтимолки, энг бадавлат зодагонлардан бири бўлса керак. Билишимча, мистер Холмс, сиз ўз соҳангизда чакана мутахассис эмассиз, ҳамиша ҳар бир ишга унга қизиқсангизгина қўл урасиз. Рухсатингиз билан айтсам, саодати олийлари ўғилларининг қаерда эканлигини кўрсатиб берадиган кишига беш минг фунт пулга чек, агар ўғирлаган ўғри ёки ўғриларнинг номини айтиб берса, кўшимча равишда яна минг фунт беришни ваъда қилмоқдалар.

— Катта мукофот! — деди Холмс. — Уотсон, икковимиз доктор Хакстейбл билан биргаликда Англиянинг шимолига жўнасақ ҳам бўлади. Сиз, доктор, сутни ичиб олинг, кейин бизга қачон ва қаерда қандай воқеа юз берганини, ниҳоят Мэкклтон яқинидаги интернат директори доктор Торникрофт Хакстейблнинг бу ишга қандай дахли бор эканини, нима учун бу ҳодиса юз бергач орадан уч кун ўтгандан кейингина — буни сизнинг соқолингиз олинмаганлигига қараб айтмоқдаман — камтарона қобилиятимга ишониб менга мурожаат қилаётганини айтиб берасиз.

Меҳмонимиз стакандаги сутни ичиб бўлгач, биронта ҳам тафсилотини қолдирмай қизгин ҳикоя қила бошлади. Унинг кўзлари дарҳол жонланди, ёноқларига қизиллик югурди.

— Сизларга маълум қилишимиз керакки, жентельменлар, мен Мэкклтон яқинидаги интернат-мактабнинг асосчиси ва директори бўламан. Хакстейблнинг «Горацийга шарҳлари»² сизларга ким билан мулоқотда бўлаётганларингизни эслатар. Менинг ўғил болалар учун очилган интернатим

¹ Адмираллик лорди — денгиз министри

² Гораций — қадимги Рим шоири. «Горацийга шарҳлар» — унинг шеърларига изоҳлар.

бутун Англияда шубҳасиз энг яхши, энг имтиёзли ўқув юртидир. Лорд Леверстоук, граф Блэкустер, сэр Кэткарт Соумс — менга шундай одамлар ўғилларини ишониб топширганлар. Аммо мактабим шуҳрат чўққисига бундан уч ҳафта бурун лорд Холдернесс ўз секретари мистер Жеймс Уайлдер орқали яккаю ёлғиз ўғли, вориси ўн яшар лорд Солтайрнинг менинг мактабимда ўқияжагини маълум қилганида эришди. Ушанда: бу ҳаётимда юз берадиган энг катта бахтсизликнинг бошланғичи, деган фикр хаёлимга келиши мумкинмиди!

Лорд Солтайр биринчи майда, ёзги семестрнинг бошида келди. Бу лобар бола бизнинг тартибларимизга тез орада кўникиб кетди. Шу нарсани айтиб ўтишим керакки — ишонмананки, ҳеч ким мени мактанчоқликда айбламас, чунки бундан кўз юмиб кетиш бемаънилик бўлар эди — бола уйда қийналиб кетган. Герцогнинг рафиқаси билан мурасаси унча мактарли эмаслиги ҳеч ким учун сир эмас, иккалалари битимга келишиб, эр-хотин ажралиб кетишган, қолаверса, хотини Франциянинг жанубига бориб жойлашган эди. Буларнинг ҳаммаси яқингинада содир бўлган, боланинг фарзандлик меҳри, бизга кейин маълум бўлишича, бутунлай онаси томонда экан. Онаси Холдернесс-холдан жўнаб кетгандан сўнг бола қайғуриб онасини соғиниб диққат бўлган, шундан сўнг герцог уни менинг интернатимга жойлашга қарор қилган. Орадан икки ҳафта ўтар-ўтмас кичкина лорд Солтайр бизга жуда кўникиб, билишимча, ўзини туппа-тузук ҳис қилмоқда эди.

Сўнгги марта уни ўн учинчи май куни кечкурун, яъни душанбада кўрган эканлар. Унга ажратиб берилган хона иккинчи қаватда бўлиб, ёнидаги катта кўшни хонада иккита бошқа бола ётарди. Бу болалар кечаси ҳеч нарса эшитмабди ҳам, кўришмабди ҳам, бинобарин, лорд Солтайр ўз хонасидан эшик орқали чиқмаган. Унинг деразаси ланг очиқ турарди, деворнинг шу ерини бандлари жуда йўғон, қалин чирмовуқ қоплаган. Биз ерда ҳеч қандай из учратмадик, аммо шубҳа қилмаса бўладик, у деразадан тушиб кетган.

Қочокнинг йўқлигини сешанба куни эрталаб соат еттида билиб қолдик. Ўрни йиғилмаган эди. У кетаётиб мактаб формасини — итонча қора курткача билан кулранг шимини кийиб олган. Кечаси унинг хонасига ҳеч ким кирмаган, борди-ю, у ерда қичқириқ ёки олишиш товушлари эшитилганда кўшни хонадаги болалардан каттаси Контер шовқинни албатта эшитган бўларди, чунки унинг уйқуси зийрак.

Лорд Солтайрнинг ғойиб бўлгани маълум бўлиши била-

нок, мен бутун интернатни — болалар, муаллималар, хизматкорларни тўпладим. Шундан кейин биз лорд Солтайр ёлғиз ўзи қочмаганлигига амин бўлдик. Немис тили ўқитувчиси Хайдеггер ҳам йўқ эди. Хайдеггернинг хонаси иккинчи қаватнинг нариги қанотида бўлиб, унинг ҳам деразаси ўтлоққа қараган. Унинг ҳам ўрни йиғилмаган, бироқ афтидан, у тузукроқ кийиниб олишга улгурмаган, чунки кўйлаги билан пайпоклари ерда ётарди. У деразадан ошиб, пастга чирмовуқ бандларига осилиб тушган, бундан ердаги излар далолат бериб турарди. Унинг одатда ўтлоқ этагидаги кичкина бостирмада турадиган велосипеди ҳам жойида йўқ эди.

Хайдеггер менинг мактабимга бундан икки йил илгари энг яхши тавсиялар билан кирган, аммо ўзи индамас, тунд одам, уни ўқувчилар ҳам, муаллимлар ҳам унча ёқтиришмас эди.

Бугун пайшанба бўлса, биз қочоқ ҳақида сешанбадан бери биронта ҳам янги хабар билолганимиз йўқ. Маълумки, аввало қилган ишим Холдернесс-холл билан хабарлашиш бўлди. Герцогнинг кўраси мактабдан бир нечагина миля нарида, биз лорд Солтайр уйини соғинган бўлса, отасининг олдига қайтиб боргандир, деб ўйлаган эдик, у ерда эмас экан. Герцог ғоятда ташвишланган, менга келсак, ташвиш билан ўз шогирдига жавобгарлик ҳисси одамни нима кўйларга солиши мумкинлигини ўз кўзларингиз билан кўрдиларингиз. Мистер Холмс, сиздан ёлвориб сўрайман, кучингизни аяманг! Бу астойдил киришсангиз арзийдиган иш.

Шерлок Холмс шўрлик мактаб директорининг ҳикоясини диққат билан тинглади. Чимирилган қошлари, улар орасидаги чуқур из унинг ялиниб-ёлворишларга муҳтож эмаслигидан, ўзининг жиддийлигидан ташқари унда ғаройиб ва чигал жумбоқларга нисбатан бўлган доимий ишқибозлигини уйғотган бу ишни текшириш учун бор куч-қувватини сарфляяжигидан шоҳидлик бериб турар эди. У чўнтагидан блокнот олиб, эсда тутиш учун ниманидир ёзиб кўйди.

— Сиз менга ўша заҳотиёқ мурожаат қилмай ғоятда янглишибсиз, — деб кўйди дўстим жиддий. — Бу ишни анча мураккаблаштиради. Мен, масалан, аминманки, ўтлоқ ҳам, девордаги чирмовуқ ҳам кўзи пишган одам учун кўпгина нарсаларни айтиб бериши мумкин эди.

— Бу борада айб менда эмас, мистер Холмс. Саодати олийлари жон-жаҳдлари билан бунинг овоза бўлиб кетишидан қочдилар. У киши, оиламиздаги низолар эл ичида

гийбат бўлмасин, деб хавотир олди. Бу кишига доимо хуш келмас эди.

— Маҳаллий маъмурлар лорд Солтайрнинг қочиши масаласини текшириш билан шуғулланишдими?

— Ҳа, сэр, аммо — ҳайҳот! — бундан ҳеч қандай иш чиқмади. Аввал бошда биз қочоқларнинг изига тушиб олгандек бўлган эдик — бизга станциямизда эрталабки поездда қандайдир ёш йигит билан бир бола жўнаб кетганини хабар қилишди. Аммо кеча кечқурун уларни Ливерпулда ушлашган экан хато рўй берганлиги дарров маълум бўлди. Шундан кейин мен бутунлай умидимни уздим, туни бўйи кўз юммай, биринчи поезд биланоқ бу ёққа қараб йўлга чиқдим.

— Полиция хато изга тушиб кетгандан кейин жойнинг ўзини бориб текшириш унча эътибор билан олиб борилмаган бўлса керак-да?

— Текширишни тўхтатиб қўя қолишди.

— Демак, уч кун беҳуда ўтиб кетибди. Бунга чидаб бўлмайди!

— Ҳа, тан олишим керак. Сиз ҳақлисиз.

— Ваҳоланки, жумбоқни ечиш мумкин эди. Мен бу ишга бажонидил киришаман. Айтинг-чи, сиз йўқолган бола билан немис тили муаллими ўртасида бирон муносабат бор-йўқлигини аниқлаёлдингизми?

— Уларнинг орасида ҳеч қандай муносабат йўқ эди.

— Муаллим унинг синфида дарс берармиди?

— Йўқ, билишимча у билан ҳатто бирон марта гаплашмаган ҳам.

— Таажжуб, ғоятда таажжуб! Боланинг велосипеди бор эдими?

— Йўқ.

— Қолган велосипедлар ҳаммаси жойида турибдими?

— Жойида турибди.

— Сиз бунга аминмисиз?

— Мутлақо аминман.

— Ишонаманки, сиз, немис қоқ ярим кечада болани қўлида кўтариб велосипедда жўнаган, деб ўйламангиз керак?

— Албатта, йўқ.

— Унда сиз буларнинг ҳаммасини қандай таъбирлайсиз?

— Балки улар велосипедни кўзни чалгитиш учун олиб, уни бирон ерга яшириб, ўзлари яёв кетишгандир.

— Эҳтимол. Аммо, ўзингиз ўйлаб кўринг, бу кўз

чалғитишнинг ғалати йўли-ку. Ахир бостирмада бошқа велосипедлар ҳам турган экан-ку.

— Ҳа.

— Агар у, биз пиёда эмас, бирор нарсада жўнадик, деган фикр туғдирмоқчи бўлса, иккита велосипедни яшириб кета қолса бўлмасмиди?

— Ҳа, сиз ҳақсиз.

— Ҳа, яшанг. Йўқ, бу назария ҳеч бир ярамайди. Аммо велосипеднинг йўқолиши текширишни давом эттиришда бошланғич нукта бўлиб хизмат қилиши мумкин. Қолаверса, бу яшириб қўйса ёки йўқ қилиб юборса бўладиган осон нарса эмас. Яна бир савол: қочишдан олдин болани ҳеч ким келиб кўрганмиди?

— Йўқ.

— Балки унинг номига хат келгандир?

— Ҳа, битта хат келган эди.

— Кимдан?

— Отасидан.

— Сиз ўқувчиларингизга келган хатларни очиб кўрасизми?

— Йўқ.

— Бўлмаса хатнинг отасидан келганлигини қаёқдан биласиз?

— Конверт гербли эди. Адрес ҳам герцогнинг қўпол дастхати билан ёзилган. Бундан ташқари, герцогнинг ўзи ҳам ўғлига хат ёзганлигини эслади.

— Бола бунгача қачон хат олган эди?

— Сўнгги кунларда унинг номига ҳеч нарса келмаган эди.

— Франциядан унга хат ёзиб туришармиди?

— Бирон марта ҳам келган эмас.

— Сиз менинг нима демоқчи бўлаётганимни пайкагандирсиз. Лорд Солтайрни ё зўрлик билан олиб кетишган, ёки у ўз ихтиёри билан қочиб кетган. Сўнгги фараз айтиб турибдики, бола ташқаридан бўлган биронта таъсирсиз бундай нарсага журъат қилолмасди. Борди-ю, унинг олдига ҳеч ким келмаган экан, бинобарин, таъсир хатлар орқали кўрсатилган. Шунинг учун ҳам мен унга кимлар хат ёзганини билишим керак.

— Бу борада менинг сизга бирон ёрдамим тегиши маҳолдир. Билишимча, унга фақат отасигина хат ёзиб турарди.

— Отасининг хати ҳам қочадиган куни келибди.

Ота билан ўғил орасидаги муносабатлар қандай эди: яхши, дўстонамиди?

— Саодати олийлари ҳеч кимни дўст тутмайдилар — у киши муҳим давлат ишлари билан банд. У кишини оддий инсоний ҳисларидан баҳраманд дейиш амри маҳол. Аммо ўғлига ўзича ёмон муносабатда эмас эди.

— Аммо боланинг кўнгли бутунлай онаси томонда экан-ку?

— Ҳа.

— Унинг ўзи шундай деганми?

— Йўқ.

— Ким айтган? Герцогми?

— Бе, нима деяпсиз? Албатта, йўқ!

— Бўлмаса буларни сиз қаёқдан биласиз?

— Мен саодати олийларининг секретари мистер Жеймс Уайлдер билан бир-икки марта суҳбатлашганман. Лорд Солтайрнинг кайфиятлари ҳақида мени у хуфия вокиф қилган.

— Тушунарли. Дарвоқе, герцогнинг сўнги хатини боланинг хонасидан у қочиб кетганидан кейин топиб олдингларми?

— Йўқ, у хатни олакетибди... Мистер Холмс, вокзалга жўнамайсизми?

— Мен ҳозир кэб чақиртираман. Чорак соатдан сўнг биз сизнинг хизматингизга ҳозир бўламиз. Борди-ю, уйингиз томонга телеграмма бермоқчи бўлсангиз, мистер Хакстейбл, у ердагилар текшириш ҳалигача ҳам Ливерпулда давом этаётган экан, деб ўйлашсин. Ахир сизларнинг бир гала тозиларингиз ўша ёққа ёпирилиб борганмиш-ку? Бу орада мен бемалол, хотиржам мактабингизнинг остонасида иш кўриб, ажаб эмаски, зехнимиз камина қулингиз билан Уотсондек икки қари изтопарга панд бермаса, ўша ернинг ўзида баъзи бир нарсаларни топишга муяссар бўлармиз.

Кечқурун димоғимизга доктор Хакстейблнинг машхур мактаби жойлашган Дерби графлигининг хуш ёқувчи салқин ҳавоси урилди. Биз мактабга яқинлашганимизда қоронғи тушиб қолган эди. Дахлиздаги столда ташриф қоғози ётарди. Малай директорга ниманидир шивирлади, у ҳам ҳаяжонланганча бизга ўгирилди.

— Герцог шу ерда экан,— деди у.— Герцог билан мистер Уайлдер мени кабинетда кутиб туришганмиш. Юринглар, жентельменлар, мен сизларни таништирай.

Мен маълум ва машхур бу давлат арбобини фотосу-

ратларидан танирдим, албатта, аммо у портретларига сира ҳам ўхшамас экан. Камин олдидаги гиламда, қаршимизда чўзиқ озгин юзли, узунгина қирғий бурни ғалати қаққайиб турган, дид билан кийинган, улуғвор, салобатли бир киши турарди. У мурдадек рангсиз, бу рангсизлигини узун, оч қизгиш соқоли айниқса сездириб турар, соқоли тагидан оқ нимчасида соатининг олтин занжири йилтирар эди. Собиқ министр бизга совуқкина қараб турарди. Ёнида серҳаракат асабий, ақлли, мовий кўзли, паст бўйли, хали анчагина ёш йигит турарди, фаҳмлашимча, бу унинг шахсий секретари Уайлдер эди. Гапни у бошлади, ғоятда кескин ва ҳатто истехзоли оҳангда бошлади:

— Доктор Хакстейбл, мен ҳузурингизга эрталаб келган эдим, аммо, афсуски, кеч қолибман, сизнинг Лондонга боришингизга монелик қила олмадим. Менга айтишларича, сиз у ёққа мистер Шерлок Холмсга шу ишни текширишни топшириш учун уни бошлаб келгани кетган экансиз. Саодати олийлари сиз бу ишни аввал у киши билан маслаҳатлашиб олмасдан бошламоқчи бўлганингиздан таажуждалар, доктор Хакстейбл.

— Полициячиларнинг қидиришлари ҳеч қандай натижа бермагандан кейин...

— Саодати олийлари бундай деб ўйламайдилар.

— Ахир, мистер Уайлдер!..

— Ўзингизга маълумки, доктор Хакстейбл, саодати олийлари бу ишнинг овоза бўлиб кетишини истамайдилар. У киши бу нарсадан бегона одамларнинг воқиф бўлишини хоҳламайдилар.

— Буни тузатиш осон,— деб ғўлдиради кўрқиб кетган доктор,— Мистер Шерлок Холмс Лондонга эрталабки поезд биланоқ жўнаб кетиши мумкин.

— Жўнамоқчи эмасман, доктор, жўнамоқчи эмасман! — деди Холмс эҳтиром билан жилмайиб.— Шимол ҳавоси шу қадар ёқимли, сиҳат-саломатлигим учун шу қадар сершифоки, мен бу ернинг далаларида бир неча кун бўлишга қарор бердим, ўзим билганимча кўнгил ҳушлик қиламан. Сизнинг гўшангизданми ёки кишлоқ меҳмонхонасиданми бошпана топаман, албатта, бу фақат сизгагина боғлиқ.

Шўрлик доктор бутунлай саросимада қолган эди, аммо бу орада қизгиш соқолли герцогнинг тушки овқатга чақирганда чалинадиган занг садосига ўхшаган янгроқ йўғон овози унинг жонига ора кира қолди.

— Мистер Уайлдер ҳақли, доктор Хакстейбл. Сиз мен билан маслаҳатлашингиз керак эди. Модомики, сиз мис-

тер Холмсни бу ишдан бутунлай воқиф қилган экансиз, унинг ёрдамидан воз кечиш биз учун ақлдан бўлмас экан. Сизнинг қишлоқ меҳмонхонасига бориб ўтиришингизнинг ҳожати йўқ, мистер Холмс, мен сизларни Холдернесс-холлда хушнудлик билан қабул қиламан.

— Шоён ташаккур, саодати олийлари. Бироқ, ишимизнинг манфаатларини кўзлаб, мен шу ерда, ҳодиса содир бўлган жойда қолганим тузукрок.

— Сизни қийноқ-қистокқа олмайман, мистер Холмс. Борди-ю, сизга менданми ёки мистер Уайлдерданми биронта ахборот керак бўлиб қолгудек бўлса, биз хизматингизга тайёрмиз.

— Холдернесс-холлга бориб келишимга ҳам тўғри келар,— деди Холмс.— Ҳозир эса, сэр, ўғлингизнинг сирли тариқада ғойиб бўлганини нима деб таъбирлашингизни билмоқчи эдим, холос.

— Сизга жавоб беришдан қийналаман, сэр.

— Мен сиз учун ёқимсиз бўлган мавзуга тегиб ўтсам кечирасиз. Нима дейсиз, бу ишга онаси аралашмаганмикан?

Мистер бир оз жавоб бермай турди.

— Йўқ, ундай деб ўйламайман,— деди у ниҳоят.

— Унда ўз-ўзидан бошқа бир таъбир тилга келади: балки, болани пул ундириш учун гаровга олиб кетишгандир? Ундай даъволар бўлмаганмиди?

— Йўқ, сэр.

— Яна бир савол, саодати олийлари. Менга маълумки, ўғлингиз йўқолган куни сиз унга хат ёзган экансиз.

— Йўқ, бир кун олдин эди.

— Мутлако тўғри. Аммо сизнинг хатингизни у худди ўша куни олган экан-ку?

— Ҳа.

— Ўша хатда уни ташвишлантириши ёки қочишга баҳона бўладиган бирон нарса йўқмиди?

— Албатта йўқ эди, сэр!

— Хатни ўзингиз жўнатганмидингиз?

Герцогнинг ўрнига, ғижинганича секретари жавоб берди:

— Саодати олийларининг хат-хабарларини шахсан ўзлари жўнатадиган одатлари йўқ. Бу хат бошқалари билан бирга кабинетдаги столда қолдирилган экан, мен уларнинг ҳаммасини почта халтасига солдим.

— Бошқа хатлар орасида ўшаниси ҳам бўлганига аминмисиз?

— Ҳа, мен уни кўрганман.

— Ўша куни сиз нечта хат ёзган эдингиз, саодати олийлари?

— Йигирмата десаммикан, ўттизта десаммикан. Мен кенг микёсда ёзишма олиб бораман. Аммо, менимча, биз ишнинг моҳиятидан бир оз четга чиқиб кетдик.

— Йўқ, нега энди! — деди Холмс.

— Мен ўзим полицияга қидириш ишларини Франциянинг жанубига йўналтиришни маслаҳат бердим, — деб давом эттирди герцог. — Такрор айтаман: мен онаси ўғлини шундай мудҳиш хатти-ҳаракатга рағбатлантира олади, деб ўйлай олмайман, аммо бола шундай ўжарки, онасининг олдига қочиб кетган бўлиши ҳам мумкин, қолаверса, немис гиж-гижлаб кўмак берган бўлса ҳам ажаб эмас. Энди, доктор Хакстейбл, яхши қолинг.

Мен Холмснинг ҳали қанчадан-қанча саволлари бор эканлигини ҳис қилиб турардим, аммо герцог гапни қисқа қилиб қўяқолди. Бу киборнинг нозик зодагонлиги оилавий ишларни бегона одам билан муҳокама қилиб ўтиришга йўл қўймас, афтидан, у ҳар бир янги савол ҳаётининг усталик билан яширилган ҳар бир қоронғи бурчагини омонсиз равишда очиб юборишидан кўрқар эди.

Герцог ва мистер Уайлдер кетишлари биланок, дўстим ўзига хос ғайрат билан дарҳол ишга киришди.

Боланинг хонасини синчиклаб кўздан кечириш, деразадангина тушиб қочган, деган узил-кесил ишончдан бошқа ҳеч нарса бермади. Немис муаллимнинг хонасидаги буюмлари орасида ҳам янги далиллар топилмади. Деразаси тагидаги чирмовуқ уни кўтаролмасди, биз фонарчани ўтлоққа тутиб, чуқур пошна изларини кўрдик. Топталган ўт — сабаби номаълум бўлган тунги қочишдан гувоҳлик бериб турган бирдан бир нарса шу эди.

Шерлок Холмс мени ёлғиз қолдириб чиқиб кетди, кечаси ўн бирлардан ошганда қайтиб келди. У қаёқдандир шу ернинг каттакон харитасини топиб келибди. Уни хонадаги каравотга ёзиб, ўртасига чироқни ўрнаштириб қўйди. Кейин тамаки чекди-да, ўзини қизиқтираётган нуқталарни бурқсиб турган трубкасининг қаҳрабо банди билан менга ўқтин-ўқтин кўрсатганча, харитани диққат билан кўздан кечира бошлади.

— Бу иш мени борган сари ўзига тортмоқда, Уотсон, — деди дўстим. — Қизиқ иш, жуда қизиқ... Аммо ҳозир, мен бу ишга кириши мумкин бўлган баъзи бир географик

деталларга диққатингизни тортмоқчи эдим. Мана бу харитага қаранг. Майда чизиклар билан тўлатилган бу квадрат — мактаб. Бу ерга тўғнағич қадаймиз. Мана бу — тош йўл. У шарқдан ғарбга қараб мактабнинг олдидан ўтган, бир миля масофа давомида у томонда ҳам, бу томонда ҳам ундан ёнга бурилган йўллар йўқ. Борди-ю, қочоқларимиз шу йўлдан юрган бўлсалар, четга бурила олмаганлар.

— Тўғри.

— Омад бизга ёр бўлиб, ўша куни кечаси тош кўчада нималар бўлганини текширишимиз мумкин. Ҳозир трубкама турган мана бу жойда кечаси ўн иккидан эрталаб соат олтигача полисмен навбатчилик қилган. Кўриб турибсиз, бу тош йўлнинг шарқий қисмидаги биринчи чорраҳа. Полисмен ўз постидан бир дақиқа ҳам нари жилган эмас, у, агар бу ердан катта киши билан бола ўтса, албатта кўрган бўлардим, дейди. Мен у билан бугун кечқурун гаплашдим, менимча унинг сўзларига ишонса бўлади. Демак, тош йўлнинг бу қисми мустасно. Энди унинг ғарбий қисмидаги аҳвол билан танишамиз. У ерда «Қизғиш хўкиз» деган меҳмонхона бор, унинг бекаси касал ётибди. У Мэкстондаги врачга одам юборган экан, аммо врач эса бошқа беморни кўргани кетган экан, унинг олдига эрта тонгдагина келибди. Меҳмонхонадагилар уни кута-кута, келаётганини билиш учун тош йўлга мўралай-мўралай кечаси билан ухламай чиқишибди. Бу одамларнинг гапига қараганда, меҳмонхонанинг олдидан ҳеч ким ўтмаган. Уларнинг гапига ишонсак, демак, тош йўлнинг ғарбий қисми ҳам бизда ҳеч қандай шак-шубҳа қолдирмайди. Бинобарин, қочоқлар қандайдир бошқа бир йўлни танлаганлар.

— Велосипед-чи? — дедим мен.

— Ҳа, велосипед. Ҳозир у билан шуғулланамиз. Шундай қилиб, мулоҳазаларимизни давом эттираемиз. Модомики, қочоқлар тош йўлга чиқмаган эканлар, бинобарин, улар мактабнинг ё шимол томонига, ё жануб томонига қараб кетганлар, бу шабҳасиз. Келинг, шу икки тахминни чамалаб кўрайлик. Мактабнинг жанубида каттакон дала бўлиб майда-майда бўлақларга бўлинган; ҳар қайсиси бир-биридан тош девор билан ажратилган. Бу ерлардан велосипед билан ўтиш мумкин эмас, бинобарин, бу тахминдан ҳам воз кечиш керак. Энди диққатимизни шимолга қаратамиз. Биз у ерда «Қийиқ лахтак» деган дарахтзорни кўрамиз, унинг нарёғида ўн миляча ичкариликка ботқоқ яланглик чўзилиб кетган, шимолга борган

сари тепаликлар кўпая боради. Унинг чапроғида Холдер-несс-холл жойлашган, унга тош йўл билан борилса ораси ўн миля, тўғри кесиб чиқилса олти милягина. Ундан нарида, ўзингиз кўриб турибсиз, Честерфилд тош йўли ўтган, унинг ёқасида икки-уч коттедж, черков билан меҳмонхона жойлашган. Орқасида — баланд, тик тушган тепаликлар. Амнманки, биз қидиришларимизни шу ёққа, шимолга йўналтиришимиз керак.

— Ахир велосипед-чи? — деб такрорладим мен.

— Бунга велосипеднинг нима даҳли бор?! — деди тоқатсизланиб Холмс. — Яхши велосипедчилар тош йўллардан бошқа жойлардан ҳам юраверадилар. Ялангликни сўкмоқ босиб кетган, бундан ташқари, ўшанда сутдек ойдин кеча бўлган. Тўхтанг! Бу нима бўлди?

Эшик ташвишли дукиллаб — шундан кейинроқ хонамизга доктор Хакстейбл кириб келди. У қўлида соябонига оқ тасма тикилган мовий зангори кепка ушлаб турарди.

— Топилдиқ! — дея хитоб қилди у. — Худога шукур! Ниҳоят болагинамизнинг изини топиб олдинг-а! Бу унинг кепкаси!

— Уни қаердан топиб олдинглар?

— Ялангликда манзил ташлаб турган лўлиларнинг соябон аравасидан. Улар макон қурган жойларидан сешанба куни кўзгалишган эди. Бугун полиция устларига ёпирилиб бориб, соябон араваларини тинтибди. Шу нарсани топишибди.

— Бу уларнинг қўлига қандай қилиб тушиб қолибди? Улар нима дейишяпти?

— Бўйин товлаб ёлғон гапиришяпти. Кепкани сешанба куни эрталаб ялангликдан топиб олганмиз, деб қасам ичишяпти. Йўқ, бу ярамастар боланинг қаерда эканлигини билишади! Хайриятки, уларнинг ҳаммасини қамаб қўйишибди. Қонундан кўрқиб тиллари ечила қолади. Қонундан кўрқибгина эмас, герцогнинг қаппайган ҳамёнини кўриб ҳам.

— Хўп, майли, яхши, — деди Холмс, доктор хонадан чиқиб кетаркан. — Ҳар қалай, бу менинг, ялангликдаги қидиришларгина биронта натижа бериши мумкин, деган назариямни тасдиқлайди. Агар лўлиларни қамоққа олганини айтмасак, полиция бу ўринда ҳеч нарса қилган эмас. Харитага қаранг, Уотсон. Ялангликдан жилға ўтган. Мактаб билан Холдернесс-холлнинг ўртасида унинг баъзи жойлари ботқоқланган. Ҳозир об-ҳаво шундай қурғоқки, бошқа жойлардан қидириш бефойда. Ботқоқда эса унча-мунча из

қолган бўлса ажаб эмас. Мен эртага олдингизга барвактроқ келаман, биз бу сирли воқеани ойдинлаштиришга уриниб кўрамиз.

Эртасига ғира-шира тонгда уйғонарканман, каравотимнинг бошида Холмснинг новча озгин гавдасини кўрдим. У кийинган, пайқашимча аллақачон сайр ҳам қилиб келган эди.

— Мен ўтлоқ билан велосипедлар турган бостирмани кўздан кечирдим,— деди дўстим,— кейин «Қийиқ лахтак»ни айландим. Туринг, Уотсон, қўшни хонага какао олиб келиб қўйишди. Тезроқ бўлишингизни илтимос қиламан, чунки, бугун биз жуда кўп иш қилишимиз керак...

Дўстимнинг юзи бўғриққан, кўзлари ҳавас қилган ишига киришиш иштиёкида турган кишининг кўзларидек чакнамоқда эди. Бу Бейкерстритдаги ўз ўйлари билан банд бўлган рангпар хаёлпарастга мутлақо ўхшамаган, серҳаракат, серғайрат бошқача Холмс эди. Мен унинг тетик, куч-ғайрат барқ ураётган жуссасига қарарканман, олдимизда серташвиш бир кун турганини пайқадим.

Аммо бу кун қаттиқ ўкинч билан бошланди. Биз қалбимиз тўла умид билан, қўйлар из солган кўпдан-кўп сўкмоқлар кесиб ўтган кўнғир торф яланглик бўйлаб йўлга равона бўлдик, тез орада биз билан Холдернесс-холл орасида ётган оч-яшил созроқ ўтлоққа чиқиб бордик. Агар бола уйига қочган бўлса, бу ердан ўтмаслиги мумкин эмас эди. Бу ерда унинг излари ёки немис муаллимнинг излари қолиши керак эди. Аммо биз бундан асар ҳам топа олмадик. Дўстим бу яшил ўтлоқни ёқалаб бораркан, қошларини чимирганча унинг пўпанак босган сатҳидаги ҳар бир қора доғга диққат билан тикиларди. Бу ерда қўй-қўзи излари сон-саноксиз эди, яна бир неча миля юриб боргач эса сигир туёқлари изларини кўрдик. Учратганларимиз шугина эди.

— Ишимиз ишқал,— деди Холмс, қаршимиздаги ёйилиб кетган ялангликни тунд бир назар билан кўздан кечираркан.— Ҳов, ана у ерда яна ботқоқлик бор, унинг ўртасидан торгина йўл ўтган. Қаранг! Бу нима бўлди?

Биз қора тасмадек буралиб кетган сўкмоққа чиқдик. Унинг қоқ ўрталиғида, лойда велосипед ғилдирақларининг излари аниқ кўриниб турарди.

— Ура! — деб қичқирдим мен.— Ана велосипед ҳам топилди!

Аммо Холмс бош чайқади. Чехраси хушнуд эмас, унда таажубланган ва сергақланган бир ифода бор эди.

— Велосипедликка велосипедку-я, аммо бошқа велосипед,— деди у.— Менга қирқ икки хил велосипед шиналарининг излари маълум. Бу, кўриб турибсизки, «Данлоп» фирмасининг шинаси, ямоғи ҳам бор. Хайдеггер велосипедининг шиналари «Палмер» фирмасиники бўлиб, кўнданган чизикли экан. Буни менга математика муаллими Эвелинг айтиб берди. Бинобарин, бу ердан Хайдеггер эмас, бошқа бир одам ўтган.

— Демак, бола?

— Эҳ, кошки эди биз унинг велосипеди борлигини исботлаёлсак! Ахир бизга, унинг велосипеди йўқ эди, деб уқтиришяпти-ку. Бу излар, ўзингиз кўриб ишонч ҳосил қилишингиз мумкинки, мактаб томондан келган.

— Ёки мактаб томонга қараб кетган.

— Йўқ, қадрдоним Уотсон. Орқа ғилдиракнинг изи ҳамиша чуқур бўлади, чунки оғирликнинг кўпи унга тушади. Мана, кўраяспизми, бир неча жойда у олдинги ғилдиракнинг изи билан устма-уст тушиб уни босиб кетган. Йўқ, велосипедчининг мактаб томондан келганлиги шубҳасиз. Эҳтимолки, унинг қидиришларимизга ҳеч қандай даҳли йўқдир-у, ҳар қалай, уларни кўздан кечиришни давом эттиришдан олдин, бу издан орқага қараб қайтайлик-чи.

Биз худди шундай қилдик, икки юз, уч юз ярд нарида, сўқмоқ ботқоқликдан четга бурилган жойда велосипед ғилдиракларининг излари ғойиб бўлган эди. Аммо ундан нарида сўқмоқни жилға кесиб ўтган эди, ундан ўтилгач излар яна пайдо бўлди; зотан уларни сигирлар топтаб ташлаган эди. Сўнгра сўқмоқ «Қийиқ лахтакка»— мактаб биносига тақалган дарахтзорга кириб кетди. Велосипедчи, афтидан, шу дарахтзордан чиқиб келганга ўхшайди. Холмс дўнг тошга ўтириб, қўлларини иягига тиради. У шу тахлитда қимирламай ўтираркан, бу орада мен иккита сигарета чекиб улгурдим.

— Хўш,— деди ниҳоят дўстим,— эҳтиёткор одам, маълумки, изини адаштириш учун велосипедининг шиналарини алмаштириши мумкин. Шу қадар башорат қила олиш истеъдодига эга бўлган жиноятчи билан тўқнаш келишни мен ўзим учун каттақон шараф деб билардим. Бу масалани чала қолдириб, ботқоққа қайтайлик, чунки у ерда ҳали ҳамма нарса текшириб кўрилган эмас.

Биз ялангликнинг ботқоққа айланган қисмини синчиклаб кўздан кечиришни давом эттирдик ва тез орада хизматларимиз зое кетганига амин бўлдик. Холмс яна бир лой

сўқмоқни кўриб қолиб, унга яқин борди-да, хурсандликдан кичқириб юборди. Сўқмоқнинг қоқ ўртасидан худди телеграф симларидек ингичка из ўтган эди. Бу «Палмер» велосипед шиналарининг изи эди.

— Герр¹ Хайдеггер шу ердан ўтган! — деди ҳаяжон билан Холмс. — Менинг тахминларим унча чакки бўлмаган экан, Уотсон!

— Табриклайман сизни бу муваффақият билан.

— Ҳали иш охирига етгунча узок. Илтимос қиламан, сўқмоққа оёқ кўя кўрманг. Шу издан борайлик-чи. У ҳадемай узилиб қолса керак.

Ялангликнинг бу қисмида ўқтин-ўқтин созлок жойлар учраб турарди, гарчанд велосипед изи тез-тез йўқолиб турса-да, биз уни ҳар гал топиб олардик.

— Сезяпсизми, — деди Холмс, — бу ерда велосипедчи педални қаттиқроқ айлантирган. Бу мутлако равшан. Мана бу ерга қаранг, бунда олдинги ғилдиракнинг ҳам, орқасидагининг ҳам излари сақланиб қолган. Уларнинг иккови ҳам аниқ. Бу шу туфайлики, велосипедчи оғирлик марказини рулга кўчирган, одатда пойгачилар шундай қиладилар. Ё раббий, у йиқилибди!

Лой сўқмоққа сербар сидирилган из тушган эди. Ундан нарироқда пойабзал излари кўринарди, кейин яна велосипед изи пайдо бўлди.

— Ғилдираклар сирғилиб борганми? — деб сўрадим мен.

Холмс ердан бир туп синган бутани олди. Ваҳмим келди, унинг сариқ гулларига қизил нарса сачраган эди. Сўқмоқ билан қалин ўсган сариқ гулли буталарда қотиб қолган кўнғир қон доғлари қорайиб турарди.

— Иш расво! — деди Холмс. — Жуда расво! Бу ерга оёқ қўйманг, Уотсон, нарироқ туринг. Шундай қилиб, бу ерда нималарни ўқиш мумкин? У яраланиб йиқилган... ўрнидан турган... яна велосипедини миниб йўлида давом этган. Сўқмоқдан пода ўтган. Уни ҳўкиз сузмагандир-ку, ахир! Аммо бу ерда бошқа из йўқ. Олға, Уотсон! Қон доғлари, велосипед ғилдиракларининг излари — биз уни ақалли шу излардан топмай қўймасмиз дейман!

Қидиришларимиз узокқа чўзилмади. Велосипед изи йилтираб турган намхуш сўқмоқ қингир-қийшиқ бўлиб кета бошлади. Мен олдинга қараган эдим, бирдан кўз ўнгимда

¹ Герр — немисча жаноб дегани.

қандайдир металл яраклаб кетди. Биз қалин сариқ гулли бутазордан «Палмер» шиналари ўрнатилган велосипедни олиб чиқдик. Унинг бир педали майишган, рули билан олдинги ғилдираги туташ қонга беланган эди. Сал нарироқда ўт орасидан оёқ кийими чиқиб турарди. Биз у ёкка қараб югурдик ва шўрлик велосипедчини кўрдик — у серсоқол новча одам бўлиб, кўзойнагининг ўнг томони синган эди. У миясини мажақлаб юборган кучли зарбадан ўлган эди. Шундай жароҳатдан кейин ҳам яна бир неча метр жойга бора олгани унинг ғоятда жони қаттиқлигидан ва зўр матонатидан дарак берарди. У ботинкасини қўлантаёқ кийган, пиджаги остидан эса ич кўйлаги кўришиб турарди. Шубҳага ўрин йўқ — кўз ўнгимизда немис муаллим ётарди.

Холмс жасадни эҳтиётлик билан ағдариб, уни кўздан кечирди-да, кейин ўтириб ўйга толди. Мен дўстимнинг ташвишли юзига қарарканман, бу даҳшатли топилдикнинг текширишларимизни унча олдинга жилдирмаганини пайқадим.

— Нима қилишимиз кераклигини билмай қолдим, Уотсон,— деди ниҳоят Холмс.— Яна нарироқ борсак дейман. Қидиришларимиз шу қадар чўзилиб кетдики, биз бир соат фурсатни ҳам қўлдан бермаслигимиз керак. Иккинчи томондан, полицияга хабар бериш керак. Ахир бу шўрликнинг жасадини бу ерда қолдириш мумкин эмас-ку!

— Мендан хат бериб юборақолинг.

— Сиз билан, сизнинг ёрдамингизга муҳтожман-да! Тўхтанг, хов анаву ерда кимдир торф чопаетибди. Ўша одамни чақиринг, бу ерга полицияни бошлаб келсин.

Мен Холмснинг илтимосини бажо келтирдим, у ўтакаси ёрилаёзган фермерни хат билан доктор Хакстейблга жўнатди.

— Шундай қилиб, Уотсон,— деб яна гап бошлади дўстим,— бугун эрталаб сиз билан биз иккита из топдик. Биринчисини «Палмер» шинали велосипед қолдирган, у бизни қаерга олиб келганини кўриб турибсиз. Биз топган иккинчи нарса — ямоқ солинган «Данлоп» шинасининг изи. Мана шу иккинчи издан кетишдан олдин бизга нималар маълум эканлигини аниқлаб олайлик, муҳим нарсаларни номуҳимларидан ажратиб олайлик... Энг аввал мен шу нарсани таъкидламоқчиманки, бола ўз ихтиёри билан қочиб кетган. У деразадан тушиб ёлғиз ўзи ёки шериги билан қочган. Бу шубҳасиз.

Мен тасдиқ ишораси билан бош ирғадим.

— Хўп. Энди бахтсиз немис билан шуғулланамиз. Бола

кийиниб олишга улгурган — бинобарин, у қочишга тайёрланган. Немис эса, чамаси, наридан-бери кийинган, шўнинг учун ҳам пайпоғини киёлмай чопган.

— Шубҳасиз.

— Уни деразадан ошиб тушишга нима мажбур қилган? Шу нарса мажбур қилганки, у қочиб кетаётган болани кўриб қолган. Етиб олиб уни қайтармоқчи бўлган. У велосипедини олиб, қочокни изидан қувади ва ботқоқликка бориб ҳалок бўлади.

— Ҳа, шунақага ўхшаброқ турибди.

— Энди мен мулоҳазаларимнинг энг баҳсли қисмига яқинлашдим. Кичкина болани таъқиб қилиб кетаётган катта одам унинг орқасидан югура қолса ҳам бўларди. Унга бемалол етиб олиши мумкин эди. Аммо немис, доктор Хакстейблнинг сўзларига қараганда, ажойиб велосипедчи бўлган бу одам бошқача иш тутди — яъни велосипедини олиб чиққани бостирмага чопади. Бундан хулоса шуки, у боланинг ўз оёқларидан кўра мукамалроқ ҳаракат қилиш воситасидан фойдаланганини кўрган.

— Бошқа сўз билан айтганда, бировнинг велосипедини олган-ми?

— Қочиш манзарасини охиригача тиклайлик-чи. Немис мактабдан беш миля узоқликда ҳалок бўлади — билиб қўйинг, бола узиши ҳам мумкин бўлган ўқдан эмас, забардаст кишининг қўли билан бошига туширилган залварли зарбадан ҳалок бўлади. Демак, боланинг ҳамроҳи бўлган, улар шу қадар тезлик билан йироқлашганларки, моҳир велосипедчи уларга бешинчи милядагина етиб олган. Фожа рўй берган жойни кўздан кечирарканмиз, сигир туёқларининг изларинингина кўрдик, холос. Мен кенгроқ доирани, эллиқ қадамча жойни айланиб келдим, биронта ҳам сўқмоқ кўрмадим. Иккинчи велосипедчининг суикасдга ҳеч қандай даҳли бўлмаган, у ерда оёқ излари йўқ эди.

— Холмс! — деб хитоб қилдим мен.— Бунга ақл бовар қилмайди!

— Офарин! — деди у.— Тўқис-туғал хулоса чиқарардик. Менинг воқеаларни изҳор қилиб беришимда қандайдир ақл бовар қилмайдиган бир нарса бор — бинобарин, мен янглишганман. Аммо сиз мен билан ҳамиша бирга бўлдингиз, ҳамма нарсани ўз кўзларингиз билан кўрдингиз. Мен қаерда янглишдим экан?

— Балки боши йиқилганида ёрилгандир.

— Ботқоқликда-я, Уотсон?

— Ҳеч нарсага тушунолмай гаранг бўлиб қолдим, Холмс.

— Қўйинг, қўйинг, биз бундан мушкулроқ жумбоқларни ҳам ечганмиз. Мулоҳаза юритиш учун биздаги материал етарли, уни фақат ақл билан ишга сола билиш керак... Шундай қилиб, мулоҳазамизни давом эттирамиз, Уотсон. «Палмер» шиналари бизга борини айтиб берди. Энди, қани кўрайлик-чи, ямалган «Данлоп» шинаси бизни қаёққа олиб борар экан.

Биз шу издан кетдик, тез орада кўз ўнгимизда ёнбағирларарида арчагул ўсган қия тепаликлар бошланди; жилға оптимизда қолди. Йўлни давом эттиришнинг фойдаси йўқ, чунки «Данлоп» шиналарининг излари чап томонда улуғвор миноралари қад кўтариб турган Холдернесс-холлга ёки хари-тага қараганда орқасидан Честерфилд тош йўли ўтган пастак кулранг уйлар томонга олиб бориши мумкин эди.

Биз лавҳасига хўроз сурати солинган ғоят кўримсиз, кўҳнагина меҳмонхонага етишимизга бир неча қадам қолганда Холмс бирдан: «Воҳ!— деб юборди-да, йиқилиб кетмаслик учун елкамни ушлаб олди. Унинг оёғи қайилиб кетган эди. Маълумки, бундай пайтларда одам ёлғиз ўзи мутлақо юролмай қолади. У остонасида ўрта ёшлардаги қорамағиз, яғриндор одам трубка чекиб ўтирган меҳмонхона эшигига амал-тақал билан оқсоқлана-оқсоқлана етиб олди.

— Салом, мистер Рюбен Хейз,— деди Холмс.

— Сиз ким бўласиз, менинг отимни қаёқдан биласиз?— деб сўради бу одам Холмсни бошдан-оёқ шубҳа билан совуққина кўздан кечираркан.

— Сизнинг отингиз тепангиздаги лавҳага ёзиб қўйилган, манаман деб турибди. Айтинг-чи, карета кўрангизда биронта шалдиروق арава йўқми?

— Йўқ.

— Ўнг оёғимни босолмай қолдим.

— Босолмасангиз босолмай қўяқолинг.

— Қандай қилиб юраман бўлмаса?

— Бир оёқда ҳақкалаб бўлса ҳам етиб оларсиз.

Мистер Рюбин Хейзнинг жавоблари совуққина бўлса-да, аммо Холмс унинг қўполликларига ғоятда хуш кўнгилик билан чидаб бермоқда эди.

— Менга қаранг, азизим,— деди у,— қандай фалокатга дучор бўлганимни кўриб турибсиз-ку. Биз манзилимизга етиб олсак бўлгани, нимада қандай етиб олишимизнинг менга фарқи йўқ.

— Менга эса ундан ҳам фарқи йўқрок,— деб жавоб берди шумшайган одам.

— Мен бу ерга муҳим иш билан келганман. Менга велосипедингизни бериб тулинг, хизматингиз учун бир соверен пул оласиз.

Меҳмонхона эгаси кулоқларини диккайтирди:

— Қаёққа бормоқчи эдингиз?

— Холдернесс-холлга.

— Герцогникига меҳмондорчиликка эмасми ишқилиб? — деди меҳмонхона эгаси, бизнинг лой сачраган кийимларимизга кулиб қараркан.

Холмс хушнудлик билан кулиб юборди.

— Герцог бизни кучоқ очиб қарши олади.

— Нега энди?

— Чунки биз унга йўқолган ўғли ҳақида хушxabар олиб кетяпмиз.

Мистер Хейз сесканиб тушди:

— Топдиларингми-я?

— Ливерпулдан хабар беришди, у ўша ерда экан. Уни ҳадемай топиб олишади.

Тук босган бу дағал башарадан ниманингдир шарпаси ўтди. Мистер Хейз бирдан юмшаб қолди.

— Менинг герцогда кеким бор,— деди у,— чунки унда кучер бўлиб хизмат қилганимда менга нисбатан қаттиқ инсофсизлик қилган. Хашакфуруш мени унга нима балолар деб ёмонлабди, дарров жавобимни берди, ҳаттоки, тавсиянома ҳам ёзиб бермади. Лекин мен ёш лорднинг Ливерпулдан топилганига бари бир хурсандман. Майли, бу хушxabарни Холдернесс-холлга етказишларингиз учун ёрдам бераман.

— Саломат бўлинг,— деди Холмс.— Аммо биз олдин овқатланиб оламиз, кейин менга велосипедингизни берасиз.

— Менинг велосипедим йўқ.

— Холмс унга бир соверен кўрсатди.

— Сизга айтяпман-ку, велосипедим йўқ, деб! Отда кетасизлар.

— Яхши,— деди Холмс.— Аввал қорнимизни тўйдиринг-чи, бу тўғрида кейин гаплашармиз.

Биз тагига тош тахта ётқизилган ошхонада ёлғиз қоларканмиз, Холмснинг оёғи бирдан ўзидан-ўзи оғримай қолди. Кеч кириб келмоқда эди. Биз очикқан эдик, столдан туришга ошиқмасдик. Ўз ўйлари билан банд бўлган Холмс сукунатни бузмай бир неча марта дераза олдига борди. Дераза ахлат уюлиб кетган ҳовлига қараган эди.

Ховлининг бир бурчагида темирчилик жойлашган бўлиб, кир-яғир ўсмир бола ишламоқда, иккинчи бурчагида — отхона жойлашган эди. Шундай сайрлардан биридан кейин Холмс яна столга ўтирди-да, бирдан қаттиқ ҳайқирганича ўрнидан туриб кетди.

— Бўлди, Уотсон! Топдим! — деб юборди у. — Энди ҳаммаси равшан. Уотсон, бугун эрталаб сигир туёқларининг изини кўрган эдингиз-а?

— Кўрган эдим.

— Қаерда?

— Ҳамма ерда. Ботқоқликда ҳам, сўқмоқда ҳам шўрлик Хайдеггер ҳаёт билан видолашган жойда ҳам.

— Тўғри. Энди, у Уотсон, айтинг-чи, биз нечта сигир кўрдик?

— Ҳеч қандай сигир кўрганим йўқ.

— Таажжуб, Уотсон! Ҳамма ерни сигир туёқларининг излари босган-у, сигирларнинг ўзлари ҳеч қаерда кўринмайди. Дарҳақиқат таажжуб-а?

— Ҳа, дарҳақиқат.

— Энди, Уотсон, сўқмоқдаги бу излар қай тариха эканлигини кўз олдингизга келтиришга ҳаракат қилинг.

— Хўп, кўз олдимга келтирдим.

— Ёдингиздами? Баъзи жойларда улар бундай эди... — у столга нон ушоқларини тера бошлади: — :::: — Баъзи жойларда эса бундай эди: — :: :: :: :: — Баъзи жойларда бўлса мана бундай эди: — — Эсингиздами?

— Йўқ.

— Менинг эсимда, буни қасамёд этиб тасдиқлашга ҳам тайёрман. Дарвоқе, биз ҳали у ерга қайтиб бориб ҳаммасини ўша жойнинг ўзида текшириб кўрамиз. Нима бало, эсим кирарли-чиқарли бўлиб қолганми, бундан тегишли хулосалар чиқармабман!

— Қандай хулосалар?

— Бундай хулосалар: улар шундай аломат сигирлар эканки, уларни ҳар қанақасига юргизса бўларкан — йўрт-тирса ҳам, шаталоқ оттириб чоптирса ҳам, жойида юргизса ҳам бўлар экан! Сўзим ёдингизда бўлсин, Уотсон, бунақанги маккорона ҳийлаларга кишлоқ ошхонаси эгасининг зеҳн-фаросати етмайди! Ҳовлида темирчиликдаги йигитчадан бошқа ҳеч ким йўқ. Ўша ёққа тушиб, у ердаги аҳволни бир кўздан кечирайлик.

Ярим хароба отхонада қашлаб, ювиб таралмаган иккита пахмоқ от турарди. Холмс улардан бирининг орқа оёғини кўтариб кўриб, қаҳқаҳлаб кулиб юборди:

— Тақалари эски-ю, яқингинада қоқишибди. Тақалари эски-ю, миҳлари янги. Бу иш классик ишлар қаторидан жой олмоқда — у бунга жуда ҳам муносиб. Энди темирчиликни кириб кўрайлик-чи.

Ўз иши билан банд бўлган ўсмир бизга қайрилиб ҳам қарамади. Мен Холмсинг темир парчалари ва пайраҳалар уюлиб кетган темирчиликни ошиғич кўздан кечирганини кўрдим. Дафъатан орқамиздан одим товушлари эшитилиб, меҳмонхона эгасини кўрдик. Қаҳр билан чакнаб турган кўзлари устидаги қалин қошлари бир бўлиб туташиб кетган, қорамағиз юзи титроқдан учмоқда эди. У кўлида темир қопланган калта чўкмор ушлаганча устимизга таҳдид билан бостириб келмоқда эди, мен чўнтагимни пайпаслаб унда тўппонча борлигидан қувониб кўйдим.

— Полиция исковичлари! — деб кичкирди у. — Сизларнинг муддаоларингиз нима?

— Мистер Рюбен Хейз, кўйсангиз-чи! — деди Холмс бамайлихотиргина. — Важохатингиздан дарҳақиқат биз бу ерда бирон нарса топиб олгандек кўрқяпсиз деб ўйлаш мумкин.

Хейз ўзини зўр куч билан аранг ўнглаб олди, лаблари сохта илжайиб, кийшайди, бу менга унинг мудҳиш қиёфасидан ҳам даҳшатлироқ кўринди.

— Марҳамат, қидираверинглар, нима топсанглар — сизларники, — деди у. — Аммо мен чет одамларнинг кўрамда берухсат изгиб юришларини ёқтирмайман. Шунинг учун ҳам, мистер, сиз ҳисоб-китобингизни қанча тезроқ қилиб, бу ердан қанчалик тезроқ даф бўлсангиз, шунча яхши бўлади.

— Биздан аччиғланманг, мистер Хейз, — деди Холмс. — Биз отларингизни кўрмоқчи эдик, холос, аммо мен пиёда ҳам кета оладиганга ўхшайман. Ахир Холдернесс-холл узоқмасдир-ку?

— Бу ердан дарвозасигача икки миляча келади, шундан ортиқ эмас. Ҳов ўша йўлдан чапга қараб юрилади.

У бизни ҳовлидан шумшайганча кузатиб чиқди.

Биз кўп йўл юрмадик, Холмс биринчи муюлишга етганимиздаёқ тўхтади, у энди бизни ҳеч ким кўрмаслигини биларди.

— Ишимиз худди болалар ўйинидагидек «яқин-яқин»га ўхшаб қолган эди, — деди у. — Мен меҳмонхонадан йироқлашганим сари узоқлашиб бормоқда. Йўқ, ҳали бу ердан кетишимизга эрта экан!

— Амминанки, бу Рюбен Хейз ҳамма нарсадан хабар-

дор. Умрим бино бўлиб, бунақанги ёвуз башарани кўрган эмасман!

— Дарҳақиқат-а? Чинакам ёвуз! Отлар-чи, темирчилик-чи? Ҳа-а, бу «Жангари хўроз» деганлари жуда кизиқ жой экан! Қани, бу ерда нималар бўлаётганини кузатайлик-чи, лекин эҳтиётлик билан, сездирмасдан.

Ортимизда харсанг тошлар билан қопланган қия тепалик турарди. Унинг ёнбағридан тепага чиқиб борарканмиз, мен Холдернесс-холл томонга қараб, йўлда суръат билан ғизиллаб келаётган велосипедчини кўриб қолдим.

— Энгашинг, Уотсон! — дея қичқирди Холмс елкамга вазмин қўлини ташлаб.

Биз бир харсанг тош панасига яширинган ҳам эдикки, у одам ғизиллаганча олдимиздан ўтиб кетди. Велосипед ортидан кўтарилган паға-паға чанг ичида мен рангсиз, ҳаяжонланган юзни — ҳар бир нуқтасидан ваҳима барқ уриб турган юзни кўриб қолдим: оғзи очилган, даҳшатли ола-кула кўзлари бакрайган. Бу бизнинг кечаги танишимиз, олифта Жеймс Уайлдернинг бемаъни карикатурасига ўхшар эди.

— Герцогнинг секретари! — деб хитоб қилди Холмс. — Тезроқ бўлинг, Уотсон! Кўрайлик-чи, унга бу ерда нима даркор бўлиб қолди экан.

Тошдан-тошга сакрай-сакрай қияликдан тепага чикдик, у ердан меҳмонхона эшигини кўрдик. Уайлдернинг велосипеди деворга суяб қўйилган эди. Уйда ҳеч қандай ҳаракат сезилмас, деразалардан ҳеч ким мўраламас эди.

Қуёш Холдернесс-холлнинг баланд миноралари орқасига ботиб бормоқда, ялангликка аста-секин оқшом қоронғилиги ястанмоқда эди. Тез орада қуюқлашиб қолган қоронғиликда меҳмонхона отхонасидан икки қанотидаги фонарчалари ёқилган бир отли извошча ғилдираб чиқиб, ола-тасир чопаётган от бир-икки дақиқадан сўнг уни олдимиздан Честерфилд томонга олиб ўтиб кетди.

— Буни нима деб тушунса бўлади, Уотсон? — деб шивирлади Холмс.

— Қочишга ўхшаб турибди!

— Бир отли извош, пайқашимча, унда биргина одам ўтирибди. Аммо бу мистер Жеймс Уайлдер эмас, чунки қаранг, ана у, турибди.

Ёп-ёруғ чорбурчак эшик остонасида секретарнинг қора шарпаси кўриниб турарди. У кимнидир кутаётгандек бўйнини чўзиб, қоронғиликка тикиларди. Бир неча дақиқа ўтди, ниҳоят йўлда одим товушлари эшитилди. Эшикдан

тушиб турган ёруғда яна кимнингдир шарпаси кўринди, эшик ёпилди, меҳмонхонани яна зулмат чулғади. Сўнгра юқоридаги деразалардан бирида чироқ ёқилди.

— «Жангари хўроз»га ғалати мижозлар келиб тураркан,— деди Холмс.

— Қовоқхонага кириладиган йўл нариги томонда.

— Тўғри. Бу икки киши, чамаси мижозларгина эмас, майхона эгасининг меҳмонларига ўхшайди. Аммо бу маконда мистер Жеймс Уайлдерга, ана шундай бемаҳалда нима даркор бўлиб қолди экан? Таваккал қилиб бўлса ҳам, Уотсон, уларни яқинроқдан кўрайлик.

Биз йўлга тушдик, писибгина меҳмонхона эшигига яқинлашдик. Уайлдернинг велосипеди ҳамон деворга суяб кўйилганча турарди. Холмс гугурт чақиб, уни велосипеднинг орқа ғилдирагига олиб борди, гугурт шуъласи «Данлоп» шинасидаги ямокни ёритганда мен унинг димоғ қоқиб кўйганини эшитдим. Чироқ ёниб турган дераза худди тепамизда эди.

— Ичкарига бир мўралаб кўриш керак эди. Уотсон, агар сиз елкангизни тутиб деворга суяниб турсангиз, мен бу ишни бир амаллаб бажарардим.

Бир лаҳзадан сўнг Холмс елкамга чикдию шу заҳотиёқ пастга сакраб тушди.

— Юринг, дўстим,— деди у.— Бугунга шуниси ҳам етар. Биз имконимиз бор ишни қилдик. Фурсат ўтмасин, мактабга етиб олиш учун озмунча юрмаймиз.

Биз ҳориб-чарчаб ялангликдан аста-секин кетиб борарканмиз Холмс деярли чурқ этиб оғиз очмади, мактабга ҳам кирмасдан, телеграмма бергани станцияга жўнади. Кейин у муаллимнинг фожиали ўлиmidан ҳанг-манг бўлган доктор Хакстейблга таскин бераётганини эшитдим, кечаси алламаҳалда эса уни ўз хонамда кўрдим — худди бугун эрталабгидек тетик ва бардам эди.

— Ҳамма иш ажойиб тарзда кетяпти, дўстим,— деди у.— Сизга ваъда бераман, эртага кечқурунгача бу сирни фош этамиз.

Эртасига эрталаб соат ўн бирларда Холмс икковимиз Холдернесс-холлнинг машхур сарвлар хиёбонидан кетмоқда эдик. Малай бизни ажойиб равоқ олдида кутиб олиб, саодати олийларининг кабинетига бошлаб кирди. У ерда кўз ўнгимизда мистер Жеймс Уайлдер намоён бўлди. У ўзини одоб билан, камтарона, таъзимкор тутар, аммо учаётган юзи билан бежо аланглаётган кўзларида ҳамон ваҳима акс этиб турар эди.

— Сизлар герцогни кўрмоқчимисизлар? Таассуф! Саодати олийлари ўзларини нотоброқ хис қилмоқдалар. Кеча доктор Хакстейбл бизга телеграмма орқали хабар қилган фожиа у кишини йикитиб қўйди.

— Мен герцогни кўришим зарур, мистер Уайлдер.

— Аммо у ўз хонасидан чиқолмайди.

— Бўлмаса мен унинг олдига кираман.

— У ўрнида ётибди.

— Мен, бари бир, учрашишни талаб қиламан.

Холмснинг эътирозга ўрин қолдирмайдиган совуқ гап оҳанги секретарда бу киши билан тортишиб ўтириш беҳуда эканлигига ишонч ҳосил қилди.

— Дуруст, мистер Холмс, мен кириб сизнинг келганингизни маълум қиламан.

Герцог то кабинетга чиқиб келгунича сал кам бир соат вақт ўтди. Унинг кўзлари яна ҳам чуқурроқ тушган, қадди букчайган, у кечаги кундан бери қариб қолгандек эди. У бизга назокатли бир эҳтиром билан таъзим қилиб, креслога ўтирди.

— Қулоғим сизда, мистер Холмс.

Аммо дўстим отхонанинг ёнида турган секретардан кўзини узмай тикиларди.

— Саодати олийлари, бу ерда мистер Уайлдернинг борлигидан мен бир оз андиша қилиб турибман.

Секретарнинг ранги ўчиб кетиб, Холмсга қаҳр билан қараб қўйди.

— Саодати олийлари ихтиёр қилсалар...

— Ҳа, ҳа, бизни холи қолдилинг... Шундай қилиб, мистер Холмс, сиз менга нима демоқчи эдингиз?

Дўстим секретарь эшикни ёпиб чиқиб кетгунича кутиб турди.

— Саодати олийлари,— деб гап бошлади у,— ҳамкасабам доктор Уотсон икковимиз доктор Хакстейблдан сизни кизиқтирган бу ишни текшириш учун пул мукофоти ваъда қилганингизни эшитган эдик. Мен буни ўз оғзингиздан эшитсам, деган эдим.

— Марҳамат, мистер Холмс.

— Агар менга тўғри айтган бўлсалар, сиз, кимки ўғлингиз қаерда эканлигини кўрсатиб берса унга беш минг фунт тақдим этишни ваъда қилган экансиз.

— Жуда тўғри.

— Уни банди қилиб турган шахс ёки шахсларнинг номларини айтиб берган кишига эса яна минг фунт ваъда қилган экансиз.

— Мутлақо тўғри.

— Бу ерда, албатта, ўғирловчиларгина эмас, ўғирлаш фикрини ўйлаб чиқарганлар ҳам кўзда тутилади.

— Ҳа, ҳа! — дея сабрсизлик билан хитоб қилди герцог.— Борди-ю, сиз бу сирни очсангиз, мистер Холмс, мени, зикна экан, деб нолиб юрмайсиз.

Дўстим кўлларини иштиёқ билан бир-бирига ишқаб қўйди, бу мени таажжублантирди, чунки шу вақтгача мен уни нафсини ўйламайдиган камтар одам сифатида билиб келардим.

— Столингиздаги чек дафтарчасими? — деб сўради у.— Саодати олийларидан олти минг фунтга чек ёзиб беришларини илтимос қиламан. Оксфорд-стритдаги банк бўлимига пул ўтказиш учун чек ёзиб беринг, менинг жорий ҳисобим ўша ерда очилган.

Герцог креслода ўтирган жойида қаддини ростлаб, дўстимни совуққина бир назардан кечирди:

— Ҳазиллашаяпсизми, мистер Холмс! Бу ҳазилга муносиб мавзу эмас-ку!

— Нима деяптилар, саодати олийлари! Мен ҳар қачонгидан ҳам жиддийман.

— Бу нима деганингиз?

— Сираси шуки, мен хизматимга яраша мукофот оламан. Менга ўғлингизнинг қаердалиги маълум, уни ушлаб турган одамларни, тўғрироғи ўша одамни биламан.

Герцогнинг қизғиш соқоли заҳил, оппоқ юзида ловиллаб ёнгандек бўлди.

— Ўғлим қаерда? — дея олди у аранг.

— Боғингизнинг остонасидан икки миля наридаги «Жангари хўроз» меҳмонхонасида. Ақалли кеча ўша ерда эди.

Герцог ўзини кресло суянчиғига ташлади:

— Сиз бу ишни кимдан кўрасиз?

Шерлок Холмс жавобидан мен ҳанг-манг бўлиб қолдим. У шахт билан олдинга қадам ташлаб, қўлини герцогнинг елкасига тегизди:

— Мен сиздан кўраман. Энди, саодати олийлари, марҳамат қилиб менга олти минг фунтга чек ёзиб берсинлар.

Мен герцогнинг ўрнидан сапчиб туриб, худди жар ёқасидан кулаб кетмасликка ҳаракат қилаётгандек, қалтираётган кўлларини ўйнатганини ҳеч қачон унутмайман. Кейин у ғайриинсоний бир ирода билан ўзининг зодагонлик матонатини кўмакка чақириб, яна столга ўтирди-да, юзини

кўллари билан яширди. Орадан бир, икки дақиқа вақт ўтди...

— Сизга, хусусан, нималар маълум? — деб сўради шўрлик, бошини кўтармасдан.

— Мен уни кеча кечқурун сиз билан кўрдим.

— Буни дўстингиздан бошқа яна ким билади?

— Мен ҳеч кимга ҳеч нарса деганим йўқ.

Герцог қалтираётган бармоқлари билан патқаламни олиб, чек дафтарчасини очди.

— Мен ўз лафзимдан қайтмайман, мистер Холмс. Сиз ваъда қилинган чекни оласиз. Зотан бу пуллар менга мусибатдан бошқа ҳеч нарса келтирмаган хабарлар учунгина тўланади. Аммо мен бу мукофотни ваъда қила туриб, иш бунақа тусга кириб кетишини ўйламаган эканман! Аммо умид қиламанки, сиз ҳам, Мистер Холмс, сизнинг дўстингиз ҳам — бамаъни одамлар бўлсаларингиз керак?

— Бу билан нима демоқчи эканлигингизни тушунолмадим, саодати олийлари.

— Дуруст. Очиқчасига гаплашамиз, мистер Холмс. Агар бу ишнинг тафсилотлари сизларнинг икковингиздан бошқа ҳеч кимга маълум бўлмаса уни тўхтатиб қўйиш мумкин бўлади. Мен сизларга ўн икки минг фунт тўлайман, шундайми?

Аммо Холмс жилмайиб, бошини чайқади:

— Э-ҳа, саодати олийлари! Бу нарсаларнинг ҳаммасини бартараф қилиш сиртдан қараганда кўринганичалик осон эмас. Муаллимнинг ҳалокати учун кимдир жавоб бериши керак.

— Аммо бунга Жеймснинг дахли йўқ! Ҳамма айбни унга ортиб қўйиш керак эмас. Суиқасд — анави йиртқичнинг, анави ярамаснинг иши, Жеймс фалокат босиб унинг хизматидан фойдаланган.

— Мен шундай нуқтаи назарга амал қиламанки, саодати олийлари кимки жиноят йўлига кирган экан, ўз хатти-ҳаракатларининг барча оқибатлари учун маънавий жавобгар бўлиши керак.

— Маънавий жавобгар бўлиши керак, деганингиз тўғри. Аммо уни қонун олдида жавоб беришга мажбур қилманг! Одамни ўзи хатто кўзи билан кўрмаган суиқасд, уни сиздан кўра ҳам кўпроқ газаблантирган суиқасдда айблаш мумкин эмас. Бу суиқасдни эшитиб у виждон азобларига чидаёлмади, дарҳол бор нарсани менга икром қилди. Кейин бир дақиқа ҳам фурсатни бой бермай қотил

билан алоқасини узди. Мистер Холмс, уни сақлаб қолинг, сақлаб қолинг! Сиздан ўтинаман! Уни сақлаб қолинг!

Герцогнинг зодагонлик салобати қаёққа кетди? Бу кибор афти-ангори ўзгарган ҳолда титроқ кўлларини силкита-силкита кабинет бўйлаб, у ёқдан-бу ёққа зир югурарди, ниҳоят у ўзини босиб олгач яна столга келиб ўтирди-да, шундай деди:

— Энг аввал менинг олдимга келганингизга қойилман. Келинг, ҳеч бўлмаса, мени исноддан сақлаб қолиш учун нима чоралар кўришимиз кераклигини муҳокама қилайлик.

— Келинг,— деди Холмс.— Унда, саодати олийлари, биз бир-биримиз билан охиригача самимий бўлишимиз керак. Бу ишнинг тафсилотларини аниқ билсам, имконим борича ҳаракат қиламан. Фаҳмлаб олишимча, сизнинг сўзларингиз мистер Жеймс Уайлдерга тааллуқли эди, бинобарин, сиз, қотил у эмас, деб таъкидламоқчисиз-да?

— Ҳа, қотил қочиб кетишга муваффақ бўлган.

Холмс босиқлик билан жилмайди:

— Саодати олийлари, афтидан менинг бу борадаги камтарона хизматларимдан воқиф эмаслар шекилли, бўлмаса мендан қочиб кутулиш ўнғай, деб ўйламас эдилар. Кеча кечаси соат ўн бирда мистер Рюбен Хейз менин кўрсатмамга биноан Честерфилда қамоққа олинган. У ердаги полициянинг бошлиғи менга бу ҳақда бугун эрталаб хабар қилди. Мен унинг телеграммасини мактабдан чиқиб келиш олдида олдим.

Герцог креслонинг суянчиғига ўзини ташлаб, дўстимга ҳайрат билан ағрайиб қолди.

— Сизнинг имкониятларингизнинг ниҳояси борми, мистер Холмс! — деб хитоб қилди у.— Рюбен Хейз қамоққа олинган денг? Дуруст, бунга фақат қувониш мумкин. Аммо унинг қамоққа олиниши Жеймснинг тақдирига таъсир қилмасмикан?

— Секретарингизнинг тақдиригами?

— Йўк, сэр, ўғлимнинг тақдирига.

Бу гал энди Холмс таажжубланди:

— Сизга ростини айтишим керак, саодати олийлари, бу нарса хаёлимга ҳам келмаган эди. Балки сиз ҳаммасини батафсил тушунтириб берарсиз?

— Мен ҳеч нарсани яшириб қолмайман. Сиз ҳақлисиз: фақат тўла-тўқис очиқ гаплашиш, гарчанд бу мен учун машаққатли бўлса-да, бизнинг даҳшатли аҳволимизни энгиллаштириши мумкин, бизни ҳасад туфайли ақлидан

озаётган Жеймс шу аҳволга солиб қўйди. Ёшлик чоғларимда, мистер Холмс, мен бир қизни шундай севиб қолган эдимки, киши умрида бир мартагина шундай севади. Мен севгилимнинг қўлини сўрадим, у икковимиз бош қовуштирадик бу менинг мартабамга путур етказишидан қўрқиб илтимосимни рад этди. Агар у тирик бўлганида бошқа хотинга сира ҳам уйланмасдик. Аммо у ўлиб кетди, ундан фарзанд қолди, болани ундан қолган ёдгор сифатида меҳр билан ардоқлаб ўстирдик. Мен унинг отаси эканлигимни очик айтолмасдик, аммо ўғлим яхши билим олди, ўсиб вояга етгандан кейин ҳам ҳамиша қўл остимда яшади. У тасодифан сиримни билиб қолди, ўшандан бери ўзининг фарзандлик ҳуқуқларидан ҳар қандай йўллар билан фойдаланишга киришиб, мени фош қилиш хавфи остида сақлаб келади. Унинг Холдернесс-холлда бўлиши хотиним билан ажрашишимга ҳам унчамунча сабаб бўлди. Энг машаққатлиси шу бўлдики, у дастлабки кунданок кичик ўғлимни, қонуний ворисимни ашаддий нафрат билан ғоятда ёмон кўриб қолди.

Шуларнинг ҳаммасига қарамай Жеймсни нега ҳамон уйимда ушлаб турганимни сўрасиз? Жавобим шу: чунки у менга онасини эслатарди, шунинг учун чидаб келардик. У юз қиёфалари билангина эмас, ҳаракатлари, қилиқлари билан ҳам ёримнинг азиз қиёфасини дақиқа сайин хотирамда гавдалантирарди. Мен ундан ажралишга ожиз эдим. Аммо, ниҳоят, у Артурни — лорд Солтайрни бир нарса қилиб қўямасин, деб қўрқиб, болани доктор Хакстейблнинг интернатига жўнатдик.

Жеймс менинг моликонамдаги ишларимни бошқарарди, шу тарика ижарачиларимдан бири бўлган Хейзни таниб қолган. Бу ўтакетган ярамас билан ўрталарида нима яқинлик бўлиши мумкин эди, билмайман-у, улар дўстлашиб кетишди. Дарвоқе мен Жеймснинг ҳамиша расво улфатларга мойиллиги борлигини сезиб юрардик. Лорд Солтайрни ўғирлашга қасд қилиб, бу одамни ўзига шерик қилиб олган.

Эсингиздами, мен Артур қочишдан бир кун олдин унга хат ёзган эдим? Шундай қилиб, Жеймс конвертни очиб, Артурдан ўзи билан мактаб яқинидаги «Қийик лахтак» дарахтзорда учрашишини сўраб ёзилган мактубчани олган. Бола учрашгани келган, чунки мактубча гўё онасининг илтимоси билан юборилгандек эди. Жеймс дарахтзорга велосипедда етиб борган — буни менга ўзи кейин иқроп бўлди.— Артурни, онанг сени соғинган, у шу яқин орада, агар дарахтзорга ярим кечада келсанг сени бу ерда кузатиб

кўядиган одам от билан кутиб туради, деб ишонтирган. Шўрлик бола тузоққа илинган. У тайинлаган соатда дарахтзорга келиб у ерда от миниб, тотти отнинг жиловидан ушлаб турган Хейзни кўрган, Артур отга минган, улар йўлга тушишган. Кейинчалик маълум бўлишича — Жеймс буни кечагина билибди — уларнинг ортларидан кувишибди. Хейз таъқибчининг бошига чўкмор билан бир неча марта урибди, у яраланиш оқибатида ўлибди. Хейз Артурни меҳмонхонасига олиб келиб, уни юқоридаги бир хонага қамаб қўйиб, миссис Хейзга караб туришни топширибди, бу хушфёъл, аммо қахри каттиқ эрининг чизган чизигидан чиқмайдиган хотин...

Ана, мистер Холмс, бундан икки кун бурун биз сиз билан учрашганимизда ишлар шу аҳволда эди. Мен буларнинг ҳаммаси ҳақида сиздан ортиқ билмас эдим. Агар сиз менадан, Жеймсни бундай хатти-ҳаракатга нима мажбур қилди, деб сўрасангиз, шундай деб жавоб бераман: унинг лорд Солтайрга бўлган нафратида қандайдир гумроҳлик, мутаассиблик бор эди. Жеймс менинг ҳамма ер-сувларимни ўзига ўтиши керак деб ҳисобларди, биздаги мавжуд ворислик қонунлари ҳақида хотиржам гапиролмасди. Шуниси ҳам борки, у телба нафратгина эмас, маккорона тадбирга ҳам амал қиларди. У, майоратга¹ хилоф равишда ер-сувларимни унга васият қилиб мерос қолдиришимни талаб қиларди, шундагина менга Артурни қайтаришни ваъда қиларди. Уни ҳеч қачон полицияга бориб чақмаслигимни биларди. Жеймснинг ниятлари шундай эди, лекин улар ниятлигича қолди, воқеалар шу қадар суръат билан ривожландики, у ўз режаларини рўёбга чиқаришга муяссар бўлолмади.

Сиз ўлдирилган Хайдегернинг жасадини топибсиз, у билан бу ёвуз ниятга хотима бердингиз. Жеймс муаллимнинг ҳалок бўлганини эшитиб ваҳимага тушди. Биз бу нарсани кеча шу кабинетда ўтирганимизда билган эдик, бу ерга доктор Хакстейблдан телеграмма олиб келишди. Бундан Жеймс шу қадар саросимага тушиб, шу қадар қайғурдики менга шунча вақтдан бери тинчлик бермаётган андишалар қатъиятга айланиб, айбини тикка юзига айтдим. У бор гапни айтиб, тавба қилди, аммо шу ондаёқ қабиҳ шериги жон сақлаб қолиши учун уч кунгина сабр қилишим-

¹ Майорат — ворислик системаси. Бунда барча молу мулк яхлитлигича ёши катта кишига ўтади.

ни сўраб ёлвора бошлади. Мен унга ҳамиша ва ҳамма ишда ён босиб келганимдек, яна ён босдим, Жеймс Хейзни огоҳлантириб уни қочириб юбориш учун меҳмонхонага қараб югурди. Қоронғи тушмай туриб менинг у ерга боришим мумкин эмасди, бу гап-сўзларга сабаб бўлиши мумкин эди. Мен қоронғи тушиши билан азиз Артурим ҳузурига ошиқдим. У соғ-омон эди, аммо бола кўзи ўнгида содир бўлган суиқасд унга қандай мудҳиш таъсир қилганини тасаввур қилолмайсиз! Сўз берганимни эслаб, мен жон ҳовучлаганча Артурни яна уч кунга меҳмонхонада миссис Хейз ихтиёрида қолдирдим. Қотилнинг кимлигини айтмай буларнинг ҳаммаси ҳақида полицияга хабар қилиш мумкин эмасди, Хейз қамалса шўрлик Жеймсни ҳалок қилиши мумкин эди.

Сиз, бир-биримиз билан ўзаро самимий бўлайлик, деган эдингиз, мистер Холмс, сўзингизнинг устидан чиқшингизни илтимос қилардим. Мен сизга бор гапни яширмай, батафсил гапириб бердим. Сиз ҳам мен билан охиригача очикчасига гаплашинг.

— Яхши,— энг аввал сизга шуни айтишим керакки, қонун олдида сизнинг аҳволингиз ғоятда жиддий. Сиз жиноятни яширгансиз, қотилни қочириб юборгансиз, чунки афтидан, уни қочириб юбориш учун пулни Жеймс Уайлдер сизнинг ҳамёнингиздан олган бўлиши керак.

Герцог индамай бошини эгди.

— Ҳа, иш ғоятда жиддий. Аммо, менинг назаримда, кичик ўғлингизга нисбатан қилган ишингиз, саодати олийлари, яна ҳам каттиқроқ қораланиши керак. Уни уч кун ўша бузукхонада қолдириш инсофданми!

— Мени қасамёд қилиб ишонтиришдики...

— Шу одамларнинг қасамига ишониб бўладими ахир? Сиз уни бундан ҳам узокроққа олиб бориб тиқиб қўймасликларига аминмисиз? Жиноятчи катта ўғлингизнинг раъйини қайтармай деб ҳеч қандай гуноҳи йўқ маъсум гўдакни беҳудадан-беҳудага хавф-хатарга дучор қилгансиз! Йўқ, сизнинг хатти-ҳаракатингизни оқлаб бўлмайди!

Мағрур кибор — яна қаерда денг — ўзининг герцогона қасрида бунақанги дашномларни эшитишга одатланмаган эди! Юзига қон қуюлиб келдию аммо андишадан оғиз очолмади.

— Мен сизга бир шарт билан ёрдам бераман: хизматкорингизни чақиринг, у менинг фармойишимни бажарсин.

Герцог чурқ этмай электр қўнғироқ тугмасини босди. Кабинетга малай кирди.

— Эшитиб хурсанд бўларсиз,— деди унга Холмс,— лорд Солтайр топилди. Герцог уни олиб келиш учун дархол «Жангари хўроз» меҳмонхонасига экипаж юборишни буюраётибди... Энди,— деди Холмс, қувончдан оғзи кулоғига етган малай кабинетдан югуриб чиқиб кетгач,— якин келажакни таъминлаб, якин ўтмишга бирор мурувват билан қарашимиз мумкин. Башартики, адолат жойида қарор топар экан, мен ғайрирасмий шахс бўлганим учун ўзимга маълум бўлган ҳамма нарсаларни маъмурларнинг диққатига етказишни зарур деб билмайман. Хейз — бошқа гап. Уни ўлим дори кутиб турибди, мен унинг ҳаётини сақлаб қолишни ҳаёлимга ҳам келтирмайман. У сизнинг сиригизни ошқора қиладими, йўқми — буни билмадим. Бундан башорат беролмайман, аммо сиз унга ошиқча гапларни айтса фойда кўрмаслигини уқтириб қўйишга қодирсиз. Полицияда Хейзни болани пул ундириш учун ўғирлаб кетишда айбладилар. Агар у ерда чуқурроқ текширмасалар, мен уларни бунга чоғлашимга асос йўқ деб ўйлайман. Бирок сиз саодати олийларига шу нарсани айтмоқчиманки, мистер Жеймс Уайлдер бундан буён сизнинг хонадонингизда қоларкан, бу яхшиликка олиб бормаиди.

— Буни ўзим ҳам биламан, мистер Холмс, у билан бир қарорга келганмиз: у Холдернесс-холлни абадий тарк этиб, бахт қидириб Австралияга кетади.

— Саодати олийлари, Жеймс Уайлдер сиз билан хотинингиз орасида низо чиқишига сабабчи бўлганини айтган эдингиз. Энди бекангиз билан ярашиб, оилавий ҳаётингизни яна йўлга қўйишга ҳаракат қилсангиз бўлмасмикан?

— Мен бу тўғрида ҳам ўйлаб кўрганман, мистер Холмс, бугун эрталаб унга хат ёздим.

— У тақдирда,— деди Холмс ўрнидан туриб,— мен ҳам, дўстим ҳам, бу ерга яқингинада келган бўлишимизга қарамай, қилган хизматимиз чакки самаралар бермагани билан ўзимизни табриклай олишимиз мумкин экан. Яна аниқланмаган биргина масала қолди. Хейзнинг отлари шундай тақаланган эканки, уларнинг изларини сиз туёқларининг изи деб ўйлаш мумкин. Бу ишни унга ким ўргатган, мистер Уайлдер эмасми?

Герцог диққат билан қолларини чимирганча бир дақиқагина индамай қолди. Сўнгра у кўшни хонанинг эшигини очиб, бизни чинакам музей бўлган бу хонанинг нариги бурчагидаги витрина олдига олиб бориб, ойна тагидаги ёзувни кўрсатди.

«Бу тақалар,— деб ўқидик биз,— Холдернесс-холлдаги

истеҳком хандағини қазिश вақтида топилган. Улар отларга мўлжалланган бўлиб, сигир туёқларига ўхшатиб айри шаклда ясалган. Афтидан, Холдернесс-холлнинг ўрта асрдаги талончилик билан шуғулланган магнатлари таъқибчиларни адаштириш учун шу усулни қўллаган бўлсалар керак».

Холмс ойна қопқоқни кўтариб, бармоғини ҳўллади-да, тақалардан бирига суркаб кўрди. Бармоғи қорайиб қолди — ботқоқнинг балчиғи ҳали куриб ҳам улгурмаган экан.

— Сизга ташаккур айтаман,— деди дўстим.— Сизнинг ерларингизда мени ғоятда қизиқтирадиган иккинчи нарса шу эди.

— Биринчиси нима эди?

Холмс чекни икки буклаб, эҳтиёт билан кўйин дафтарчасига солди.

— Мен камбағал одамман,— деди у ва дафтарчани пиджагининг кўйин чўнтагига яшириб кўйди.

Рабиндранат ТАГОР

НАСРИЙ ДОСТОНЛАР

ҚИЗИҚЧИ

I

Рожа Канчи рожа Карнатакка қарши уруш очиб, ғалаба қозонди. Азамат филлар сандол ёғочи, фил тиши, олтин ва қимматбаҳо буюмлар олиб келмоқда эди.

Рожа йўл-йўлакай маъбуда Баллешари ибодатхонасини зиёрат қилиб, сахийлик билан қурбонликка анчагина жонликлар сўйдирди. Рожа эғнида ёрқин кизил либос, бўйнида гулчамбар, пешонасида қирмизи нуқта билан йўлига равона бўлди. Унга вазири билан қизиқчисигина ҳамроҳ эдилар.

Рожа йўл яқинида бир боғ кўриб қолди, унда болалар ўйнамоқда эдилар. У ҳамроҳларига:

— Юринглар, кўрайлик-чи, нима ўйин ўйнаётган эканлар,— деди.

2

Болалар боғдаги йўлкага қўғирчоқларни икки қатор қилиб териб кўйиб, уруш-уруш ўйнамоқда эдилар.

— Ким ким билан урушмоқда? — деб сўради рожа.
— Карнатак Канчи билан,— деб жавоб бердилар болалар.

— Ким енгди? — деб сўради рожа.

— Карнатак енгди,— деб жавоб бердилар болалар.

Вазирнинг кош-қовоғи осилди, рожанинг кўзларига қон қуйилди. Қизикчи эса қаҳқаҳлаб кулиб юборди.

3

Тез орада рожа қайтиб, сипоҳларини бошлаб келди. Болалар ҳамон боғда ўйнамоқда эдилар.

— Бу болаларни дарахтларга боғлаб, ғаров таёқлар билан калтакланглар,— деб буюрди рожа.

Қишлоқдан уларнинг отаю оналари югуриб келдилар. Улар ёлвордилар:

— Шафқат қил, ҳоқон, ахир, улар ҳали эси кирмаган болалар-ку. Ўйнаётган эканлар.

Рожа генерални чакириб буюрди:

— Бу қишлоқ аҳолисининг шундай таъзирини берки, рожа Канчини умрбод эсидан чиқармасин!

Рожа ўз қароргоҳига қайтиб кетди.

4

Кечқурун генерал рожанинг қаршисида намоён бўлди. Қуюқ таъзим қилиб, шундай деди:

— Махарожа! Қишлоқда одам овози ўчди, итлар билан қашқирларгина увилламоқда.

— Махарожанинг ҳурматини бажо келтирибсан,— деди вазир.

— Махарожани маъбуда Бишшешшари ёрлақади,— деб гап қистирди коҳин.

— Махарожа,— деди шунда қизикчи,— менга жавоб берсанг!

— Нима учун? — деб сўради рожа.

— Мен осишни ҳам, кесишни ҳам билмайман,— деб жавоб берди қизикчи.— Парвардигор менга кулишнингина ўргатган. Саройингда қоладиган бўлсам, кулишни ҳам унутиб қўймасам, деб қўрқаман, Махарожа!

ПАРИ

I

Шаҳзода йигирмага қадам қўйди. Саройдан турли мамлакатлардан келган совчилар аримай қолди.

— Рожа Бахликнинг қизи оқатиргулдек кўркам,— дейди бири.

Шаҳзода қулоқ солса-чи!

Қўшни мамлакатдан элчи келиб:

— Рожа Гандарнинг қизи узумдек етилган ва ширин!— дейди.

Шаҳзода овни баҳона қилиб ўрмонга жўнаб қолади. Бир кун, бир ҳафта ўтса ҳамки, ундан дарак бўлмайди.

Яна бир мамлакатдан элчи келиб, шундай дейди:

— Мен Камбоджа маликасини кўрдим. Қабоқлари тонг уфкининг хатига ўхшайди. Улар шабнамдек оромбахш, оловдек оташин.

Шаҳзода китобга берилиб, ундан кўзини узмайди.

— Нима гап?— деб сўради аъёнларидан рожа.— Вазирнинг ўғлини чақиринглар.

Вазирнинг ўғли келди.

— Сен ўғлимнинг дўсти ва ошнасисан,— деди рожа.— Ростини айт: у нима учун уйланишдан бош тортмоқда?

— Махарожа,— деб жавоб берди вазирнинг ўғли,— ўғлинг Парилар мамлақати ҳақидаги ҳикояларни эшитиб олган, шундан буён парига уйланиш иштиёқида ўртанмоқда.

2

Рожа Парилар мамлақати қаерда эканлигини билишни буюрди.

Улуғ олимлар таклиф қилинди. Улар тоғ-тоғ китоб ва қўлёзмалар олиб келиб, мутолаага киришдилар. Кейин рожанинг ҳузурида намоён бўлиб, бошларини чайқаганларича биронта китобда Парилар мамлақатининг номи ҳам йўқ эканлигини айтдилар.

Шундан сўнг саройга савдогарларни таклиф қилдилар.

— Биз талай денгизу муҳитларда суздик,— деди улар,— турли-туман оролларда: Занжабил оролида, Мурч оролида, Қалампирмунчоқ оролларида бўлдик. Сандол ёғочи олиб келгани Малаяга ҳам бордик. Мушк қидириб Кайлас

тоғларидаги қарағайзорларгача ҳам бориб етдик. Лекин ҳеч қаерда Парилар мамлакатини кўрмадик!

— Менга вазирнинг ўғлини чақиринглар,— деб буюрди рожа.

Вазирнинг ўғли келди. Рожа сўради:

— Парилар мамлакати ҳақидаги гапларни шаҳзода кимдан эшитган?

— Мамлакатингда Набин деган бир девона бор,— деб жавоб берди вазирнинг ўғли.— У ўрмонларда кезиб, сивизга чалиб юради. Шаҳзода овда юрганида Набин унга Парилар мамлакати ҳақида гапириб берган.

— Хўп, ўшани бу ёққа чақиринглар! — деб буюрди рожа.

Девона Набин рожанинг оёқлари остига дашт гуллари-дан бир дастасини келтириб қўйди. Рожа сўради:

— Сен Парилар мамлакати борлигини қаёқдан билдинг?

— Мен унга ҳамиша бориб тураман,— деб жавоб берди девона.

— У қаёқда? — деб суриштирди рожа.

— Давлатингнинг чегарасидаги Читрагири тоғининг ён-бағри билан Каммак кўлининг соҳилида.

— Ўша ерда париларни кўрса бўладими? — деб сўради рожа.

— Кўриш мумкину таниб олиш қийин. Улар бировларнинг қиёфасида юрадилар. Аҳён-аҳёнда, ғойиб бўлишларидан олдин ўзларининг асл қиёфаларида намоён бўладилар; лекин уларни ҳеч ким ушлаб қололмайди.

— Уларни ўзинг қандай таниб оласан? — деб сўради рожа.

— Баъзан сивизга чалаётганларини эшитаман, баъзан ажиб жилоларини кўраман.

Рожанинг жаҳли чиқиб кетди:

— Бўлмаган гап! Ҳайданглар буни!

3

Девонанинг ҳикояси шаҳзоданинг қалбидан чуқур из олди.

Сал дарахтининг бутоқлари гулларининг шиғиллигидан ерга эгиладиган, шириш гулининг атри эса ўрмонни чўлғайдиган фалгун ойида Читрагири тоғига қараб йўл олди.

Ҳамма ундан сўради:

— Йўл бўлсин?

Шаҳзода эса индамасди.

Тоғ мағорасидан шариллаб жилга оқиб чиқади Шундан кейин у Каммак кўлига бориб куйилади. Кўлнинг лабида ярим хароба ибодатхона бор, шаҳзода ўша ибодатхонага жойлашди.

Бир ой ўтди. Дарахтларнинг ёш япроқлари тўқ ранга кирди, пишиб кетган мевалар ўрмон сўкмоқлари билан битта бўлди. Бир куни субҳидамда шаҳзода уйкуда экан, сивизга садоларини эшитди. У ётоғидан сапчиб туриб, хитоб қилди:

— Бугун мен уни кўраман!

4

У отида жилга бўйлаб жўнаб, Каммак кўлининг соҳилларига етиб борди. Қараса: нилуфар босган кўлнинг соҳилида тоғлик қиз ўтирибди. Олдида — сув тўла кўза, ўзи эса соҳилдан кўзгалай ҳам демайди. Қорамағиз тан, сочлари ҳам қора. Сочига тақилган оппоқ гул зулмат чулғаетган осмондаги илк юлдузга ўхшайди.

Шаҳзода отидан тушиб, деди:

— Сочингдаги гулингни бер!

Ёввойи така кўрқув билмайди: тоғ қизи ҳам шундай. У ўгириларкан шаҳзодани кўрди. Гўё кимнингдир қора кўланкаси тушиб, унинг қора кўзларини чулғаб олгандек, йироқ уфқдан илк куз булуту сузиб ўтгандек бўлди.

Қиз шаҳзодага гулни узатиб, деди:

— Ма, олақол.

— Ростини айтсанг,— деб илтимос қилди шаҳзода,— сен паримисан?

Қиз аввал ҳайратда қолди, кейин шундай қаҳқаҳлаб кулиб юбордики, худди тиниқ ёз осмонидан шаррос ёмғир қуйилгандек бўлди. У кулар, кулгидан тўхтаётган олмас эди.

Шаҳзода ўйлади: «Тушим ўнгидан келди: бу жарангдор қаҳқаҳа сивизга куйларига ўхшайди». У отига сапчиб миниб, қизга кўлини чўзди-да, хитоб қилди:

— Кетдик!

Қиз ўйлаб ўтирмай, шаҳзоданинг амрига бош эгди. Сув тўла кўза соҳилда қолди. Дарахт япроқлари орасида какку қуш нола қиларди: «Как-ку, как-ку!»

Шаҳзода лабларини қизнинг қулоқларига босиб сўради:

— Отинг нима?

— Кажари,— деб жавоб берди қиз.

Улар жилга бўйидаги хароба ибодатхонага етиб келдилар.

— Энди менга ким эканлигингни айтишинг мумкин,— деди шаҳзода.
мен тоғ қизиман, холос.

— Мен сени пари қиёфасида кўришни истайман,— деб туриб олди шаҳзода.

Пари қиёфаси! Қизнинг беғубор ва самимий қаҳқаҳаси яна жаранглаб кетди. Унинг жарангдор қаҳқаҳаси жилғанинг шилдирашига ўхшайди. «Бу менинг жилғанинг париси бўлса керак», деб ўйлади шаҳзода. —

5

Рожага, шаҳзода парига уйланибди, деган хабар етиб келди. Ўрмондаги ибодатхонага подшоҳ отлари, филлари, тахтравонлари юборилди.

— Булар нима учун? — деб сўради Кажари.

— Сени саройга олиб кетиш учун,— деб жавоб берди шаҳзода.

Шунда қизнинг кўзларидан ёши шашқатор бўлиб оқди. У кўл соҳилида қолган кўзанинг ўшандайлигича турганини эслади; ўз кулбаси ҳовлисига гул уруғларини қуритиш учун ёйиб кўйганини, отаси билан акаси овга кетганини ва уларнинг қайтиш вақтлари етганини эслади; онаси кўшиқ айтганча чарх йигириб, тўй сепини тайёрлаётганини ҳам эслади.

— Йўқ, мен бормайман,— деди у.

Карнай хайқириқлари, ногора садолари ва чанг жаранглари орасида бу сўзларни ҳеч ким эшитмади.

Кажари саройда тахтравондан тушаркан, малика куйиб кетди:

— Бу қандай пари бўлди?!

Қизи эса бурнини жийирди:

— Вой, ўлай!

Ҳатто маликанинг канизаги ҳам тилини тиёлмади:

— Парининг кўйлаги мунча кўримсиз экан!

— Жим!— деб хитоб қилди шаҳзода.— Пари бизга бировнинг қиёфасида намоён бўлган.

6

Кунлар кетидан кунлар ўтди. Шаҳзода ойдин кечаларда туриб, Кажари ўз дунёвий қиёфасини ўзгартирмадимикан, деб қарайди. Лекин ҳамон, тўшакда қора ёғоч ҳайкалдек ёстанган ўша-ўша қора кўнироқ сочли қизни кўради. Шаҳзода индамайди ва: «Тун зулмати орқасига тонг шафани»

яширингандек, бу қора тан остига пари яширинган», деб ўйлайди.

Шахзода хижолатдан яқинларининг кўзига қарай олмайди. Ҳатто бир куни жаҳли чиқиб кетди. Кажари уйқудан уйғонгач, зарда билан кўлларидан ушлаб олиб шундай деди:

— Бугун ҳеч қўймайман: сен менинг қаршимда пари қиёфасида намоён бўлишинг керак!

Бу сўзларни эшитаркан қизнинг дудоқларидан шахзода ўрмонда эшитган жарангдор қаҳқаҳа учмади. У индамасдан шахзодага боқди, кўзларида филт-филт ёш кўринди.

— Нима, мени умрбод лақиллатмоқчимисан? — деб хитоб қилди шахзода.

— Йўқ, йўқ, — деб жавоб берди қиз, — тавба қилдим!..

— Унда шундай қилки, келаси ой тўлганда ҳамма парини кўрсин, — деб буюрди шахзода.

Тўлин ой кўкда сузмоқда. Сарой дарвозаси олдида ноғоралар ярим тундан дарак бермоқда.

Шахзода куёв либосида, қўлида гулчамбар билан ётоққа кирди: бугун унинг ёш пари хотини билан ўтказадиган биринчи кечаси.

Ётоқдаги катга оқ чойшаб тўшалган; унда — бир кучоқ оқ ёсуман гуллар. Ҳаммаёқ тўлин ойнанинг мовий нуридан мунаввар.

— Кажари қани?

— У ҳеч қаерда йўқ!

Тонг ота бошлади. Ой ғарбга ботди. Хонага бирин-кетин шахзоданинг яқинлари йиғила бошладилар.

— Пари қани?

— Парилар бизни тарк этгачгина, — деб шивирлади шахзода, — қаршимизда чин қиёфалари билан намоён бўладилар. Аммо ўшанда уларни ҳеч ким ушлаб туролмайди.

ОҚШОМ

Ўша оқшомни хотирлайман. Ёмғир томчилари, гарчанд шамол тўлқинлари уларга мадад беришга интилса-да, ҳорғинлик билан ерга бош кўярди.

Хона нимқоронғи, ишга қўл бормайди. Мен созимни олдим-да, чалиб, куз кўшиғини бошладим.

У кўшни уйнинг остонасига чиқди. Сўнгра ғойиб бўлди. Кейин яна чиқиб, остонада туриб қолди. Кейинроқ эса, аста-секин хонамга кириб келиб, ўтирди. Қўлида ишпеч, бошини қуйи солганича қатим тортмоқда. Сўнгра ишини бир

четга қўйиб, дераза олдига борди-да, ёмғир пардаси оша кўринаётган дарахт шарпаларига тикилди.

Ёмғир тинди — қўшиқ тугаган эди. У ўрнидан туриб, сочини тузатди-да, чиқиб кетди.

Содир бўлган нарса шунинг ўзи. Куз қўшиғи янграган бекорчи, қоронғи, серёмғир оқшом холос.

Тарих подшоҳлар ва хоқонлар ҳақидаги талай-талай ривоятларни билади. Лекин уларнинг ҳаммаси тўзиб, тутундек ғойиб бўлиб кетган. Аммо бу бир лаҳза куз оқшоми замон кутисида бебаҳо дурдонадек яшириниб қолган. Бундан икки кишигина воқиф.

БОШҚА ОСМОНДА

1

У бекорчи одам эди. Унинг ҳеч қандай иши йўқ, турли-туман эрмакларигина бор эди, холос.

У ёғочдан тўрт бурчак тахтачалар ясаб, устига лой чапиб, унга майда чиганоқлар ёпиштирарди. Бу нарсалар узоқдан ўртасида бир тўп қуш турган аллақандай, маъносиз суратними, сигирлар ўтлаб юрган адирними, ёнбағирларидан жилға оқиб тушаётган ёки эгри-бугри сўқмоқ ўтган баланд-паст тепаликларними эслатарди.

Қариндош-уруғлари уни калака қилардилар. Баъзан у ана шу бемаъни ишларини тарк этишга ваъда беради, аксига олиб, бемаъни ишлари уни тарк этгиси келмайди!

2

Шундай болалар ҳам бўладики, йил — ўн икки ой дарслардан қочиб юриб, қутилмаганда имтиҳондан жуда яхши ўтадилар. У ҳам худди шундай бўлди.

Умри бино бўлиб ҳеч иш қилмаган эди, ўлганидан кейин эса ҳамма унга осмондан жой ато қилиганини эшитиб, таажубланди.

Одам ҳатто осмонга чиқиб кетаётганида ҳам тақдирнинг ихтиёрида бўлади. Фаришталар рўйхатни чалқаш ўқиб, уни меҳнатсевар одамлар осмонига олиб чиқиб қўйишибди.

Бу осмонда ҳамма нарса муҳайё, бекорчиликгина йўқ эди.

Бу ерда эркаклар: «Бош қашишга ҳам қўл тегмайди!» — дейишади; қизлар: «Юринглар, юринглар, иш қолиб кетди!» — дейишади; ҳамма: «Фурсат ганимат!» — дейди.

Бирон кишидан: «Бир гап бўлар, вақт бор!»— деган гапни эшитмайсан. Ҳамма: «Биз меҳнатдан чарчадик, лекин на чора?»— дейди. Лекин улар бари бир бахтиёр.

Бизнинг бечора қаёққа боришини билмайди. Ўтиргани жой тополмайди. Йўлларда изғийди, банд одамларнинг оёқлари остида ивирсийди. Бирон жойга энди кўрпасини тўшаб, дам оламан, деб турганда, бу ерда экин бор, деб қолишади. Қаерга бормасин — шу тарикка ҳайдашади.

3

Қизлардан бири ҳар куни жилғага сувга келарди. У ҳамиша банд, чолғу торларини чертаётган созанданинг бармоқларига мослагандек виқор билан тез қадам ташларди.

У ошиқиб жилғага яқинлашди. Йўғон ўрилган сочлари орқасига турмаклар қўйилган эди. Пешонасига тушиб турган бир неча шўх кокилларигина кўз қорачиқларига мўраларди.

Осмон бекорчиси одатдагидек жилға бўйида шилдираб оқаётган сувга тикилганича, ўй суриб турарди.

Малика саройи деразасидан гадойни кўрганда ачинганидек, қизнинг ҳам унга раҳми келди.

— Шўрлик, қиладиган ишинг йўқми дейман?

— Менинг ишлашга вақтим йўқ,— деди хўрсиниб бекорчи.

Қиз унинг гапларига ҳеч тушунмади.

— Мен сенга иш берайми? — деб сўради.

— Ўзим ҳам бу ерда, сен бирон иш берармикансан, деб турган эдим.

— Сенга нима иш берсам экан?

— Жилғадан сув ташийдиган кўзангни бермайсанми?

— Кўзани нима қиласан? Сув ташийсанми?

— Йўқ, мен унга сурат чизаман.

Қиз ён босиб, кўзасини беришга мажбур бўлди. Бекорчи кўзанинг у ёқ-бу ёғини айлантириб кўрди-да, сурат чизишга тушди: бир ёнбошига — ранго-ранг қушлар, иккинчисига — уйча расминини чизди. Суратлар тайёр бўлгач, қиз кўзани кўлига олиб узоқ томоша қилди. Қошларини чимирганича сўради:

— Бу сурат нимани билдиради?

— Ҳеч нарсани,— деб жавоб берди бекорчи.

Қиз кўзачани уйига олиб кетди. Хонасини ичкаридан бекитиб олиб, кўзани яна кўздан кечира бошлади. Гоҳ ёруққа солиб кўради, гоҳ узоқдан туриб томоша қилади. Кечалари ҳам ўқтин-ўқтин ўрнидан туриб, чирокни ёқадидан

да, суратга тикилади. Умрида илк марта на маъноси, на аҳамияти бор нарсани кўрмоқда эди.

Эртасига эрталаб жилғага йўл оларкан, оёқлари илгаригидек чакқон югурмади. Оёқлари гоҳ илгарилаб кетар, гоҳ ўй сураётгандек имиллаб қолар, ўйлаган нарсаларининг ҳам на маъносию, на аҳамияти бор эди.

Бекорчи бугун ўша кўйи жилға бўйида турарди.

— Яна нима истайсан? — деб сўради қиз.

— Яна ўзинг бир иш берсанг.

— Сенга нима иш берсам экан?

— Хўп десанг, ранг-баранг иплардан сочинг учун олачипор тасма тўқисам!

— Нима ҳожати бор?

— Ҳожати бўлмаса ҳам-да!

Хадемай нақшдор олачипор тасма ҳам тайёр бўлди. Шундан буён қиз кўп вақтини ойна олдида туриб сочини ўришга сарфлайдиган бўлди. Иш қолиб кетмоқда, вақт ўтиб кетмоқда эди.

4

Тез орада осмон аҳолисининг ишлари оксай бошлади. Гоҳ қўшиқ айтишади, гоҳ йиғлашади.

Осмон оқсоқоллари ўйланиб қолишди. Кенгаш чақириб, шундай дейишди:

— Осмонимиз тарихида бундай иш ҳеч бўлмаган эди.

Бир фаришта келиб, ҳамма айб ўзида эканлигини айтди:

— Тавба қилдим, хато қилибман— Бекорчини бошқа осмонга олиб чиқибман!

Кенгашга айбдорни ҳам чиқиртиришди. Унинг олачипор салласи билан сербезак белбоғини кўрганларидан кейин фариштанинг нақадар катта хато қилиб қўйганини пайқадилар. Оқсоқоллар бошлиғи бекорчига шундай деди:

— Сенинг ерга қайтиб кетишингга тўғри келади.

Бекорчи бўёқдони билан мўйқаламларини белбоғига боғлаб, енгил нафас олди-да, шундай деди:

— Хўп, мен кетдим!

Лекин шу вақт қиз югуриб келиб, хитоб қилди:

— Мен у билан кетаман!

Оқсоқолларнинг мўйсафид бошлиғи чуқур ўйга чўмди. У биринчи марта ҳеч қандай маъноси бўлмаган тутуруксиз ишга дуч келган эди.

ТИНЧЛИК

Шу туркумдаги новеллалардан

ҚАБР

Яқинда янги уйли деҳқон беш йил бурун помешчик ерини тақсимлаганларида ўзига теккан қарағайзордаги дарахтларни кесди. Қабр тоши ўрнатилган жойдан кенг сайхонликнинг ҳаммаёғи кўринадиган бўлди, унинг кўксига деҳқонларнинг пайкал-пайкал ерлари гўё саранжом хотиннинг пешгиридаги ямоқлардек олақуроқ бўлиб турарди.

Агар бу тош остида ётганларнинг кўзлари очик бўлса — бу бепоён сайхонлик уларнинг назари ўнгида ҳам бутун борлиғи билан намоён бўларди.

Бу қабр катта йўлдан узоқда. Кўзикорин тергани чиқиладиган вақтдагина айтилмаса, бу ерга камдан-кам одам келади... Қабр каттакон: унга тош ҳам ўрнатилган, гулчамбар ҳам қўйилган, атрофида гуллар ҳам ўсиб турибди: напармон, ўгайгул. Бу ерга бутун бошлиқ оила кўмилган.

Нарирокда ёғочдан ясалган жўнгина бут ётибди, уни шамол ағанатган. Гўё у бу ерда бегонадек бир четда. Катта қабрдан қўшни қишлоқли деҳқон хотин хабар олади: унга мархуманинг синглиси Эльбанинг нарёғидан пул юбориб туради. Бут остида ётганнинг пул юборадиган хотинга қариндошлик жойи йўқ. Гуллар унинг учун эмас, тошдаги: «Германия учун ўлдилар. 1945», дейилган ёзув ҳам унинг тўғрисида эмас. Ҳозир уни, ақалли, Гитлер ва Геббельс давлати сенинг ватанингдир, деган ёлгон гап бўғмайди-ку, ўша давлат уни азобларга ва ўлимга дучор қилди.

Уч болали бу хотин қочоқлар орасида шу ерларга келган пайтида уруш оёқлаб қолган эди. Гитлернинг минг йиллик империясининг куни битди, ҳалиги хотин, менинг куним ҳам битди, деб ўйлади. Чунки унинг бутун ҳаёти қалбакилик устига қурилган эди, бу қалбакилик маҳв бўлгандан кейин — у ҳеч нарсага эришди. У биринчи дуч келган бутуққа болаларини осди, кейин ўзини осди.

Орадан бир ой ўтмаган эдики, эри урушдан қайтиб келди. У оиласини анчагача кидириб юрди. Оиласига

нима бўлганини билгандан кейин: «Болаларимни ҳам бўғиб ўлдирибди-я!» — деди.

Уни эса ҳеч ким қидириб юрмади ҳам. Уни катта қабрнинг ёнига қўмиб қўяқолишди. Дехқонлар, унинг қишлоқни бошдан-оёқ айланиб, биронталарингизда тўппонча йўқми, деб сўраганини эслайдилар, холос. Қулаган бутни кўтариб қўяй деган одам ҳам йўқ. Уни ўзлари орқасидан гўрга тортган ўликларнинг у билан ишлари йўқ, тирикларнинг ҳам.

Улар шу тариқа ер бағрида ётишибди, ўрмонда болталар жаранглаган кундан бери теварак-атрофда сайҳон пайдо бўлди; улар эса ёлғиз қолаверишди. Баъзан ўрмон олмахони қабрга сакраб чиқади, ўтлоққа ақли кўзлари билан олазарак назар солади, кейин бу беҳосият ердан нарироқ юриш учун қайинчадан қарағайчага, шохдан-шоҳга ҳақкам-дуккам сакрай-сакрай чакалакзорга кириб ғойиб бўлади.

Болалар эса бу қоронғи, даҳшатли қабрдан қочиб кетолмайдилар. Ўзганинг гуноҳи уларни оғир юк бўлиб босиб тушган. Улар ортиқ қабр тошини кўтаролмайдилар, қишлоқдаги болалар билан ўйнолмайдилар, кўк блузада¹ эркин далалар бўйлаб юролмайдилар, улар жанобларнинг куни битганда, ҳаёт битмай, балки бошланганини билолмайдилар.

Ҳа, ҳаёт бошланди... Бу ўтлоқ шудгорга айланди, «Германия учун ўлдилар» деган сохта сўзлар ўчиб кетади, тупроқ ҳам тупроқ бўлиб қолади, қабр тоши ҳам қумга айланади, ҳаёт эса — мангу давом этади.

МИНА

Антон Шульц гитлерчилар армиясида унинг биринчи кунидан охирги кунигача солдатлик қилди; урушнинг охирги куни у асир ҳам тушди, лекин орадан анчагина йиллар ўтгач уйига эсон-омон қайтиб келди. Қелса, хотини, учала ёш ўғилчасининг ҳам тан-жонлари омон экан, оталик қалби қувонди.

Хотини — фаҳмли, вазмин ва меҳнатсевар бу аёл, машаққатли вақтлар бўлса ҳамки, болаларини омон сақлабди, уйни эҳтиёт қилибди. Мана энди хотини унга тўртинчи бола туғиб берди. Эри урушдан илгаригидагига ўхшаб

¹ Немис пионерларининг кийими.

хизматкорликка ёлланди. Қишлоқдагилар уни ҳурмат қилишарди; у эсли-ҳушлигина киши сифатида танилган эди. «Энди бу барча борди-келди машақатлардан кейин маълум бўладики, унинг айтганлари тўғри экан», деб ўйларди хотини. Эри, хотини уни танигандан бери — Веймар республикаси даврида ҳам, Гитлер ҳукм сурган вақтда ҳам, мана ҳозир, Демократик республика даврида ҳам яққаш бир гапни айтар эди: «Буюрган ишларини қил, унингни чиқарма!» «Ҳойнаҳой шунинг учун ҳам бошгинасининг устида хуштак чалиб юргани билан на ўк, на снаряд қор қилолган бўлса керак унга,— деб ўйларди хотини.— Бир чеккада тураверсанг — бундан кўра омон саклайдигани йўқ! Биз фалокат кўрмадик — ҳамма нарса ҳам фалокат бўлавермаса керак».

Шу йил баҳорда учта боласи қум олинадиган чуқур яқнида ўйнаётган эди. Яқинда ёмғир ёғиб ўтган, илик қуёш ерга ёввош нур сочар, ҳаммаёқ кўм-кўк, яшнаган эди. Болалар қумда ўйнаётиб, бундан бир неча йил илгари солдатлар ташлаб кетган милага тегиб кетишди... Болаларни мина портлатиб юборгани маълум бўлгач, бутун қишлоқ оёққа қалқди. Хотинлар Шульцнинг хотинини ўраб олишди, нима деб кўнглини кўтаришни билишмасди. У эса оғир кулфатдан тошдай қотиб қолди, кўкрагидан сут кочди; кўлидаги гўдакни эмизгулик кучи ҳам қолмади. Кимдир: «Худонинг хоҳиши», деди. «Такдир», деди яна биров.

«Нега уруш бўлди экан-а?» — деб сўради она.

ТУНУКАСОЗ

Франц Бандуш тунукасоз, коляскасида қишлоқма-қишлоқ кезади. Ёнида ити ғилдиракли яшиқни тортиб юради; бу яшиқ унга ҳаво айниган пайтларда бошпаналик ҳам қилади, омбори ҳам, устахонаси ҳам шу. Яшиқнинг ёнбошида — тинчлик каптарининг сурати.

Бандуш урушда оёғидан ажралган, шунинг учун ҳам ҳамма ишларига коляскада боради; яшиқ ўрнатилган арава-ча колясканинг ёнига тиркалган. Ит аравачани тортади, Банду эса тутқиқларини ишлатиб, унга ёрдам беради.

Бандуш оёғидангина эмас — уйдан ҳам ажралган. Урушгача Силезияда устахонаси бор эди. Рост, ҳозир, келиб қолган шаҳарида хонаси ҳам бор-у, лекин у ерда фақат қиш кунлари яшайди, баҳордан кеч кузгача ўлка бўйлаб кезиб юради. Қишлоққа йўртиб келади, мурувватли

одамлар уни коляскасидан тушириб қўядилар, у майнанинг уясига ўхшаган гилдиракли инини бир чеккага чиқариб, кавшар лампасини ёқади. Буюртмачилар муштоқ қилиб қўймадилар; тешилган кастрюлька ва товалар, бамисоли касал табибга югургандек, рафлардан туша солиб унга қараб югуради, дейиш мумкин. Ҳатто ёмғир шувалаб турган бўлса ҳам хотинлар энсиз том панасига биқиниб, кавшар лампага яқинроқ келадилар, гўё у юракларига илиқлик бераётгандек, кетмайдилар. Биттаси: «Туғилган кунимга қаҳва дамлайдиган чойнак совға қилишган эди, келиним тушмагур — ҳали қуюлмаган-да! — тумшугини эритиб қўйибди», деб нолийди. Яна биттаси: «Бувимдан мерос қолган товам худди неварамни узатай деб турганимда тешилиб қолса бўладими!»— деб обидийда қилади. Бандуш индамайди. Келин қуюлмаган экан кимга дод дейсан; катта бувингнинг товаси тешилган экан — тешилмай ўлсинми энди! Лекин Бандуш мушқулни осон қила олади. Това неча йиллик умри мобайнида биринчи марта ковия билан юз кўришади, қаҳва чойнаги руҳдан қилинган янги тумшуқ тақади. Устанинг қулоғига хотинларнинг эзма-чурук гаплари киради, олам-жаҳон гапларини эшитиб тавба дейди; оғизларининг туйнуғи кавшарланмаган дейилганича ҳам бор экан-да! Тўй, сомса, меҳмонлар, сеп, машиналарни ижарага берадиган станция, ўрим-йиғим, республика, уруш вақтида кўриб-кечирганлари; янги уруш бўлмаса яхши эди... Вайсанглар-а, вайсанглар, азизларим, вайсаш — унинг қўлидан келадиган иш эмас. Унинг иши — кавшарлаш.

Одамлар унга ишонадилар, улар биладиларки, у керак бўлиб қолса — ҳаммавақт ҳозир. Баъзан итини мактаб қўядилар; баъзан: «каптаринг худди тиригига ўхшатиб чизилган-а», дейдилар. Улар: «Бу суратни нега ёпиштирдинг?»— деб сўрамайдилар — сабаби ўз-ўзидан маълум. Бандушга бир қараб қўйилса бўлгани. Лекин гоҳо: «Хўш, нима дейсан, шу нарса туфайли тинчликни сақлаб қолармиканмиз?»— деб сўрайдилар. У уларга биронта маънилиқ гап айтмайдию, ишидан бошини кўтариб таажжуб билан тикилади. Ҳамма тушунади: токи у қишлоқмақишлоқ юрар экан — мамлакатда тинчлик ҳукм суради. Тинчлик уларнинг барчасига керак, бу ҳаммадан кўра муҳим нарса.

Қуёш анчагина пастлаб қолган; унинг қия нурлари энг хилват бурчакларгача мўралаб, кундуз куни кўзга чалинмайдиган кўпгина нарсаларни ёритади. Гарчанд Бан-

душ кичкина кавшар лампаси устида эгилиб, ғўлачада ўтирган бўлса ҳам, у узокларни кўради; унга худди уфкнинг остидаги қишлоқ кўриниб туради. У бугун ўша ерга ҳам бориб ишламоқчи, ўша ерда тунаб қолади. У худди катта жангдан кейин айланиб юрадиган маркитанткага¹ ўхшаб, қамғоқдек кезади.

Унинг кўмаги, жангдан кейин эмасу — ўримдан кейин айниқса зарур бўлиб қолади. Айниқса ҳамма нарса капитал ремонтга бериладиган, байрам ўтказиладиган, синиқ-мертик, телик-тешиқлар тузатиладиган вақтида айниқса аско-тади.

Унинг кўнгли хотиржам. Бир вақтлар, бир дақиқагача, энди ҳамма нарса сувга урди, деб ўйлаган, қўлини ювиб кўлтиғига уришига ҳам сал қолган эди. Ҳозир эса ҳаётдан мамнун. Аввалги касби билан нон топади. Лекин ҳозир очиқ ҳавода, ҳозирги иши — қоронғи устахонасида шаҳарли инжиқ мижозлардан гап эшитиб қиладиган ишидан кўра хийлагина кўнглига ёқади; ўшалардан раҳмат эшитиш қаёқда эди, кавшарлаш билан қалайлаш ҳам иш эканми, дегандек истехзо қилишарди.

Бу ерда эса — яхши биладики, ишладими — иши зое кетмайди. Кампир, товани оловга қўйган заҳотиёқ уни яхши сўз билан тилга олади; келинчак изза тортади. Қайтишида, ишининг нафъи теккан-тегмаганлигидан вокиф бўлади.

У лампасини ўчиради. Одамлар уни коляскасига чиқариб кўядилар. Ити — Виду аравачани тортиб кетади. Йўлга чиққандан кейин Бандушнинг тили ечилади. У кўраётган нарсаларининг ҳаммасини итига гапириб беради. Қишлоқ кўчаси шоссега олиб чиқади: уни қара Виду, ана у далада ҳали ҳам буғдой ўришаяпти; ҳов ана, отлар трактордан ҳуркиб олиб қочди, улар бу қочишида кечгача Нейензе қишлоғига ҳам бориб қолади. Индинга биз ўша ерга борамиз. Қара, Венделнинг қўлида батраклик қиляётган Гельмер отларнинг орқасидан қувиб кетаётибди! Ана, етиб олди, қайтарди-я! Индинга у эски кружкасини бизга яна кавшарлатгани олиб келса керак. Унинг хўжайини Вендель ўзининг нарсаларидан биронтасини ҳам қалайлатгани бермайди, хизматкорлари овқат ейдиган чақа товоқларни бериб қолмаса агар; биронта челак чиқариб берар.

¹ Маркитантка — эски замонда уруш майдонида озиқ-овқат сотиб юрувчилар шундай деб аташарди.

Ўзининг идиш-товоқларини қалайлатиб нима қиларди, ошна, мен сенга айтсам, бу Вендельнинг ҳамма идишлари мисдан, узоқ хизмат қилади. Виду, бу Вендель дегани ёнбошлаб ётаверсаю батрак унинг ўрнига от қувлаб юрса, кип-қизил уят-да. Отларни ҳуркитган трактор ҳам ўзиники, шунинг учун Вендель машиналарни ижарага берадиган станция билан шартнома тузган эмас-да. У станцияга ҳам, ерини станция ҳайдаб берадиган деҳқонларга ҳам тишини қайрагани-қайраган.

Ит қўшилган аравача кишлоққа кириб боради. Бандуш карвонсаройнинг ёнига жойлашар-жойлашмас, уй-рўзгор ишидаги хотин-халаж шикастланган идиш-оёқларини олиб келади. Мана, хотинлардан бири зиҳи қалин, қизил, антиқа кастрюль олиб келди. Хотин: «Бу кастрюльни менга шаҳарда, Халқ бирдамлиги ташкилотидагилар беришди», дейди. Бандуш мушкулини дарров осон қила-қолганидан шўрлик ўзида йўқ хурсанд — ҳозирнинг ўзидаёқ овқат пишираверса бўлади-да. Ўз идишингиз кун кўришинг мушкул, бегонадан бирон нарса сўраб олишинг маҳол, ҳар битта чўпини миннат қилади! Кейин кичкинагина кастрюлька кўтарган хотин келади; кастрюлькаси битта гўдак тўйгулик бўтқага лойик. Унинг тешиги ҳам кичкинагина. У хотиндан кейин каттакон чўмич кўтарган кампир пайдо бўлади. Чўмич эмас — дастаси бор баҳайбат кастрюль. Ахир чўмичнинг таги ҳам куйиб тешилар эканми? Бандуш ҳали сўраб улгурмаган ҳам эдики, ёнида икки эгачи пайдо бўлди, чўмич олиб келган кампир нима гаплигини тушунтира бошлади; келини йиқилиб тушибди, уни тўлғоқ тутиб қолибди, кампирнинг эси чиқиб кетганидан чўмични плита устида унутиб қолдирибди.

Улар кетаётиб каптарга қарайдилар, кимдир устадан сўрайди: «Каптар қалай — ундан фойда борми?» Бандуш бош силкийди, улар мамнуният билан хотиржам жўнайдилар.

Уни пичанхонада тунагани таклиф қиладилар, аравачасини ғилдиратиб ҳовлига олиб кирадилар, итига овқат берадилар. Бу кулбада тинчлик қарор топади.

Эртасига наҳорлаб, деҳқонлар далага чиқаётганларида Бандуш яна йўлга тушади. Қўшни кишлоққа олиб борадиган йўл устида қаср турибди, унинг олдида бир неча азм туп каштан. Илгари атрофдаги далалар шу қаср эгасига қарашли эди. Қарағайзор унинг чорвоғи, кишлоқ аҳолиси — хизматкорлари эди. Ҳозир ерни тақсимлаганлар. Қаср темир йўлчиларнинг дам олиш уйига айлантирилган. Ана,

табаррук зот хўжайинларидан кўра темир йўлчилар касаба союзини афзалроқ кўрган ошпаз кампир сув олаётибди. Дарвоза томондан таниш итнинг тумшуғи кўриниши биланок, кампир: «Бормисан!» — дегандек нафасини бўшатади. У челақни ерга кўяди, лекин аллақасери тешик эканини эслаб, сувини тўкади ва челақни тунукасозга олиб чиқади. Кейин у ошхонага югуриб кириб, зиҳи қалин каттакон қизил кастрюль кўтариб чиқади. Бандуш бу кастрюльни энди кўраётгани йўқ. У илма-тешик, қирқ ямоқ бўлиб кетган. Бандуш бу гал ўзини тиёлмай:

— Мен кастрюль тузатаман-ку ахир, менга нима деб галвир кўтариб чиқдинг? — дейди.

Ошпаз кампир хўрсиниб кўйиб, кўшниларига ҳасрат қила бошлайди. Илгари вақтларда бунақа кастрюлькалари бир дунё экан, ҳозир нуқул кичкиналари қолибди, ҳамма овқатни шу кастрюлька пиширишига тўғри келармиш. Ишлатса бўладиганидан яна битта бор экану солдатлар олиб кетиб қолишибди, бинойидек буюмни гулханга осиб расво қилишганмиш. Ҳозир каердалигини ёлғиз худонинг ўзи билармиш.

«Мен ҳам биламан, — деб ўйлайди уста, — мен уни куни кеча тузатган эдим».

Одамлар одатдагидек унинг аравасини томоша қилиб сўрайдилар: «Яна уруш бўладими?»

Бандуш бошини чайқайди. Одамлар унга ишонадилар, улар уни, ҳақиқатдан воқиф, деб ўйлайдилар. Башарти у: «Йўқ», дер экан — уруш бўлмайди.

Уруш уни кўп нарсасидан жудо қилди, яхши ҳамки, ақалли ити бор, ёрдамлашаётибди. Унга, тинчлик бўлса бас. Бу тинчлик ўзиники, у тинчликни яхши кўради.

У итига шундай дейди:

— Тушундингми, Виду? Солдатлар кастрюлькани олиб кетишибди. Мана энди ошпаз хотин, мен оёғимга ачинганимдай, унга ачинаётибди. Кейин солдатлар кастрюльни ташлаб кетишгану қочоқлар топиб олиб, керакли жойга олиб бориб топширган, кейин уни, кеча бизга кастрюлини қалайлатган хотинга беришган. Ошпаз хотин буни билмайди, мен эса ҳамма гапни биламан, ошна.

Бали, у шу атрофда, йигирма чоғли қишлоқда юз бераётган ҳамма нарсадан воқиф. У, кастрюлларга нима етишмайдию уларнинг эгаларига нима етишмайди, буни ҳам билади. Шундай қилиб уларнинг тинч-осойишта юртида ҳамма нарса аста-секин изга тушмоқда.

ЯНГИ РЎЗҒОР ЭҒАСИ

Антон Гамбуш Бранденбургдаги Хагевальд кишлоғига урушнинг охирида, кир кийимлари йиртиқ, охирги ботинкаси йиртилиб, оёқлари қонталаш бўлиб кетган, кир-яғир ҳолда роса азоб чеккан хотини билан бирга кириб келган эди. Умидсизлик ва ваҳима унинг қалбини анчагина тилкалаган, қалби эса тинимсиз ачишар эди. Айтилган ҳар бир сўзга зарда билан ўшқириб берар; узатилган кўлни — урса керак, деб четлатар; ёрдам бермоқчи бўлсалар — рад этарди.

Совет коменданги помещчик ерини кишлоқ камбағалларига тақсимлаб бериб, Антонга етти ярим гектар ер текканда — хотини уни далага чиқишга кўндиргунича анча овора бўлди. Унга энг керакли асбоб-ускуна ҳам, помещчикнинг фермасидан сигир ҳам, унча-мунча увок моллардан ҳам тегди. Гамбуш янги рўзғор эғаси бўлиб қолди, лекин бошда кўли ишга боринқирамайроқ ишлади.

Ҳар ҳолда, янги қонунлар унга ҳам ёқди шекилли, иморат қуриш учун бўнак берила бошлаб, кўримсизроқ бўлса ҳам ўз уйига эға бўлгач — одамларга ўшқирешини кўйди. Лекин илгаригисидан ҳам индамасроқ бўлиб қолди; сўкишни ташлаб бамисоли гапиришни ҳам эсидан чиқариб кўйгандек, чурқ этиб оғиз очмас эди. У ўз даласида индамасдан, астойдил ишларди; мажбуриятларининг ҳаммасини топширарди, кейин ҳатто ошиғи билан адо этадиган бўлди.

У ҳеч қачон эл ичига чиқмас — кўнглидагини ҳатто хотинига ҳам айтмас, унда фикр деган нарса йўғу ичи бамисоли қуруқшаб кетгандек эди.

Шу йили Хагевальдда Тинчлик ҳосилоти байрам қилинаётганда ўша Антон Гамбуш кўнглидаги гапни қандай изҳор этиш йўлини дарров топди.

Кучок-кучок буғдой боғлари ортилган, ясатилган аравалар байрамдагидек кетма-кет тизилиб борар; булар орасида эса устига эски жулдур кийган, қовоғи солиқ, ғазабланган Гамбуш латта-путта, йиртиқ ботинкага ўхшаган эски-туски нарсалар ортилган шалоқ аравачани сургаб борар эди; аравачага ўрнатилган тахтага шу сўзлар ёзилган эди: «Гитлер ва урушнинг менга берганлари шу эди!»

Оркасидан келаётган аравада уйиб ортилган буғдой боғлари устида бисотидаги энг яхши кийимларини кийиб олган хотини хурсанд бўлиб ўтирарди. Бу аравага ҳам

МУНДАРИЖА

| | |
|--|----|
| А. Пушкин. Қиржали | 4 |
| Л. Толстой. Базмдан сўнг | 10 |
| Ф. Достоевский. Аломат одамнинг туши | 20 |
| А. Чехов. Хамелеон..... | 24 |
| М. Горький. Ҳаётнинг хўжайинлари | 28 |
| М. Шолохов. Хол | 43 |
| Тойчоқ | 52 |
| А. Толстой Рус характери | 60 |
| К. Федин. Лениннинг расми | 68 |
| Н. Тихонов. Гул | 74 |
| А. Алдан-Семёнов. Тонг | 79 |
| С. Антонов. Ўрмондаги суҳбат..... | 86 |
| Л. Соболев. Сартарош Леонард..... | 93 |
| В.Карпов.Кумда | 96 |

II

| | |
|--|-----|
| М. Стельмах. Улар куёшни кутмоқда эдилар | 136 |
| Я. Мавр. Нечун | 148 |
| И. Гурский. Семёниха | 158 |
| Г. Севунц. Ошиқ чашмаси | 162 |
| Н. Думбадзе. Хазарула | 166 |
| Х. Хавпачев. Чандиқ | 172 |
| Ш. Алядин. Феруза | 180 |
| Ю. Бўлат. Тўфонда қолган сурув. | 189 |

III

| | |
|---|-----|
| М. Твен. Масал | 194 |
| О. Генри. Афсунгарларнинг тухфалари..... | 196 |
| Миршаб ва муножот | 202 |
| Сўнги япроқ | 209 |
| Биржа даллолининг ишқ савдоси | 216 |
| А. Конан Дойл. Интернатда содир бўлган ҳодиса | 220 |
| Р. Тагор. Насрий дostonлар | 252 |
| Қизиқчи | 252 |
| Пари | 254 |
| Оқшом | 258 |
| Бошқа осмонда | 259 |
| А. Зегерс. Тинчлик | 262 |
| Қабр | 262 |
| Мина | 263 |
| Тунукасоz | 264 |
| Янги рўзгор эгаси | 269 |

А 89

Афсунгарлар тухфаси. Ҳикоялар (В. Рўзиматов тарж.) Т. «Ёш гвардия», 1989,—272 б.

Ушбу тўплам мохир ўзбек таржимони Ваҳоб Рўзиматовнинг узок йиллик меҳнати самараси сифатида тайёрланди. Тўплам жаҳон, рус ва қардош халқлар адабиёти хазинасидан муносиб ўрин олган ҳикоялардан тузилган.

Родинка. Рассказы.

С6

Адабий-бадний нашр
Литературно-художественное издание

На узбекском языке

РОДИНКА

Рассказы

Редактор Р. Маърупова
Рассом М. Карпузас
Расмлар редактори Н. Абдуллаев
Техн. редактор У. Ким
Корректорлар: Б. Юнусов, С. Сайдолмов

ИБ № 2495

Теринга берилди 17.03.89. Босмага рухсат этилди 14.09.89. Формат 84×108½, № 1 босма қоғозига. Обықовенчо-новая гарнитурада. Юқори босма усулда босилди. Босма л. 8,5. Шартли бос. л. 14,28. Шартли кр. отт. 14,70. Нашр. л. 14,93. Тиражи 60000. Заказ № 5921/146. Баҳоси 1 с. 60 т. Шартнома 48—88.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Еш гвардия» нашриёти. Тошкент, 700113, Чилонзор массиви, «Правда» газетси кўчаси, 60-уй.

Дианозитналар Ўзбекистон ССР Нашриёт. полиграфия га китоб савдоси ишлари Давлат комитети «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бош корхонасида тайёрланди. 700129. Тошкент ш., Павлов кўчаси, 30.

Матбуот полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-босмахонасида босилди. 702800. Янгийўл ш., Самарқанд кўчаси, 44.